

उज्बेक ललित  
साहित्य का प्रकाशन गृह  
ताशकंद - १९५८

ЎзССР ДАВЛАТ  
БАДИИЙ АДАБИЕТ НАШРИЕТИ  
Т О Ш К Е Н Т - 1958




# भारतीय लेखकोंकी कहानियाँ



ہندوستانی مصنفوں کی  
کہانیاں






**ҲИНДИСТОН**




**ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ**



**ҲИКОЯЛАРИ**



Тўпловчи А. П. БУЯНОВА  
Изоҳларни тузувчи  
НАБИ МУҲАМЕДОВ



## СЎЗ БОШИ

Бундан бир неча йил илгари ҳинд маданияти арбобларидан бири Калкатта шаҳрида совет санъати ходимлари делегациясини табрик-лаб бундай деган эди:

«Биз Ҳиндистонга, унинг халқлари кўзи билан қарашингизни сўраймиз. Табиатнинг ватанимизга сахийлик билан бахш этган мислсиз бойликлари сизни мафтун этишига, бепоен мамлакатимизнинг гўзал манзаралари, унинг ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси қалбингизда чуқур таассурот қолдиришига аминмиз. Аммо ҳамisha ёдингизда бўлсинки, Ҳиндистоннинг пойтахт шаҳарлари ўзининг арклари, дангиллама меҳмон хоналари ва кино-театрлари билан мамлакатимизнинг ҳақиқий ҳолатини акс этдирмайди. Ўз мамлакатингизга қайтгач, Совет Иттифоқи халқига ҳинд халқи яшаётган шароит ҳақида ҳикоя қилиб беришни унутмасликларингизни илтимос қиламиз!»

Китобхон бу тўпلامга киритилган ҳикояларни ўқиб кўриб, юқоридаги сўзларнинг нақадар ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилади. Бу ҳикояларда арк ва ҳашаматли меҳмонхоналар тасвири йўқ, саҳифаларни хушсуханликнинг антиқа гуллари безатмайди. Улар жонли ҳақиқатнинг аччиқ нафасини ўзида сақлаб қолади. Ёзувчиларнинг эътибор марказида халқ, оддий кишилар, уларнинг гулдек қўллари, олижаноб ва фазилатли хулқ-авторлари, мулоим кўнгиллари, уларнинг қашшоқликка қарши истиқбол ва бутун дунёда тинчлик учун кураши туради.

Китобхонларимизга тақдим этилаётган бу тўпلامдаги ҳикояларнинг кўпчилиги ўзбек тилида биринчи мартаба нашр этилиши билан бирга, бевосита урду, ҳиндий ва инглиз тилларидан таржима қилингандир.

Тўпلامга киритилган ёзувчиларнинг кўпчилиги 1936 йилда ташкил топган демократик илғор санъат учун курашувчи «Умумҳиндистон тараққийпарвар ёзувчилар жамияти»га асос солган ёзувчилардир. Булар орасида ҳозирги замон ҳинд адабиёти классиги Прем

Чанднинг (1880—1936) мавқеи жуда баланддир. Бу тўпламга Прем Чанднинг «Охирги совға», «Вафодор хотин» ва «Чиллак ўйин» ҳикоялари кирган.

Кичкина почта ходимининг ўгли Прем Чанд ёшлигидаёқ феодал ва мустамлака зулмининг даҳшатларини бошидан кечирди, ўн миллионлаб ҳинд меҳнаткашлари туғилиб ўлаётган оғир муҳтожлик ва қашшоқликни ўз кўзи билан кўрди.

Прем Чанд адабий фаолиятининг дастлабки йиллари инглиз империализмининг мустамлакачилик зулмига қарши олиб борилган 1905—1910 йиллар миллий-озодлик ҳаракатининг юксалиши даврига тўғри келди. Ҳинд халқининг озодлик учун курашга илҳомлантирувчи туйғудан Прем Чанд ҳам бебаҳра қолмади. У ёзувчи, публицист ва жамоат арбоби сифатида миллий-озодлик ҳаракати ғоялари таъсирида вояга етди ва ижод қилди.

1929 йили империализмга қарши оммавий чиқишлар авж олган вақтда Прем Чанд бу ҳаракатда иштирок этади. Кейинчалик у ватанининг озодлиги ва жонажон халқининг қулликдан чиқишига шахсан ўз иштироки билан ва асосан истеъдодининг улғу қудрати билан катта ҳисса қўшди.

Ҳозирги замон ҳинд тараққийпарвар адабиётининг биринчи ўринда турган моҳир санъаткорларидан бири Мулк Рож Онанддир. Мулк Рож Онанд кўпгина роман ва ҳикоялар, фалсафий асарлар ва адабиётшуносликка оид мақолалар ёзган.

Мулк Рож Онанд 1905 йилда Шимолий Ҳиндистоннинг Пешовар шаҳрида туғилди. Унинг отаси инглиз-ҳинд армиясида хизматда бўлиб, обиласи билан бирга полк кўчиб ўтган ерларга кўчиб юрарди. Шу сабабли ёш Онанд бутун Ҳиндистон бўйлаб кўп саёҳат қилди. Бўлажак ёзувчи чет эл мустамлакачилари томонидан жабрланган ҳинд халқи ҳаётини синчиклаб ўрганарди.

1919 йилдаёқ Мулк Рож Онанд Панжоб ёшларининг империализмга қарши ҳаракатида қатнашади.

Онанд Англияда ўқишни битириб фалсафа фанлари доктори унвонини олди ва ўша ерда Джек Линдсей, Ральф Фокс, Кодуэлл, Саммерфильд каби эркин фикр юритувчи ёзувчилар билан танишди. Бу танишув унинг савиясини оширди. М. Горький асарларини мутлақ қилиб, рус ва совет ёзувчиларининг китобларини ўқиб, у ўз ватанида бўлаётган нарсаларга қандайдир янгича қарай бошлайди. Ҳинд халқининг ҳаёти Онандга бошқа бир дунё бўлиб кўринди, марксизм билан танишиши эса унга адабий изланишлар ва асарлар яратишда бир машғал бўлди.

1938 йилда ўз ватанига қайтиб келган Мулк Рож Онанд, ёзувчи публицист ва жамоат арбоби сифатида зўр ғайрат билан иш олиб борди.

«Таҳқирланган», «Қулий», «Икки баргу бир куртак», «Улуе одам», «Инсоният гули», «Ҳинд рожасининг шахсий ҳаёти» ва шу каби романлар Мулк Рож Онанд ижодининг меваларидир.

Ўз халқининг истиқболи учун оташин курашчи Мулк Рож Онанд — Жаҳон тинчлик советининг аъзосидир.

Тинчлик ишига хизмат қилувчи асарлари учун унга Халқаро тинчлик мукофоти лауреати деган унвон берилди.

Ушбу тўпламга Онанднинг «Номи қайд қилинмаган одам» ҳикояси киритилди.

Бу тўпلامга ҳозирги замон ҳинд ёзувчиларининг энг атоқлиси Кришан Чандрнинг «Тўлин ой кечаси», «Дўстимнинг ўғли», «Болалик», «Уч безори», «Ҳусн ва ҳайвон», «Бир дублёр қиз» номли ҳикоялари киргандир.

Кришан Чандр 1912 йил Қашмирда қишлоқ ҳақими оиласида туғилди. Лоҳурда формон исоний коллежини битирди. У аввал санъат магистри илмий даражасини, ундан сўнг ҳуқуқлар бакалаври даражасини олди. Чандрнинг адабий ижоди ҳам шу вақтдан бошлади.

Унинг дастлабки ҳикоялари натурализм, символизм ва романтизм таъсиридан холи эмас эди. Бироқ 1936 йилда бутун мамлакатга ёйилган империализмга қарши зўр ҳаракат таъсири остида у ўзининг кўпгина ижодий ва ғоявий позицияларини қайтадан кўриб чиқди. Санъатчи-реалист Кришан Чандрнинг истеъдоди иккинчи жаҳон уруши йиллари ва айниқса урушдан сўнгги даврда тўла-тўқис намоён бўлди.

Кришан Чандрнинг энг машҳур асарлари қаторига «Аннадата» қиссаси, «Аланга ва гул», «Ажанта олдида» номли ҳикоялар тўпلامлари ва бошқалар кирди.

Кришан Чандр актив жамоат арбобидир. 1951 йилда у Умум-ҳиндистон тинчлик советининг бош секретари ва Жаҳон тинчлик советининг аъзоси қилиб, икки йилдан кейин эса, Ҳиндистон тараққийпарвар ёзувчилари жамиятининг бош секретари қилиб сайланди.

Истеъдодли ёзувчи, драматург, сценариячи ва актив жамоат арбоби Хўжа Аҳмад Аббоснинг номи Ҳиндистондагина эмас, бошқа мамлакатларда ҳам жуда машҳурдир. Бу тўпلامда китобхонларимиз унинг «Ишқ дейсизми?», «Мен кимман?», «Қарор», «Ётиб қолган хат» каби ҳикоялари билан танишадилар.

Хўжа Аҳмад Аббос 1914 йилда Поннипатҳ шаҳрида туғилди. У Алигарх университетига таълим олди. Аҳмад Аббос у ерда тараққийпарвар студентларнинг «Алигарх опинион» деган ҳафталик газетасида муҳаррир бўлиб ишлади. 1935 йилдан бошлаб Бомбайда журналистлик қилди. «Бомбай кроникл» журналининг А. Аббос томонидан ташкил қилинган «Сўнгги саҳифа» бўлими кенг шуҳрат қозониб келди. Ёзувчи бу саҳифада ўзининг фельетонлари, сиёсий комментарийлари ва репортажларини босиб чиқарди.

«Ҳиндистон фарзанди», «Келажак бизники» каби романлар; «Ҳинди Америкага қарайди», «Мао Цзэ-дун йўлидан», «Қон ва тош» каби очерк ва ҳикоялар тўпلامлари; «Ганга», «Дайди», каби киносценарийлар; «Мангу барҳаётликка даъват», «Бу Бомбай» каби драмалар ва шунга ўхшаш кўпгина асарлар Аҳмад Аббос ижоди боғининг гулларидир.

Хўжа Аҳмад Аббос ижтимоий тема бўйича йирик санъаткор устадир. Бу темани бадиий воситалар билан ифодалашда аксар омилкорлик билан сўз ишлата билиши, тил бойлиги, бир неча ўзига хос ёрқин ва тўғри ифодалар орқали киши эсида қоладиган қиёфалар яратиш қобилияти унга ёрдам беради.

Китобхонларимиз бу тўпلامда йирик ёзувчи ва истеъдодли сўз устаси Яшполнинг ҳам иккита ҳикоясини ўқийдилар. («Шоҳнинг одиллиги», «Кул босган учқунлар»)

Яшпол ҳозиргача беш роман ва ўн икки тўпламни ташкил этган ўнлаб ҳикоялар ёзгандир. Мустамлака тузуми йилларида ўз ватанининг мустақиллиги учун қизғин кураш олиб боргани учун инглиз маъмурлари Яшполни етти йиллик муддат билан қамоққа ташладилар. Қамоқдалиқ вақтида Яшпол ҳикоя ёза бошлади.

Яшпол икки марта, яъни 1952 ва 1955 йилларда Совет Иттифоқига сафар қилди ва ўз сафари ҳақида империалистларнинг советларга қарши ташвиқотининг қалбакилигини фош қилувчи «Темир парда»нинг ҳар икки томонида» номли китоб ёзди.

Тўпламга совет китобхоналарига шу вақтгача маълум бўлмаган Разия Сажжод Заҳир, Али Аббос Ҳусайний, Муҳаммад Башир, Кумор Қавшал, Дҳум Китту, Деш Читркор каби бир неча ҳинд ёзувчиларининг ҳикоялари ҳам киритилган.

Бу ёзувчилар асарларининг саҳифаларини халққа меҳр-муҳаббат алангаси ёритиб туради. Улар инсоннинг энг гўзал маънавий хислатларини очиб берар эканлар, юксак инсонпарварлик чўққисидан туриб ёзувчи синфларнинг худбинлигини, мустамлакачиларнинг жабр-зулмини, инсонни инсонликдан чиқариб қўювчи, уни камситувчи ва қулликка солувчи барча эскиликлар ва ёвузликларни қоралайдилар. Турли ижтимоий қарама-қаршиликларни дадил кўрсатиб, ўз қаҳрамонларининг машаққатли ва оғир кечинмаларини ифода этиб, юксак драматизмга кўтариладилар. Лекин бу кечинмалар қаҳрамон курашчиларни заифлаштирамайди, балки чиниқтиради ва ўз олижаноб мақсадига етиши, орзуларини амалга ошириши учун янада белни маҳкамроқ боғлаб курашишга отлантиради.

Али Аббос Ҳусайнийнинг «Дала» деган ҳикояси шулар жумласидандир. Ёзувчи бунда икки деҳқон орасидаги кучли адоватни тасвирлаб беради.

Муҳра деган деҳқон ҳасад ўтига бардош беролмай, қўшнисини Чҳийданинг шакар қамишига ўт қўйиб юборади. Бироқ ўзига ён босувчи гувоҳларнинг томоғини ёғлаш учун бор-йўқ мулкни сотиб юборишга тўғри келади. Экиш пайти келиб қолганда Муҳра даласига экин эка олмайди, чунки унинг на ҳўкиси ва на омочи бор эди. Бунинг устига бетоб бўлиб ётиб қолади. Муҳранинг бола-чақаларига раҳми келган Чҳийда, эски хусуматларни унутиб, Муҳранинг гуноҳидан ўтади ва унинг ерини ҳайдаб беради. Деҳқонлар орасидаги адоватнинг ҳулосаси, жоҳиллик, худбинлик ва қашшоқликнинг натижаси — мана шудир. Ҳикоянинг хотимаси оддий кишиларнинг ўртоқлик туйғуларига ишонч билан суғорилгандир.

Кўпчилик ҳикоялар инглизларнинг мустамлака ҳокимияти даврида Ҳиндистон меҳнаткашларининг оғир ва ҳақсиз аҳволини тасвирлашга бағишланган. Масалан М. Р. Онандинг «Номини қайд қилинмаган одам» деган ҳикоясида инглиз ҳўкмронлиги йилларида ҳинд деҳқонининг қанчалик юрагини олдириб қўйганлиги кўрсатилади.

Ромжий деган деҳқонниқига аҳолини рўйхатга олувчи давлат амалдори келади. Эшнқ тақиллаганини эшитган Ромжийнинг жонпони қолмайди, чунки у полициями, солиқ йиғувчими деб ўйлайди. Амалдор деҳқоннинг исмини сўрайди. Ромжий эса исмини ҳеч қандай рўйхатларга ёзмасликларини сўраб ялинади. Яхши-ёмон гапириб, ҳеч нарса чиқара олмаган амалдор охири «Бу ақлдан озган



чолни рўйхатга олиб нима ҳам қилдик? Бу нима-ю, ўлик нима — ўлганларнинг қаторида кетаверади», деб чиқиб кетади.

Ромжий эса амалдорни бир амаллаб исмини рўйхатга туширмасликка унатганидан ўзида йўқ хурсанд бўлиб қолади.

Ҳиндистонни озодлик ва мустақилликка эришув йўли узоқ ва жуда-жуда машаққатли бўлди. Халқ фаровонлиги учун сон-саноксиз жангларда минглаб қаҳрамонлар мардларча ҳалок бўлдилар. Уларнинг номлари тарих саҳифаларида абадий қолади. Халқ бу қаҳрамонлар ҳақида қўшиқ ва дostonлар тўқиган, ёзувчилар эса роман, қисса ва ҳикоялар ёзганлар. Ҳинд ёзувчиларини доимо ўз ватанининг озодлиги учун кураш ғоялари илҳомлантириб келган.

Ҳиндистон халқлари миллий-озодлик курашининг юксак ва олижаноб ғоялари ушбу тўпламга кирган қатор ҳикояларнинг хос мавзудир.

«Охирги совға» ҳикоясида Прем Чанд Ҳинд ёшларининг швадеш ҳаракатида қатнашганлигини зўр маҳорат билан ифодалайди. Бу ва бунга ўхшаш ҳикояларнинг қаҳрамонлари ватанни озод қилиш йўлида ҳатто жонини фидо қилувчи жасур, қайтмас, иродаси кучли кишилардир.

«Уч безори» ҳикоясида Кришан Чандр Ҳиндистон аҳолисининг қайси диндан бўлишидан қатъи назар ҳаммасининг мустахлакчиларга қарши курашда бирдамлиги ғоясини олдинга суради. Бу ҳикоянинг қаҳрамонлари мусулмон йигит, ёш Ҳинду қиз, ва сикҳ йигит она юртини озод этиш учун жонларини фидо қиладилар. Улар «Жай Ҳинд!» (Яшасин Ҳиндистон!) дея инглизлар ўқидан ҳалок бўладилар.

Аҳмад Аббоснинг «Мен кимман?» ҳикояси Ҳиндистоннинг иккига — Бҳорат (Ҳиндистон) ва Покистонга бўлиниши давридаги воқияларга бағишлангандир. Маълумки, Ҳиндистоннинг икки қисмга бўлиниши диний нуқтаи назардан амалга оширилган. Бу бўлиниш вақтида инглиз империалистларининг атайлаб қилган фитнаси ва гижгижлатиши сабабли Ҳиндулар билан мусулмонлар ўртасида умумий қирғин бошланиб кетди. Уша вақтда «Қатли ом» ибораси билан машҳур бўлган умумий қирғин натижасида юз минглаб кишилар ҳалок бўлди, дарё-дарё қон оқди, Ҳиндистон ва Покистоннинг миллионлаб оддий кишилари бошпанасиз қолдилар.

Аҳмад Аббос ҳикояда янги ташкил топган бу икки давлат ўртасидаги чегара чизиғи инсон қони билан аниқланганлигини таъкидлайди. Ур-йикит тўполонда аксар Ҳинду Ҳиндунини ва мусулмон мусулмонни ўлдириб қўярди. Ҳикоя қаҳрамони ҳам шу ҳолни кечиради. Мусулмон уни Ҳинду деб билиб ханжар урса, Ҳинду мусулмон деб қорнини човоқлайди, бироқ қаҳрамоннинг қайси диндан экани муаммо бўлиб қолади. У ўзини бир инсонман, дейди. Бу билан ёзувчи «Инсон — ҳаммадан олдин инсон» деган шиорни кўтаради.

Тараққийпарвар адабиётда Ҳинд хотин-қизлари тақдири алоҳида ўрин тутаяди.

Ҳинд жамиятида хотин-қизлар тенг ҳуқуқлиги, уларни инсоннинг энг оддий ҳуқуқларидан маҳрум этувчи диний хурофот ва тоифавий бидъатларни қоралаш масалаларига «Қарор» ва «Вафодор хотин» ҳикоялари бағишлангандир.

Бу ҳикояларда ҳинд хотин-қизлари қиёфаси жонли ҳақиқат ва катта муҳаббат билан тасвирланади, уларнинг маънавий покизалиги, олижаноблиги, руҳининг гўзаллиги очиб берилади.

Тўпламнинг бошқа ҳикоялари айрим кишиларнинг тақдири, Ҳиндистоннинг хушманзара ва бой табиати, оддий инсонларнинг самимий муҳаббатини ифодалайди. Бу ҳикояларнинг қаҳрамонлари мустаҳкам иродали, олижаноб инсонпарвар кишилардир.

Оқори даражали баднийлик асосида ёзилган бу ҳикоялардаги кучли драматизм, курашнинг баланд руҳи ва юксак инсоний фазилатлари китобхонларни ҳайратда қолдиради.

Ватанмиз билан Ҳиндистон доим дўстона муносабатда бўлиб келган. Бу дўстлик Ҳиндистоннинг мустахлак зулмидан озод бўлиб, мустақил давлатга айланганидан кейин айниқса мустаҳкамланди.

Совет Иттифоқига Ҳиндистон Бош Министри Жавоҳарлал Нерунинг келиб кетиши ва совет давлати бошлиқлари Н. С. Хрущёв билан Н. А. Булганиннинг 1955 йилда Ҳиндистон Республикасига қилган сафарлари совет ва ҳинд халқининг ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамланиши йўлида чинакам тарихий роль ўйнади. Бундан ташқари ҳар иккала мамлакатнинг адабиёт, санъат, маданият ва бошқа соҳа ходимлари делегциялари алмашуви натижасида дўстлик алоқалари янада кенгайди, янада мустаҳкамланди. Бу муҳим воқиалар тинчлик тарафдорлари сафларининг кун сайин ўсиб бораётганлигидан далолат беради. Булар турли сиёсий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотувликда бирга яшай олиши ва ҳамкорлик қилиши ҳақидаги ленинча доно сиёсатнинг порлоқ ғалабасидир.

Бу делегациялар алмашуви натижасида кейинги йилларда СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий, маданий ва илмий алоқалар мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Совет кишиларининг дўст ҳинд халқлари, уларнинг тарихи, қундалик ҳаёти, уларнинг орзу-умидлари, маданияти, санъати, адабиёти ва урф-одатларига бўлган қизиқиши ниҳоят даражада кучайди. Бу масалаларнинг ҳаммаси ҳинд ёзувчиларининг асарларида акс этдирилгандир.

Шунинг учун ушбу Ҳиндистон ёзувчилари ҳикоялари тўпламининг нашр этилиши совет китобхонлари, жумладан ўзбек китобхонлари томонидан шубҳасиз миннатдорлик билан қарши олинади.


*Буянова А. П.*

ПРЕМ ЧАНД

प्रेम चन्द

پریم چند





## ВАФОДОР ХОТИН

### 1

**М**улиянинг олдида эри Каллу ҳеч нарсага арзимас эди. Шундай экан, нима сабабдан энди Мулия қувноқ, хурсанду, Каллу ғамгин, ўйчан? Каллу сийқа чақа, у кимга ҳам керак; Мулия эса гавҳар, унинг юзлаб харидорлари бўлиши мумкин. Каллунинг айниқса амакиваччаси Рожадан катта шубҳаси бор эди. Рожа келишган, хушфеъл, гапга чечан, ҳам хотинларнинг кўнглини овлашни яхши билади. Шунинг учун Каллу Мулияни кўчага чиқармас эди. Агар унга биров қараб қўйса ҳам Каллу чидай олмасди. Кейинги вақтларда Мулия бирон нарсадан камчилик кўрмасин учун Каллу кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлар эди. Қайси қилган яхшилигига худо бу хотинни берди экан — унинг учун жон-дилини қурбон қилгиси келади. Мабодо Мулиянинг боши сал оғриб қолгудек бўлса бас, унинг кўзига дунё қоронғи бўлиб кетади. Мулиянинг ҳам бир туки ўзга эмас. Каллу уйга қайтиб келади-ю, унга жон киради, у бўлмаса сувсиз балиқнинг ўзгинаси. Қишлоқда Мулияга хуштор бўлган йигитлардан кўпи йўқ, лекин хунук Каллуга дунёда ҳеч ким тенг бўла олмайди.

Бир куни Рожа Мулияга:

— Бҳобий, бҳайиё сизнинг тенгингиз эмаслар,— деб гап отди.

— Пешонага ёзилгани шулар эканлар, қанақасига сизга буюрсин?— деди дарҳол жавоб бериб Мулия.

Рожа дилида «иш пишди» деб ўйлаб:

— Худо ҳам хато қилган,— деди.

— Ўз хатосини ўзи тузатади,— деди Мулия кулиб.

Рожанинг боши осмонга етди.

2

Байрам куни Қаллу Мулияга чит сорий олиб келди. Аслида-ку ғалати сорийлардан олиб келиш кўнглида бор эди-я, лекин ёнида пули йўқ эди, баззоз қарзга бермади.

Рожа ҳам шу куни бахтини синаб кўрмоқчи эди. Бир яхши чундрий олиб келиб Мулияга тутди.

— Менга сорий келди-ку,— деди Мулия.

— Кўрдим,— деди Рожа,— ўшандан кейин шуни олиб келдим-да. У сизга муносиб эмас. Бҳайиё шунга келганда ҳам пишиқлиқ қилибдилар. Пулларини аяйдилар.

— Нимага шуни ўзларига айтмайсиз?— деди Мулия кўз қири билан қараб.

Рожа бир пиёла шароб ичган кишидек маст-аласт бўлди қолди.

— Қари тўтини гапга ўргатиб бўладими? — деди у.

— Менга ўша чит сорийнинг ўзи яхши.

— Мундоқ мана буни ўраб кўринг. Қанақа ярашаркин.

— Чит сорий кийдириб хурсанд бўлган одам шоҳи кийгандан хурсанд бўлмайди. Унга шоҳи сорий маъқул бўлса шоҳисидан олиб келган бўларди.

— Уларга кўрсатиб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

— Ундан чиқди, улардан сўрамай олавераманми?— ажабланиб сўради Мулия.

— Сўрашнинг нима кераги бор? Ишга кетганларидан кейин ўраб олинг-да. Мен ҳам бир кўрай.

Мулия қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди-да:

— Бунақаси кетмайди, деваржий. Кўриб қолгудай бўлсалар, балога қолиб кетаман. Яхшиси ўзингиз олиб кетинг,— деди.

Рожа тиқилинч қилиб туриб олди.

— Шундай қилиб олмайман денг, бҳобий. Хўп бўлма-са, мен заҳар ичгани кетдим.

Мулия сорийни токчага олиб қўйди-да:

— Мана, энди хурсандмисиз?— деди.

— Ҳозир бҳайиё йўқлар, бир ўраб кўринг,— деди Рожа Мулиянинг бармоғини ушлаб.

Мулия ичкари кириб чундрийни ўраб олди ва гулдек очилиб, ёниб ташқари чиқди. Рожа унинг билагига қўл чўзиб:

— Шу, сизни олиб бирон ёққа қочиб кетгим келади-да,— деди.

Мулия хушнудлик билан:

— Биласизми, бҳайиёнгизнинг ҳоллари нима бўлади,— деди-да, эшикни ёпиб олди.

Рожага худди олдидаги ширин таомни ҳали қўл урмай туриб биров олиб кетиб қолгандай бўлди.

### 3

Мулия чундрийни эрига кўрсатгиси бор эди-ю, охирини ўйлаб юраги дов бермади. Нимага олиб қолди бунини? У ўзини койиб кетди. Агар олмаса Рожа ранжиган бўлар эди. Нима бўлибди, олиб келган чундрийсини бирпас кийди-ю, кўнгли тинчиди-қолди. Бироқ бу тинч кўринган кўнгилнинг аллақадерини ит таталарди. Нимага энди шу чундрийни олиб қолди-я! Ахир бу Қаллуга хиёнат эмасми? Унинг кўнгли шу хаёлдан хижил бўлиб борар эди. У кўнглини овутди. Нима у Рожага гап отдимиз? Озгина кулганингга бировнинг кўнгли хуш бўлса, бунда нима ёмонлик бор?

Қаллу келибоқ:

— Рожа нимага келган экан?— деб сўради.

Мулиянинг эти жимиллаб кетди.

— Томоки сўраб келган эканлар,— деб важ қилди у.

— Уйга киргиза кўрма уни,— деди Қаллу бурнини жийриб. — Яхши одам эмас.

— Айтдим, томоки йўқ, деб. Кейин чиқиб кетдилар.

— Нимага ёлғон гапирасан?— деди Қаллу бир қадар жаҳл билан. — Томоки сўраб келмаган у!

— Бўлмаса нимага келган эканлар?

— Бошқа иш билан келган бўлса келганки, томоки сўраб келган эмас. Бизникида томоки йўқлигини биларди. Томоки сўраб мен ўзим уникига борган эдим.

Мулиянинг баданига пичоқ урсанг қон чиқмас бўлиб қолган эди, икки бети оппоқ оқариб кетди.

— Бировнинг кўнглидагини мен қаёқдан билай?— деди у ерга қараб.

Бугун байрам куни, Мулия ибодат учун керак бўлган: нарсалариңи тайёрлар эди-ю, лекин дилида ибодатга заррача ҳам иштиёқ, заррача ҳам шавқ йўқ эди. Энди унга худди юзи қаро бўлгандай, Қаллунинг назаридан қолгандай туюларди. Назарида ҳаёт водийси вайрон бўлган эди.

«Худо менга бу ҳусни нима учун берди? Шу кўришим бўлмаганда, Рожа орқамга тушармиди, бугунга келганда шу аҳволга тушиб ўтирармидим. Қора, хунук бўлганимда қанчалик бахтиёр бўлар эдим. Кўнгил ҳам безовта бўлмас эди. Ҳуснинг орқасидан кун кўрадиганлар меникини ола қолса, нима бўларкин. Бунда мени хонавайрон қилди-ку». Хаёлидан шу гаплар ўтар экан, кўзи қачон уйқуга кетганини билмай қолди.

Тушида Қаллу ўлиб ётганмиш. Рожа кириб уни ушлаб олмоқчимиш. Шу пайт қари бир хотин пайдо бўлармиш-да, уни қучоқлаб олиб: «Нима учун сен Қаллуни ўлдирдинг?» дермиш.

Мулия йиғлаб-йиғлаб: «Она, уларни мен ўлдирганим йўқ», дермиш.

Кампир унга жавобан: «Ҳа, сен уларни пичоқ билан сўйиб ўлдирганинг йўқ. Лекин сен қилган хиёнат пичоқдан ҳам ўткир эди», дермиш.

Мулия йиғлаб юборганмиш.

Мулия чўчиб кўзини очди. Қараса айвонда Қаллу ухлаб ётибди. У чоғиб унинг олдига борди ва кўкрагига бош қўйиб ҳўнг-ҳўнг йиғлай бошлади.

Қаллу сесканиб кетиб сўради:

— Қим? Мулия, нега йиғлаяпсан? Нима, чўчидингми? Мен уйғоқман-у.

— Бугун мендан бир хато ўтди,— деди Мулия энтикиб.— Гуноҳимдан ўтинг.

Қаллу туриб ўтирди.

— Нима бўлди? Айт, нега йиғлаяпсан?— деди у.



— Рожа томоки сўраб келмаган эдилар: мен сизни алдаган эдим.

— Буни айтмасанг ҳам билиб турувдим,— деди Қаллу кулиб.

— Менга чундрий олиб келган эдилар.

— Қайтиб бердингми, йўқми?

— Олиб қолдим,— деди қалтираб Мулия.— Олмасангиз заҳар ичаман, дедилар.

Қаллу чуқур нафас олиб чорпояга йиқилди.

— Ҳуснга келганда мен йўқман. Худонинг ўзи бадбашара қилиб яратган бўлса, ахир чиройни қайдан олай,— деди кўнгли вайрон бўлиб.

Қаллу агар Мулияни қайнаб турган ёғга ташлаб юборганда ҳам бунчалик азоб тортмаган бўларди.

#### 4

Ўша кундан бошлаб Қаллунинг дили вайрон бўлиб қолди. На шавқ қолди ҳаётида, на завқу маза. У кулишни, гапиришни буткул унутди. Ўзича Мулиянинг бу бевафолигидан бошқа яна кўп нарсалар тушунди. Қалбига аллақандай шубҳа қисқичбақадек ёлишиб олди. Энди уйи унинг учун фақат ўтириб турадиган жой, Мулия эса овқат пиширадиган машина эди. У бир лаҳза бўлсин ором топиш учун шаробхонага борадиган, ё найки тортадиган бўлиб қолди.

Мулия унинг аҳволини кўриб, ич-ичидан қайғурар, бу шубҳани эрининг дилидан чиқаришни истар эди. Шунинг учун астойдил унинг хизматини қилди. Тивмай кўнглини олишга тиришди. Бироқ шубҳани дилидан чиқариб ташлаш учун қанча кўп ҳаракат қилса, у шунча чуқур томир отиб борар эди. Яхши ҳамки Рожанинг инглиз бошлиғини бошқа жойга ишга юборишди-ю, у билан бирга Рожа ҳам ўша ёққа жўнаб кетди. Бўлмаса амаки-ваччалардан бирининг қони тўкилиши турган гап эди. Шу тариқа орадан яна бир йил ўтди.

Кунлардан бир кун Қаллу уйга кеч қайтди. Уни қаттиқ иситма тутар эди. Эртаси куни баданига майда нарсалар тошди. Мулия қизамиқ деб ўйлаб, ҳолидан хабар олиб, парвариш қила бошлади. Беш кундан кейин ҳалиги майда нарсалар катта-катта бўлиб кетди. Кейин

билса, бу қизамиқ эмас, сув чечак экан. Каллунинг ўлгудек ичкиликка берилиши шу қўйга солиб қўйган эди.

Касал сув тошқинидек тез зўрая борди. Яраларда фасод йиғилиб, шундай қўланса ҳид чиқарар эдики, яқин борган кишининг бурнини торс ёриб юборгудек бўларди. Мулия қишлоқдаги ҳамма дори-дармонни ишга солиб кўрди, лекин фойда бермади. Каллунинг аҳволи кундан-кунга ёмонлашиб борар эди. Дори-дармоннинг ҳам ўзи бўлмайди, пул керак.

Шунинг учун Мулия энди ишлашга мажбур эди. Қаллу у ёқда ўз қилимишининг азобини тортарди, Мулия бу ёқда дори-дармон деб ўлиб-тириларди. Бундай ўйлаб қараса, Каллунинг андиша ва шубҳасини унинг бу хизматлари ювиб кетмоқда эди. Қаллу энди Мулия ҳали ҳам ўзиникилигига ишона бошлади. Агар бир амаллаб тузалиб кетса, ҳаммаси яна бояги-боягидек бўлиб кетади. Мулияга сажда қилади.

Эрта тонг пайти эди. Ҳаво очиқ. Мулия Қаллунинг бет-қўлини ювдириб дори ичирди-да, қўлига елпиғич олиб елпий бошлади. Шу пайт Қаллу кўзларига ёш олиб дардини тўкди:

— Мулия, бундан олдинги туғилишимда жуда катта савоб иш қилган эканманки, сен менга учрадинг. Агар сенинг ўрнингга бутун дунёнинг подшолигини берганда ҳам олмаган бўлардим.

Мулия икки қўли билан эрининг оғзини ёпди.

— Қўйинг, унақа гапларни гапирманг, йиғлаб юбораман ҳозир,— деди эрига.— Мен жуда бахтли эканман: сиздек эрга тушдим.

Шундай деб туриб иккала қўлини эрининг бўйнига ташлади.

— Худо менга гуноҳларим учун шу кўргиликларни берди,— деб қўшиб қўйди Мулия.

— Ростини айт, Мулия, Рожа билан ораларингда қанақа гап ўтган эди,— деди Қаллу самимият билан хотинига қараб.

Мулия ҳайрон бўлиб деди:

— Орада бирон гап ўтган бўлса худо бу кунимни бундан беш бадтар қилсин. Чундрий олиб келган экан, олдим. Кейин ўтга ташлаб куйдириб юбордим. Ушандан бери ўзини кўрганим ҳам йўқ, гаплашганим ҳам.

Қаллу чуқур нафас олиб деди:

— Мен бошқача тушунган эканман. Билмадим ақлим ўшанда қаёқда экан. Сени гуноҳкор қилиб, ўзим гуноҳга қолдим. Мана энди азобини тортяпман.

Каллу йиғлаб туриб кўнглида борини ёзди. Мулия кўзларидан маржон-маржон ёш тўкиб, сўзларини тинглаб ўтирди. Эрини демаганда, у ҳозир заҳар ичиб ўлган бўларди.

Бир неча ойдан кейин Рожа дам олгани келди. Қаллунинг оғир касал билан ётганини эшитиб ўзида йўқ хурсанд бўлди. Касал кўриш баҳонасида Қаллунинг уйига келиб-кегиб турадиган бўлди. Каллу уни кўриб тескари қараб олар, лекин Рожа кунда уч-тўрт марта келар эди.

Бир куни Мулия овқат пишираётган эди, Рожа ўчоқ бошининг эшигига келиб туриб гап отди:

— Бҳобий, энди ҳам бизга илтифот бўлмайdimи? Жуда бераҳм экансиз ўзингиз ҳам. Неча кундан бери сизни қидираман, сиз бўлсангиз мендан қочасиз. Бҳайиё энди одам бўлмайдилар. У кишига сувчечак чиқибди. Энди ўзингизни бекорга хор қилиб юрасизми? Қаранг, гулдек юзингиз сўлиб қолибди. Мен билан юринг. Мундоқ дунёнинг лаззатларидан тотиб кўрайлик. Ешлик узоққа бормади, ўйнаб қолинг. Буни кўринг, сизга маржон олиб келдим. Тақинг, бир кўрай.

У маржонни Мулияга узатди, Мулия ақалли қараб ҳам қўймади. Учоқ томонга қараб туриб деди:

— Лола, қурбонингиз бўлай, менга тегманг. Сизни деб шу балоларга йўлиқдим. Сиз менга душмансиз. Тагин уялмай-нетмай «Бҳайиёни энди нима қиласан» дейсиз. Энди олдингига қараганда минг баробар ортиқроқ яхши кўраман. Бошида мен бўлмасам бошқа хотинга уйланган бўлардилар. Энди мен қарамасам уларга ким қарайди? Мен борман — тириклар. Шу оғир кунда хиёнат қилсам, ўзингиз ўйланг, мендан ортиқ гуноҳкор бўладими? Бунинг устига, тагин шу мусибатга сабабчи мен ўзиман.

Рожа кулиб айтди:

— Нима бўлибди-ю, афандининг дўпписини бошидан шамол учириб кетибди. Афанди шунча қувласа ҳам етолмабди. Шунда айтган экан, ўзи ҳам бошимга тор эди, деб. Шунга ўхшаб сиз ҳам...

Мулия нафрат тўла кўзларини унга тикиб:

— Сиз уларнинг босган изларига ҳам арзимайсиз. Нималар деяпсиз ўзингиз. Яхши кийингани билан, чирой бўлгани билан одам одам бўлиб қоладими? — деди.

Шу пайт Қаллу чақириб қолди:

— Мула, озгина сув бер!

Мулия, сув олиб югурди. Кетаётиб маржонни шундай тепдики, ҳавлининг ўртасига бориб тушди. Рожа шошилиб бориб ердан олди-да, жаҳл билан чиқиб кетди.

## 5

Қаллунинг касали кун сайин зўрайиб борди. Яхшироқ даво бўлганда, эҳтимол тузалиб кетармиди. Лекин ёлғиз Мулиянинг қўлидан нима ҳам келарди. Камбағалчиликнинг устига касаллик дард устига чипқондек бўлади.

Ахир бир куни ажал элидан элчи етиб келди. Мулия уй ишларини қилиб келиб қараса, Қаллунинг нафас олиши оғирлашиб қолибди.

— Тузукмисиз? — деди қўрқиб.

Қаллу ёш тўкди, кафтларини бирлаштирди, бошини қуйи солди. Бу охириги нафаси эди.

Мулия унинг сийнасига бош қўйиб йиғи ва алжираш оламига ўтди:

— Шуйи ҳам кўп кўрдингми, худо! Шуми қилган шафқатинг, мени шунинг учун яратганмидинг, шу кўргиликларни кўриш учун-а? . . . О менинг валламатим, бунчалик бераҳм эмас эдингиз-ку. Мени ёлғиз ташлаб кетяпсиз-а. Вой, энди мени ким Мула деб чақиради? Энди кимга қудуқдан тўлатиб сув олиб келаман? Кимга ош ошатиб қўяман? Елпиғич олиб кимни елпийман? Худо, ҳаммасини олдинг-ку, мени нимага олмайсан?

Бутун қишлоқ йиғилди. Ҳамма уни овутар, Мулиянинг эса йиғиси тинмасди.

«Бунинг ҳаммасига мен айбдорман». Бу гап ҳеч ҳаёлидан кўтарилмасди.

## 6

Қаллунинг ўлганига олти ой бўлди. Мулия ишларди, ейдиганини еб, ичадиганини ичиб, уйда ётарди. Кун бўйи майда-чуйда ишлардан бўшамасди. Ҳа, кечалари ёлғиз ўтириб йиғи-сиғи қиларди.


Бу ёқда Рожанинг хотини ҳам ўлди. Рожа орадан беш кун ўтмай оёқ чиқара бошлади. Энди янада ёшроқ айғир бўлиб қолди. Олдин хотинининг жанжалидан қўрқарди, энди ундан ҳам қўрқмайди. Бир сафар хизматдан қайтгандан кейин, у тўғри Мулиянинг уйига борди. У-бу гапдан кейин Рожа айтадиганини айтди:

— Бҳобий, энди ниятимга етаманми, ё ҳали ҳам ками борми? Энди бҳайиё ҳам йўқлар. Бу ёқда бизники ҳам ўлиб кетди. У-ку аллақачон менинг эсимдан чиққан. Сиз, айтинг-чи, қачонгача бҳайиёнинг азаларини тутиб йиғлайсиз?

Бу гаплар Мулиянинг нафратини қўзғатиб юборди.

— Бҳайиё йўқ бўлсалар нима бўлибди? Бҳайиёнинг ёдлари бор-ку. Муҳаббатлари бор-ку. Суратлари дилимда-ку. Гаплари қулоқларимда-ку. У киши менинг учун ҳали ҳам тириклар. Ҳозир ҳам у кишининг қандоқ бўлса ўшандоқ ўтирганларини кўраман. Илгари у киши эр, мен хотин бўлсам, ҳозир ундан ҳам яқинроқ бўлиб қолганлар. Танимда боқи жоним бор экан, у киши менга борган сари яқинроқ бўлиб бораверадилар. Тўкин-сочин уйда бир дона буғдойнинг қадри қанча? Лекин уй бўш бўлса, бир дона буғдой нималиги билинади. Пулдор одам пулнинг қадрини қаердан билсин. Пулнинг қадри қўлда ҳеч нарса бўлмаса билинади. Йўғида киши қора чақани ҳам ахлатнинг ичидан тишида тишлаб олади. Сизга худо дилнинг ўзини бермаган. Шундай экан, меҳр-муҳаббат нима эканини билармидингиз сиз? Хотинингиз ўлганига олти ой бўлгани йўқ ҳали. Сиз бўлсангиз айғир отдек кўринганга осилиб юрибсиз. У ўлмай сиз ўлганингизда, у ҳам сизга ўхшаб биронта одамникига кетиб қолган бўларди. Аммо мен биламан: мен ўлсам, менинг валламатим ўла-ўлгунча отимни айтиб йиғлаган бўларди. Мана шунақа эрларнинг хотинлари уларга жонини фидо қилади. Сизга ўхшаган ярамаслар бировларга фириб бериб кун кўради. Пешонангизга ёзилгани шу. Майли, аммо қадамингизни билиб босинг! Бугундан бошлаб уйимнинг остонасига оёқ қўйманг! Қўяркансиз, жонингиздан қўл ювиб қўлтиққа ураверинг. Чиқиб кетинг ҳозир уйимдан!

Унинг чеҳрасида шунчалик салобат, гапларида шунчалик улуғворлик бор эдики, буни кўриб Рожа оғиз очишга журъат қилолмади. Фиринг демай чиқиб кетди.



## ОХИРГИ СОВҒА

1

А

марнатҳнинг маъшуқаси четдан келган шоҳи сорий кияман деб қолди. Унинг истагини бажо келтириш зарур эди. Бутун бошли шаҳарда шоҳи сорий топиладиган битта дўкон бор, қолган ҳамма дўконлар газмолу кийимбошга

Конгресснинг муҳрини босдирган эди. Амарнатҳ бир неча кунгача бутун шаҳарни кезиб, бормаган дўконлари қолмади. Икки баравар ортиғига бўлса ҳам олишдан қочмас эдилар. Лекин ҳеч қаердан тополмадилар. Маъшуқасининг қистови борган сари зўрайиб борарди. Ҳўлий яқинлашиб қолган эди. Ҳўлий куни янги сорий киймаса бўлармиди? Унинг олдига бориб, тополмадим дейиш у кишининг эркаклик шаънига тўғри келмас эди. Маъшуқаси агар, осмондаги юлдузни олиб бер, деб бир оғиз айтса, олиб берадиган эдилар. Ахир ҳеч бўлмагач, ҳалиги дўконга боришга аҳд қилдилар. У ерда пикет бўлаётган эди. Эрталабдан кечгача дўконнинг олдида кўнгиллилар туриб, ҳеч кимни дўконга йўлатмасди. Шунинг учун у ерга боришга одамда хос бир журъат бўлиши керак эди. Худди шу журъат Амарнатҳда камроқ эди. У киши ўқимишли одам эдилар. У кишида миллий туйғу деган нарса ҳам бор эди. Йложи борича ўз юртида чиққан молларни ишлатишга ҳаракат қилар эдилар. Бироқ бу масалада айтадиган турғун эмас эдилар. Шу ернинг моли бўлса жуда яхши, бўлмаса, четники бўлса ҳам майли — у киши шу тоифадаги одамлардан эди... Агарда гап ўзларининг устида бораётган бўлса, унда ҳеч қандай ха-

вотирли жой йўқ эди. Ўз эҳтиёжларини албатта, бир неча кун орқага суриб қўя берардилар. Аммо, унинг истаги бевақт ўлимнинг ўзи эди. Ундан қутулишнинг иложи борми? Бугун албатта, сорий олиб келаман деб, аҳд қилдилар. Нега биров тўхтатсин? Бировни тўхтатишга бировнинг нима ҳаққи бор? Ўзимизда чиққан молларни истеъмол қилиш маъқулку-я, лекин бировни жабрлашга кимнинг ҳаққи бор? Шахс озодлиги шунчалар оёқ ости қилинса, жуда яхши озодлик ҳаракати экан-ку!

Шундай қилиб ўзларини дадил тутиб, кечқурун дўконга бордилар. Қарасалар, бешта кўнгилли қаққайиб турибди. Дўкон олдидаги кўчага мингларча томошабинлар йиғилган. «Қандай қилиб дўконга кириб олсам бўларкин» деб ўйлай бошладилар. Бир неча бор ўзларини дадил тутиб дўкон сари бордилар-у, бироқ эшик олдига етганда у кишини дадиллик тарк этди.

Иттифоқо бир таниш пандит учраб қолдилар. Амарнатҳ у кишидан:

— Афандим, қоровуллар қачонгача туради? Кеч ҳам бўлди-ку,— деб сўрадилар.

— Бу кишиларнинг эрта-кеч билан нима иши бор? Дўкон ёпилмагунча, бу ердан кетишмайди. Нима, улайбулай олмоқчимидилар? Ахир, шоҳи кийим олмасдилар-ку,— дедилар пандитжий.

— Мен-ку олмайман-а. Лекин хотинларнинг раъйини қандай қайтарасан, киши?— дедилар Амарнатҳ узр сўраган оҳангда.

— Эй, бундан осон иш йўқ. Хотинларни ҳам алдай олмайдиларми? Юз ҳийла-ю, минг баҳона топилади,— дедилар кулиб туриб пандит.

Амарнатҳ:— Бўлмаса биронта ҳийла топсинлар.

Пандитжий:— Нимасини топади. Эртадан кечгача худди шу иш билан шуғулланилади-да. Юзта-элликта ҳийла ҳамиша чўнтакда ётади. Хотин киши «Маржон қилдириб беринг» дейди. «Шу бугуноқ-да» деб, икки-уч кун ўтгандан кейин, «Заргар молни олиб, қочиб кетибди» дейилади. Бу кундалик ҳангома-ку. Укажон, хотинларнинг иши — хоҳишини билдириш, эркакларнинг иши — силлиғлик билан қутулиш.

Амарнатҳ:— Ўзлари бу бобда, жа устага ўхшайдилар.

Пандитжий:— Нима қиламиз, бҳойи соҳиб. Обрў-

ни сақлашга тўғри келади. Совуқ жавоб берсанг, шармандалик, хафачиликдан қочиб қутулмайсан. «Бизни парво ҳам қилишмайди» деб ўйлашади. Обру сақлашнинг йўли бор. Ўзлари шундай қилсинлар. Хўш, дўконни кўнгилилар қуршаб олганини, албатта, айтган чиқарлар.

Амарнатҳ:— Ҳа, бу узрни бошидаёқ айтганман, биродар. Гапга қулоқ ҳам солмайди. «Нима, Англия моллари дунёда қуриб кетибдими?» — дейди. Бирга юр десанг, ўжарлик қилади.

Пандитжй:— Жуда эпчил, пишиқ хотинга ўхшайди. Бўлмаса бошқа бир йўли бор: биронта бўш қутича топинг. Бир эски кўйлакни ёндириб, кулини солиб олинг. Боринг-да, «Мен сорий олиб келаётиб эдим, кўнгилилар тортиб олиб, куйдириб юборишди», денг... Қалай, маъкулми?

Амарнатҳ:— Ҳеч ҳам ишонмайди. Ҳа, йигирмата эфироз топар. Сир очилиб қолсами, худо урди.

Пандитжй:— Бўш одамга ўхшайдилар, ҳақиқатан ҳам, ўзлари шунақа одамлар. Бундай-да, ёлгонни шундай қотириш керакки, рост ҳам нон еёлмай қолсин. Ҳаётимни нуқул шунақа баҳоналар билан ўтказдим Аммо, ҳеч қачон қўл еган эмасман. Яна бир йўли бор; ўз молимиздан олиб, чет эл моли денг.

Амарнатҳ:— Ўз молимиз билан чет эл молининг фарқини ўзлари билан мендан яхшироқ билади. Чет эл молининг чет элникилигига ҳам ишонмайди. Ўзимизнинг молимиз ҳақида гапирмасак ҳам бўлади.

Буларнинг яқинида, бутун гапдан хабардор бўлиб турган бир қалами кўйлак киши, гапга аралашди:

— Эй соҳиб! Жуда осон иш. Бориб, «Мен чет эл молларини олмайман» деб очигини айтинг. Агар ўжарлик қилсалар, бир кун кечгача овқат емай аразлаб юринг. Ана шунда, ўзларига келадилар-қоладилар.

Амарнатҳ у одамга шундай қарадиларки, гўё «Тақсирим уни билмайдилар-да» деяётгандай эдилар. Аммо овозларини чиқариб:

— Бу ишни ўзлари қила оладилар. Мен бундай қилолмайман,— дедилар.

Қалами кўйлак:— Қилишга-ку ўзлари ҳам қила оладилар, лекин қилгилари йўқ. Бу ердагилар шундай одамларки, мабодо биров ўлиб турса-ю, чет эл дориси кутқариб қоладиган бўлса ҳам ундан қочишади.



Амарнатҳ:— Эҳтимол ўзлари уйларига ҳам кўн-гилдилар қоровулларидан қўярлар?

Қалами кўйлак:— Бўлмасам-чи, аввал уйга қўйиб, кейин кўчага чиқамиз-да, соҳиб!

Қалами кўйлак кийган киши кетгач, пандитжий:

— Бу жаноб Тис Морхондан ҳам ўткир чиқдилар-ку. Яхши, энди бир иш қиладилар; дўконнинг орқа томонида ҳам бир эшиги бор. Сал қоронғи тушгач, шу ёқдан борадилар. У ёқ-бу ёққа қарамасинлар,— дедилар.

Амарнатҳ пандитжийга ташаккурлар билдириб, қоронғи тушгач, дўконнинг орқа эшигига бордилар. Бу ерда ҳам қоровуллар бўлмасайди деб, қалтироқ босарди. Лекин майдонда ҳеч ким йўқ эди. Жон ҳолатда дўкон ичига ўзларини урдилар. Битта қиммат сорий олиб, ташқарига чиққанларида заъфарон сорий кийиб олган бир қиз турарди. У кишида жон-пон деган нарса қолмади. Остона ҳатлаб ташқарига чиқишга ҳам журъат қилмадилар. Бир минутча эшик орқасига яшириниб турдилар. Қиз бошқа томонга қараши билан, тезда чиқиб кетдилар. Бахтсизликни қарангки, ҳасса таяниб келаётган бир кампирга урилиб кетсалар бўладими? Кампир йиқилиб тушиб, қаргай бошлади:

— Ҳа, ярамаслар! Ҳа, сен ҳам мендек қарирсан! Кўзинг кўрмиди, уни туртиб, муни йиқитиб юрасан?

— Она, кечирасиз, кечаси яхши кўрмайман. Кўзойнагим уйда қолибди,— деб ялина бошладилар, Амарнатҳ.

Кампир ҳовридан тушиб, йўлига равона бўлди. Амарнатҳ энди қадам қўйган эдилар ҳамки, тўсатдан биров чақириб қолди. «Бобу соҳиб, бир оз шошмасинлар», деб ҳалиги заъфарон сорий кийган қиз етиб келди.

Амарнатҳ турган жойларида қотиб қолдилар. Ўзларини қўлга олиб кутиб турдилар. У киши худди мударрининг хивичи олдида турган болага ўхшардилар.

— Гўё мен сизни еб қўядигандай, мендан қочасиз. Ўқимишли киши бўла туриб, ўз бурчингизни билмаганингиз жуда ачинарли. Мамлакатимизнинг ҳоли нима-ю? Одамлар бўз-қалами тополмаяпти-ю, сиз бўсангиз шоҳи сорийлар олиб юрибсиз,— деди девижий яқинроқ келиб.

Амарнатҳнинг шармандалари чиққан эди.

— Мен сизга ростини айтаман, девижий. Ўзим учун эмас, бир соҳибнинг талабига биноан олдим,— дедилар.

Девижий чўнтагидан шишадан ясалган билагузук олиб уларга узатаркан:

— Бунақа найрангларни кунда эшитаман. Ё сорийни қайтариб олиб бориб берасиз, ё келинг, қўлингизга шиша билагузукни тақиб қўяй.

— Жоним билан, тақиб қўйинг. Мен уни фахр билан тақаман. Бу билагузук, қурбон бўлган қизларнинг ҳаётлигини билдирувчи бир аломатдир. Уларнинг қўлларида ҳам шу билагузуклардан бор эди. Уларнинг номини эшитиб, ҳозирги кунда ҳам, бошимизни эгамиз. Мен буни уятли иш деб ўйламайман. Агар сиз яна бирор нарса тақмоқчи бўлсангиз, уни ҳам бемалол тақаверинг. Хотинлар ҳурмат қилиш учун яратилган, ҳақорат қилиш учун эмас. Агар халқларни пайдо қилувчи хотинлар шиша билагузук тақишни фахр деб билсалар, нега энди эркаклар учун уни тақиш уят бўлсин?— дедилар Амарнатҳ.

Девижий унинг уятсизлигидан ҳайратга тушди. Лекин, у, Амарнатҳни осонлик билан қўлдан чиқариб юбормоқчи эмасди.

— Гапга келганда, жуда юлдузни бенарвон ураркансиз-у. Агар хотинларни чин кўнглингиздан ҳурмат қилсангиз, нега менинг сўровимни оёқ ости қиляпсиз?

— Чунки бу сорий ҳам бир хотиннинг сўрови билан олинган,— дедилар Амарнатҳ.

— Хўп, юринг, мен ҳам сиз билан бораман. Қани бир кўрай-чи, қанақа хотин экан ўзи,— деди девижий.

Амарнатҳнинг юраклари шиф этиб кетди. Бечора шу маҳалгача уйланмаган эдилар. Бирон нарса тўсқинлик қилгани учун эмас, балки ўзлари никоҳни «ҳаётни кишанлаш», деб билганлари учун уйланмаган эдилар. Бу киши жуда ажойиб табиатли одам эдилар. Уйланишдан қочиб юрган бўлсалар ҳам, мияларига маҳкам ёпишиб олган уйланиш фикридан қочиб қутула олмас эдилар. Ўз муҳаббатларини бағишлаш учун, у кишига қандай бўлса ҳам бир вужуд зарур эди. У кишининг бирдан-бир орзулари — у вужуднинг нами билан ўзларининг қовжираб қолган ҳаёт новдаларини кўкартириш, у билан улфатлик соясида ўтириб бир қадар роҳат топиш, унинг юрагига ўзларида тўлиб-тошган ёшлик ҳисларини нисор айлаб, уларнинг ниш ураётганлигини кўриш эди. У кишининг дидига Малти мос келиб қолди. Малти ҳамманинг оғзида гап-сўз бўлиб юрган бир аёл эди. Бир ярим-икки йил бўлдики, кўп-

нинг бири бўлиб шу аёлнинг домига Амарнатҳ ҳам тушиб қолган эдилар. Ҳозир девижийнинг маҳкам туриб олганлиги, талабчанлиги у кишини бир оз довдиратиб қўйди. Ёшлари шу ерга етиб ҳеч қачон бунақа мазамматга учрамаган эдилар.

— Бугун бир тўйга кетганлар. Уйда бўлмайдилар.— дедилар.

Девижий эътиборсизлик билан кулди-да:

— Энди тушундим, қиз эмас, ўзингиз айбдор экансиз,— деди.

Амарнатҳ ўзларини жуда ожиз сезиб:

— Мен сизга рост гапни айтяпман. Бугун уйда йўқлар,— дедилар.

— Эртага келадиларми?— деб сўради девижий.

— Ҳа, эртага келадилар.

— Бўлмаса бу сорийни менга берсинлар, эртага худди шу ерга келадилар. Мен сиз билан бирга бораман. Уч-тўртта дугоналарим ҳам бўлади.

Амарнатҳ индамай сорийни девижийнинг қўлига бердилар-да:

— Хўп, яхши. Мен эртага келаман. Аммо сиз менга ишонмаяпсиз шекилли, сорийни гаровга олиб қоляпсиз-а! — дедилар.

— Ростини ҳам, мен сизга ишонмаяпман, — деди кулиб девижий.

— Яхши, сиз олиб кета қолинг,— дедилар Амарнатҳ ўзларини тутиб.

— Эҳтимол сиз, сорий йўқолиб қолмасайди, деб хавотир бўлаётгандирсиз. Сиз олиб кета қолинг буни. Лекин эртага, албатта келинг,— деди девижий бир оздан кейин.

Амарнатҳ хижолат тортиб лом демай, уйларига жўнаб қолдилар. Девижий бўлса, «олиб кетинг, олиб кетинг» деганича қола берди.

## 2

Амарнатҳ уйларига бориб, кҳаддар дўконига кетдилар. У ердан икки кийимлик мато олиб, тикувчилари олдига бордилар.

— Халфа, айтганингизни олинг-у, кечаси билан тайёр қилиб беринг,— дедилар.

— Бобу соҳиб, ҳозир Ҳўлий ташвиши, иш кўп. Байрамдан олдин қилиб беролмайман,— деди тикувчи.

Амарнатҳ қатий туриб:

— Оғзингизга сиққангани оласиз. Эртага пешингача тайёр бўлсин. Эртага бир ерга боришим керак. Эрта пешингача қўлимга тегмаса, бошқа киядиган ҳеч нарсам йўқ,— дедилар.

Тикувчи ярим ҳақини олиб эртага битказиб беришга ваъда берди.

Амарнатҳнинг бу ердан кўнгиллари тўқ бўлиб, Малтининг олдига кетдилар. Қадамлари олдинга тушган сари юраклари орқага торгарди. Кошки у кишининг, «Эртага икки соатгина ғариб кулбамни равшан қил», деган илтимосларини қабул қилса. Турган гапки, икки қўлларини бурунларига тиқиб келганларини кўриб, юзини ўгириб олади. Тўғридан-тўғри гапиришмай қўяди. Эртага девижий билан уникага келишини айтишга қандай ботина оладилар. Агар шундай бўлса эртага девижийнинг олдига бориб, арзи-додларини айтишга бетлари чидармикин? Унинг маъсум чеҳрасидаги ёқимлилиқ Амарнатҳнинг қалбларида ҳаяжон кўзгарди. Кўзларида қанчалик матонат, қанчалик самимият акс этарди! Унинг тўғри ва содда сўзларида шундай жонлилиқ бор эдики, ўз нафсларининг шайдоси бўлиб кун ўтказаётган Амарнатҳнинг орлари келди. Шу кунгача бир шиша синигини олмос деб қўйинларига солиб юрган эканлар. Мана энди, олмос нималигини билиб турибдилар. Унинг олдида бу синиқ, ҳақир бир нарса эканлиги маълум бўлди. Малтининг жоду кўзлари, ширин сўзлари, ноз-карашмалари, ялтироқ безаклари — ҳамма-ҳаммасининг тилла ҳали кетиб миси чиқиб қолди. Амарнатҳнинг дилларида унга нисбатан нафрат ҳислари уйғона бошлади. Малтининг олдига дийдорини кўргани эмас, балки унинг қўлидан ўз юракларини тортиб олишга кетаётган эдилар. Муҳаббат қули бугун ўз дилида ажойиб ўзгариш сезарди. Шу кунгача ҳеч нарсадан хабари бўлмаганига ўзи ҳайрон эди. Малтининг ишваю фириблари билан йиллар бўйи ёпиқ турган тилсимот бугун таг-томири билан остин-устун бўлиб кетди.

У кишининг қуруқ келаётганларини кўриб, Малтининг пешонаси тиришиб кетди.

— Сорий обкелдингизми, йўқми?— деб сўради.

— Йўқ,— дедилар Амарнатҳ, ўзларини жуда эркин сезиб.

Малти ҳайратланиб у кишига қаради. «Йўқ!» У кишининг оғзиларидан бундай сўзни эшитиб ўрганмаган эди. Унинг олдида у киши доим бўйин эгардилар. Унинг ҳар бир ишорасини тақдир қаламининг турткиси деб билар эдилар.

— Нега обкелмадингиз? — деб сўради Малти.

Амарнатҳ:— Негаси нимаси? Обкелмадим, вассалом.

Малти:— Бозорда топилмагандир. Бошқа ёқни қидириб кўрмадингизми, менинг учун?

Амарнатҳ:— Йўқ хоним, топдим, лекин обкелмадим.

Малти:— Нима сабабдан? Пулини бўлса мен ўзим бераман.

Амарнатҳ:— Намунча тутоқмасангиз. Сиз учун жонимни беришга тайёрман, биласиз-ку.

Малти:— Биламан, сиз пулни жонингиздан ҳам азиз кўрасиз.

Амарнатҳ:— Мени ўтиришга қўясизми, йўқми? Агар мени кўришдан нафратлансангиз кетаман.

Малти:— Бугун сизга бир гап бўлдим? Бунақа жирраки эмас эдингиз-ку!

Амарнатҳ:— Гапларингизни кўрмайсизми?

Малти:— Менинг айтганимни нега олиб келмадингиз?

Амарнатҳ унга тикка қараб:

— Дўконга бордим. Уятга қолдим. Сорий олиб келатган эдим, бир хотин олиб қўйди. Мен «хотиним буюрган эди» десам, «у кишига ўзим бераман, эртага уйингизга бораман» — деди.

Малти шумлик ва киноя билан қараб:

— Гапиринг-эй, гапиринг. Кўнглингизни кафтингизга олволиб юриб, бир нозанинни кўрибсиз-у, унинг қадамига сочиқ қилиб сочибсиз-да,— деди.

Амарнатҳ:— Бу унақа кўнгилларга тузоқ қўйиб қўювчи хотинлардан эмас.

Малти:— Бўлмаса, биронта девижийдир?

Амарнатҳ:— Менинг билишимча девижий.

Малти:— Бўлмаса, ўша девижийга сажда қиларканлар-да?

Амарнатҳ:— Мендай дайди йигитга у саждагоҳнинг эшиги ёпиқ.

Малти:— Жуда чиройли бўлса керак.

Амарнатҳ:— Чиройли ҳам эмас, гўзал ҳам. Еқимли ҳам эмас, ширин сўз ҳам. Нозик бадан ҳам эмас. Бутунлай оддий ва маъсума бир қиз. Лекин қўлимдан сорийни олиб қўйгандан кейин, нима қилишим мумкин эди? Унинг қўлидан сорийни тортиб олишга иззат-нафсим қўймади. Инсоф билан айтинг-чи, қўлидан юлиб олсам, менинг тўғримда нималар ўйламасди?

Малти:— Демак сиз «ичида нималар деб ўйлайди», деб хўп ташвиш тортибсиз-у, менинг нима дейишимни ҳаёлингизга ҳам келтирмабсиз-да. Агар менинг қўлимдан биронта эркак киши нарсамни тортиб олса, Юсуфнинг ўзи бўлганда ҳам кўриб қўярдим.

Амарнатҳ:— Энди, қилган ишимни қўрқоқлик дейсизми, юраксизлик дейсизми, олижаноблик дейсизми, нима деб ўйласангиз, ўйлайверинг. Унинг қўлидан юлиб ололмадим.

Малти:— Эртага сорийни олиб келармикин? А?

Амарнатҳ:— Албатта келади.

Малти:— Тушингизни сувга айтинг. Сиз шунчалик ҳам соддамисиз. Мен билмас эканман. Қўлингиздаги сорийни бировга бериб келиб, эртага олиб келади, деб пойлаб ўтирсангиз. Ишқилиб тарёк-парёк еб олган эмасмисиз?

Амарнатҳ:— Хайр, эртага маълум бўлади-ку. Ҳозирдан гумон қилишнинг нима ҳожати бор. Кечқурун бирпасга уйимга боринг.

Малти:— Ҳали унга мени хотиним деганмисиз?

Амарнатҳ:— Уйимга боришга тайёр турганини қайдан билай, бўлмаса биронта бошқа баҳона топардим-ку.

Малти:— Сорийингиз ўзингизга сийлов! Бормайман.

Амарнатҳ:— Мен кунда сизнинг уйингизга келаман. Наҳотки сиз бир марта меникига боролмасангиз?

Малти жаҳл билан ўшқирди.

— Агар ўрни келиб қолса, шуни эри бўламан, ҳам дерсиз? Упкангизни босиб, оғзингизга қараб гапиринг.

Амарнатҳнинг юраклари эзилиб кетди. У киши секин гап бошладилар.

— Малти, сиз менга инсоф қилмаяпсиз. Ёмон фикрга

борманг. Иккаламизнинг ўртамизда севги ва муҳаббат бор эди, аммо изҳор қилишга келганда аллақандай парда бизни айириб турарди. Иккаламиз ҳам бир-биримизнинг аҳволимизни яхши тушунар эдик. Лекин пардани йиртишга ҳаракат қилмасдик. У парда муносабатларимизнинг зарурий шарти эди. Бизнинг ўртамизда гўё савдо муносабати ўрнатилгандай эди. Иккаламиз ҳам бу алоқанинг чуқурроқ жойига боргани қўрқардик. Йўқ! Тўғрироғи мен қўрқардим. Сиз бўлсангиз атайин боришни истамасдингиз. Агар сизни ҳаётимнинг йўлдоши қилишим билан мен ўзимни нима нарсага лойиқ бўлсам, ўша нарсага эришаман, деб ўйлаганимда эди, аллақачон қўлингизни сўраган бўлардим. Лекин сиз ҳеч қачон менинг дилимда ишонч ҳосил қилишга урунмадингиз. Сиз ҳам мендан шубҳаланасиз. Мен шубҳаланишингиз учун ҳеч қандай йўл қўймадим, деёлмайман. Бироқ сизнинг хотинликка ярашингиздан мен тузукроқ эр бўлишга ярайман, деб айтоламан. Менга ишонч, сизга бўлса, кўпроқ ҳар хил нарса-ю, латта-путталар керак. Менинг маошим 500 рупиядан ошмайди. Сиз бунга қаноат қилолмайсиз. Менга фақат сиз меники, фақат меники эканингизга ишонч керак. Қани гапиринг, маъқулми?

Малтининг Амарнатҳга раҳми келиб кетди. Унинг сўзлари садоқат билан тўлалигини инкор этолмасди. У, Амарнатҳнинг очиқлигида қалбакилик йўқлигини ҳам биларди. Унинг оёқ-қўлини чамбарчас қилиб боғлай олишига ҳам имони комил эди. Лекин, у билан ўз тақдирини боғлашга ўзини кўндиролмади. Унинг ҳаёти муҳаббат нашъаларини тоттиш билан ва улфатчиликларда ишрат суриш билан ўтди. У эркин қушчадай у шохдан бу шохга ўтиб сайраб юрарди. Озод, эркин қуш қафасда бахтли яшай оладими. Ҳар хил лазиз таъомларни еб ўрганган киши, қуруқ нонга тоқат қила олармиди? Бу туйғулар уни бир оз юмшатди.

Малти:— Бугун катта олим бўлиб кетибсизми?

Амарнатҳ:— Мен фақат бўлган гапларни айтдим.

Малти:— Яхши, мен эртага бораман, аммо бир соатдан ошиқ ўтирмайман.

Амарнатҳнинг қалби миннатдорчилик ҳисси билан тўлиб тошди.

— Мен сиздан беҳад миннатдорман, Малти. Энди менинг шаънимга доғ тушмайди. Бўлмаса уйдан чиқишим

ҳам қийин бўлиб қолар эди. Ўз ролингизни қандай маҳорат билан адо этишингизни кўрамиз,—деди Амарнатҳ.

— Бу ёғидан хотирингиз жам бўлсин. Ҳали эрга тегиб кўрмаганман-у, аммо тўй-тўйчиқларни кўрганман. Мени алдайсиз, деб кўрқяпман. Эркакларга ишониб бўладими?

— Йўқ Малти, шубҳангиз беўрин. Агар бу кишанни оёғимга солишга орзуманд бўлганимда эди, аллақачон солган бўлур эдим.

### 3

Эртаси куни Амарнатҳ соат ўндаёқ тикувчининг дўконига бориб олиб, жон-ҳолига қўймай кийимларини тиктирдилар. Уйларига келиб янги кийимни кийдилар-да, Малтини чақириб келгани жўнадилар. У ерда ушланиб қолдилар. Малти шундай кийиндики, гўё бугун жуда катта маърака бўладигандай эди.

— У қиз унчалик чиройли эмас. Мунча тайёрлик кўрмасангиз,— дедилар Амарнатҳ.

Малти сочини тараб туриб:

— Бу ишларни тушунмаганингиздан кейин, жим ўтиринг,— деди.

— Лекин кечга қоляпмиз-да.

— Аҳамияти йўқ.

Хотинларга хос табиий хавф ваҳимаси Малтини жуда зийрак бўлишга мажбур этган эди. Шу вақтгача у Амарнатҳга тузукроқ илтифот қилмаган эди: у билан бепарво муомала қиларди. Лекин кеча Амарнатҳнинг авзойига қараб, қандайдир бир хавф сезган эди. Шунинг учун бу хавфни бор кучи билан қарши олишни истарди. Душманни ожиз ва ҳақир билиш хотинлар зоти учун қийин гап. Бугун Амарнатҳни ўз қўлидан чиқиб кетаётганини кўриб, бутун кучини қўлларига берар эди. Агар унинг нарсалари худди ана шундай бирин-кетин қўлдан чиқиб кетаверса, унда қачонгача ўз обрўсини сақлаб тура олади? Унинг чангалидаги нарсага, нега биров кўз олайтиради? Рожа ҳам бир энлик ери учун жонини беради-ку. Бу янги овчини ўз йўлидан бутунлай олиб ташлаб, унинг жодуларини кўкка совурмоқчи эди.

Кечқурун у ҳурилиқо бўлиб, оқсочи ва хизматкори



билан Амарнатҳнинг уйларига йўл олди. Амарнатҳ эрта-лаб соат ўнгача эркаклар хонасига хотинлар хонаси тусини беришга уриндилар. Гўё биронта амалдор кўриқдан ўтказадигандай, жуда катта тайёрлик қилган эдилар. Малти қадам қўйиб ичкари кирар экан, уйнинг озодалиги ва саранжомлигини кўриб жуда хурсанд бўлди. Хотинлар хонасида бир қанча курсилар турарди.

— Қани, девижийнгизни олиб келинг-чи! Тезроқ келинг! Кўпга келганим йўқ, кетаман,— деди Малти.

Амарнатҳ диканглаб чет эл моллари сотиладиган дўконга жўнадилар. Дўкон бугун ҳам қуршовда эди. Томошабинлар ўша-ўша. У ерда девижий йўқ эди. Дўконнинг орқа томонига ўтиб, ўша заъфарон сорийдаги девижийни бир қиз билан турганини кўрдилар.

— Кечирадилар. Кечга қолдим. Ваъдангизни эслатгани келдим.— дедилар Амарнатҳ.

— Мен сизни пойлаб турувдим. Юр, Саматра! Бу кишининг уйларига бориб келайлик. Узоқ эмасми?

— Жуда яқин. Ҳозир тонга оламан.

Ўн беш минутда Амарнатҳ икки қизни олиб уйга етиб бордилар. Малти девижийни, девижий Малтини кўрди. Бирини бир шоҳнинг олишон арки эди, иккинчиси бир фақирнинг кулбаси: кичкина, ҳақир. Шоҳ аркида такаллуф ва ҳашамат, фақирнинг кулбасида соддалик ва озодалик.

Малти кўрдик, маъсума бир қиз. Чиройли деб ҳам бўлмайди. Унинг ифбатлилиги ва соддалигидаги жозибадан Малти таъсирланмай қола олмади. Девижий ҳам кўрди: сертакаллуф, ғайратли, мағрур бир хотин. Нимагадир бу хотин қафасга тушиб қолган ёввойи ҳайвонга ўхшаб, бу уйда ўзини бегонадай сезарди.

Амарнатҳ айбдорларча бошларини эгиб турар ва ишқилиб шу бугун ўртамиздаги парда кўтарилмасин деб, дуо ўқиб турардилар.

Девижий даб-дурустан:

— Опа, сиз ҳали ҳам бошингиздан оёғингизгача чет эл кийими кийиб юрибсизми?— деди.

Малти Амарнатҳга қараб:

— Мен чет элники билан ўзимизникининг фарқига бормайман. Нима олиб келсалар, шуни кияман. Олиб келадиган бу киши, ўзим камдан-кам бозорга бораман,— деди.

— Сиз, буларнинг буйруғи деган эдингиз-ку. Ваҳолонки ўзингизнинг айбингиз бўлиб чиқди,— деди девижий Амарнатҳга таънаомуз.

Малти:— Менинг олдимда булар билан гаплашманг! Кўчада бошқа эркаклар билан бемалол гаплашаверишингиз мумкин. Ташқарига чиққанда, кўнглингиз тусаганича гапиринг. Мен ўз қулоқларим билан эшитишни истамайман.

Девижий:— Мен ҳеч нарса деётганим йўқ, опагон. Нима ҳам дея олардим. Зорим бор, зўрим йўқ.

Малти:— Бунинг маъниси шуки, бу кишим ўз ватанлари учун заррача қайғурмайдилар. Сиз қайғурасиз, холос. Ўзлари ўқимишли одам, беш-ўнта одамнинг ўртасида ўзларига яраша обрўлари бор. Фойда, зарарларини ажрата оладилар. Бу кишига насиҳат ўқиб ўтиришга сизнинг ҳаққингиз йўқ. Ё бу ёғдагилар нодону, сиз жуда ақлимисиз?

Девижий:— Сиз менинг гапимни нотўғри тушуяпсиз, опа.

Малти:— Тўғри тушунмайман ҳам. Гапингизни маъносини тушуниш учун шунча ақлни қайдан олай? Эгинимда қалами сорий, елкамда жўлий, кўксимда билла, ихтиёрим ўзимда. Қаёққа хоҳласам ўша ёққа бораман. Қим билан хоҳласам ўша билан ҳазиллашаман. Уйимда ҳеч ким суриштирмайди. Қамоқдан ҳам қўрқмайман, шундайми? Мен буни бебошлик, бузуқлик деб биламан. Бу иззат-ҳурматли одамларнинг келин-қизлари учун жойиз эмас.

Амарнатҳнинг диллари вайрон бўлиб кетди, ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмадилар. Девижийнинг пешонасида бир дона ҳам тириш кўринмаса-да, кўзига ёш тўлиб борар эди.

Амарнатҳ жаҳл билан:

— Нега бекордан-бекорга бировни қийнайсан. Бу қизлар ўйин-кулгини йиғиштириб қўйиб шу ишни қилишяпти ахир, наҳотки буни билмасанг,— дедилар.

— Қўйсангиз-чи,— деди Малти.— Кўп мақтайверманг. Замоннинг авзойи ўзгариб боряпти. Мен нима қиламан-у, сиз нима қиласиз. Сиз эркаклар хотинларни шунчалик бўш ушлайсизларки, улар бугунги кунда расм-русум ва шарм-ҳаёни йиғиштириб қўйиб, мана бундақа бўлиб кетишяпти. Яқин кунларда сизларнинг ҳукмронлигингиз

барбод бўлади. Англияники, чет элники дейишлар хўжа кўрсинга холос. Аслида бу ҳаракат, эркаклар эришган озодликка чиқиш учундир. Сизлар уч-тўрт мартадан уйлана оласиз-у, нега хотин киши бундай қилолмасин? Ҳақиқат мана шундай. Кўзингиз бўлса, каттароқ очиб қаранг. Менга бундай озодлик керак эмас. Бунда уят йўқолади. Мен шарму ҳаёни ўз либосим деб биламан.

Девижий Амарнатҳга ялинувчи назар ташлади-да:

— Опамлар хотинлар номига иснод келтиришга қасам ичганга ўхшайдилар. Мен бу ерга катта умидлар билан келган эдим. Начораки, умидларим пучга чиқиб кетадиган бўлди,— деди.

Амарнатҳ сорийни унга бера туриб:

— Йўқ, умидларингиз тамоман пучга чиқмайди. Ҳа, мақсадингизга етолмайдиган бўлдингиз,— дедилар.

— Бу менинг сорийим. Уни беришга ҳақингиз йўқ,— деди Малти амирона.

— Хўп майли. Бермайман. Девижий бу аҳволда мени кечирарсиз деб ўйлайман,— дедилар Амарнатҳ алам билан.

Девижий кетди.

— Менинг бетимга қора сурдингиз-ку? Бунчалик бетамизлигингизни, бунчалик заҳарлигингизни шу кунгача билмас эканман,— дедилар Амарнатҳ қовоқларини солиб.

— Нима, ўз сорийимни унга бериб юборсам бўлармиди? Мен унақа ҳаммомпиш ўйнаганим йўқ. Энди бегамиз ҳам, заҳар ҳам бўлиб қолдик. Кавушимни артиб, тўғрилаб қўйиб юрган вақтингизда бу гаплар йўқ эди-ю. Уша қиз бошингизни гангитиб қўйибди. Руҳ қанақа бўлса, фаришталар ҳам шунақа бўлади. Муборак бўлсин,— деди Малти қизишиб.

Бу гапларни айтиб ташқарига чиқди. Сўзга усталигим ва ҳусним кучи билан у девижийни қочираман деб ўйлаган эди. Лекин Амарнатҳнинг осонлик билан бўйсунмоқчи эмасликларини билгач, лаънатлар ўқиди. Агар Амарнатҳни шу баҳога сотиб олиш мумкин бўлса, ёмон бўлмасди. Чунки Малти у кишига бундан ортиқроқ баҳо бера олмас эди.

Амарнатҳ уни дарвозагача кузатиб чиқдилар. Малти тонгага ўтирар экан, Амарнатҳ:

— Сорийни бериб кетсангиз бўларди, Малти. Эртага бундан ҳам яхшисини олиб бораман,— дедилар.


— Ҳозир бу сорийни юз минг рупияга ҳам беролмайман,— деди Малти бепарволик билан.

— Жуда яхши,— дедилар Амарнатҳ қошларини чимириб.— Олиб кетавер. Лекин шуни билиб қўйки, бу менинг охирги совғам.

Малти лабини чўччайтириб туриб:

— Парво қилманг. Шунга имонингиз комил бўлсинки, мен сизсиз ўлиб қолмайман,— деди.





## ЧИЛЛАК УЙИН

1

**И**нглизча тарбияланган ошналарим фикримга қўшиладиларми, қўшилмайдиларми, бунинг аҳамияти йўқ, лекин мен ҳамма ўйинлар ичида чиллакни энг яхши ўйин деб биламан. Ҳатто шу кунларда ҳам чиллак ўйнаётган болаларни кўриб қолсам, қўшилишиб ўйнагим келади.

Бу ўйин учун теп-текис ўтлоқ ҳам, корт ҳам, ёғоч тўқмоқча ҳам, тўр ҳам керак эмас. Ҳар қандай дарахтдан бир шох кесиб олиб чиллак ясадингми, бас, икки кишигина бўлсанг ҳам ўйинни бошлаб юборавериш мумкин. Инглизча ўйинларнинг энг катта камчилиги улар учун керак бўладиган буюмларнинг ҳаддан ташқари қимматлигидир. Кам деганда юз рупия харажат қилмай туриб, ўзингизни ўйинчи деб атай олмайсиз. Бир пайса сарфлашни ҳам талаб этмайдиган ажойиб эрмак бўлган чиллак ўйин ундан минг марта яхши. Бироқ биз инглизларнинг ҳамма нарсаларига шу қадар ишқибоз бўлиб кетганмизки, ўзимиздаги барча нарсаларни назарга илмаймиз. Мактабларимизда фақат ўйинлар учунгина ҳар бир ўқувчига йилига бир неча рупия олинади. Ҳеч қандай чиқим талаб қилмайдиган ҳинд ўйинларини ўйнаб қўя қолиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди. Инглиз ўйинлари пулдорларга чиқарилган. Шунақангги эрмаклар билан камбағал болаларнинг миясини ачитишнинг нима кераги бор? Тўғри, чиллак тегиб бирор кишининг кўзини чиқариши мумкин. Крикет ўйнаган вақтда бош ёриш, ичак-човоқни ағдариб юбориш, ёки оёқни синди-

риш хавфи йўқ дейсизми? Чиллак тегиб ёрилган жойдан қолган доғ ҳали ҳам пешонамдан кетгани йўқ, лекин ошналарим орасида крикет тўқмоқчаларини қўлтиқ таёққа алмаштирганлари ҳам бор. Хуллас, бу ҳар кимнинг таъбиға боғлиқ. Менга эса ҳамма ўйинлардан кўра чиллак кўпроқ ёқади.

Болалик чоғларимни эслаганимда, энг лаззатли хотирам ана шу чиллак ўйин бўлади. Эрталаб барвақт уйдан қочиб чиқасан-у, дарахтга тирмашиб, биронта шохдан чиллак даста билан чиллак бола кесасан. Ўйин ишқибозларининг завқи, қизиқишлари, чиллакни отиш ва илиб олиш, баҳс ва жанжал-суронлар, бойлар билан камбағаллар ўртасида фарқ бутунлай йўқолиб кетган, зодагонларча қилиқлар, кеккайиш ва димоғдорликларга йўл қўйилмайдиган оддийгина ҳолат... Буларнинг ҳаммаси фақат шу вақтдагина нутиларди...

Уйдагилар аччиғланишади. Отам супада ўтириб, худди аламини шундан олаётгандай, нон кавшайдилар. Онам мени кўча эшиккача қувлаб чиқадилар. Уларнинг фикрича, менинг қоронғи келажгим тўлқинлар орасида синиқ қайиқдай оқиб борди-ю, мен эсам, ўйин билан бўлиб, юз-қўлимни ювишни ҳам, овқатланишни ҳам унутиб қўяман. Чиллак — бор-йўғи кичкинагина бир таёқча, лекин унга дунёнинг барча шавқ-завқи ва севинчи жамланган.

Ўртоқларим орасида Гайия исмли мендан икки ёшча катта, новчадан келган, озғин бармоқлари маймунниқига ўхшаш узун-узун, ингичка, ўзи ҳам маймун сингари эпчил ва абжир бола бор эди. Чиллак қанчалик юқоридан ёки узоқдан учиб ўтмасин, Гайия худди қўнғизчага човут қилган қалтакесакдай, унга ташланарди. Унинг ота-онаси бор-йўқлигини, қаерда яшаши ва қандай тирикчилик қилишини билмасдим, лекин у чиллак-бозлик клубимизнинг чемпиони сифатида донг чиқарган эди. Гайия қайси тўдада бўлса, ўша томоннинг ютиб чиқиши олдиндан маълум бўлиб қоларди. Уни узоқдан кўрдик дегунча олдиға югуриб борардик-да, саломлашиб ўз томонимизға ўтказиб олишға ҳаракат қилардик.

Бир кунни Гайия иккаламиз ўйнадик. У ташлаб берар, мен илиб олардим. Қизиғи шундаки, чиллак ўйнаганда кунни билан ташлаб берсак ҳам зерикмасдигу, лекин илиб олиш бир нафасда жонга тегарди. Бу ёқимсиз вазифа-

дан қутулиш мақсадида, ўйин қоидаларига хилоф бўлса ҳам; шундай ҳолларда қилинадиган фирромчиликларни қилиб кўрдим.

Бироқ ҳаммаси бекор кетди: мен сира қарзимни уза олмадим. Гайия эса ютмагунимча қўйиб юбормасди.

Мен уйимга қочдим. Шунча ялиниб-ёлворганим таъсир этмагандан кейин, нима ҳам чорам бор эди? Гайия кетимдан қувлаб етиб олди-да, таёқ ўқталиб:

— Қарзингни узмагунингча кетмайсан! Ташлаб беришга мардсан-у, ютқизсанг қочиб кетар экансан-да!— деди.

— Сен кун билан ташлаб берадиган бўлсанг, мен кун бўйи илаверишим керакми?!

— Ҳа, кун бўйи иласан, кетмайсан!

— Ие, бундан чиқди, емай-ичмай юраверишим керак экан-да?

— Ҳа, қарзингни узмагунингча ҳеч қаёққа кетмайсан.

— Нима, мен сенинг малайингманми?

— Ҳа, малайимсан.

— Мана бўлмасам деб шартта уйимга кетиб қоламан, қўлингдан нима келаркин!

— Қандай кетасан ўйинга? Нима деяпсан ўзинг? Мен ютдим, энди сен ҳам қарзингни уз-да.

— Ундай бўлса кечаги олмамни тўлаб бер.

— Олманг аллақачон қорнимга тушиб кетган.

— Қорнингдан олиб бер. Нега менинг олмамни еб қўйдинг?

— Олмани ўзинг берувдинг, мен ҳам еб қўя қолдим. Мен уни сендан ялиниб олганим йўқ.

— Олмамни қайтариб бермагунингча ўйнамайман.

Мен ўзимни ҳақли ҳисоблардим. Ахир, мен унга олмани бекорга эмас, бирор мақсадни кўзда тутиб берганман-да. Ким бировга холис меҳрибончилик қиларкан? Ҳатто гадойга хайр қилинадиган пулни ҳам бирор мақсад билан берилади. Гайия олмамни еб қўйганидан кейин, ўйнайсан деб мени мажбур қилишга нима ҳаққи бор? Кишилар пора беришганида эвазига бир нарса олишади. Ёки Гайия олмани еб кетаман деб ўйлапти-микан? Олма беш пайса туради. Ҳатто унинг отасида ҳам шунча пул бўлиши гумон. Гайия мутлақо ноҳақ иш қилди.

Гайия ўжарлик қилиб, мени судрайверди:

— Орани очиқ қилиб кетасан. Мен ҳеч қанақанги олмангни тан олмайман.

Мен ўзимнинг ҳақлигимга ишонардим, у бўлса мени ноҳақ ишга ундарди. Шартта қўлидан чиқдим-да, қочмоқчи бўлдим. У мени яна тутиб олди. Мен уни сўкиб бердим. У мени ундан бадтарроқ ҳақорат қилди, бу ҳам камлик қилгандай, бир неча марта урди. Мен унинг тишини синдирдим, у орқамга таёқ билан туширди. Мен бўкириб йиғладим, Гайия қўрқиб кетиб ура қочди. Шу заҳоти кўз ёшимни артдим-да, калтак еганимни ҳам унутиб, жилмайиб уйга югурдим. Мен полиция участкаси бошлиғининг ўғли эдим, шунинг учун ҳатто ўша вақтда ҳам паст табақа боласидан калтак ейиш менга ҳақоратдай туюларди. Бироқ уйда ҳеч кимга шикоят қилганим йўқ.

Тез орада отамни бошқа жойга ишга юбордилар. Янги жойларни кўрар эканман деб севинганимдан, ўртоқларимдан айрилишимга сира қайғурмадим. Отам хафа эди. Эски ишлаб турган жойлари жуда сердаромад ҳисобланарди. Онамнинг ҳам кўнгиллари бузилиб кетди, чунки бу ерда ҳамма нарса арзон эди, бунинг устига, у маҳалламиздаги ҳамма аёллар билан қалин бўлиб қолган эдилар. Мен бўлсам ўзимда йўқ қувониб, кўчиб борадиган жойимизни болаларга мақтардим. У ерда бизнинг қишлоқдагига ўхшаган пастак томли уйлар йўқ. У ердаги бинолар шу қадар баландки, нақ осмонга тегиб туради. У ердаги англиз мактабида ўқувчини урган ўқитувчини авахтага қамаб қўйишади. Ўртоқларимнинг катта-катта очилган кўзлари ва ҳайрат акс этган чеҳралари, уларнинг назарида, нақадар юксалиб кетганимни айтиб турарди. Биздай ростни ёлғонга чиқарувчи кишилар болаларнинг ёлғонни ростга айлантириб юбориш қобилиятларини тушуна оламизми? Бечора дўстларимнинг менга шу қадар ҳаваслари келардики, асти қўяверасиз! Гўё улар: «Ошнам, сенинг омадинг келган, жўнаб кетасан, биз бўлсак, мана шу ташландиқ қишлоқда яшаб, ўлиб кетишга маҳкуммиз» деяётгандай бўлишарди.

## 2

Орадан йигирма йил ўтди. Мен инженер бўлдим. Бир куни районни текшириб юриб, бир вақтлар ўзимиз яша-



гай ўша қишлоққа бориб қолдим-да, почтахонага тушдим. Таниш жойларни кўришим биланоқ қалбимда болалик чоғларим ҳақида лаззатли хотиралар жонланди. Қўлимга ҳасса олиб айлангани чиқдим. Болалигимда юрган жойларимни томоша қилгим келди.

Болалигим хотиралари оғушида эски дўстларимни жуда кўргим келиб кетди. Бироқ қишлоқнинг номи қолибди-ю, лекин ўзи бутунлай ўзгариб кетибди. Илгарги вайрона бўлиб ётган жойларда ғиштин бинолар қад кўтарибди, бир вақтлар кекса анжир ўсган жойда чиройли боғ барпо бўлибди. Қишлоқ жуда ўзгариб кетибди. Номи ва жойлашган ерини билмаганимда, турган гап, уни танимаган ҳам бўлар эдим. Ўзимни шартта ерга отиб дод солиб йиғлагим, унга: «Сен мени унутибсан. Мен сени илгариги қиёфада кўришни истайман», дегим келди.

Бирдан очиқ майдончада уч-тўрт бола чиллак ўйнаётганини кўриб қолдим. Бир нафас дунёдаги бор нарсани буткул унутдим. Катта амалдорлигимни ҳам, башанг кийинганимни ҳам, иззат-ҳурмат ва мартабага эга эканимни ҳам унутдим.

— Менга қара, шу ерда Гайия деган одам туради-ми? — деб сўрадим.

Бола кўрқа-писа:

— Қайси Гайия? Гайия чамморми!— деди.

— Ҳа, худди ўша,— дедим мен ўзим, унча ишонин-қирамай. Ростки, исми Гайия экан, менинг танишим бўлиши керак!

— Ҳа, шу ерда туради.

— Айтиб келмайсанми?

Бола югуриб кетди-да, сал ўтмай барваста гавдали, қоп-қора киши билан бирга қайтиб келди. У одамнинг бўйи беш тирсак келарди. Мен уни узоқданоқ танидим: пешвоз чиқиб қучоқлаб кўришмоқчи бўлдим, лекин бир оз хаёлга бориб, турган жойимдан қўзғалмадим.

У яқин келганида:

— Мени танияпсанми, Гайия?— деб сўрадим.

Гайия таъзим қилди.

— Албатта танияпман, саркор. Нега танимай, аҳволарингиз қалай?

— Аҳволим жуда яхши. Ўзинг тўғрингда гапириб бер. Ҳозир нима ишлар қиляпсан?

— Жаноб депутатнинг отбоқариман.

— Дўстларимиз: Матой, Мўҳан, Дургалар қаерда? Улар тўғрисида бирор нарса биласанми?

— Матой ўлиб кетди. Дурга билан Мўҳан почтачилик қилишяпти. Ўзингиз нима иш қиласиз?

— Район инженериман.

— Саркор, илгарилари ҳам жуда қобилиятли эдингиз.

— Ҳозир ҳеч чиллак ўйнайсанми?

Гайия менга ҳайрон бўлиб тикилди.

— Ҳозир чиллак ўйнашга қўл тегадими, саркор? Бош қашишга вақт йўқ, қандай қилиб бир бурда нон топсам экан деб ўйлайсан, холос.

— Кел, бугун иккаламиз бир чиллак ўйнаймиз. Сен ташлаб берасан, мен отаман. Мен сендан битта ўйин қарзман. Бугун ўшандан узилмоқчиман.

Гайия узоқ қистаганимдан кейингина рози бўлди. У — камбағал бир ишчи. Мен баланд мартабали амалдорман. Орамизда қандай тенглик бўлиши мумкин? У шўрлик уялар, мен ҳам ўнғайсизланардим. Йўқ, Гайия билан чиллак ўйнамоқчи бўлганимдан эмас. Мени хижолат қилаётган нарса, атрофдаги одамларга бу ўйиннинг ғалати кўриниши эди, улар бизнинг ўйинимизни томошага айлантирадилар-да, теварагимизга бир талай ҳангама талаблар йиғилишади. Шунча одамнинг олдида ўйнашнинг нима завқи бор? Лекин ўйиндан ўзимни тия олмадим. Ниҳоят иккаламиз гавжум қишлоқдан кетамиз-да, бирорта хилватроқ жойга бориб ўйнаймиз деган фикрга келдим. Маза қилиб ўйнаб, ёшлик эрмагининг гаштини сурамиз. Гайия иккаламиз автомобилга тушиб далага чиқиб кетдик. Болтача ҳам олиб кетдик. Мен ҳамма ишни жиддийлик билан қилардим, лекин Гайия буларнинг ҳаммасини ҳазил деб тушунарди. Унинг чеҳрасида қизиқиш ҳам, завқ ҳам, ҳавас ҳам акс этмасди. Афтидан унга орамиздаги фарқ ҳалал берарди.

Мен ундан:

— Очиғини айт, Гайия, мени ҳеч эслармидинг? — деб сўрадим.

— Сизни эшлашга қандай ҳаддим сиғсин, ҳузур? Мен сизни эшлашга лойиқманми? Бир вақтлар сиз билан бир оз ўйнаган эдим, лекин бунинг нима аҳамияти бор? — деди Гайия хижолат бўлиб.

Унинг жавоби мени хафа қилди.

— Гайия, лекин мен сени тез-тез эслаб турардим. Айниқса бир кун мени бошлаб урган таёғингни кўп эслардим. Эсингдами?

— Болалик чоғимиз эди-да, саркор, энди у нарсани эсимга солманг,— деб жавоб берди Гайия ташвишланиб.

— Шундайми? Лекин мен учун бу воқиа ўша вақтлардан қолган энг яхши хотира. Ушанда таёғинг текканидан олган лаззатимни ҳозир на иззат-ҳурматдан топаману ва на давлатмандликдан.

Биз қишлоқдан уч милча нари кетдик. Теварак-атрофимиз жимжит. Ғарб томонда бир неча мил майдонни кенг яланглик эгаллаб ётарди, бир вақтлар биз у ерларда гул териб, улардан сирғалар ясаб, қулоғимизга тақардик. Май ойининг кечки осмони қип-қизил ёғду билан қопланган. Мен дарахтга чиқиб, битта шох кесиб тушдим. Ундан дарҳол чиллак даста билан чиллак бола ясадик.

Ўйин бошланди. Мен чиллак болани чуқурчага қўйдим-да, чиллак даста билан уриб, осмонга отдим. Чиллак бола Гайиянинг ёнидан ўтиб кетди. У худди балиқ тутаётгандай панжаларини ёзди. Чиллак бола унинг орқа томонига бориб тушди. Бу илгари гўё чиллак боланинг ўзи қўлига учиб борадиган Гайиянинг ўзгинаси эди! Чапдами, ўнгдами — қаерда турган бўлмасин чиллак бола гўё унга итоат қиладигандай тўппа-тўғри кафтига бориб тушарди. Гайия худди қўлида чиллак болани тортадиган аллақандай магнит бордай, ҳар қандай чиллак болани — янгисини ҳам, эскисини ҳам, кичкинасини ҳам, каттасини ҳам, тўмтоғини ҳам, учи йўнилганини ҳам илиб олаверарди. Бироқ бугун чиллак бола унинг қўлига боргиси келмагандай эди. Бунинг устига мен ташлаб берардим, ҳар турли ҳийлалар ишлатардим. Уқувсизлигимни ғирромлик билан бўсиб кетишга ҳаракат қилдим. Қоида бўйича, сен ташлаб бергин деб Гайияга топширишим лозим бўлишига қарамай, чиллак болани чақа олмасам ҳам, ўйинни давом этдира бердим. Таёқ секин тегиб чиллак бола яқин жойга тушиб қолса, мен уни олиб қайтадан урардим. Гайия бу ғирромлигимнинг ҳаммасини кўриб турар, лекин ўйиннинг ҳамма қоидаларини эсидан чиқариб қўйгандай, ҳеч нима демасди. Илгари у чиллак болани жуда усталик билан ташлар, чиллак даста унга қарсиллаб тегарди. Гўё Гайия ташла-

ган чиллак боланинг ягона вазифаси чиллак дастага бориб тегиш эди. Бироқ бугун чиллак даста сира нишонга бориб тегмасди. Чиллак бола гоҳ чиллак дастанинг ўнг томонига, гоҳ чап томонига тушар, гоҳ унга етиб бормас, гоҳо эса ошиб кетарди.

Чиллак бола ярим соат ичида бир марта чиллак дастага тегди. Мен фирромлик қилиб «тегдади» дедим.

Гайия сира хафа бўлмади.

— Тегмаган бўлса бордир,— деди у бамайлихотир.

— Теккан бўлса, тегмади деб сени алдаб ўтирармидим!— деб исботлай бошладим.

— Албатта, алдамас эдингиз, саркор,— деб маъқуллади Гайия.

Болалик чоғимда шундай фирромлик қилган бўлсам, соғ қолармидим! Худди ана шу Гайия шартта ҳиқилдоғимдан бўғиб олган бўларди. Аммо бугун уни жуда осонлик билан алдадим! Вой эшак-эй! Ҳаммасини эсидан чиқариб юборибди.

Бирдан яна чиллак бола чиллак дастага худди милтиқ отгандай қарсиллаб тегди. Бундай исбот қаршисида дастлаб ҳалигидай фирромлик қилишга юрагим бетламади. «Хўш, нега яна бир марта алдашга уриниб кўрмай? — деб ўйладим. Нима кетади?— Ишонса ишонгани, ишонмаса, сен отасан дейман қўяман-да. Қоронгини баҳона қилиб ташлаб беришдан қутулиб қоламан».

Гайия чиллаги текканидан хурсанд бўлиб кетиб:

— Тегди, тегди! Қандай қарсиллаб текканини эшитдингизми? — деб қичқирди.

Мен ўзимни гўлликка солдим:

— Тегди дейсанми? Пайқаганим йўқ.

— Ҳатто эшитилди ҳам, саркор.

— Чиллак бола тошга урилиб қарсиллаган бўлса-чи?

Бу гап қандай қилиб оғзимдан чиқиб кетганига ўзим ҳам ҳайронман. Бу оқни қора деб исбот қилишдай гап эди. Иккаламиз ҳам чиллак боланинг чиллак дастага қарсиллаб текканини эшитдик. Бироқ Гайия дарҳол менинг гапимга ишониб қўя қолди.

— Ҳа, тошга теккан бўлса керак. Чиллак дастага текканида овози бошқача бўларди.

Мен яна ташлаб бера бошладим. Лекин шундай ошкора алдамчилик қилганимда ҳам Гайиянинг соддалик қилганига ачиндим. Шунинг учун чиллак бола учинчи

марта текканида ҳиммат билан, сен ташлаб бер, дейишга аҳд қилдим.

— Қоронғи тушиб қолди, ўйинни эртага қолдирамиз, — деб таклиф қилди Гайия.

«Эртага ўйин узоққа чўзилади, ким билсин, қанча вақт илиб олишга мажбур бўламан,— деб ўйладим.— Ҳозир тугатиб қўя қолганим яхши».

— Йўқ, йўқ. Ҳали жуда ёруғ. Қани ташлаб бер.

— Чиллак болани кўриб бўлмайди.

— Зарари йўқ, кўрамиз.

Гайия ташлаб бера бошлади, бироқ у чиллак отишни тамом эсидан чиқариб юборган эди. У икки марта урдю, иккаласида ҳам тегизолмади. Икки минут ўтар-ўтмас ютқизиб қўйди. Бечора бир соатча чиллак бола кетидан югурди-ю, ўзи бир минут ҳам ўйнамади.

Мен Гайияга мурувват қилдим.

— Яна ота қол. Биринчи мартаси кечирилади.

— Йўғ-э, керак эмас, қоронғи тушиб қолди.

— Сен ўйинни эсингдан чиқариб қўйибсан-ку, наҳотки ҳеч ўйнамасанг?

— Ўйнашга вақт қаёқда дейсиз?

Машинага тушдик-да, чирогини ёқиб қишлоққа қайтиб келдик. Йўлда Гайия менга:

— Эртага биз чиллак ўйнаймиз. Ҳамма эски ўйинчилар келади. Келасизми? Ўйинчиларни айтган вақтингизда йиғиб келаман, — деди.

Мен кечқурун бўш бўламан дедим-да, эртасига мусобақани кўргани бордим. Майдончада бир неча ўнлаб одамлар йиғилган эди. Уларнинг баъзилари болаликдаги ўртоқларим экан. Лекин тўпланганларнинг кўпчилиги менга нотаниш йигитчалар эди.


Ўйин бошланди. Мен автомобилда ўтириб томоша қилдим. Бугун Гайиянинг ўйини ва маҳорати мени ҳайратда қолдирди. У отганда чиллак бола осмони фалакка чиқиб кетарди. Гайияда кечаги хижолат, журъатсизлик ва бўшангликдан асар ҳам йўқ. Болалик чоғидан энди-энди кўриниб келаётган маҳорати ҳозир камолатга етган. Агарда у кеча чиллак болани шундай ташлаб берганда, мен хўрлигим келиб йиғлаб юборган бўлардим. У отганда чиллак бола икки юз газга бориб тушарди.

Бир йигитча фирромлик қилди. У «чиллак болани учиб кетаётган ерида илиб олдим» деди. Гайия эса

«чиллак бола ерга тегиб, сакраб кетди» дерди. Баҳс муштлашиш даражасига бориб етди, бироқ йигитча тоб беролмади. У Гайиянинг дарғазаб башарасини кўриб қўрқиб кетди.

Мен ўйинга аралашмадим, лекин бошқаларнинг ўйинини кўриб ҳам, болалигимизда дунёдаги барча нарсани унутиб чиллак ўйнаган вақтларимиздай маза қилар эдим. Кеча Гайия ростакам ўйнамай, ёлғондан ўзини ўйнаётганга солгани менга маълум бўлиб қолди. У мени юз-хотир қилишга лойиқ одам деб ҳисоблаган экан. Мен фирромлик қилдим, ҳалол ўйнамадим, лекин у мендан сира ҳам хафа бўлмади, чунки у ростакам ўйнаётгани йўқ эди, балки мени юпатар, инжиқлигимга кўнарди. Ташлаб бераётганда мени аярди. Энди мен, унинг назарида, катта амалдор эдим. Бу эса, иккаламизнинг орамизга ғов солиб турар эди. Ҳозир мен унинг эътиборига ва ҳурматига сазовор бўла олар эдим, лекин у билан дўст бўлишга умид боғлай олмасдим. Болалик чоғимда мен унинг тенги эдим, орамизда ҳеч қандай фарқ йўқ эди. Ҳозир, баланд мартабага эришганимда эса, у мени фақат юз-хотир қилади-ю, лекин ўзининг тенги деб билмайди. У катта киши бўлиб кетган, мен бўлсам ёш болалигимча қолган эдим.





МУЛК РОЖ ОНАНД



मुल्क राज आनन्द



مک راج آنند









## НОМИ ҚАЙД ҚИЛИНМАГАН ОДАМ

**К**имдир эшикни жон-жаҳди билан тинмай тақиллатар, бу тасодифий тақиллатишдан Ромжий чилимдаги кўмирчаларни ҳам пуфлай олмай, гўё ҳозир даҳшатли бир воқиа юз берадигандай қотиб қолди. Аммо ҳеч қандай қўрқинчли ҳодиса юз бермади. Фақат бир оздан кейин эшик яна тақиллай бошлади. Ромжий чилимнинг хурмо ёғочидан ишланган найини оғзига олиб боришга ҳам дармони етмай кўзларини бақрайтириб, эшикка қараганча қотиб турар эди.

Эшик яна тақиллади.

— Нега туриб эшикни очмайсиз, — деди хотини Лакшмий.

Ромжий тасодифий қўрқинч таҳликасидан гўё кар бўлиб қолгандай эди. Қишлоққа анчадан бери сартарош келмаганлиги сабабли Ромжийнинг сочлари ўсиб, унинг қулоқларини кир босган эди. Шунинг учун қулоғи остида тақиллаган эшик ваҳималироқ бўлиб туюлар эди. Ромжий қайнатасининг эшикни оҳиста тақиллатишини, хотинининг дугоналари эса, сабрсизлик билан эшик ҳалқасини уришларини эслади. Ҳозирги тақиллатиш бўл-

са, буларнинг ҳеч бирига ўхшамас, кўпроқ тўй ва никоҳ кунин хотинларнинг доира чертишларини эслатар эди. Уларнинг сигири Мўти-чи, даладан қайтганда у ҳам эшикни бошқачароқ тақирлатади — туёқлари билан остонани тепади.

Йўқ, бу тақиллатиш бошқа товушга, уч ойда бир марта унинг олдига келадиган заминдор хизматкорларининг ёки Ромжийни қамоққа олиш учун келган полициянинг эшик тақиллатишига ўхшайди. Уларнинг даҳшатли эшик уришлари Ромжийнинг қалбига абадий ўрнашиб қолган, ҳозирги тақиллатиш ўшанга кўпроқ ўхшаб кетганидан Ромжийнинг юраги дук-дук ура бошлади.

Тақиллаш тобора кучайди, ташқаридаги сўкиш сўзлари уйдагиларга барала эшитилди. Сўнгра кимдир қўполлик билан.

— Ҳой, эшикни оч, лаънати! — деди.

Ромжий чорпоя устида безрайиб қотганича ўтириб қолди. Унинг омбори ҳам шу уйча эди, меҳмонхонаси ҳам, ошхонаси ҳам, ётоқхонаси ҳам, ҳаммомхонаси ҳам шу уйча эди. Ромжийни даҳшат дарёсига фарқ қилиб турган хавф уни шол қилиб уй қуёнига ўхшатиб қўйди.

— Ҳой, эшикни очсангиз-чи! — деди баланд овоз билан Лакшмий, — қанақа одамсиз, сиз бекор ўтирибсиз-ку?! Менинг бўлса исмалоқдан овқат пишираётганимни кўриб турибсиз-ку.

— Эҳ, — деди у тарқоқ фикрларини бир ерга тўплаб. Кейин хотинига чилимни узатиб:

— Тўлғизиб бер, — деди.

— Ҳой, сизга нима бўлди ўзи? — деб сўради хотини. — Нима бало, шол бўлдингизми, ё...? — У сорийсининг этагини йиғиштириб, ярим очиқ кўкрагини ёпди-да, сорийнинг бир учини бошига соддагина ташлаб эшик томонга юрди.

Ромжий чорпоядан сакраб тушди ва чилим тутиб турган чап қўли билан хотинининг йўлини тўсди.

— Эс-ҳушингни йиғиб ол, — деди у паст овоз билан, — ҳали ижара ҳақининг учдан бирини ҳам тўлаганим йўқ, ё заминдорнинг жирканч оёқлари остида топталишимни истайсанми?

— Қўйиб юборинг мени! — деб қичқирди Лакшмий, — барибир эшик олдида гапимизни эшитиб туришибди. Ана кўряписизми, биров эшик тирқичидан мўралапти.

— Оҳ, Шибу келгунича сабр қилиб турсанг-чи,— деди Ромжий,— ҳисобни текширадиган бўлишса, ўғлимнинг шу ерда бўлгани яхшироқ... Ё полициямикан, а...?

— Ҳа, энди сизга ўғил керак бўлиб қолдимми,— деди Лакшмий,— эрталаб у ярмаркага бораман деб бир оз пул сўраганда кўзингизга балодек кўринган эди-ку? Ҳатто уни ҳароми деб айтдингиз.

— Кўп валдирайверма, кампир, таъбимнинг кирлигини кўриб турибсан-ку,— деди ғазабдан титраб Ромжий,— пулими йўқлигини била туриб яна гапирасан-а! Шибунини ўз ўғлимдай кўрмайманми, ҳолбуки сен уни...

Уйдан оёқ товуши ва пичирлаш эшитилганда эшик тақиллаши биров тўхтаб қолган эди, яна тақиллай бошлади. Ромжий чуқур хўрсиниб, ўзини чорпоёга ташлади. Унинг ранги мурдадай оқариб кетган эди.

Ташқаридагилар каби Лакшмийнинг ҳам тоқати тоқ бўлиб, эшикка яқинлашди.

— Улиб кетинглар-э! Бир оз сабр қилсаларингиз-чи? Бир вақтда ҳам хамир қориб, ҳам эшикни очадиган машина эмасман-ку. Ўзларинг ким бўласизлар, нега эшикни бунчалик урасизлар?

— Эшикни очсангиз-чи, онажон, — юмшоқ овоз билан деди нотаниш киши. — Мен давлат иши билан келганман.

— Энди ўламан,— ингради Ромжий ва тутқаноғи тугиб қолган одамдек титраб кетди.

Лакшмий эшик занжирини тортди-да, келган одамларга шақиллаб:

— Одамни тинч қўясизларми, йўқми, сизларга нима керак?— деди.

— Мен аҳolini рўйхатга оладиган амалдорман,— деди қисқа қилиб келган киши. У паст бўйли, ориқ бобу эди. Унинг ташқи кўринишида фақат чиройли қилиб бураб қўйилган мўйловларигина кишини ўзига жалб қилар эди, холос. У мўйлови билан ўзини салобатли қилиб кўрсатишга уринар эди.

— Қанақа амалдор?— деб сўради Лакшмий.

— Аҳolini рўйхатга оладиган,— деб жавоб қайтарди бобу ва мўйловининг учларини бурай бошлади.

Лакшмий бошини қимирлатиб эри ўтирган жойни кўрсатди-да, ўзи овқатдан хабар олиш учун ошхонага қараб кетди.

Амалдор ёрдамчиларини чақириб ичкарига кирди ва ўзининг ёрдамчи қурбонига қарамасдан:

— Исмингиз? — деб сўради. Ўнг қулоғининг учига қистириб қўйган қаламини олиб, қўлидаги қоғозларга нимандир ёзишга тайёрланди.

Ромжий ўрnidан сакраб туриб, чилимини бир чеккага қўйди-да, чорпоя устини тузата бошлади. Сўнгра икки қўлини олдинга чўзиб бобуни ўтиришга таклиф қилди. У қўрқинчга солиб турган жазодан омон қолиш учун дармонсиз, гавдасининг ҳар бир пайи, ҳар бир томири, бутун қалби билан давлат амалдорининг кўнглини олиш учун қалтираб турар эди. У амалдор рўпарасида қўлларини қовуштирган ҳолда ўтириб, кўз қирини ҳар томонга югуртириб, кимга боқишини билмай жовдирар эди.

— Исминг нима? — деб саволни яна қайтарди амалдор.

Жавоб бериш ўрнига Ромжий қовуштирган қўлларини нажот кутгандек амалдор томонга узатиб қотиб қолди.

— Гапирсанг-чи, исминг нима ахир! — деб бобунинг иккала ёрдамчиси биргалашиб бақириб юборишди.

— Илтимос, кечиринглар. — Ромжийнинг жавоби фақат шу бўлди.

— Гафни қисқа қил, бас, ўзингнинг, отангнинг исми нима, қайси қабиладан, — деди асабийлашиб бобу.

— Отажон, жон ота, кечиринг! — деб йиғлай бошлади Ромжий ва энгашиб ўнг қўли билан бобу ботинкасининг чаггини пешонасига сурди.

Ромжийнинг қулларча хушомадгўйлиги бобуга ёқиб тушди шекилли, зимдан бу деҳқоннинг ақлсизлигидан кулаётган бўлса ҳам унинг тепасида гердайиб мўйловини бураб турар эди.

— Бобу соҳибга исмингни айт, бошқа уйларга ҳам киришлари керак, — деди бобунинг ёрдамчиси.

— Жаноблари, сизлар — ҳукумат одамлари, ҳар насага қудратингиз етади. Мени кечиришларингиз, албатта, мумкин. Мен фақат уч ойлик қарзимни тўламадим, холос. Бу йил ҳосил яхши битмади. Мени кечиринглар, бу сафар қамоққа олмасангиз, қарзларимни бераман ва бундан буён доим ўз вақтида тўлаб тураман. Сиз тангрилардек раҳмдилсиз, мени бу сафар кечиринг... Тҳанедор жаноблари мени шу қадар калтакладиларки, ҳанузгача

баданим зирқираб оғрийди, ўшандан бери ўзимга келганимча йўқ, қариб, мадорим кетиб, бошимда сочим ҳам қолмади. Мен кексага раҳм-шафқат қилинг...

— Бу одам жинни бўлганми?— ёрдамчилардан сўради бобу.

— Бу муттаҳам ўтган ойда полицияда калтакланган деҳқонлар иттифоқининг аъзоларидан бири бўлса керак?

— Жаноблар, сизлар махфий полицияда ишлаб, албатта, ҳамма нарсадан хабардор бўласизлар,— деди Ромжий,— аммо менинг мутлақо айбсиз эканлигимга ишонинглар.

— Бизлар махфий полициядан эмасмиз, мен аҳолини рўйхатга оладиган амалдорман, ҳукумат Ҳиндистон аҳолисини рўйхатга оляпти, мен эса бу қишлоқда яшовчиларни рўйхатга олишим керак, тушундингми?

Ромжий аҳолини рўйхатга оладиган амалдор иборасини нималиги ва у қишлоқ аҳолисини нега рўйхатга олишини тушунмас эди.

Ҳукумат «Қисон Сабҳа» аъзоларини қамоққа олмоқчи эмиш деган хабар тарқалган эди. Булар шунинг учун келгандир-да. Агар ҳозир Ромжий ўз исмини айтса, албатта қўлга тушади, чунки бир вақтлари ёш Шибу каби аҳмоқчилик қилиб, Қисон Сабҳа аъзолари рўйхатининг тагига бош бармоғини босиб қўйган эди. Шунинг учун полицияхонада уни роса калтаклашган эканлар. Бобу соҳиб билан унинг ёрдамчилари махфий полициядан бўлмасалар ҳам, бошқа бирор полициядан бўлишлари мумкин, ҳозир уларга ўз исмини айтса, албатта уни еб қўйишлари турган гап.

— Жаноб, худо ҳақи, илтимос қиламан, кечиринглар,— деб ялинди Ромжий.

— Исмингни айтсанг-чи, аҳмоқ, тоқатим тоқ бўлди-ку!— деб бақирди бобу.

Ромжий ўзини орқага ташлаб, худди уни мингта полициячи ушлаётгандек бақириб юборди.

— Нега ўзингизни йўқотасиз, уларга жавоб беринг, жуда қўрқоқсиз-да,— деди ошхонадан туриб Лакшмий,— нега ҳўнграйсиз, сизни ҳеч ким ураётгани йўқ-ку?!

— Унинг исми нима, она?— Лакшмийдан бирон маъноли гап чиқармикан, деб унга мурожаат қилди бобу.

Аммо у ҳинд хотинлари ўртасида бўлган миллий одат-

га кўра эрининг исмини айтишга ботина олмай, сорий - сийнинг учини секингина бошига тортиб қўйди.

— Буларнинг ўзлари тентак бўлиб қолганми?— деб сўради бобу.

— Урф-одатга кўра эрининг исмини айтиб беришга хотиннинг ҳаққи йўқ, жаноб,— деб тушунтирди ёрдамчиси.

— Ўзи полициядан шундай безиб қолганки, ҳатто исмини айтишга ҳам кўрқади,— деди илжайиб бобу,— хўп, бу масалани ҳал қилиш йўлини топдим. Бунинг исмини рўйхатга олмаймиз. Бу ақлдан озган чолнинг исмини рўйхатга олишнинг ҳожати ҳам йўқ. Уни ўлганлар қаторига қўшиш мумкин.

Шу сўзларни айтган бобу гердайиб эшикка қараб юрди ва Ромжийни ҳукумат томонидан кўрсатилган улуғ бир ҳурматдан маҳрум қилганидан мамнун бўлиб уйдан чиқиб кетди.

Кекса деҳқон, бобу ва унинг ёрдамчилари орқасидан кўз қирини ташлаб, улар уйдан чиқиб кетгунча қимир-ламасдан ўтирди. Сўнгра чаққон ўрнидан турди-ю, чилимни кўтариб хотинига қараб имо қилди.

— Эҳе, хурсандчиликдан кўзларингизнинг юлдуздек чақнаб кетганини қаранг-а, кўрқоқвой,— деди Лакшмий,— тагин, менга қараб имо қилишларига бало борми!

— Э, эси паст хотин, омадимиз келиб турганини кўрмайсан-а. Бу замонда энг яхшиси ҳукуматдан мумкин қадар узоқроқ туриш.

У чилимни ёндирмоқчи бўлиб, ўчиб қолган кўмирчаларни пуфлай бошлади.

— Кўрқоқ, қишлоқда бирон киши билан учрашганингизда ҳам кўрқиб турасиз-а,— деди Лакшмий.

— Кўпроқ ишла-ю, дўст ортдиришга уринма,— деб отам мени ўргатар эди,— жавоб қайтарди Ромжий, сўнг гўё, чуқур, мазмундор гап айтган кишидек хотинига маъноли қараб қўйди.

— Роса жонга тегдингиз-да,— деб шикоят қилди Лакшмий,— ажинадан кўрқадиган гўдакка ўхшаб доим менинг орқамга бекиниб оласиз.

— Эй хотин,— деб ўзича насиҳат қила бошлади Ромжий,— агар подшоҳнинг золим бўлса, ўз ерингни ҳам ташлаб, омочингни ёндириб истаган томонга қараб бошингни

олиб қоч, у ўлгандан кейин юртингга қанот қоқиб учиб кел.

Насиҳатдан кейин мағрурлик билан чилимни пуфлади, аммо чилимдаги кўмирчалар ўчиб қолганини кўрди-да, уни хотинига узатди.

— Қўрқоқсиз, ўлгидай қўрқоқсиз!— деб бақирди Лакшмий.— Қўрқоқ!— Кейин унинг олдига келиб бети-га туфлаб юборди. Худди бир нарса уни чақиб олгандек Ромжий ўрнидан сакраб турди. Хотинининг бош орқасига тугиб боғлаган сочларига ёпишди. Одатда, жаҳл, кучлидан кўра кучсизга аввал келади.

Лакшмий ҳам бўш келмади. У барча деҳқон хотинлар каби (эски услубни қўллаб) супиргини олди-да, нимжон калта қўллари билан худди пўстак қоққандек Ромжийни ура бошлади.

Уларнинг ўғиллари келиб онасининг ёнини олмаганда бу уриш-жанжал иккала томон учун ҳам ёмон оқибат келтириши турган гап эди.

Ўғил отасини эмас, онасининг ёнини олгани Ромжийни жуда ғазаблантирди ва одам тақдири ҳақидаги ўз қарашини ҳикматли сўзлар билан ифодалай бошлади:


— Дунёда учта нарсадан қочиш керак: паиша ўргимчакка қандай кўринса, ўз фуқароларини ҳам шундай биладиган подшоҳдан, ўз эрини қарғаб турадиган хотиндан ва отасининг ўғли бўлмасдан кўпроқ онасиники бўлган ўғилдан — учалови ҳам катта офат, буларнинг ҳаммасидан, ўлатдан қочгандай қочиш керак.

Лекин хотини билан ўғли унта чилимни доим тўлғазиб беришларини шунчалик яхши кўрар эдики, бундай марҳаматли ишдан ҳеч қачон воз кечишга қудрати етмас эди.









КРИШАН ЧАНДР




कशन चन्द्र



کرشن چندر  
مطالعہ





## ТУЛИН ОЙ КЕЧАСИ

**А**прель ойи эди. Бодом шохлари оппоқ гуллар билан безалган. Ҳавода қор совуғи билан бирга баҳор нафаси ҳам сезиларди. Кўкка боши етган тунг дарахтлари остидаги бах-малдек майсазорда қор парчалари киши кўзига очилиб ётган оқ гуллардек кўринарди. Янаги ой-гача бу «оқ гуллар» битта қолмай эриб кетади ва майсазор кўм-кўк бўлиб қолади, бодом шохларидаги яшил бодомлар зумрад кўзли узукчалар сингари кўз қамаштирадиган бўлади, нилгун тоғлар юзидан туман пардаси кўтарилади, кўл кўпригининг нари ёғидаги сўқмоқдан келаётган қўй-қўзиларнинг маъраши чанг-тўзон билан қўшилиб ҳамма ёқни тутиб кетади, қўйчибонлар баланд тунглар остида қўйларнинг қишда ўсиб кетган қалин жунини олади, шундан кейин баҳор таронаси янграйди.

Бироқ ҳали апрель ойи эди: ҳали тунглар барг чиқаргани йўқ, ҳали қўй-қўзиларнинг маърашидан сўқмоқларзага келгани йўқ, ҳали тоғларни қучиб ётган туман тарқалгани йўқ, ҳали Самал кўли сувини нилуфар гуллар чироғи жилвалантиргани йўқ — кўлнинг кўм-кўк су-

ви сонсиз-саноқсиз табиат безакларини ўз бағрида яшириб ётар эди. Баҳор келишига бу безаклар маъсум ва самимий бир кулги каби сув юзига ханда уриб чиқади.

Кўприкнинг икки четидаги бодом чаман-чаман гуллаб ётибди. Апрель — қишнинг сўнгги тунни. Бу тунда бодом гулга киради ва баҳор жарчиси бўлган япроқларидан кўл сувида қайиқчалар суздиради; бодомнинг бу жажжи япроқчалари баҳорга мунтазир бўлиб, сув бетида рақс этади.

Мен кўприк панжарасига суянганимча уни кутиб турар эдим. Келганимга анча вақт бўлди. Кун пешиндан оғди. Кеч ҳам кириб қолди. Вулар кўлига борувчи сузгич уйлар кўприкнинг тош устунлари орасидан ўтиб кетди. Ҳозир улар қоғоз кемачалар сингари уфқда милтиллаб кўринар эди. Шафақнинг қирмизи ранги уфқнинг у бошидан бу бошигача ёйилди. Кейин қирмизи ранг сурма рангга, сурма ранг эса қорага айланди, ҳатто қатор турган бодомлар орасидаги сўқмоқни ҳам кўз илғамай қолди, кейин тун сукунатида, номаълум мусофирнинг қўшиғи каби биринчи юлдуз чарақлаб чиқди. Кечки изғирин тушиб, бурун тешикларини музлата бошлади.

Ой чиқди.

Кейин у келди.

Ёнимга келиб тўхтади. Тез-тез нафас олишига қараганда, жуда шошиб келган, балки баланд-паст сўқмоқдан югуриб-елиб келган ўхшарди.

— Ҳой,— деди у эшитилар-эшитилмас. Ниҳоятда ҳансираганидан нафаси бир тўхталиб, бир тезлашиб кетарди. Бир қўлини елкамга қўйди, кейин қўли устига бошини ҳам қўйиб олди. Унинг қалин қора паришон кокиллари руҳимни чулғаб олди.

— Мен сизни асирдан бери шу ерда кутаман,— дедим узоқ жимликдан кейин.

— Қоронғи ҳам тушиб қолди,— деди кулиб.— Қандай яхши кеча бу!

Иккинчи қўлини ҳам елкамга ташлаб олди ва гулининг кўплигидан эгилиб ётган бодом новдасидек энгашиб елкамга таяниб қолди.

Анча вақтгача хомуш турди. Анча вақтгача мен ҳам хомуш турдим. Кейин у ўзидан-ўзи кулиб бундай деди:

— Дадамлар мени муюлишгача олиб келиб қўйдилар, кўрқаман деб, айтувдим-да. Бугун ўртоғим Ражуларни-

кида ётиб қолишим керак. Тун бўйи ухламай чиқамиз. Нимага деганингизда бодом дастлаб гулга кирганда ҳамма қизлар тўпланишиб тун бўйи қўшиқ айтиб чиқамиз. Шунинг учун пешиндан бери шу ерга келгани тараддуд қилдим: шולי оқлаш керак эди, шולי оқладим; кеча ювган кўйлагим қуримаган экан, ўчоққа тутиб қуритдим. Яна ойимлар ўрмонга ўтин тергани кетган эдилар, келишларини кутдим. Улар келмасалар сизга мана бу думбул, қандак ўрик, аштакни олиб кела олмас эдимда. Кўринг, шуларнинг ҳаммаси сиз учун. Вой, сиз ростдан ҳам хафа бўлганга ўхшайсиз. Менга қаранг, мен келдим. Бугун тўлин ой кечаси, юринг анаву қайиқни ечиб кўлда сайр қиламиз.

У менинг кўзларимга қаради. Мен унинг муҳаббат ва ҳайрат тўла кўзларига боқдим: шу вақт унинг кўз қорачиғида ой балқиб турарди. У ой менга бундай дорди: Бор, қайиқни ечиб кўлда сайр қил. Бугун оппоқ бодом гулларининг шодиёнаси. Бугун у сени деб дугоналарини, ўз дадасини, жажжигина сингисини, акасини — ҳаммасини алдаб келди. Бугун тўлин ой кечаси. Қара, ҳамма ёқда оппоқ момиқ қор ёққандек, бодом гуллари очилиб ётибди. Қашмир қўшиқлари унинг кўксиди она сути каби мавж урмоқда. Бўйнидаги қизил маржонини кўрдингми? Уни онаси тақиб қўйган. Тақиб туриб бундай деган: «Бугун Қашмир баҳорининг биринчи оқшоми. Бу кеча сен ухламай чиқасан; бугун сенинг гунча лабларинг, ойдин кечада заъфарон гуллар очилган каби, Қашмир қўшиқларига жон бағишлаб, хачда уриб очилади. Мана бу ёқут маржонни тақиб ол».

Ойнинг ҳамма айтганларини мен унинг ҳайрат оламида адашиб юрган кўз қорачиғларидан топдим. Шу дам узоқдан дарахтда ўтирган булбулнинг хушнавоси эшитилди. Олислардаги қайиқ ва кемаларда чироқ ёқила бошлади. Тунглар ортидаги қишлоқдан мунгли қўшиқ садолари кўтарилди. Қўшиқ ва ёш болаларнинг қаҳқаҳаси, катталарнинг гўнғир-гўнғири, гўдакларнинг ширин «инга-инга» си, мўрилардан чиқаётган янгида жонланган ҳаёт тутунлари, кечки таомларнинг хушбўй ҳиди, балиқ, қайнатилган гуруч ва тотли қайлаларнинг шўртак мазаси, ҳамда тўлин ой кечасининг баҳорга ўқиётган мадҳияси — ҳаммаси бир бўлиб хафалигимни тарқатиб юборди.

— Юричг, кўлга борамиз,— дедим мен унинг қўлидан ушлаб.

Кўприкдан ўтдик. Сўқмоқ ҳам орқада қолди. Бодом қаторлари ҳам тугади. Жарликдан ҳам ўтиб, кўл ёқалаб кетдик. Кўкатлар ичида бақалар қуриллашарди: бақа, чигиртка, ялтироқ қуртларнинг чалама-чакки овозлари ажойиб бир нағма, уйқубахш бир симфония касб этганди. Мудраб ётган кўлнинг ўртасида ой қайиғи турарди: сокин, хомуш, муҳаббатга кўз тиккан, унга мунтазир — неча минг йиллардан бери шу кўйи туради. Мен билан унинг муҳаббатига мунтазир, сиз билан маҳбубангиз табассумига мунтазир, инсоннинг инсон лабидан оладиган бўсаси садосига мунтазир эди. Сутдек ойдин, покиза, гўзал бу кеча ифбатли қизнинг дудоқлари каби муҳаббатнинг муқаддас илк бўсасини интизорлик билан кутар эди.

Қайиқ кўлнинг қирғоғидаги ўриikka боғлоғлиқ эди. Кўл бўйининг майин тупроғига барглар орасидан ой мўралаб турарди. Бақалар тинмай қуриллашарди. Кўлнинг суви қирғоқни ўпиб-ўпиб кетар ва бу ўпич овози барала эшитилиб турарди. Мен қизни қучоқлаб, маҳкам бағримга босдим. Кўлнинг суви қирғоқни ўпиб-ўпиб кетарди... Мен аввал унинг кўзларидан ўпдим: лак-лак нилуфар гуллар сув бетига чиқиб гунча ёзди; кейин яноқларидан ўпдим: илиқ шабада кўкларга кўтарилиб турли-туман наво қилъа бошлади; лабларидан ўпдим: минг-миг масжид, ибодатхона, бутхоналардан дуо садолари осмон рубоби торларини чертиб юборди ва ер юзидаги гуллар, самодаги юлдузлар, ҳавода учиб юрган оқ булутлар бирлашиб рақс эта бошлади. Кейин мен унинг иягидан, яна томоғининг тагидан ўпдим, шу пайт нилуфарлар очилиб-очилиб яна хомуш бўлиб қолди, авжига чиқиб турган наво сўниб қолди, қизиб турган рақс ҳам тиниб қолди. Энди яна ўша бақанинг қуриллаши, ўша кўлнинг илиқ бўсаси, қучоқдаги кимсанинг энтикиши...

Мен секин қайиқни ечдим, у қайиққа ўтириб олди, кейин эшкакни қўлимга олиб тўппа-тўғри кўлнинг ўртасига қараб ҳайдадим. Сувнинг ўртасига келганда, қайиқ ўз-ўзидан тўхтаб қолди — на у ёққа юради, на бу ёққа. Мен эшкакни олиб қайиқнинг ичига солиб қўйдим. У тугунчани олиб ечди. Ундан аштак олиб менга узатди, ўзи ҳам ея бошлади.

Аштак қуруқ, қаттиқ бўлса ҳам ширин эди.

— Бу ўтган баҳорнинг ўригидан,— деди у.

Мен унга қараганимча аштак ейиш билан овора эдим.

— Ўтган баҳор сиз йўқ эдингиз,— деди у оҳиста.

Ўтган баҳор мен йўқ эдим. Ўтган баҳор бу ерда ўриқлар гулга кўмилиб, шохига сал тегиб кетсанг дув-дув тўкилиб, ерда садаф сингари сочилиб ётган. Ўтган баҳор мен йўқ эдим. Бу ерда мевасининг кўплигидан ўрик шохлари ерга салом бериб турган, кўм-кўк нордон ғўраларни қалампир тузга ботириб еганларида тиллари ачиб, бурунларидан сув оққан. Шундай бўлса ҳам ғўраларни маза қилиб еганлар. Ўтган баҳор мен йўқ эдим. Кўк ғўралар эса пишиб оқарган, тилла ранг ва охири қип-қизил рангга кирган, шохларида севинч ғунчалари каби товланиб, қувонч тўла кўзларни, ёниб турган маъсум кўзларни ўйнатган. Лекин ўтган баҳор мен йўқ эдим. Қип-қизил пишган ўриқларни нафис қўллар эҳтиёткорлик билан териб олган. Нозли лаблар уларнинг лазиз шарбатини сўриб олган. Эпчил қўллар сават-сават ўриқларнинг данагини чақиб, мағзини яна этига тиқиб қурутиш учун томга олиб чиқиб ёйган, бир баҳор ўтиб яна баҳор келганда мен келаман, шунда бу аштак ўриқлар лаззатидан баҳраманд бўламан.

Аштакни еб бўлиб қандак ўриқка ўтдик. Қандак ўрик олдинига унча ширин бўлмаса ҳам, оғзингда бир оз шимганичгдан кейин шаҳду шакар мазасини беради.

— Жуда ҳам ширин, юмшоқ экан,— дедим мен.

У битта данакни тишида чақди-да, мағзини менга бериб:

— Манг, енг,— деди.

Мағиз бодом мағзидек ширин эди.

— Бунақа қандак ўриқни ҳеч еган эмас эдим,— дедим мен.

— Узимизнинг ҳовлидаги ўриқдан бу. Ҳовлимизда бир туп бор, холос. Лекин катта-катта, қип-қизил, ширин бўладики, нимасини айтасиз. Ўрик пишиғида ҳамма қизлар бизникига келиб, ўрик еймиз дейишади. Ўтган баҳор...

Ўтган баҳор мен йўқ эдим,— деб уйладим мен,— аммо ўрик дарахти ҳовлида қандай турган бўлса шундай тураверган. Ўтган баҳор у чиройли нозик барглар чиқар-

ган, кейин учли-учли кўк ғуралар пайдо бўлган; улар энди данак чиқарганда эса қайнатиб нордон сувини тушки овқатдан олдин ичишган. Бироқ мен бўлмаганман. Ғураларнинг дачаги қотиб сарғайиб ҳам қолган, ичидаги юмшоқ мағиз эса шириинликда ҳали етилмаган бодомни ҳам йўлда қолдирган. Утган баҳор мен йўқ эдим. Аммо, Қашмир ғўзаларининг қизил юзига ўхшаган ўриклар, кўк шол рўмолдан мўралагандек, барглар орасидан мўралаб турган. Шўх қизлар ҳовлининг ўртасига тушиб олиб ўйнай бошлашган. Унинг укаси шунда дарахт устига чиқиб опасининг дугоналирига ўрик териб берган; ўтган баҳор қандак ўрик жуда ширин, серсув бўлган-у, мен бўлмаганман...

Қандак ўрикни ҳам еб бўлганимиздан кейин, думбул маккажўхориға ўтдик. Думбул жуда хўшбўй, доналари эса марваридга ўхшаб қатор тизилиб турарди. Қўрдан олинганига кўп бўлмагани учун ҳали иссиққина эди, есанг мазаси оғзингга қолади.

— Қалай экан думбул?— деди у.

— Жуда ейишлик экан,— дедим мен думбул еб туриб.

— Бултурги ҳосилдан,— деди у.— Ойимлардан яшириб, хумга солиб бекитиб қўйган эдим.

— Мен думбулнинг бир томонини еб, бир неча қаторини унга қолдирдим. У бир оз еб бир неча қаторини ўзимга қайтариб берди; шундай қилиб у еган жойдан мен едим, мен еган жойдан у еди. Бир думбулни еб бўлдик. Мен хаёлга берилдим: «Жуда мазали экан миср маккаси. Бултурги ҳосилдан. Бултур сен шу ерда эдинг, аммо мен йўқ эдим. Сенинг отанг ер ҳайдаган, тупроқни юмшатган, уруғ эккан, булутлар сув пуркигандан кейин уруғлар ниш бериб чиққан, сен парвариш қилгансан, кейин узун-узун барглар пайдо бўлган-у, шамолда чор атрофга эгилиб салом бера бошлаган; сен бориб сўталарга қараб, севинганинда... мен йўқ эдим. Сўталарнинг қобиғи ичидаги доналар оппоқ сутга тўлган, шунда тирноғингни сал ботирсанг чирт этиб сут отилиб чиқади-ган бўлган. Шундай нозик ва юмшоқ думбулларни тупроқ етилтириб берганда... мен йўқ эдим. Думбул егилиб пишган, сути қотиб, доналари қаттиқ бўлиб қолган, энди тирноқ ботирсанг тирноғинг синса синадики, унга ботмайди. Маккажўхорининг оқсариқ мўйлови тилла ранг,



кейин бориб қорамтир, доналари эса сарғиш қизил бўлиб қолган. Мен шунда ҳам келмаганман. Далаларда баланд-баланд хирмонлар уюлган, маккажўхориларни ҳўкизлар билан янчишган, доналари мардакларидан ажратилган. Шунда сен ўз дугоналаринг билан муҳаббат ҳақида қўшиқ куйлаб туриб, бир неча думбулни қўрга кўмиб пиширгансан-да, бир ёққа олиб қўйгансан, мен йўқ эдим: ер бор эди, ҳаёт бор эди, муҳаббат ҳақида қўшиқ бор эди, қўрда пиширилган думбул бор эди — мен йўқ эдим, холос.

Мен севинч билан унга қараб:

— Бугун тўлин ой кечаси, ҳамма ёқ севинчга тўла. Бу гапларнинг ҳаммаси ҳам кеча йўқ эди, бугун эса ҳаммаси мавжуд,— дедим.

У еб турган думбулни мечинг оғзимга тутди: унда лабларининг илиқ ва намтоб нафаси из қолдирган эди.

— Бир ўпай,— дедим.

— Боринг-э, қайиқ чўкиб кетади!— деди.

— Бўлмаса нима қиламиз?— деб сўрадим.

— Майли чўкиб кета қолсин,— деб юборди.

\* \* \*

Бу тўлин ой кечаси ҳануз ёдимда сақланиб келади. Ёшим етмишга яқинлашиб қолди, лекин ўша тўлин ой кечаси хотиримда ҳамон ёғду тўкиб туради; гўё кечагина бўлиб ўтгандай. Мен шу вақтгача ҳеч кимни бунчалик самимий севмаган бўлсам керак. У ҳам ҳеч кимга бунчалик кўнгил бермагандир. Тўлин ой кечасидаги ғайри табиий бир жоду бизни бир-биримизга шунчалик маҳкам боғлаб ташлаган эдики, у қайтиб уйга бормайди. Ўша оқшом мен билан бирга қочиб келди. Биз беш-олти кун муҳаббат дунёсида адашиб, севги нашъасидан масту аласт бўлиб, худди болалар каби ўрмон чеккаларида, дарё-сойлар ёқасида, ёнғоқларнинг салқинида ўйнашиб юрдик. Кейин мен ўша кўл ёқасидан кичкина бир уй сотиб олдим. Иккимиз янги уйда яшай бошладик.

Орадан бир ой чамаси ўтгач, мен Сринагарга жўнадим. Қетиш олдидан унга уч кундан кейин келаман деб эдим. Уч кундан кейин қайтиб келдим. Келиб қарасам...

у бир йигит билан апоқ-чапоқ бўлиб гаплашиб ўтирибди. Икковлари ҳам битта лаганчадан овқат еб ўтирибди. Гоҳ бу унга ошатар, гоҳ у бунга. Бирдан кулиб юборишар. Мен уларни кўрдим-у, улар мени кўрмади. Улар ўз фароғатида шу қадар маҳв эдиларки, мени пайқашмади ҳам. «Бу ўтган баҳор, ё ундан олдинги баҳорда ортдирган маҳбуби бўлса керак, унда мен йўқ эдим. Бундан кейин ҳам қанча баҳорлар, қанча тўлин ой кечалари келади. Шунда муҳаббат бир фоҳиша хотин каби тугуриқсиз бўлиб кетади, қип-яланғоч бўлиб ўртада рақс қила бошлайди. Бугун сенинг хонангга хазон кириб келди. Зероки баҳордан кейин куз келади. Энди бу ерда сенинг қиладиган ишинг қолмади». Шуларни ўйлаб туриб, индамай-нетмай қайтиб кетдим. Шу-шу, биринчи баҳоримни қайта учратмадим.

Мана, бугун, қирқ саккиз йилдан кейин яна келиб турибман. Ўзим билан бирга болаларимни ҳам олиб келдим. Хотиним аллақачон ўлиб кетган, лекин келичларим ва набираларим мен билан бирга. Биз ҳаммамиз сайр қилиб юриб Самал кўли ёқасидан чиқиб қолдик. Ҳозир апрель ойи. Пешин ўтиб қош қорайиб қолди. Мен узоқ вақтгача кўприк чеккасида туриб қатор тизилган бодом тупларига кўз югуртирмоқдаман. Муздек шамолда чаман-чаман оқ гуллар тебраниб, жилва қилмоқда. Сўқмоқ томондан менга таниш бўлган оёқ товушлари эшитилмайди. Чиройли бир қиз кичкинагина тутунчани кўксига босганича кўприкдан чопқиллаб ўтиб кетди. Юрагим гугуп уриб кетди... Узоқда тунглар ортидаги қишлоқдан бир хотин киши эрини чақиряпти. У эрини овқатга чақиряпти. Қаёқдандир эшикнинг қарс этиб ёпилган овози эшитилди. Бир боланинг йиғи товуши тиниб қолди. Мўрилардан тутун буриқсаб кўтарилмоқда. Қушлар чуғур-чуғур сайрашиб дарахтларнинг қалин шохлари орасида гоҳ қанотларини қоқади, гоҳ жим бўлиб қолади. Кимдир қўшиқ айтмоқда, унинг овози жаранглаб уфқнинг нарийги томонига қуйилиб, ёйилиб боради.

Мен кўприкдан ўтиб боряпман. Ўғилларим, келинларим ва невараларим орқамдан келишяпти. Тўп-тўп бўлиб кетяпмиз. Шу ерга келганимизда, қатор тизилган бодом тугади. Жарлик ҳам орқада қолди. Мана кўл, ана ўрик. Бу жуда катта бўлиб кетибди-ку. Айтмоқчи, қайиқ қани? Ҳа, бу ёқда экан. Лекин бу ўша қайиқнинг ўзимикин?

Ана уй. Биринчи баҳорим уйи, тўлин ой кечасидаги муҳаббат!

Уй ичи ёруғ. Болаларнинг товушлари эшитилиб турибди. Аллаким йўгон овоз билан ашула айта бошлади, Қандайдир бир кампир бақириб уни жим қилди. Мен: «Бу уйни кўрмаганимга ярим аср бўлди. Кириб бир кўрсам нима қилади. Ахир бу уйни бир вақтлар ўзим сотиб олган эдим-ку. Қолаверса, бу уйнинг эгаси ҳали ҳам ўзим. Кел, бир кириб кўрай, мендан нима кетди», деб ўйладим-да, ичкари кирдим.

Кўп яхши ёқимтой болалар экан. Бир ёш жувон эричинг олдига лаганчада овқат қўйиб турибди. Мени кўриб, туриб қолди. Иккита бола уришаётиб эди, мени кўриб ҳайратда жим қолди. Жаҳли чиқиб ҳозиргина дўқ уриб турган кампир айвоннинг устунни олдига келди.

— Сиз кимсиз?— деб сўради.

— Бу уй меники,— дедим.

— Катта дадангизники!— деди у кесатиб.

— Катта дадамники эмас, менинг ўзимчики,— дедим мен.— Қирқ саккиз йилча бўлди, мен бу уйни сотиб олган эдим. Ҳозир фақат шунчаки бир кўриб ўтай деб кирдим. Сизларни чиқариб юбориш учун кирганим йўқ. Бу уй энди сизларники, бундан хотиржам бўлинг. Меч энди шунчаки...

Шу гапларни айтиб орқамга қайтиб кета бошладим. Кампир устунни маҳкам ушлаб ҳанг-манг бўлиб қолди. У нафасини зўрга ичига ютиб:

— Бу сизми... Энди, шунча йил ўтиб кетгандан кейин киши кишини қандай қилиб таний олсин?..— деди.

У устунга ёпишганича узоқ вақт жим туриб қолди. Мен пастда, ҳовлининг ўртасида индамай унга тикилиб турардим. Шу пайт у ўзидан-ўзи кулиб юборди.

— Келинг, меч сизни уй ичидатиларимиз билан таништириб қўяй... Қаранг, бу менинг тўнғич ўғлим. Бу ундан кичиги. Бу катта келиним. Буниси катта набирам. Салом қилмайсанми, болам. Бу қиз набирам... бу... бу киши менинг эрим. Жим... уйғочиб кетмасинлар... Утган кундан бери иситмалаяптилар. Ухласинлар. У киши... Энди сизни нима билан меҳмон қилсамикин...

Мен девордаги қозиққа осиб қўйилган маккажўхори-ларни кўрдим... Қўрда пиширилган думбуллар. Олтин маржондек шаффоф доналар...

Икковимиз ҳам кулиб юбордик.

Кўп тишларим тушиб кетган. Қолгачи ҳам ҳеч нарсага ўтмайди,— деди у.

— Мени айтмайсизми. Мен ҳам сизга ўхшаган. Думбул ея олмайман,— дедим мен.

Уйга кирганимни кўриб, бола-чақаларим ҳам эргашиб кирган эди. Жуда тўй бўлиб кетган эди. Болалар бирпасда бир-бирлари билан иноқлашиб кетишди.

Биз иккимиз аста-секин ташқарига чиқдик. Аста-секин кўл ёқасига бордик.

— Мен олти йилгача сизни кутдим,— деди у.— Сиз ўша кучи нимага келмадингиз?

— Келган эдим. Келган эдим-у бошқа бир йил билан ўтирганингизни кўриб қайтиб кетаверган эдим,— дедим мен.

— Нима деяпсиз?

— Ҳа, сиз у билан бир лагандан овқат еб ўтирган эдингиз. У сизга ошатарди, сиз унга.

У бир нафас жим қолди. Кейин овозининг борича хохлаб кулди. Овозининг борича кула бошлади.

— Нима бўлди? — деб сўрадим мен ҳайрон бўлиб.

— Эй, у ўзимнинг туғишган акам эди-ку! — деб яна қаттиқ-қаттиқ кулишга тушди.— У ўша кунни мени кўргани келган эди... Уша кунни сиз ҳам келадиган эдингиз. У қайтиб кетаётган эди. Сиз келсангиз, сизни ҳам кўриб кетсин деб, мен уни тўхтатиб қолган эдим. Сиз бўлсангиз келмадингиз.

У бир дам ўйланиб қолди. Кейин яна гапида давом этди:

— Мен сизни олти йил кутдим. Сиз кетганингиздан кейин худо мечга бир ўғил берди. Сизнинг болангиз. Лекин у бир йилдан кейин ўлди. Сизнинг йўлингизга яна тўрт йил кўз тикдим. Лекин сиз келмадингиз. Кейин эрга тегдим.

Икки бола ташқарига чиқди. Уйнаб-ўйнаб бир бола иккинчи қизга думбул едирар эди.

— Бу бола менинг набирам,— деди у.

— Бу қиз менинг набирам,— дедим мен.

Улар иккаласи чопқиллаб-чопқиллаб кўл ёқалаб узоққа кетиб қолишди. Ҳаётнинг гўзал гунчалари... Биз иккимиз анча вақтгача уларга қараб қолдик. У мечга яқин келиб сўзлай бошлади:

— Бугун сиз келдингиз, мен жуда хурсанд бўлиб кетяпман. Мана мен уйли-жойли бўлдим. Турмушнинг оғир-енгилини бошимдан ўтказдим. Роҳатини ҳам кўрдим, азобини ҳам тортдим. Ёмонми, яхшими уйим бор. Бунинг устига сиз ҳам келиб турибсиз. Мен заррача хафа эмасман.

— Мен ҳам шундай. Сизни энди бошқа ҳеч ҳам учратмайман, деб ўйлардим. Шунинг учун ҳам шунча йилдан бери бу ерга келмадим. Мана энди келдим. Мен ҳам хафа эмасман.

Иккимиз ҳам жим бўлиб қолдик. Болалар ўйнаб-ўйнаб бизнинг олдимизга келиб қолишди. У менинг набирамни кўтариб олди, унинг набирасини мен. У менинг набирамни ўпди, мен унинг набирасини ўпдим; иккаламиз шодлик билан бир-биримизга қарай бошладик. Унинг кўз қорачиғида ой балқиб турар эди, гўё ой ҳайрат ва қувонч билан менга айтарди: Инсон келиб кетади, лекин ҳаёт қолаверади. Бир баҳор ўтади, сўнгра яна баҳор келади. Кичкина-кичкина севгилар ҳам сўнади, лекин ҳаётга бўлган катта, буюк чин муҳаббат алангаси мангу порлайди. Сиз иккинчисиз ўтган баҳор йўқ эдингиз. Бу баҳорни кўриб турибсиз. Келаси баҳор сиз бўлмайсиз, лекин ҳаёт бўлади, муҳаббат ҳам бўлади, ёшлик ҳам бўлади, гўзаллик ҳам бўлади, раънолик ҳам бўлади, маъсумлик ҳам...


Болалар типирчилаб қўлимиздан тушишди, чунки улар ўз ҳолича ўйнашмоқчи эди. Улар чопқиллаганича қайиқ боғланиб қўйилган ўрик дарахти ёнига боришди.

— Бу ўша дарахтми?— деб сўрадим мен.

У кулиб туриб жавоб берди:

— Йўқ, бу бошқа дарахт.





## УЧ БЕЗОРИ

**У**нинг исми Абдуссамад эди. Бҳанди бозорда яшагани учун ҳам уни кўп одамлар безори дердилар... Абдуссамад ҳам безори бўлса бордир! Аммо у бечора умр бўйи ўзининг безори эканини билмади. Умуман, одамлар ҳаётларида ўзлари тўғрисида жуда кам нарса биладилар. Масалан, одамлар уларни яхши деб ҳисоблайдиларми ёки ёмон деб ҳисоблайдиларми, улар олижаноб одамларми ёки аблаҳ одамларми, хотинларга нисабатан ўз онаси, ўз синглиси деб қарайдиларми ёки уларга ўзларининг бўлажак маъшуқалари деб қарайдиларми, уларни одамлар диёнатли деб ҳисоблайдиларми ёки ёлғончи деб ҳисоблайдиларми, улар ахлоқсизми ёки тинчлик тарафдорларими... буларнинг ҳаммаси сал-пал бўлса ҳам, ниҳоят уларга маълум бўлиб турарди. Лекин бечора Абдуссамад то букунгача, белига ўқ теккангача ўзининг бир безори эканини билмаган эди. Унга ўқ қандай қилиб текканлигини кейин айтиб бераман. Ҳозир эса сизларга шуни айтмоқчиманки, Абдуссамад бир безори эди. У «Нафис санъат босмахонаси»да ишларди. Босмахона «Вазир» ресторани ёнидаги икки қаватли қизил ғиштин бинога жойлашган. Унинг қаршисида ҳозирги кунда куйиб култепага айланган трамвай парки бор эди. Ҳиндистонликлар билан инглизлар ўртасидаги қадимий адоват туфайли минглаб ҳиндистонликлар қирилиб кетди-ю, лекин шўрлик инглизларнинг бир неча минг патрони хайф бўлгани қолди.

Абдуссамад худди ўша «Нафис санъат босмахонаси»да ишларди. Литографиянинг оғир тошини кўтариб, машина-

га қўйиш унинг вазифаси эди. Бошқа ишчилар зўрага бир тошни кўтара олардилар. Лекин Абдуссамаднинг иш қилиш усули ўзгача эди. У, чайналган пон баргини куч билан сув оқадиган қувурга туфлаб ташлар, болохонадор сўкиш билан сўкинар ва бир вақтда икки тошни кўтариб оларди. Тошларни жонидан азиз кўргандай, авайлаб кўкрагига босганича бошқарувчи столи ёнидан ўтиб бораркан, илжайр, кўзини қисар, ич-ичидан бошқарувчини боплаб сўкар ва машинага бирлаштириш учун олиб борар эди. Абдуссамад ўзига хос тилда, машинада ишловчига кулиб: «Қани, йигитча, машинани юргизгин-чи!» дер эди. Аслда унинг ўз тили бўлиб, ҳаётнинг муҳим масалалари юзасидан бу тилда гаплашарди. Хўжайин босмахонага келганда ишчиларга секин, «Шер келди, шер келди, чопинглар!» дер эди. Хўжайин босмахонада бўлмаганида бошқарувчи зўр бериб бақирар эди. Ушанда Абдуссамад ишчиларга қараб: «Ишингни қил. Ишларингни қилсаларинг-чи, чўчқадан тарқалганлар. Ургочи чия бўрининг чийиллаганини кўрмаганмисанлар», дер эди. Мойна олиш куни келганда «Бечоранинг чаттами қоладиган бўпти-да» дерди. «Чаттам бачта» сўзининг қайси тилга мансублигини, қаердан келганлигини, буни Абдуссамад қаердан ўрганиб олганлигини ҳеч ким билмас эди. Бу Абдуссамаднинг тили, Абдуссамад эса тилнинг хўжайини. Таъби-да, қандай истаса, ўшандай ишлатаверади. Ким уни тўхтата олади? У жуда кўп сўкинар эди. Мен то шу бугунга қадар Абдуссамаддан яхшироқ сўка оладиган одамни кўрганим йўқ. «Онанинг сутига...» Шоир ҳам гапни бунчалик дўндира олмайди. Сўкиш бобида Абдуссамад шоир, тенги йўқ уста, фасоҳату балоғат подшоси. Абдуссамад сўкаётган вақтида тили шундай чечан, шундай равон бўлиб кетардики, буни кўрганимда Ҳиндистоннинг кўп гапириб кам иш қиладиган энг яхши сиёсатчилари беихтиёр эсимга тушиб кетарди. Абдуссамад кўп гапирса-да, ишни боплаб ташлайдиган ўзига хос хислати бор. Бошқарувчи Абдуссамадни озги чаккилиги учун ёқтирмас эди. Лекин у ишни шунчалик дўндирардики, буни кўрган бошқарувчи Абдуссамадни ишдан бўшатгиси келмасди. Ажабланарли ҳол. Эҳтимол ўзингиз ҳам, безори бўла туриб ишда тенги йўқ одамларни кўргандирсиз. Энг яхши ишчилар ҳам безори бўлар экан. Қишини таажублантирадиган гап-а? Ё нотўғрими?

Абдуссамад яхши ишчи эди. Агар унда кўп гапириш, сўқиниш ва одамлар устидан бесабаб кулиш одати бўлмаганда, у яхши одам ҳам бўлган бўларди. Ҳа, айтмоқчи у ҳар вақт пон чайнаб юрарди, шунинг учун унинг катта-катта тишлари яна ҳам ифлос бўлиб кўринарди. Сўкиш бобида Абдуссамад шундай камолатга эришган эдики, ҳаттоки йирик-йирик ёзувчиларга умр бўйи меҳнат қилганларидан кейин ҳам, ўшандай баён қилиш услуби на-сиб бўлмаслиги мумкин. Унинг кулгиси-чи! Унинг кулгиси алоҳида, ўзига хос. Кенг, гумбур-гумбур, жарангли кулги босмаҳонанинг қоронғи биносида ва хусусан Абдуссамад ишлайдиган хона учун бутунлай тўғри келмас эди. Бу қаҳқаҳа бағрида қарағай ўрмонлар қад кўтарган тоғларни, бепоён буғдойзорларни, ҳаммани уйқу қучоғига олган юлдуз тўла кечаларни эслатар эди. Бу кечаларда тун маликаси уфқнинг у бошидан бу бошигача ўзининг зулфларини ёйиб қуёш нурларини кутади. Бу кулги гўё океан кўкрагини ёриб чиққан ва бутун ер юзига тарқалишда давом этар эди. Инсон кулгиси эмас, қандайдир дев кулгиси бўлиб туюлар эди. Қуруқ, қўланса, ёмон, ҳаяжонлантирувчи, кучайиб борувчи кулги босмаҳонанинг маҳдуд, қоронғи тўрт девори учун жуда муносиб эди. Бунга қарамасдан Абдуссамад аксария кулар, сўқинар ва бошқарувчининг олдидан литография тошини кўтариб ўтаётиб гижинар, жаҳли чиқар эди... Безори!

Биринчи марта уни «Нафис санъат босмаҳонаси»да кўрганимда менда кучли жирканч ва нафрат туйғуси пайдо бўлди. Жай-Жай касалхонаси ходимлари «рақс ва ашула кечаси» ташкил қилишни истаган эдилар. Мен шу концерт программасини бостириш учун босмаҳонага бордим. Абдуссамадни биринчи марта ўша ерда кўрдим. У мағрурлик билан икки қўлини белига тираган ҳолда туриб:

— Ўша литография тошининг синиши биздан бўлди, жаноб бошқарувчи,— дер эди.

— Қандай қилиб синди?

— Бунга қандай қилиб тушунтирай? Қўлимдан тушиб кетди-ю, икки бўлакка ажралди-да. Бу лаънати тош келиб-келиб бугун синганини қаранг-а?! Бу ҳароми босмаҳонада ишлаганимга икки йил бўлибди-ю, ҳеч қачон бундай воқиа бўлмаган эди,— деб бошини қашлади. У, бошидан бит ушлаб олиб, тирноқлари орасига олар



экан:— Тур-эй, бит-митинг билан, онангнинг оғзига чўчқанинг кабоби — деб қўйди.

— Тўғрилиқча гапир!— деди бошқарувчи.

— Ҳали ҳам тўғрилиқча гапиряпман-ку, жаноб бошқарувчи. Литография тошининг синишига биз сабаб, кечиргайлар.

Гўё кечирим сўраш унга қизиқ бўлиб кўрингандай кула бошлади. У кулганда унинг тишлари, милклари то ҳалқум ва танглайигача кўриниб кетар эди. Мен ўзимни сал четга тортдим. Чунки унинг баданидан ғалати бир ҳид келарди. Ҳар қандай безорининг баданидан ҳид келади: ер, тер ва пиёз ҳиди.

Гарчи унинг бадани сассиқ бўлса ҳам, дили сассиқ эмас эди. Унинг кичик-кичик шум қора кўзлари қуюқ қошлари тагидан ялтираб турарди. Бунда ҳам ҳеч қандай сассиқлик йўқ эди.

Ойнинг ўнинчи куни келиб, мояна олинаётган вақтда Абдуссамад жаноб бошқарувчига ташаккуромуз назар билан қарарди. Бу қарашда ташаккурдан ташқари ажабланиш ва яна бир туйғу бўлиб, бу гўёки «Сен бошқарувчи эмассан, сен менинг биродаримсан. Биз иккаламыз ҳам инсонмиз» дер эди. Бунда ҳам ҳеч қандай сассиқлик йўқ эди. Унинг табассуми-чи. Унинг табассуми ифлос эди. Чунки унга босмахона бўёғи ва машиналар ёғи аралашган эди. Унинг табассумида ҳам бадбўйлик йўқ эди. Лекин унинг бадани сассиқ, тиш милклари ифлос эди. Абдуссамаднинг қўл мускуллари бўртиб чиққан, сўкинарди. Худди доим ёқалашишга тайёрдек эди.

Абдуссамад бир безори эди-да. Абдуссамаднинг, тагин келиб-келиб бегона бир одам олдида кулиб, кечирим сўраб турганини кўрган бошқарувчининг жон-пони чиқиб кетди, юрагида ғазаб бўрони кўтарилди. Қўлига ёғоч вални олиб, куч билан столга урди ва бақириб Абдуссамадни сўка кетди. Бошқарувчи овозининг борича бақириб сўкиш аралаш Абдуссамаднинг гуноҳини ҳеч кечирмаслигини айтди.

— Литография тоши ниҳоят қиммат. Сен буни билмайсан. Уни Германиядаги Бавариядан олиб келадилар! Сен буни билмайсан. Ҳозирги вақтда уни жуда катта қийинчиликлар билан топадилар, чунки иттифоқчилар Германияни тор-мор келтирганлар. Сен буни билмайсан. Ҳозир тошни ғоят қийинчилик билан топадилар.— деди.

— Мен бунинг ҳаммасини биламан, Ҳиндистонга-ку тошлар келади, бутун бир армияни тошлар билан уриб Ҳиндистондан чиқариб юборса бўлади. Тош-ку топилади-я, жаноб бошқарувчи, лекин нон топилмайди. Яхшиси сўкмасдан, ҳақорат қилмасдан гапиринг, жаноб бошқарувчи. Сиз сўкиш бобида барибир менга бас келолмаслигингизни-ку биласиз,— деди Абдуссамад ва бошқарувчини онаси-ю отасини қўшалоқ қилиб сўка кетди. Ишчилар Абдуссамад ёнига йиғилдилар. Бошқарувчи ёқасини зўрға бўшатиб олди.

— Тошингни уйингда сақла, ҳадеб Абдуссамад, Абдуссамад! Тош синган бўлса нима қилайлик! Ҳа, жаноб бошқарувчи, юқоридан туриб бизни сўкканингиз сўккан. Биз ишламаймиз. Бу лаънати босмахонада ҳечам ишламаймиз. Биз ҳозироқ чиқиб кетамиз! Дарҳол кетамиз!— деб, Абдуссамад анчагача ўша тарзда вайсади, лекин босмахонани ташлаб чиқиб кетмади. Абдуссамаднинг бу ердаги сиёсати инглизларнинг сиёсатига ўхшаб кетарди. Чунки инглизлар ҳам доим Ҳиндистонни ташлаб кетамиз, деб пўписа қиладилар-у, бироқ шўрликлар кетмайдилар. Хуллас, Абдуссамад ўзи чиқиб кетмади. Иккинчи куни бошқарувчи босмахона хўжайини билан гаплашиб Абдуссамадни ишдан бўшатдириб юборди. Бу воқиа қўзғолондан икки кун илгари юз берган эди. Ушандан кейин мен Абдуссамадни кўрганимда, у катта кўчаларда, Бҳанди бозорнинг турли кўчаларида бошқа безорилар билан бирга бақириб-чақириб, ғалағовур кўтариб, ҳартол қилиб юрарди. Бир жойда мусулмонларнинг кўзга кўринган раҳбарларидан Мистер Чундригар нутқ сўзлаётган экан:

«Бу ишташлашда, исёнда, жанжалда сира иштирок қилмайлик. Буларнинг ҳаммаси Конгресснинг фитна-фасодидир...»

Уша вақтнинг ўзида Абдуссамад ва унинг безори ўртоқлари шовқин кўтариб, бу «тинчликсевар раҳбар»га оғзини очиргани ҳам қўймай «Яшасин Ҳиндистон!», «Яшасин ҳинд денгизчиларининг ишташлаши!» деган шиорлар остида мажлисдан ҳайдаб юбордилар! Уша одамлар иш ташлашди, трамвай вагонларига ва трамвай тўхташ жойларидаги шийпонларга ўт қўйиб юборишди. Буларнинг ҳаммасида Абдуссамад ҳам иштирок этган, деб эшитдим. Лекин бу гапларни мен кейин эшитдим. Абдуссамадни Чундригар нутқ сўзлаган митингда кўрга-

нимдан сўнг қайтиб уни Жай-Жай касалхонасида кўрдим. Ўқ унинг белига теккан ва қорнини ёриб чиқиб кетган эди. Белида, ўқ теккан жойида кичик бир тешик бўлиб, қорнида, ўқ чиқиб кетган жойда катта бир жароҳат бор эди. Жароҳат мингта пичоқ зарбидан пайдо бўлганга ўхшарди. Бу ўтган қўзғолонда ишлатилган дум-дум ўқи эмас. Бу янги даҳшатли ўқ бўлиб, киши баданига киргандан сўнг ёрилар ва юзлаб майда-майда жароҳатлар пайдо қиларди. Гап одамни ўлдириш бўлса, уни оддий ўқ билан ҳам ўлдирса бўлади. Лекин безорилар учун ўшандай ўқ сал яхшироқдир. Бизда бу ўқлар тўнғиз овида ишлатилади. Хуллас калом, безорилар тўнғизлардан бадтар бўладилар. Абдуссамаднинг ўлганлиги яхши бўлди.

Абдуссамад ўлди. Унинг жасади менинг олдимда ётибди: ёши 24 да, рожпут тоифасидан, ислом динида, бўйдоқ. Кўзининг нури сўнган, лабларидаги табассум ўчган, ҳаётбахш сўкиш ўлган. Ҳамма нарса бўғиб ташланган. Менинг олдимда қўллари икки ёққа ташланган, оғзи очиқ мурда ётибди. Қандайдир таъна, мудҳиш келажак, хомуш сўкиш... Унинг онаси ўз кўкрагига урар, оҳ-воҳ қилар, дод-вой солар эди. У касалхона олдидаги чодирда ўтирувчи солдатларга ишора қилиб гапира кетди:

— Менинг ўғлимнинг бу золимларга қандай зиёни тегди экан? Нега менинг ўғлим ўлди? Нега унга ўқ теккан? Унинг кимга қандай зиёни тегди? У чопиб кетаётган кичкинтой англо-ҳинд қизини қутқазиб учун кўчага чиққан эди. Кимдир унинг орқасидан отди. Қизча эсон-омон қолди. Лекин менинг ёш... ўғлим, келажаким... Доктор! Худо ҳаққи менга айтинг, нега уни ўлдирдилар?!

— Шунинг учунки, у бир безори эди,— дедим секин ва Абдуссамаднинг юзини кийими билан ёпиб, иккинчи жасад томон қарадим.

\* \* \*

Иккинчи безори билан мен бир савдогарнинг уйида учрашдим. Безорилар «Сандес Роуд» деб атайдиган «Сандҳерст роуд» катта-катта савдогарларнинг маконидир. Падамси сетҳ ҳам худди шу ерда истиқомат қиладилар. Падамси сетҳ Жай-Жай касалхонаси докторларига жуда мақбул тушганлар. Чунки сетҳ 100 рупияни 120 рупияга ижара берадилар ва бутун ишни жуда силлиқлик билан саранжом қиладилар. Падамси сетҳнинг юзи болаларникидай маъсум. Табассуми эса худди сарийёғ шимди-

рилганга ўшар эди. Ширинликлар танқислигига қарамай, унинг овози шунақа ширин эдики, ундан чайқов бозорининг тами келиб турарди.

Падамси сетҳ менинг энг яхши дўстларимдан ҳисобланади. Чунки менда тез-тез қарз олиш эҳтиёжи пайдо бўлиб туради. Дўстларимдан қайси бири менга қарз бермас экан мен у билан кам дўстлашаман.

Бундан ташқари Падамси сетҳ кўп ижара ҳақи талаб қилмайди: 100 рупияга 120 рупия олади. Пул ижарага берилганда ҳам гаровга ҳеч нарса қолдиришни талаб қилмас эди. Қани, айтинг-чи, бундан ҳам яхши ижара Ҳиндистондан бошқа қаерда бўлиши мумкин? Бугун безорилардан базўр қутулиб Падамси сетҳнинг уйига келганимда, у жуда хушмуомала ва очиқ кўнгиллик билан кутиб олди. У менга ҳеч йўқ демай доим пул берар эди. Менинг Жай-Жай касалхонасида доктор бўлиб иш-лашим, пулга эҳтиёжманд бўлиб турушим ва қарзни проценти билан тўлашимни Падамси сетҳ билади. Менинг ишқ-муҳаббатимдан ҳам сетҳнинг яхши хабарлари бор. Сетҳ бу гўзал ва тенги йўқ ҳамширани ҳам танийди ва бу ҳамшира учун ёш бўйдоқ доктор, 120 рупия қилиб қайтариб бериш шарти билан, 100 рупия қарз олиб туришга мажбурлигини ҳам билади. Ҳиндистонда бир турдаги севги жуда қиммат туради ва айни ҳолда қонунга хилофдир. Жамият ҳам, сиёсат ҳам, ҳукумат ҳам уни қонунга хилоф деб ҳисоблайди. Сиз қандай бўлмасин бир инсонни ўлдиришингиз мумкин, лекин уни сева олмайсиз. Агар сиз бирор қизга «Мен сизни севаман,» деб айтар экансиз, у сизга дарҳол «Наҳотки сенинг уйингда онанг ва синглинг йўқ?» деб жавоб беради. Гўё бу мамлакатда севги фақат она ва сингил билан чегараланадигандек. Ана ўшандан кейин ҳам кимда-ким севишга журъат қиларкан, уни тепадилар, урадилар, отадилар. Бу шунинг учунки, Ҳиндистон муҳаббат макони эмас, нафрат маконидир. Одамлар ҳукуматни, ҳукумат одамларни, ота-оналар болаларини, болалар ота-оналарини ёмон кўрадилар. Уйда, бозорда, корхоналарда, идораларда нафрат ҳукмронлик қилади. Конгресс, Лига аъзолари, социалистлар бир-бирларини еб ташлашга интиладилар. Уларнинг бири-бирига нафрати ўзларини қул қилган ажнабий ҳукуматга нисбатан бўлган нафратидан ортиқроқдир. Ҳиндистон бамисоли нафрат саҳроси бўлиб, унда аҳён-аҳёнда муҳаббат

воҳалари кўзга илашади. Бу воҳалар ҳамширалар, қишлоқ қизлари, кино юлдузлари ва зулмга қарши зўравонликсиз кураш тарафдорлари томонидан обод қилинган. Тўрт томонингиз нафрат саҳроси, лекин шундай бўлишига сабаб нима? Эҳтимол бу мамлакатнинг об-ҳавоси шундайдир. Бечора Падамси сетҳ ҳам шу об-ҳавода ҳаёт кечиради. Шунинг учун ҳар қандай одамни ёмон кўради. Агар унинг нафрат доирасига кирмайдиган бирор кимса бўлса ҳамки, бу унинг кичик қизчаси Шантадир. Шанта 9 яшар тужарот қизидир. Худо унга на эт ва на ҳусн берган: ингичка, нозик, оёқлари ифлос фрак тагидан чиқиб туради, қўллари чиллакдек. Оғзи шунчалик қуриганга ўхшардики, гўё ҳеч вақт ташналиги босилмагандай. Ҳар вақт чийиллагани-чийиллаган, оғзи эса ширинлик билан тўла. У шу қадар балахдоқ ўта кетган шўх ва хунук қиз эдики, худо сақласин, буни кўрган киши тавба дейди.

Мен бир хил болаларни ёмон кўраман. Шўринг қургурлар қачон қарасанг бекордан-бекор чийиллашиб, бақриришиб ётгани-ётган. Ё стулни ушлаб олиб қимирлатишади, ё пальтонгни тортқилашади, ё термометрга қўл уришади ёки девордан сакраб ўтмоқчи бўлишади. Қўйингчи бола шундай бўларкан-да! Бир минут ҳам жим ўтирмайди-я. Овози қулоқни тешадиган даражада ўткир ва қуруқ бўлиб, лабларидан ҳар вақт обакининг шираси сўлаги аралаш оқиб турарди. Унинг отаси 20 % қўшиб бериш эвазига 100 рупия қарз беради. Энди бу қизга нисбатан менинг муҳаббатим ва илтифотим тўғрисида ўзингиз мулоҳаза қилиб кўришингиз мумкин. Шундай қилиб, мен уларни кига борган кун Шанта биз ўтирган хонада эди. Бу ердан у ерга, бу хонадан у хонага ғизиллаб чопиб юрар, чийиллар ва обаки шимар эди. Падамси сетҳ уни кўрқитиб:

— Нариги хонага чиқиб ўтир. Кўрмайсанми, доктор жаноблари келдилар,— деди. Шанта ҳиқиллаб йиғлаган ва ичида мени койиган ҳолда, менга душманлик назари билан қараб чиқиб кетди. Отаси Шантанинг чиқиб кетаётганини кўриб:— Тағин кўчага чиқа кўрма. Кўчада тартибсизликлар бўляпти,— деб қўйди. Кейин ҳисоб-китоб дафтари очиб, ипақдек майин овоз билан менга:— Сизга қанча рупия керак, жаноби доктор!— деб сўради.

— Бугун қарзимнинг охириги қисмини тўлагани кел-

дим. Ҳозирча менга пулнинг кераги йўқ, чунки ҳамшира билан уришиб қолдим. Шунинг учун менинг ишқим та-мом бўлди, деб ҳисоблайверинг,— дедим мен.

— Энди тилхатни йўқ қила қолай,— деди у кулиб.

— Ҳа, олиб келинг мен ҳам қўл қўяман.— дедим.

Шундай қилиб тилхат йўқ қилинди. Биз иккаламиз қўл қўйдик. Мен сигарет чека бошладим, у эса пон чай-най бошлади, ва бу оламнинг ишлари тўғрисида суҳбат бошланиб кетди. Чунончи, пахта савдосининг касодлиги, олтин ва кумуш савдоси, фонд биржаси ёпилганлиги ва бўйнимизда инглизларнинг сиртмоғи борлиги ҳақида...

— Биз, жаноб доктор, ишингизни Рома қўлласин, ту-зоққа анча қаттиқ илиниб қолдик.— Бу стерлинг балан-си,— деди у.

— Иш стерлинг баланси билан чегараланганда-ку, ях-ши эди-я, сетҳ жаноблари, лекин улар стерлинг баланси-дан яна бир раҳна чиқардилар. Уни «Қаротид артери» дейишади.

— «Қаротид артери» дегани?.. Тавба,— деди сетҳ жаноблари бир сесканиб тушиб,— ундоқ бўлса ишлар пачава-ю?

— Ҳа, инглиз газетасида ҳаммаси ёзилган. Сиз ўқи-ганингиз йўқми? — деб сўрадим мен.

— Йўқ,— деди сетҳ жаноблари.— Мен «Жанм бҳу-мий» газетасини ўқийман. Яхши айтдингиз. Биринчидан, қўзғолоннинг бошланиши; денгизчилар иш ташладилар, безорилик бўляпти. Иккинчидан, сиз антисептика тўғри-сида гапирдингиз. Мен чайқов бозорига қанча пул қўйган бўлсам, энди ҳаммасини чиқариб оламан.

Сетҳ жаноблари сўзини тугатиб, иккинчи томонга ён-бошлаган эдики, тор кўчадан бирин-кетин отилган ўқ овозлари эшитилди.

— Иш ташлаш нималарга олиб келишини кўряпсиз-ми?— деди сетҳ жаноблари.— Бу безори ва муттаҳамлар бой одамларни талашни, корхоналарни куйдиришни, ша-ҳарларни вайрон қилишни истайдилар. Ёмон замонлар келиб қолди, доктор жаноблари. Ерда инсофнинг уруғи ҳам қолмади.

— Сиз мутлақо тўғри гапиряпсиз,— дедим мен.

Шундай дейишим билан яна ўқ овозлари ва сўнгра дод-фарёд эшитилди. Биз болаларнинг қийқириқ ва шов-қинларини эшитиб дераза олдига бордик. Сетҳ пастга қа-

раб, бирданига бақириб юборди ва тарақа-туруқ қилиб зинапоядан пастга туша бошлади. Мен унинг орқасидан тушдим.

Айтарли ҳеч нарса бўлмабди. Болалар полициячилар билан беркинмачоқ ўйнашаётган экан, холос. Болалар писиб, тор кўчанинг муюлишига борардилар, ўша ердан полициячиларга қараб «Жай Ҳинд!» деб бақирардиларда, полициячиларга қарата майда тош, шағал отардилар. Полициячилар дўқ уриб уларни қувлаганларида, хушчақчақ кула-кула чапак чалиб қочиб кетардилар. Тор кўчанинг иккинчи муюлишига чопиб бориб, полициячилар билан яна ўшандай ўйин қилишарди. Бу жуда қизиқ ўйин эди. Болалар кун бўйи ўйин билан машғул эдилар. Бу воқиа бошқа мамлакатда бўлганда ўйин деб қараларди, холос! Болаларни кутадиган жазонинг энг каттаси шу бўлардики, полициячи бирорта шўх болани ушлаб олиб, қулоғини чўзарди... «Иккинчи марта бундай қила кўрма, бола», дерди-ю, ҳамма иш шу билан битарди. Лекин бу ернинг Одам атоси ҳам ғалати шекилли. Бу мамлакатда муҳаббат эмас, нафрат ҳукм сурарди. Шунинг учун полициячилар ҳарбийларни ёрдамга чақирдилар ва Сандҳерст роудда қизиқ беркинмачоқ ўйини бошланиб кетди. Бу тарих саҳифаларидан асло ўчмаяжак.. Болалар аввалгидек қийқиришиб, чопганларича тош ота-ота тор кўчанинг муюшига чиқишганида уларни ўқ билан қарши олдилар. Бу ердан орқага қараб чопиб, иккинчи муюшига келишлари билан уларни золдирлар билан қарши олдилар. Лекин қанд золдирлар билан эмас... қўрғошин золдирлар билан! Ярадор бўлган ва тинкалари қуриган болалар ҳаллослаб тор кўчанинг оғзига чопиб келдилар. Лекин бу ерда ҳам уларни беркинмачоқ ўйновчи солдатлар кутиб ўтиришган экан. Гумбур-гумбур! Ўқ товушлари янгради ва бирданига ҳамма ёқ сув қуйгандек жим бўлиб қолди. Ўйин тамом бўлди. «Жай Ҳинд» дейдиган ҳеч ким қолмаган эди. Солдатлар жўнаб кетишди. Дарҳол торкўча одамлар билан тўлиб кетди. Одамлар ўзларининг яранган ва ўлдирилган болаларини кўтариб ола бошладилар. Ўлдирилганларнинг оналари, опалари, оталари, ақалари дод-вой солиб йиғлардилар. Падамси сетҳ ўзининг ярадор Шантасини кўтариб олди, кейин иккаламиз уни юқорига олиб чиқдик. Падамси сетҳ хўнграб йиғларди. «Шанта, мен сенга айтдим-ку кўчага чиқмагин деб,

кўчага чиқма, ҳеч кўчага чиқма...» У тўтига ўшаб бир сўзни такрорларди. Хунук гуजारот қизи «Жай Ҳинд» дея жон берарди. Унинг оғзидан қон фонтандай отилиб чиқарди. Қўлларидан, кўкрагидан ҳам қон оқарди. Унинг бадани ўз қонига бўялган эди. Қизил ранг, қизил ўрхний. Бугун 9 яшар гуजारот қизи узатилмоқда: кичкина маъсума келин. Бу ранг гўё унинг хунуклигини йўқ қилиб, унга гўзаллик бахш этган эди. Унинг қўллари юмалоқ ва мулойим, кўкракларида эса она сути мавж урар эди.

Никоҳ маросимида суркаладиган қизил ранг ўрнига шаҳидлар қони билан бўялгансан, қизча! Сенинг шаҳло кўзларингда хонавайрон ватанингга муҳаббат намоёндр. Сенинг ташна лабларинг пичирлаб «Жай Ҳинд» дейди. Сен бугун ватанингга ўз ҳаётингнинг охири қарзини тўладинг ва ўз қонинг билан тилхат ёздинг. Эй жажжи безори қизча! Бугун сенинг ўлиминг қалбларимизни порадора қилмоқда! Мен нима қилишни, қай тарафга қарашни, кимни чақиришни, кимни зикр қилишни билмайман. Чунки оёғимнинг тагидаги ер остин-устин бўлиб кетяпти. Ватанингнинг улуғлари сенга хиёнат қилдилар. Сенинг қонинг эса қасосга чақиради...

Гужарот қизи ўлди. Икки-уч хўрсиниш, ўчиб бораётган овозининг «Жай Ҳинд» деб пичирлаши... Унинг қони эса эритилган ёқутдай ерда қотиб қолган эди. Ҳамон эсимда: атрофда жимжитлик, гўёки бутун коинот йиғлар эди. Унинг кўз қараши ҳам менинг эсимда. У қараганда бирданига мингта найза юракка санчилаётгандай туюлар эди. Гузарот қизи ўлди. У билан бирга унинг бўлажак эри ва чиройли болалари ҳам ўлдилар. Ҳаёт, ҳаётнинг ижоди ва унинг бутун гўзалликлари ўлди.

Қандай йўл тутиш керак, нима қилиш керак? Гаранг бўлиб қолдим. Лекин мен шуни биламанки, бу наво, ни до ва оҳангга қизнинг қони аралашган, у ҳеч қачон ўлмайди. Агар ашула, қийқириқ, табассумга кимнингдир қони тегса, у ҳам ҳеч вақт ўлмайди. У бўйнида бир сиртмоқ бўлиб яшайди. У яра бўлиб юракни тешади ва киши қалбига тикан бўлиб санчилиб туради. Уни безори дейиш осон, аммо унутиш асло мумкин эмас.



Менга учраган учинчи безори сикҳ эди. Аниқроғи, мен уни барҳаётлигида эмас, ўлганидан кейин учратдим. Унинг устида чолвор, тор йўл-йўл кўйлак бўлиб чеҳрасида ўқ изидан бошқа ҳеч қандай из йўқ эди. Унинг буғдой ранг юзи хомуш ва ғолибона бўлиб, кичкина қоратмир соқоли ипакдек майин эди. Ташқи кўриниши чиройли. Ернинг осойишталиги акс этиб турган безорининг юзига қарадим ва жотийлар яшайдиган қишлоқ эсимга тушди. Бу қишлоқда ер олтин қусар эди. Дарё бўйларидаги сув олинанидан жойларга тушаверишдаги олтин санамларнинг оҳуникидек қора кўзларида ваҳший муҳаббат хумори намоён бўлиб, бу санамлар мусофирларга сув ичиришарди. Дарё соҳилларида узун-узун сув ўтлари ўсар ва дарёдан сал нарироқда эса буғдой бошоқлари шитирларди. Бошоқлардан баландда эса ложувард, кулиб турувчи осмон бепоён юксакликларда борган сари узоқлашиб борарди. Бу ёш сикҳнинг юзида қандайдир унутилган туш, сирли ҳақиқат ва ногаҳон шодлик акс этиб турар эди. Унинг кўйлак чўнтагидан ёзиб тамомланмаган хат чиқди. Эҳтимол, ёш сикҳ бу хатни эрталаб ёза бошлаган ва тугата олмаган, чунки эрталаб унинг ҳаётининг оқшоми келган эди. У кўзларининг кўриш, лабларининг сўзлаш қобилиятидан ва қўл кучидан маҳрум қилинди. Безори ўлди. Мен бунга афсусланмадим, балки унинг ёза бошлаган хатининг тамомланмасдан қолганлигига таассуф қилдим. Бу хат гурмуқҳи ҳарфида ёзилган эди. Мен хатни аниқ таржима қила олмадим. Унинг оҳангини, тилини, услубини қандай қилиб таржима қилиб бўлади. Биров бировнинг руҳини қандай таржима қила олсин. Лекин, бир амаллаб таржима қилдим.

«Менинг онажоним! Сат сри Акал. Ваҳгурунинг марҳамати билан мен бу ерларда эсон-омон юрибман ва Ваҳгуру Маҳарожининг марҳамати билан ўзингизнинг эсон-омонлигини из хабарини менга дарҳол маълум этинг. Ҳали ўзимга бошпана тополганим йўқ. Ҳеч қандай иш ҳам йўқ. Бомбайда тартибсизликлар юз бермоқда. Ҳиндулар билан мусулмонлар бир ёқадан бош чиқармоқдалар. Ваҳгурунинг марҳамати билан менинг тўғримда ғам еманг. Уғлингиз, албатта ишга кириб, пул топади ва сизга пул юборади ва ўзининг синглисини эрга беради. Чўчқавач-

ча аблаҳ судхўрдан қарзини узади. Ойижон! Сўкканлигим учун мени кечиринг. Галал Чанднинг исмини оғзимга олдимми, жаҳлим чиқиб кетади. Бу ерда ҳам мен шофер Кирпал Сингхнинг машинасида ухлайман... ва ҳар куни унинг машинасини юваман. Жагит Сингхга айтиб қўйинглар, у Бантуни аблаҳ Маноҳар Сингхга бермасин. Агар берадиган бўлса, худди дабдаласини чиқариб юбораман. Ишга ўрнашиб олганимдан кейин бир кун Бантуни олиб қочиб кетаман. Ойижоним! У сизнинг келинингиз. Сизга яхши келин бўлиб хизматингизни қилади. Ва...»

Шу жойда хат тамомланмасдан қолиб кетган. Ҳа, айтмоқчи ёш сикхнинг жасадини касалхонага олиб кетган кишилар уни баррикадада жон берди дейишади. У Грант роуддаги намойишнинг энг олдида жипслаштирувчи ва уюштирувчи ашула айтган ҳолда дадил олға қараб юраверди. Унга ўқ теккандан кейин ҳам ашула айтаверди. Унинг қўлида Миллий Конгресс ва Мусулмонлар Лигасининг — иккала партиянинг байроғи бор эди. Иккала қўлидаги байроқларни ҳилпиратган ҳолда олға юрди. Ўқ ёмғирида, қон дарёсида у олға қараб юраверди: Ўқ тегавериб ғалвир бўлиб кетган сикх йиқилди: «Менинг кўйлак ва чолворимни бирор муҳтож одамга беринглар, ўзимни эса сикхлар динига мувофиқ куйдирилинглар». Шундай деди-ю жон берди. Трамвай йўлида ўлди. Бу иккала байроқ эса унинг қони билан қизилга бўялди. Лиганинг яшил ва Конгресснинг яшил-оқ-заъфарон рангдаги байроқлари унинг қони билан шунчалик қип-қизил бўлиб кетган эдики, ҳеч ким бу байроқларнинг қайси бири Конгрессники-ю, қайси бири Лиганики эканлигини ажрата олмас эди. Ҳинду ҳам бўлмаган, мусулмон ҳам бўлмаган бу йигит ўз қони билан иккала байроқни бир байроққа айлантирди: у ниҳояти қишлоқдан келган қўпол ва саводсиз деҳқон боласи эди.

Безори!

Мен унинг чолвори билан кўйлагини касалхонамиздаги ҳарижан тоифасидан бўлган дҳубийга бердим. Дҳубий унинг чолворини кийиб олибди. Ҳаво ранг кўйлагини эса дҳубийнинг хотини киймоқчи. У, кўйлакни бошқатдан тиккан, ямаган, бошқа кийимларнинг резгиларидан ямоқ солган. Ҳозир эса бу кўйлак дҳубийнинг уйи атрофидаги девор қоziқларидан бирига илиб қўйилган. У ҳилпираб

турибди. Бу ажойиб кўйлак Панжобдан келган. Уни қандайдир деҳқон йигитнинг онаси ўзининг қалтираб турган қўллари билан тиккан. Шоирлар ва одамлар катта-катта раҳнамоларга таъзим қиладилар. Мен эса сенга таъзим қиламан эй қашшоқ, ҳақоратланган, унутилган кўйлак. Мен сенга минг марта таъзим қиламан. Сени содда жотий йигитнинг маҳкам кўкрагига отилган ўқ тешиди. Сен уни севдинг, унга ёрдам бердинг, ҳаётлигида ҳам, ўлганида ҳам. Бу кўйлакни шу мамлакатни севучи улуғ зотлар унутдилар. Сенга мингларча саломлар бўлсин, эй ватанимнинг чексиз қашшоқлигидай дабдала бўлиб йиртилиб кетган кўйлак! Сен ўз оғушингда маъсум деҳқон йигитининг юрак тепишларини яширдинг ва сен ҳарижан онанинг ва унинг жажжи ўғлининг жонини асрайсан. Уларга ҳам ўз ҳаётининг содда хусусиятини бағишла, уларда ҳам ватанга меҳр уйғот. Ўз руҳининг содиқ эҳтироси ва туйғуларини бахш эт. Токи бу эҳтирос билан ёниб, алангаланиб биз ҳаммамиз баррикадаларга борайлик. Доимо ҳозиргидай шамолда ҳилпираб тур. Сен гўзаллик, ҳаққоният ва эзгулик рамзидирсан. Сен яқинлашаётган довулнинг шуъласидирсан. Бу довулда кишанлар парчаланани ва инсон инсонга меҳр кўя бошлайди.

\* \* \*

Шундай қилиб бу уч безори ўлиб кетди... Бунинг ҳаммаси тартибсизликлар вақтида юз берди. Энди ўша ғалаён тамом бўлди. Ҳамма жойда сукунат, тинчлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда. Безорилар ўлдирилди ёки қамоқхоналарга ташланди. Энди шаҳарда ҳеч қандай хавф-хатар қолмади. Касалхоналар ярадорлар ва ўлдирилганларнинг жасадлари билан лиқ тўла. Ҳозир ҳамма ёққа чуқур жимлик чўккан, қоронғи тун. Мен касалхонадан ҳориб, чарчаб келдим. Юз-қўлимни ювдим, овқатландим ва кровать ёнидаги лампочкани ёқиб, диванга ўтирдим ва газета ўқий бошладим. Газетада мистер ва миссис Пҳансийлар, мистер Бандригар, мистер Стадан ва бошқа ҳурматли граждандар инглиз ҳарбий кемасига таклиф қилинганлар, деб ёзилган. Бу кема иш ташлаган денгизчилар қўзғолонини бостириш учун қирғоқ яқинига лангар ташлаган эди. Мистер Бандригар янги куёв экан. Мистер Пҳансий оч ҳаво ранг кўйлак кийиб олибди.

Миссис Пҳансийнинг устидаги сорийсининг ранги эритилган ёқут рангига ўхшар эди. У ерда тинчлик, қонун, прогресс ва конституцион революция учун қадаҳлар кўтарилибди. Мен газетани ташладим ва китоб тоқчасидан Г. Ж. Уэльснинг «Инсоният тарихи»ни олиб ўқий бошладим. Кўз олдимдан баррикадалар ўта бошлади. Инсон бундан минг йиллар илгари ҳам зулм, жаҳолат ва гуноҳни енгиш учун баррикадалар қурган. Баррикадалар менинг кўз олдимда тебранаётирлар... Будда, Муҳаммад, Исо... энди фокус ўзгаради ва кўз ўнгимда Карл I нинг калласи пайдо бўлади... дорда тебранаётган ҳолда... Париждаги гильотина. Коммуна... Октябрь ойидаги Мадрид... Бугун ҳам баррикадалар қад кўтаряпти. Марокашда... Жазоирда.. Мисрда... Ҳиндистонда... Ҳинди-Хитойда... Индонезияда... Бу бўрондир. Бўронни ким тўхтата олсин?.. Бу революциядир, революция! Ким унга бас кела олади? Бу кўйлакдир, кўйлак!.. Инсон кўйлаги, шамолда ҳилпираб турган кўйлак. Уни ўқлар билан ғалвир қилиб юбор, парча-парча қилиб ташла, бомбалар билан портлат, танклар билан бос, янч, лекин у бутун ва омон қолаверади. Бу кўйлакнинг ўлиши мумкин эмас. У инсон руҳидир!





## ҲУСН ВА ҲАЙВОН

**К**оронғи тун пардасини ёриб тонг отаётганда, у кичкина сой лабига етиб келди. Устбошини ечиб яп-яланғоч бўлди-да, сувга тушди. Сой саёз бўлиб, баъзи жойларигина белидан келарди. Оёқлари гоҳ юмшоқ лойга, гоҳ майин қумга, гоҳо кўкиш тошларга тегиб тайғалгандек бўларди.

Кумуш танали қувноқ балиқчалар зилол сувда шўх-шўх сузиб ўйнашарди. Сув остидаги баъзи тошлар жигар ранг, баъзилари кўкимтир ва баъзилари қорамтир бақатўнлар билан қопланганди. Чўмилаётиб оёқлари шу силлиқ тошларга тегиб кетар ва бу унинг қитиғини келтирар, вужудида қандайдир бир лаззат уйғотарди. Шодлиги ичига сиғмай, муздек сувдан хўплаб-хўплаб, қаттиқ ғўл-ғўл-ғўл қилиб оғиз чайқар, кейин лабларини чўччайтириб фавворачалар чиқарар, шўх-шўх кулар, куйлар, сувда ўйинга тушар ва ғўё олдида энг яқин дўсти ёки маҳбубаси тургандек уни бағрига босиш учун қўлларини у томонга чўзарди. Бироқ яқин орада ҳеч ким йўқ эди. Фақат бир қизил қисқичбақа қоя этагида қийиқ кўзлари билан тикилиб, унинг қизиқ-қизиқ ҳаракатларини завқ билан томоша қилар, ўзини ажойиботлар оламида ҳис этар эди.

Сойнинг уч томони қир-тепа, тўртинчи томони эса шу сой бориб қуйиладиган Жҳелам дарёси. Жҳеламнинг нари ёғида Мари тоғ тизмалари бўлиб, бу тоғнинг кўксини катта оқ илон пўсти сингари машина йўли ёриб ўтарди.

Табиат ўз ихтиёрини сукунат қўлига топшириб қўйган: машиналарнинг гуриллаши, дарахт баргларининг шитирлаши ва қушларнинг сайраши, ҳатто сойдаги сув ҳам уйқуга кетган.

Вақти-вақти билан қояларни эркалатиб ўтаётган сувнинг шилдираши эшитилиб қоларди. Лекин бу овоз шунчалик беозор эдики, гўё сукунат билан ҳамоҳанг бўлиб, сокинликда унга ўз ҳиссасини қўшаётгандек туюларди. У кўзини юмиб сув остига кирар, унда кўзларини очиб, бир неча лаҳза сув ости оламининг кўрки ва хушбўй ҳидидан баҳра олар, нафаси қайтгач, сув юзига чиқар ва яна ўша мулоим ва ёқимли шилдирашга қулоқ соларди. Бу шилдираш ё сукунат қамчилари остида азоб чекаётган коинотнинг ноласи эди, ё унинг тез-тез олаётган нафасининг саси эди, ё тонгнинг уфқ яноқларидан олаётган бўсасининг уни эди.

Чўмила туриб баданининг ҳар бир тешикчасига муз игначалар санчилаётгани сезилганида, сой манбаи устида сузиб юрган оқ булутларнинг учи офтобнинг заррин нурлари билан товлана бошлаганди. Шу пайт у, бугун кун бўйи юриб, эртага эрта билан йигирма мил узоқликдаги Дҳалер мавзуга етиб бориши ва ўзи тайинланган ўрта мактабда бош муаллимлик вазифасини бажариши кераклигини эслади.

Йўл нотаниш ва машаққатли бўлса-да, сўраб-сўраб манзилга етиб боришга ишонарди.

У бир зум иккиланиб турди-да, сойдан чиқди.

Тугунчадан сочиқ олиб артинди, кейин нонушталигини чиқариб, сой ичидаги катта бир тошга ўтириб олиб, нонушта қила бошлади. Сувга тез-тез тушиб турган нон увоқчалари балиқчаларнинг диққатини жалб қиларди.

Улар темир қириндилари магнитга келиб ёпишгандек, тош атрофига ғуж-ғуж бўлиб тўпланишарди. «Нон — дунёда энг улкан магнит» деб кўнгилдан ўтказди у. Энди ҳалиги қизил қисқичбақа ҳам ўзининг беҳисоб панжаларини ишга солиб, нон увоқлари сари сузиб келарди.

У йигирма мил йўл юради. Ахир бу йўлнинг охирида ҳам бир бурда нон бор, холос-да. Ахир уни ҳам шу бир бурда нон тортиб кетмаяптими?

Бирдан унга шу йигирма мил йўл қармоқнинг ипи-ю, борадиган манзили қармоқдаги бир тишлам нондек бўлиб кўринди. Шуни кўнгилдан ўтказиб туриб, ўзини шу

қармоққа томоғидан илинган ожиз балиқдек ҳис қилди-ю, йўтал тутиб, кўзидан тирқираб ёш чиқди. Кейин ўа хаёлининг бу ҳазилидан ўзи кулди.

Сой манбаи устидаги булутлар пушти ранга кирган эди. Булут ортида қандайдир тилла ранг суюқлик қайнаётгандек кўринарди. Яна бир неча лаҳзадан кейин қайнаб турган бу заррин суюқлик булутларни ҳам эритиб ўзига йўл очиб оқиб тушади-да, тонг ёришади. Йўлга отланиш керак!

У кетаётганида қисқичбақа бир балиқчани тутиб олган эди. Энди қисқачабақа қийиқ кўзлари билан ўз шикорига ғолибларча мамнуният ва ғурур билан кулиб қараб турарди.

Дастлабки беш мил йўл тепалик эди. Сўқмоқ буралиб борган сари тиклашар, гўё осмонга тақалганидагина дам оладигандек туюларди. Тентак сўқмоқ! Ахир осмонга етиб бўладими? Сўқмоқнинг бу номаъқулчилиги унинг жаҳлини чиқарди. Ахир сўқмоқ ўз иззатини билиб, ҳовлиқмай борганда эди, йўловчилар чарчамаган, нафаслари қисиб, ўпкалари шишмаган, куйиб-пишиб бошдан-оёқ терга чўммаган бўларди.

Афсуски бундай эмасди, сўқмоқ осмонга туташигга қасд қилиб, ҳамон тиклаб борарди. Сўқмоқнинг бу нияти пуч бир орзу эди, чунки аслида осмоннинг бор-йўқлиги сароб каби бир нарса. Ўзи йўқ нарсани топиб бўладими? Бироқ сўқмоқ...

— Ҳар қалай бир озгина дам олмасам бўлмайди — деб ўйлади у, — шу сўқмоқдан йигирма мил йўл юрман-а.

Сўқмоқнинг гуноҳи шуки, у йўловчи мусофирни ҳам ўз қабзасига олади, деб Инжилда очиқ-ойдин айтилган. Яхшиси анови дарахт тагида дам олиш керак.

У тоғ анжирига суяниб ўтирди. Нарироқда яна бир анжир бор эди. Унинг нарёғидаги икки кичкина майдонга маккажўхори экилган. Унинг орқаси тепа, тепанинг орқаси ўша мовий осмон, осмонда эса Мари тоғ тизмалари ва уларнинг бағрини ёриб ўтган илон изи йўл. Бу манзарага қарар экан, буларнинг ҳаммаси жонсиз сурат эканлигини ўйлади.

Осмоннинг мовий сатҳига номаълум бир рассом бу қинғир-қийшиқ расмларни чизган. Уларнинг жони йўқ, на латофат ва на кўрки бор.

Узоқда бир юк машина қумурсқага ўхшаб ўрмалаб кетаётганини кўрди. Осмонда бир калхат қанотларини кенг ёзиб учиб юрарди. Тепа орқасидан бир эркак билан бир аёл чиқиб, жўхори поя ичига кириб ғойиб бўлди. Рўпарадаги анжирда икки саъва ўтирар, ирғиб-ирғиб ўпишишарди.

Шу дам ҳамма ёқ ҳаракатга келган, ҳаёт чашмаси ура бошлаган. ўлик табиат суратига жон ато бўлган, хомушликда тараннум пайдо бўлган, мовий осмон денгиз каби чуқурлашган эди.

— Моддадан ҳаракат ва ҳаракатдан тафаккур келиб чиқади,— деб ўйлади у,— мана бу сўқмоқнинг хаёлини кўр! Бунинг орзусига, орзусининг ўктамлигига, урунишининг гўзаллигига қойил қолмаслик жоҳиллик эмасми? Мана мен, дам оламан деб шу ерда ярим соатдан бери ўтирибман. Бу... ҳалиги киши билан аёл шу вақтгача қайтиб чиқмади-я, ё экин суғоришаётганмикин?..

Қушлар қувноқ жавоб беришди: «чирқ-чирқ-чирқ», биз сендан кўра яхшироқ биламиз, сен ўз йўлингдан қолма, бизнинг маишатимизни бузма».

У шохларни ушлаб ўрнидан турди-да, йўрғалаб қолди.

Сариқ сўқмоқнинг икки чеккасидаги майсалар сўлғин бош эгиб турарди. У ер-бу ерда, сафардан ҳориган бе-мажол ташна мусофирдек, сувсираган ўрмон гуллари очилиб ётар, лекин уларга сув тутадиган инсон йўқдек туюларди. У йўлида давом этарди, томоғи қақраб кетганди. Сўқмоқ шу ерга келганида баланд бир дала уватининг тагидан ўтарди.

Йўловчи бошини кўтариб, уватга чиқиб олган нозик оқ эчкини кўрди. Йўловчи қуриб кетган лабларини ялаб қўйди. Эчки калласини кўтариб унга бир боқди-да, «У-у-маа...» деб тескари қараб олди.

Бу билан эчки: «Зоти шарифи олийлари, йўллари-дан қолмасинлар, бу ерда сув-пув деган нарса топилмайди, елинимдаги сутим эса эгамга керак» демоқчи эди.

У қалпоғини олиб такаллуф қила кетди:

— Жуда яхши, хоним. Сизнинг вужудингиз эрингиз учун, сутингиз эгангиз учун. Турган-турмушингиз Ҳиндистон аёлларининг ўзгинасисиз. Бу мамлакатда ташна лаб мусофирларга биров итмисан, эшакмисан демайди.



Шу сабабли бу ерларда сафар роҳат эмас, мусибат ҳисобланади. Денгиздан у ёққа ўтиш эса гуноҳ... Жуда яхши хоним, айни муддао, узр.

Ташналикдан ҳалқумини тикан таталаганек бўларди. Сўқмоқ эса аксига тобора тиклашиб борарди. Йўлда у бир деҳқонга рўпара келиб:

— Ака, бу ўртада ариқми, булоқми борми?— деб сўради.

— Борликка-ку бор-а, аммо яна юқорига қараб уч милча юриш керак-да.

— Жуда чўлладим, ака, шу атрофда бирор булоқ бўлса айтинг, кўп савоб иш бўларди-да.

Деҳқон ерга ўтириб олди. У таёғининг учига боғланган тугунчасини ечди-да, ундан заъфарон ранг каттагина трери олди. Трери янги узилган, жуда серсув эди. Деҳқон уни тошга бир уриб икки бўлди-да, ярмини йўловчига бериб:

— Олдин уруғи аралаш сувини ичасиз, этини йўл-йўлакай бир палла-бир палладан еб кетасиз. Худо қувват берса, уч милгача чанқамай борасиз,— деди.

Трерининг лазиз шарбати уруғи аралаш томоғидан ўтиб кетди, унинг кўзларида аввалги ўт порлади. Трерининг бир палласини еб туриб деҳқонга миннатдорчилик билдирди. Деҳқон ундан акаларча:

— Йўл бўлсин?— деб сўради.

— Дҳалерга.

— Ҳа, шу йўлдан тўппа-тўғри бораверасиз.

— Ўзингиз?

— Мен Кўҳолега. Ўша ерда машина йўли қурилишига юк ташувчилар керакмиш, деб эшитдим. Бу йил деҳқончиликнинг мазаси бўлмади...

Солиқ... Пора... Намбардор... Хотин, бола-чақа...

Деҳқон тугунини елкасига ташлаб, сўқмоқдан пахта қараб кетди. Бу магнитнинг иккинчи қутби, ёхуд нажот топгунга қадар ҳаёт ҳалқумида тиқилиб тураверадиган ип учига бояги қармоқ эди.

Унинг чанқоғи босилган, энди трерининг этини еб борарди. Шу чоқ у сарин дарахти тагида ўтирган қари деҳқон билан кўҳликкина қизчани учратди.

Деҳқон кулганича хўроз бўлиб қичқирарди. Қу-қу-қу-қувв... қу-қу-қу-қувв...

Қизча ҳам қувноқ ирғишлаб куларди, ва:

— Жон дада, яна бир марта хўроз бўлиб беринг,— дерди.

— Ку-ку-ку-кувв...

Йўловчининг трери еяётганини кўриб қолган қизча хархаша қилди:

— Дадажон, трери ейман, мен ҳам трери ейман.

Йўловчи ҳам келиб сарин тагига ўтирди.

— Салом, ҳой йўловчи!— деди қари деҳқон.

— Салом, бобо.

— Трери ейман, дадажон...

Йўловчи трерининг бир палласини қизчанинг қўлига берди. Хурсандлигидан қизчанинг юзлари лоладек қизариб кетди. Йўловчи уни тиззасига олиб олди, қиз тиззада ўтириб маза қилиб, трери ея бошлади.

— Жуда ёқимтой қиз экан-да, ўзингизнинг қизингизми, ё...— деб сўради йўловчи.— Оти нима?

— Оти Жари, яъни Жажжи, набирам, ўғлимнинг қизи. Шунақа, мени «дада» деб чақиради. Отаси ҳарбийга кетган. У вақтда бу уч-тўрт ойлик бола эди.

Ҳарбий... Уруш... Жанг... Бу кўркем чеҳра, лола ранг юзча... Ёниб турган маъсум кўзлар... Пулемётларнинг татаси, чийиллаган бомбалар, телеграф симларида осилиб ётган ичак-човоқлар...

«Баъзи чанқоқлар,— деб ўйлади ўзича йўловчи,— шундай бўладики, уларни қондириш учун инсон инсонни қатл қилади, худди мана бу трерига ўхшатиб. Бироқ трери ҳаракатсиз, жонсиз нарса, инсон — тирик жон. Моддадан ҳаракат ва ҳаракатдан тафаккур келиб чиқади. Энди инсоннинг тафаккурини кўринг-у, мана бу сўқмоқнинг тафаккурини кўринг, бу магнитнинг қарама-қарши икки қутби эмасми»

Чол хўроз бўлиб қичқирарди: «Ку-ку-ку-кувв...»

Уч мил тик йўл юриб, у бир булоқ бошига етиб келди. Дарахт соясида кўпгина йўловчилар ўтиришарди. Ёғоч тарновдан булоқ суви шалдираб оқиб турарди. У булоқ сувидан ҳовуч-ҳовуч симира бошлади. Муздек сув қаҳраган томоғидан қулт-қулт ўтарди. Оёқларини ювиб енгил тортди-да, салқинга қараб юрди. У ерда одам жуда кўп эди. Баъзи бирлари овқат тайёрларди, баъзилари баниядан ун, шинни харид қиларди. Дўкон ҳам ўша соя-салқин жойда эди. Нарироқдаги ўтлоқда бир неча хачир ўтлаб юрган бўлиб, хачирбон уларни су-

ғориш учун чақирарди. Бир йўловчи зоғора нон билан шинни еб ўтирарди. У ҳар уч тишлам шиннига ботирилган нондан кейин икки қултум-икки қултум сув ичарди. Зоғора нон деярли ҳамма йўловчида бор. Баъзиларининг олдида қалампир-туз ҳам бор, баъзиларининг олдида эса пиёз.

Шундай, солан ҳеч кимда йўқ эди, ачар ҳам, мураббо ҳам, сариеғ ҳам йўқ эди. Ҳа, бу одамлар хачирларга ўхшаб ниҳоят шикаста нафслик билан кавшанишарди.

Зоғора нон шу қадар қуруқ бўладики, уни ҳўллаб томоғдан ўтказиб юборишга тупугинг етмайди. Буни у яхши биларди. Шунинг учун тез-тез сув ичиб туриш керак. Солан бўлмаса, энг яхши солан — сув-да. Минг йиллик иқтисодий ва маданий тараққиётдан кейин ҳам ҳаёт инсониятнинг кўпчилик қисмига қуруқ нон ва сувдан ортиқ ҳеч нарса тақдим қила олмаган.

Қуруқ нон, сув, хачирлардек кавшаниш, кўзлар сўниқ...

У жиззали буғдой нонга қиём суртаркан, ўзича шу салқинда дам олиб ўтирган деҳқонларга сариеғ, ачар, мураббо улашиб, бир неча минг йиллардан бери давом этиб келаётган расм-таомилни парчалаб ташламоқчи бўлди. Бироқ ҳали яна ўн беш мил йўл босишини эслаб, ҳар ҳолда мингларча йиллар тўймаган қоринни бир бурда қиём суртилган нон билан тўйдириб бўлмаслигини ўйлади.

У лаш-лушини йиғиштириб энди жўнамоққа ҳозирланганида, булоқ томон келаётган бир тўда одамга кўзи тушди. Қизил ва сариқ салла ўраган, эгниларига хоки ранг либос кийган, елкаларига ярқироқ погон таққан икки инсон бир деҳқон йигитни ўрталарига олиб ҳайдаб келарди. Бир оздан сўнг унинг кўзи йигитнинг орқасига қайрилган қўлларигадаги кишанга тушди. Улар кетидан бир қизни етаклаб яна бир инсон йўл-йўлакай ишшайиб, гап сотиб келарди. Қизнинг кўзлари ерга қараган, қадамлари нотекис эди. Улар салқин жойга яқинлашганларида ўтирган ҳамма йўловчилар таъзимга турдилар. Бания ҳам дўкондан чиқиб кафтларини бирлаштирганича уларни қаршилаб турди. Кейин дўконидан иккита чорпоя олиб чиқди-да, устига топ-тоза гиламча ёзиб, «марҳамат қилсинлар» деб таъзим қилишга турди. Бу янги келган кишиларга кўрсатилаётган иззат-икром

ва ҳурмат-эҳтиром уларнинг аллақандай сеҳрли бир қудратга эга эканлигидан дарак берарди. Қолган одамлар бу қудратга муяссар эмас. Бошлиқ қизни нарироқдаги дарахт тагига бориб ўтиришга буюриб, ҳалиги йигитни тутиб турган икки одамга бундай деб хитоб қилди:

— У, Давллё, Шоҳбоз! У ҳаромининг қўлидаги кишанни озроқ бўшатишлар. Сув-пув беринглар!

— Ҳузур, сув келтирайми ё муздек шарбат ичадиларми?— деди бания,— Кўҳоледан янги қанд олдириб келганман-да.

Давллё билан Шоҳбоз деҳқон йигитнинг кишанидан тутганларича ҳозиргина бир хачирбон ўз хачирини суғорган ерга олиб борардилар.

Ҳузур бундай жавоб қилди:

— Ҳа, ҳа, эшоним, бир шарбат тутсалар, жуда чўладим. Энди биз овқатни ҳам шу ерда ей қоламиз, товуқ-повуқ бордир-а?

— Лаббай, бор бўлганда қандоқ, ҳузур. Ҳозир ҳаммаси тайёр бўлади-да,— деди бания кафтларини бирлаштирганича пешонасига олиб бораркан, оқ тишини кўрсатиб, калласини у ён-бу ёнга буриб.

Хачирбон хачирини суғориб бўлиб, юкини орта бошлади. Шоҳбоз деҳқон йигитга сув ичиргандан сўнг, қайтиб уни сардори қаршисига ўтқазди.

— Қулоғингни ушла! — деди ҳузур йигитга. — Қулоғингни ушла дейман сенга, ҳаромзода!

Деҳқон қўлларини тиззаси остидан ўтқазиб қулоқларини ушлади. Давллё оғир, катта бир тош олиб унинг елкасига қўйди. Қулоғини тутиб турган «жонивор»нинг оғзидан бир «вой» чиқди. Қизнинг лаблари титраб кетди. Ҳузур шарбат ичарди. У бир-икки хўплади-да:

— Шоҳбоз, яна бир тош бостир! — деди.

Қизнинг кўзларидан шашқатор ёш оқди. У қирмизи рўмоли билан юзини бекитиб олди. Деҳқоннинг бели букилиб, ҳозир синиб кетадигандек туюларди.

Ҳузур сўроқ қилди:

— Айт, энди иқрор бўласанми ё йўқми? Сен мана бу бўйи етмаган ёш қизни алдаб олиб қочдингми ё йўқми?

— Йўқ!— деди деҳқон ва дудуқланиб гапира бошлади.— Қиз балоғатга етмаган эмас, ўз розилиги билан келган.

— Тентак! Аблах! Ҳали ҳам бўйнига олгиси келмайди! Шоҳбоз, яна битта тош... белига!

Ҳачир бу мунозарани ҳуркиб, чўчиган кўзлари билан кузатиб турарди.

Йўловчилар қути ўчиб, бўздек оқариб, қимир этмай турардилар.

Қиз чинқириб юборди:

— Қўйиб юборинглар уни. Чўрингиз бўлай, қўйиб юборинглар. Улиб қолади, ахир! Бунда айб йўқ. Мен ўзим қўймадим, буни қочиб кетамиз деб. Рост, мен ўзим бунинг олдига қочиб келганман. Мен ўзим уни олиб қочиб келдим.

— Анавуну қаранг-у,— дея кулди ҳузур,— гаплари худди оқловчининг гапига ўхшайди-я. Сен билан ҳам алоҳида гаплашамиз ҳали, шошилма! Олдин мана бунинг таъзирини бериб қўяйлик. Сейга ҳам навбат келади. Ҳа, нодонлар.

«Нодон» нафаси узилиб-узилиб бундай деди:

— Йўқ... мен... йўлдан оздир... ганим... йўқ... буни.

— Биз овқатни еб бўлгунизмизча шу зайлда турсин! — деб амр қилди ҳузур.

Шундай деб у юзини ўгирди-да, баняга сўз қотди:

— Мен Дҳеркотдан келар эдим, бу деҳқон анави жонон қизни алдаб олиб қочибди. Ишонасизми, тўрт кундан бери шуларнинг изидан қуваман. Бу ошиқ-маъшуқлар ахир шу бугун қўлга тушди. Кўҳоледан ўтиб кетмиш тараддудиди эканлар. Лекин мени биласиз-ку, бундақаларни қўяманми. Жиноятчи бир марта юрган йўлни искаб оламан. Энди бўлса, мана бу безори бўйнига олмапти, Айбдорликка — айбдорсан. Қайсарликнинг нима кераги бор энди.

Баня қўлларини бирлаштириб туриб:

— Ҳузур, биз ҳузурнинг жону моллари ҳақиға дуола қиламиз. Ўзларининг шарофатлари туфайли бу ерларда осойишталик ўрнатилди. Уғрилиқ, қароқчиликларга даярли барҳам берилди. — деди. — Бу деҳқон халқи жуда бебош, шарму ҳаёсиз бўлади. Мана, мана буни кўрсинлар. Бировнинг хотинига, қизига ёмон кўз билан қарашнинг ўзи қандай гуноҳ, алдаб ё мажбур қилиб олиб қочиш бўлса энди... Ром, Ром! Ҳузур, бундай жиноятчилар қилмишларига яраша жазоларини тортишлари лозим, албатта, қилмиш қидирмиш дейдилар.

Ҳузур ёш қизчага тикилиб туриб:

— Қонун ҳам айни шуни талаб қилади,— деди.— Биз, эшоним, қонуннинг содиқ қулларимиз. Биров алдамчилик қилса, ё бировнинг қизига, хотинига қўл тегизса, ундайларни биз жиноятчи деб биламиз ва жазолаймиз. Хўрозни ҳалолладингизми-йўқми?.. Шоҳбоз, бор, эшонимдан хўрозни олиб сўй!

Деҳқон йигитнинг юзи ерга тегай-тегай дерди. Аъзойи баданидан чакиллаб тер оқарди. Ҳамма йўловчилар кетиб қолганди.

У нима учундир ўрнидан силжиёлмади. Қотиб турганича хаёлга берилди. «Бу қандай сеҳрли, фавқулодда қудратки, деҳқон йигитни шунча азият чекишга мажбур қилади, бания бу деҳқоннинг қийналганидан шунчалик ўзида йўқ хурсанд бўлади. Нима учун ҳалиги хачир ҳуркиб, бу мунозарани ваҳима билан кўриб турди?..

Шу вақт буталар орасидан икки тўрғай «пир» этиб учиб чиқиб, жуда шўх чириллаб осмонда ғойиб бўлди.

«Бу тўрғайлар,— деб ўйлади у,— бир-бирини йўлдан уриб, алдаб олиб кетяпти. Иккаласи қочиб кетишяпти. Бир-бирини севади. Шундай экан, нима учун уларнинг елкаларига ҳеч ким тош бостирмайди?.. Нима учун бунда ўз ҳамнафасига муҳаббат алангаси порлаб турган инсон сийнасига тош бостирилади? Бу қандай зулм».

Шоҳбоз хўрозни тутиб олди. Хўроз жон ҳолатда қичқирарди: «қу-қу-қу-қувв...» Шу пайт у, хўроз бўлиб қичқириб набирасини кулдираётган, ўғли ҳарбийга кетган деҳқон чолни эслади. Деҳқон йигитнинг сабру тоқати тугаган, бўйни узилиб кетай дерди. У:

— Оллоҳ!.. Оллоҳ... — деб инграрди.

Оллоҳ!.. Лекин коинотнинг яширин қудрати хомуш эди. Деҳқоннинг яширин қудрат мени бу мушкулдан халос этади, деган маъсум умиди сўқмоқнинг осмонга бориб туташаман деган хом хаёлга ўхшарди. Аслида осмон деган нарса йўқ. У мисоли бир сароб. Ўзи йўқ нарсадан ёрдам кутиб бўладими?

Қизнинг сабри битди. У кескин ҳаракат қилиб йигит олдига келди-да, тошларни тушириб юборди. Терга чўмилган деҳқон ўрнидан турди. Қиз унинг бўйинини қучоқлаб олди, кейин йиғлаб туриб илтижо қила бошлади:

— Иқроор бўлинг, худо хайр берсин, бўйингизга олинг! Мен ўлиб қоламан. Сиз ҳам ўлиб қоласиз. — Ке-

Йин ҳузурга қараб гапира кетди. — Унга бир нарса демасинлар, мени зўрлик билан олиб келганига мен иқрорман, мен, зўрлик билан... У билан турмуш қилишга менинг ҳеч кўнглим йўқ. Мен уни ёмон кўраман. Мен ўз ота-онамникига боришга тайёрман. Энди унга тегманглар. Мен ҳеч кимнинг олдида бу гапларимдан қайтмайман. Қайга борсам ҳам шу гапларимга иқрор бўлишга тайёрман. Худо ҳаққи, уни тинч қўйинглар.

Кун пешиндан оққанди. Тоғлар пастдаги водийга қоронғи соя ташлаб турарди. Йўловчининг жуда тинкаси қуриган, тизза, тўпиғларида оғриқ сеза бошлаган эди. Оёқлари ўзига ёғоч оёққа ўхшаб туюларди. Йўлда анчагача ёлғиз ўзи борди. Тобора тушкунликка туша борар, хаёли паришон, жунун водийсида кезар эди. Инсон — энди инсон эмас. Озодлик, маданият ва адолат учун олиб борилаётган бу кураш — охири кураш бўлмайди, албатта. Шояд охири кураш кишилик муҳаббати сарчашмасига тош бостириб, ҳаётнинг бу манбаини бир умрга қуритиб ташламоқчи бўлган зулмат ва жаҳолатга қарши кураш бўлса. Аммо бу кураш қачон бўлади? Қачон? Қачон? Балки у ўша кунларга етиша олмас. Албатта, унгача ўлиб кетади. Бутун вужуди ташнаи беқарор бўлган йўловчи интиқом манзилига етиша олмайди. Кўзларидан алам ва ғазаб ёши куйилди. Қадамлари вазминлашди. Бир ерга борганда тўп-тўп ишчиларни учратди. Улар уйларига саватларида туз олиб боришарди. Тоғ яқинидаги қишлоқларда тузнинг нархи жуда баланд бўлганидан у ерларнинг аҳолиси баниялардан туз сотиб олиб, истеъмол қилишга қурби етмайди. Қурб?.. Қурб... Уларнинг нимага қурби етганди? Муҳаббатга қурблари етмагандан кейин...

Бундай ҳаёлларга боришга унинг ҳеч ҳаққи йўқлигини ўйлади. У ёш, хушҳол, уйланмаган бир йигит. Урта мактабнинг бош муаллими. Ҳаётнинг тамомий шодликлари унга кулиб боқади. Эртага эрта билан ўз хизматига ҳозир бўлиши лозим. Болаларни ўқитиши керак, «Рост гапиринглар, ота-онангизни иззат-ҳурмат қилинглар, ҳокимларнинг ҳукмига итоат қилинглар, катта бўлгач, бировларнинг қизини йўлдан оздирманглар...» Мана баниянинг дўкони... хўроз «қу-қу-қу-қувв» деб қичқиради...

Бир хачирбон хачирини етаклаб келарди. Хачир яй-

доқ эди. Афтидан бирон ерга юк олиб бориб, ташлаб келарди.

— Қасрга борасиз? — деб сўради у хачирбондан.

— Қҳарран дарасига.

— Нима, у жой Дҳалер йўлидами?

— Ҳа, Дҳалердан беш мил берида.

— Ундай бўлса, мени хачирингизга миндириб олинг. Қанча бераман?

— Берганингиз-да. Шундоқ ҳам бекор кетяпман.

— Саккиз анна.

Хачирбон «маъқул» дегандек бош ирғади. У ирғиб хачирга минди. Хачир бир силкиниб олди. Қулоқларини чимирди. Пишқирди. Бошқа чора бўлмагандан тақдирга тан бориб, қўзғалди. Хачирбон юрак-бағирни эзувчи ҳазин ҳиргойи бошлади.

Ер ишқида ҳазон бўлган ёшлигим кўргину кетгин...

У Қҳарран дарасига борганда, хачирбон билан хайрлашиб, ундан йўлни сўраб олиб, равона бўлди. Бориб-бориб, йўлдан адашди, ё унга адашиб ажойиб дунёга келиб қолгандай кўриндимикин? Шу ерга келганда сўқмоқ бир жарликнинг домига тушиб қолган эди. Жарликда ўрмон қизил гуллари ханда уриб турарди. Кўкат қоплаган бир қояда икки ёш қиз Ложу қўшиғини айтиб ўтиришарди.

Ложу келди, Ложу келди...

Уни кўрган қизлар олдинига очилиб-сочилиб кулишди, кейин уялиб кетиб ашулани тўхтатиб қўйишди. Йўловчи чуқур бир хўрсиниб олиб уларга яқин ўтирди.

Ложу келди, Ложу келди...

— Яна айтинглар, «Ложу»ни жуда яхши кўраман, — деди йўловчи. Кейин аста-секин ҳалиги қизлар айтаётган қўшиқни куйлай бошлади:

Ложу келди, Ложу келди...

— Вой, сиз ҳам «Ложу»ни биласизми? — сўрашди ажабланган қизлар.

— Бўлмасам-чи, эҳтимол Ложу мен ўзимдирман, қаёқдан биласизлар, — деди кулги аралаш ҳазиллашиб.— Хўш, исмингиз нима?

— Бону,— деди қизлардан бири.



— Бейри,— деди иккинчиси.

— Қани бўлмаса, «Ложу»ни айтинглар,— деди йўловчи.

Бону билан Бейри бир неча лаҳза алланималар деб пичирлашиб олдилар. Уларнинг авзойи бирор шумлик қилиш ниятлари борлигидан дарак берарди. Қизлар шўх куйлай кетдилар, у эса, чапак чала бошлади.

Ложу келди, Ложу келди...

Қўшиқ айтиб турган қизлар шўх-шўх кулишиб, яйрай бошладилар, бу самимий хушнудликдан жуда мамнун бўлган йўловчи ҳам уларнинг кулгисига қўшилишиб кетди:

— Агар Бону билан Бейри Ложуга кавушимизнинг чангини кипригинг билан арт дейишса, у буни бажони дил қиларди,— деди у. Бу мақтов жумласидан кейин Бону билан Бейрининг яноқларида унинг ёнгинасидаги буталарда барқ уриб очилиб турган қип-қизил ўрмон атр гулларини кўрди. У анча вақтгача қизларнинг қўшиғини тинглаб ўтирди, ўзи ҳам қўшилишиб куйлади. Қуёш ғарбий тоғ тизмаларига ёнбошлагандан кейин, кетишга чоғланди.

— Бугун шу ерда қола қолинг,— деди Бону оҳиста,— бу ерда ҳам жой, кўрпа-тўшак топилади, қўрқманг.

Бонунинг товушида енгилгина бир титроқ бор эди. Унинг юраги алланечук қизиқ урди. Бейри шўх нигоҳ билан йўловчига қаради.

Йўловчи шу тоғлик маҳлиқоларга қараб туриб ўзига ўзи деди:

— Йўқ, бунда бир гап бор. Бу чигал ишларга бошимни суққим йўқ. Бу ерда қолмайман. Балки сени ёшлигимдан биларман. Сен билан кичкиналигимдан бирга ўсганмиз, сенга қалбимда муҳаббат сақлаб келаман. Эҳтимол мен ёшлигингнинг ҳамнафасидирман, сенинг беғам ва жасур акангнинг жонажон дўстидирман, ё сен куйлаётган қўшиқдаги Ложудирман. Бир эслаб кўргин-а, дарёнинг кўм-кўк сувида сен билан сузишиб юриб, олтин сочларинг толаларидан тортқилаганимда, беихтиёр чинқириб юборган сен эмасми? Сен билан қўл ушлашиб дарахт атрофида гир айланиб ўйнаб юрганмиз ва ширин-ширин мевалар узиб еганмиз. Ранг-баранг чечаклардан гулчамбарлар тўқиб бир-биримизнинг бўйнимизга

таққанмиз. Неча марта ой ёнғоқ барглари орасидан мўралаб, қора палосга ўз ёғдуси билан гуллар ташлаганда, ўша гулларга ўралиб, йўлингга кўз тикиб, сени кутиб турганман. Хипча белингга қўл солиб, селкиллаб турган баданингни бағримга босиб-босиб қучоқлаганман. Гунча каби нозик ва шўх лабларинг лаззатидан баҳраманд бўлганман. Илиқ нафасинг ҳаловати ва кўзларингда ёниб турган гавҳар нуридан эриб-эриб кетганман. Аммо мен бу ерда қолмайман, ўзимни балога гирифтор қилмайман. Мен ҳар тарафдан шиша билан ўралган шамни, шиша орқасидан чечак каби чиройли парвона кўз нурини тўкиб, термулиб турган шамни — ана шу муҳаббат шамини ўз қалбимда сақлаб қоламан. Қўй, майли, у шам ёнганича, чарақлаганича қолаверсин.

Йўловчи пастга, қишлоқ томонга кўз югуртирди. Уч томони тоғлар билан ўралган водийни кесиб ўтувчи сокин дарё ёқасидаги қишлоқ уйқуга кетган эди. Далаларда маккажўхори поялари шитир этиб қўймасди. Қирғоқдаги сап-сариқ пичан деҳқон қўли ва ўроқ нағмасига мунтазирдек эди. Кесак девор уйларнинг томларида кул ранг божра ғарбга оққан қуёшнинг суст нурида товланарди. У ер-бу ерда қизил қалампир бойламлари ётарди.

Йўловчи қишлоқдан кўзини олиб, Бону билан Бейрига йўналтирди:

— Дҳалерга қанча бор,— деб сўради улардан.

— Уч-тўрт мил,— деди Бону маъюс оҳангда.

— Қош қораймоқда,— деди Бейри.

Йўловчи ўрнидан турди-да:

— Хайр, ҳали вақт бор; нариги қишлоққача етиб оламан,— деб йўлга тушди.

Сўқмоқ водийлардан ўтиб, ўрмонлар ичига яшириниб, гоҳ тепага, гоҳо пастга ўрмаларди. Тоғнинг охири муюлишида у мовий осмонга туташарди. Буни кўрган йўловчи ўзича: «Сўқмоқнинг хоҳиши пуч бир орзу ҳам хом хаёл эмас экан» деб қўйди. Унинг кўзига сўқмоқ тоғ орқасига бурилмай, балки тўғри мовий осмон бўйлаб олға чўзилиб бораётгандек кўринди. Йўловчининг кўнгли аллақандай бир қувонч билан тўлиб тошди.

«Нима учун энди у шу йўлдан тўғри бориб, мовий осмон сўқмоғида, гўзалликнинг янги бир дунёсида кўнглини чоқ этмасин.

Сўқмоқ бориб тугаган тоғ чеккаси кўм-кўк кўлнинг қирғоғига ўшарди. Хаёлида у шу интиҳосиз кўлга тушиб, ўзининг забардаст қулочларини ишга солади. Сувни ёриб, олға, нариги қирғоқ сари сузиб боради.

Е у мовий осмоннинг ўзимикин? Осмон бўлса нима. Агар осмон бўлса, енгил бир шабадага айланиб, осмон бўйлаб эсади. Теварак-атрофи чексиз, бепоён бўлади, кўнглидаги шодлик яна ортади, ҳатто мовий осмон рўҳига сингиб кетади.

Бу ажойиб ҳиссиётдан йўловчининг кўнгли яшнаб кетди, у енгил, латиф ва абадий барҳаёт вужудга айланиб, сўқмоқдан йирик-йирик қадамлар ташлаб елди.

Кейин қўққисдан тўхтаб, орқасига ўгириб кўз югуртирди.

Қуёш тоғ чўққиси ортига ботмоқда эди. Ўрмон қизил гулининг шохларига суянган ҳолда икки олтин гавдача унга қараб турарди. Кечқурунги шафақ либосини кийган олам сукутида унинг ёнида маъюс шабада ғир-ғир эсиб турарди. Шабада ҳам маъюс, ҳам ёқимли, гўё ўрмон гуллари ниҳолларидаги бор болни симириб олгандек эди. Бутун борлиққа ўрмон қизил гулларининг хушбўйи ва шафақнинг ним қирмизи ранги таралган эди.

У шу алпозда анчагача бояги олтин ранг гавдачаларга қараб турди, кейин қўлини кўтариб, уларга салом юборди-да, йўлида давом этди.

Лекин энди унинг кўнглидаги чексиз қувончга ажойиб бир ғашлик ҳам келиб қўшилди. Оёқлари вазминлашди, оғир қадамлар билан юриб борар экан, қувонч билан ғашлик иккиси ўртасидаги чегарада туриб хаёл сурди. Унинг наздида хотин-қизлар ҳам, қизил гуллар ҳам гўзал эмас, балки ҳаётнинг қоронғи тунисида равшан юлдузлар каби чарақлаган бир неча лаҳзагина гўзал эди.





## ДУСТИМНИНГ УҒЛИ

**У**ч йилдан бери бедарак кетган дўстим хат ёзибди.

«Ҳикояларингизни ўқиб, сиздан ихлосим қайтди. Сиз катта ёзувчи бўлиб етишувингиз мумкин эди. Лекин, пировардида, йирик памфлетчи бўлиб қолдингиз. Сизнинг ҳикояларингизда ташвиқот, ваъзхонлик ва бефойда насиҳатгўйликдан бўлак ҳеч нарса йўқ. Ҳикояларингизнинг бошини ўқиган одам охири нима билан тугашини бирпасда билиб олади. Киши уларни ўқиб аввалгидай ҳузур қила олмайди...»

Узундан-узун хат. Эски гаплар, янги шикоятлар. Дўстим ўзи чиқиб олиб ваъзхонлик қилаётган минбарга зеб берар эди. У жуда пулдор одам бўлиб, чайқов бозорида юз минглаб рупия ишлатиб савдогарлик қиларди. Пахта, гуруч, цемент, қоғоз, автомобиль, карбит, упа-эллик олиб сотар эди — хуллас унинг олиб сотмаган нарсаси йўқ эди. Унинг қўли теккан буюм бозордан ғойиб бўлиб, яширинча қиммат нархларда сотилар эди. Менинг дўстим ҳеч қўлга тушмаган. Чунки у қўлга туширувчиларга «хайр-эҳсон» бериб, уларни хурсанд қилиб турар эди. Дўстим йўл-йўлакай уларнинг виждон ва ватанпарварлигини ҳам чайқов бозорида сотиб юборган эди. Дўстим ғоят уста ва айёр бир одам эди-да. Бироқ, дўстимнинг бир ижобий хислати ҳам бор эди. У адабиётни қадрловчи, поэзияга ишқибоз одам бўлиб, ҳикоя ва романларга эса ихлоси баланд эди. Дўстимнинг кутубхонасида жуда кўп китоб бор. Унинг ўзи ёзувчиларнинг

мухлиси эди. Аксар ёзувчиларга меҳмоннавозлик қилиб, ўзи ниҳоят хурсанд бўларди. Шунинг учун унинг хатини олиб мен жуда хафа бўлиб кетдим. Ёзувчига ўзининг асарлари азиз. Ўзини биров мақтаганини эшитса хурсанд бўлади, ёмонлаганини эшитса хафа бўлади. Бу жиҳатдан ёзувчининг бошқа одамлардан мутлақо фарқи йўқ. У ҳам бошқа одамлар сингари ўз меҳнатининг мақталишини ва тақдирланишини истайди.

Хат соат тўрт яримдаги почта билан келган эди. Мен уни бир ўқидим, икки ўқидим. Хатни учинчи марта ўқиб шимимнинг чўнтагига солиб қўйдим-да, кўнглимнинг чигилини бир ёзиб келай деб кўчага чиқдим. Бошимни қуйи солганман: кўнглим паришон, дилим сиёҳ, юриб кетаётиб бирданига дўстимнинг маъшуқаси эсимга тушди. Одамлар тўти ва ёки маймун асраганларидек, дўстим Бомбайда яшаган маҳалида маъшуқа асраб олган эди. Шакшубҳа йўқки, унинг маъшуқаси аввалдан ёмон йўлга кирган фоҳишамижоз жувон эди. У яхши жиҳозланган уйда яшарди. Уйда диван, креслолар, радиоприёмник бор эди. Иккита хизматкор уй ишларини қиларди. Уйга тегишли барча харажатларни хон соҳиб қиларди. Уша хон соҳиб бу жувонга Гулбону деб исм қўйган эди. Илгари бу жувоннинг исми бошқача эди. Гулбону дўстимнинг қўлига ўтиши билан дўстим унга Ромпиёри деб от қўйди. Ромпиёри жуда содда жувон эди: у ўзининг шундай бузуқ хотин бўлишига қарамасдан, айти вақтда эрлик қилиб турган одамидан муҳаббат кутарди. Хон соҳиб унга пул берарди-ю, дил бермасди. Шўрлик олижаноб одам эди-да. Ахир ўзида йўқ нарсани қаердан олиб берсин. Муҳаббат деган сабил менинг дўстимда ҳам йўқ эди. У кўпдан бери чайқов бозорида айланишиб юрганидан унга анча-мунча бозорнинг таъсири уриб қолган эди. У муҳаббатни ҳам ўша тарзда қўлга киритди. У Гулбонуни, яъни Ромпиёрини алдаб-сулдаб шундай авраб ташлаган эдики, бечора жувон ўзининг касбини унутиб, муҳаббат қўшиғини айта бошлаган эди. Ушанда Ромпиёри дўстимга бир ўғил туғиб берди. Бола отасининг худди ўзгинаси эди: ўша қўй кўзлар, ўша сариқ соч, ўша дўрдик лаблар. Дўстим ўғлини жуда яхши кўрарди. Бироқ бола туққан Ромпиёрининг бадани дўстим учун ўзининг аввалги жозибаторлигини йўқотган эди. Лекин бу ерда яна бир гап бор эди. Уша вақтларда

дўстим Деҳлида катта қанд фабрикаси қуриш фикрида эди. Шундай қилиб бола бир ёшга тўлгач, орадан бир неча ой ўтгандан кейин дўстим тўсатдан Бомбайдан кетиб қолди. У ўзининг қаерга кетаётганини Ромпиёрига, менга ёки бирон бошқа қалин дўстига ҳам айтмаган эди. У бозордаги буюм сингари ғойиб бўлиб кетган эди. Мана, уч йил деганда ундан хат келди, шунда унинг маъшуқаси эсимга тушди. Бориб маъшуқасидан бир хабар олсам нима қилибди, бечоранинг ҳоли нима кечди экан, деган фикр ҳам худди шу вақтда келди.

Шуни ўйлаб поездга чиқиб, Бандарега бордим. Поезддан тушиб Ромпиёрининг уйига йўл олдим. Соат олти эди. Бриганзе лайнда чироқлар ёнган. Ромпиёри бу тор кўчанинг нариги бетидаги уйнинг биринчи қаватида турар эди. Зинапоядан чиқиб, эшикни тақиллатдим.

Эшикни очган қари хизматкор кўзини пир-пир очиб юмди. Сўнг мени таниб илжайди-да, сетҳ ҳам келдиларми,— деб сўради.

— Йўқ, ўзимгина келдим,— дедим.

У эшикни каттароқ очди-да:

— Қани, марҳамат, марҳамат, — деди. Сўнгра менга йўл бўшатиб,— ичкарига киринг,— деб қўйди.

Мен ичкарига киргандан сўнг:

— Бойижий қаердалар? — деб сўрадим.

— Улар чиқиб кетганлар,— деди-да, ҳайрон бўлиб менга қараб қолди. Унинг нигоҳлари гўё «Бойижийнинг ҳар куни шу вақтда уйдан чиқиб кетиб, эрталаб тонг отганда қайтиб келишини билмасмидингиз. Баъзида сетҳ соҳиб билан келганингизда бойижийнинг бу одатлари сизга маълум эди-ку. Ушандай бўлгандан кейин ҳозир беҳуда гапларни гапириб туришингиз нимаси», дер эди.

Мен диванга ўтирдим: ўша уй, ўша диван, радиоприёмник, патефон ва ўша киножурналлар. Қулдонда ярми чекилган сигарет ётибди. Мен меҳмонхонада ўтириб нариги хонага назар ташладим. Бу ухлайдиган хона эди. Каравотда ҳаво ранг кўйлак ётибди. Пашшахонанинг устида ипак чолвор осилиб турибди.

Унинг олдида ўйинчоқ от турибди. Афтидан, боланики бўлса керак. Мен Ромбҳарўсега қараб:

— Ромбҳарўсе, бардаммисан,— дедим.

У аланглаб у ёқ-бу ёққа қараб қўйди-да:

— Соҳиб, ҳозир менинг отим Ромбхарўсе эмас, менинг отим Жўўн,— деди.

— Жўўн?— деб қайтардим мен таажжубланиб.

— Ҳа, бойижийнинг отлари энди Ромпиёри эмас, мисс Сўфия.

— Ҳўш, ўзи нима гап?

Жўўн кулганда унинг кир тишлари кўринди:

— Бу уйнинг эгаси бор-ку?! У киши христиан сетҳ Бриганзе. Бу тор кўчадаги уйларнинг бари ўша кишига қарашли... Сетҳ Бриганзе жуда бой одам.

«Эҳ!» дедим мен тупугимни ютиб ва бир маҳаллар бизнинг кўчани «Акбар роуд» деб аталгани эсимга тушди. Кейин бу кўча «Жўўн Мелкум роуд» деб атала бошлади. Ҳозир эса бу кўчанинг оти — «Пхунги лол чунги лол роуд». Эгалари ўзгарганда мулкининг ҳам оти ўзгарар экан. Қуллик эса ўшандайлигича қола беради.

— Чой ичасизми?— деб сўради Жўўн.

— Йўқ — дедим мен.

— Ёки муздаккина?..

— Йўқ.

— Уларга пудинг беринг,— деди тўрт ёшлар чамасидаги ўғил бола. Мен уни кўрдим-у, танидим. Ўша сариқ соч, кенг пешона, ўша қўй кўзлар, дўрдиқ лаблар...

Дўстимнинг ўғли кул ранг калта шим ва оч қизил ранг кўйлак кийиб олибди. Мен уни тиззамга ўтқаздим-да, эркалай бошладим.

— Сиз ойимнинг оғайнисимисиз?— деб сўради бола.

Мен сал тилим тутилиб «ҳа», дедим. Яна нима ҳам дея олар эдим.

— Ойимлар уйда йўқлар. Улар кечаси ҳеч уйда бўлмайдилар.

— Кечаси қаёққа кетадилар?— деб сўрадим мен ниҳоят мулойимлик билан.

— И-и-шга кетадилар. Эрталаб қайтиб келадилар.— деди бола сал дудуқланиб. Бир оз жим тургандан сўнг сўради.— Расмларни кўрасизми?

— Албатта кўрамиз!

Бола тиззамдан тушиб нариги уйга кириб кетди, ва «Times of India»нинг бир йиллик иловасини олиб чиқди. Сўнг яна тиззамга чиқиб ўтирди.

Бирданига нимадир ўйлаб тезгина тиззамдан тушди-да, худди бир нарсадан қўрққан кишидай сўради:

— Сигарет чекасизми?

— Йўқ,— дедим мен.

— Ойимлар чекадилар. Бетдагиларнинг ҳаммаси чекишади. Сиз нега чекмайсиз?

— Ойинглар сигарет чекадиларми?— деб сўрадим, мен.

— Ҳа, чекадилар. Сизга ўша қутичани кўрсатайми?— деди-да, тиззамдан тушиб ичкарига кириб кетай деб турганида, уни тўхтатиб:

— Қўя қол. Кел, сурат кўрамиз,— дедим мен.

Бола «Times of India»ни варақлай бошлади: катта-катта ранг-баранг чиройли рекламалар... Биз кўраётган биринчи сурат соатлар рекламаси экан.

— Мана соатлар. Ҳаммаси ҳам яхши экан. Сизга қайси бири ёқади?— деб сўради бола.

Мен кичкина бир соатчани кўрсатдим-да:

— Мана буниси ёқади,— дедим.

— Ийё, ановини қаранг-а! Бу хотинлар соати-ку?! Манови эркакларнинг соати бўлади... катталарники,— деди.— Ҳўп, биз сизга манови соатни олиб берамиз,— деди-да, кула бошлади.

Иккинчи варақда «Pond's snow white cream» компаниясининг косметик маҳсулотлари реклама қилинган экан.

— Ойимлар мановини суртадилар... мановини ҳам... ойимларга бу ёғупани обкелиб беринг... манови атрни ҳам ва яна анунақа лабга сурадигандан ҳам олиб келиб беринг...

— Ҳўп, обкелиб бераман.

Учинчи саҳифани очдим. Бу Канада қоғозининг рекламаси экан. Йўғон-йўғон дарахтлар ўрмонда зич бўлиб ётибди.

— Бу нима?— деб сўрадим боладан.

— Бу ер ўрмон-ку, а? Бу ерда Тарзан яшайди. Тарзан қўлини оғзига қўйиб мушукдай чинқиради: «Ҳа-ҳа-ҳа!» Мен Тарзани Бандердаги кинотеатрда кўрганман. Ойимлар мени анкл билан бирга кинога олиб борган эдилар.

— Ким у анкл?

— Ий-а-а, вой?! Сиз ҳали анклни танимайсизми?



Анклнинг узун мўйловлари, қип-қизил кўзлари бор. Мен анклдан жудаям қўрқаман. Бир куни анкл бизникида ётиб қолди.

Мен қўрқиб бошқа саҳифани очдим. Бу ерда «Ориентал лайн» пароходларининг сурати бор экан.

— Бу пароход... ишти-мер, иштимерни биласизми? — деб сўради бола.

— Ҳа, биламан,— дедим мен оҳиста.

— Менга пароход обкелиб берасизми? Менга худди ўшандай пароход керак. Мана шундай катта ва оқ бўлсин.

— Хўп, обкелиб бераман.

— Қаердан обкеласиз?— деб сўради бола.

— Бозордан обкеламан — дедим мен.

— Маз-за!!! Лекин денгизни ҳам бирга обкелинг-а,— кўшиб кўйди.

— Хўп, денгизни ҳам бирга обкеламан.

— Қаердан обкеласиз? Денгизни ҳам бозорда сотадиларми?

— Йўқ. Денгиз Бандра Ҳиллнинг нариги томонида ухлаб ётибди. Бир куни ўша ёққа бориб, секин денгизнинг бўйнига арқон ташлайман-да, олиб келавераман.

— Отни боғлаб обкелгандай, обкелишар экан-да. Ҳа-ҳа-ҳа! Мен ҳам сиз билан бераман,— деди бола хурсанд бўлиб.— Ойимлар билан анкл ҳечам мени ўзлари билан бир ёққа олиб бормайдилар. Нега бошқа болалар ойилари билан у ёқ-бу ёққа боришади?— деб сўради у.

Мен яна бир саҳифани очдим. Бу саҳифада авторучкалар сурати солинган. Иккита авторучка: бирининг пероси ингичка, иккинчисиники йўғон.

— Сизга қайси ручка ёқади?— деб сўради бола.

— Менга йўғон пероли ручка ёқади,— дедим.

— Нега унақаси ёқади?

— Йўғон перолиси тоза ёзади.

— Оҳо! Ингичка пероли ручка жудаям яхши ёзади.

Кичкина перолисидан олинг. Хўпми?

— Хўп.

— Бўлмаса, очаверинг.

Бу саҳифада ҳарбий кийим кийган солдат ноғора чалаётган экан.

— Бу ким?— деб сўрадим мен.

— Бу мен. Ноғора чаляпман,— деди бола.

Иккинчи расмда эса тўла бир челак сув кўтарган бир одам кетяпти.

— Бу бизнинг хизматқоримиз,— деди бола. Сўнг тезлик билан яна бошқа бетни очди. Бу — виски рекламаси экан.

— Аҳа!— деди у бақириб.— Бу шишада брэнди бор. Ойимлар брэнди ҳам ичадилар,— деди фахр билан бошини кўтариб ва мандан: — Сиз ҳам ичасизми?— деб сўради,— ичсангиз обкелай... ҳув анув каравотнинг тагида турибди.

— Йўқ!— дедим мен.— Мен брэндени ёмон кўраман. Брэнди аччиқ бўлади!

— Мен ҳам аччиқ нарсаларни ёмон кўраман. Мана, қаранг... менинг оёғимда яра бор,— деди у бениҳоя маъюслик билан бошини қимирлатиб.

Бола ярасини кўрсатди. Унга иод сурилган экан.

— Ярам қаттиқ оғрийди. Лекин ойимлар унга доим аччиқ дори сурадилар,— деди бола.

— Аччиқ дори?— дедим мен таажжубланиб.

— Ҳа,— деди у,— ойимлар доим аччиқ дори сурадилар. Ушанда ярам оғрийдик. Ярамга шакардай ширин дори сурсалар бўларди.

— Мен сенга ўшанақа дори обкелиб бераман,— дедим.

Бола жажжи қўллари билан бўйнимдан қучоқладида, юзини бўйнимга суйкар экан:

— Албатта обкелинг. Ваъда берасизми?— деб сўради.

— Ваъда бераман.

— Хўп... ҳозир мен сизга ғалати бир нарса кўрсатаман. Кўзингизни юминг.

Мен кўзимни юмдим.

— Кўзингизни очманг. Очсангиз ўлдираман,— деди бола ухлайдиган хонага кириб кетаётиб. Каравот тагидан иккита пақиллаб отиладиган тўппончани олиб калта шимининг чўнтагига солди-да, менга ҳарбийлардек честь берди. Мен ҳам унга честь бердим.

— Каптарларни кўрасизми?— деди у.

— Каптарлар қаерда?— деб сўрадим мен.

— Каптархонада ухлаб ётишибди. Ойимлар кечаси ухламайдилар. Менинг каптарларим бўлса кундузи ух-

лашмайди, кечаси ухлашади. Қаптарлардан биттаси соҳиб, яна биттаси мэм соҳиба.

— Қайсиси мэм соҳиба? — деб сўрадим мен.

— Кўкрагидаги патини ҳурпайтириб юрадигани бор-ку... ўшаниси мэм соҳиба. Бир куни унинг думидан жуда кўп майда-майда тухумлар тушди. Мен биттасини синдириб қўйувдим, ойимлар мени урдилар. Ойимлар кўп брэнди ичганларида мени урадилар. Оёғимдаги яра бор-у... ўша ойимлар ураверганларидан бўлган. Ойимлар мени аввал урадилар, кейин роса эркалатадилар, шоколад-берадилар. Бироқ бир куни ойимлар мени жуда ёмон урдилар.

— Нима бўлган?

— Сиз ҳеч кимга айтиб қўймайсизми?

— Йўқ.

— Бир куни торкўчада ўйнаётувдим... анув дхўбийнинг боласи бор-у... доим яланғоч юради... қоп-қора.

— Ҳа, ҳа,— дедим мен бошимни қимирлатиб.

— Мен ўша билан ўйнаётувдим... унинг шиша золдирини олиб қўйдим. У, золдоримни бер, золдоримни бер, деяверди. Мен бермадим. Ушанда унинг ойиси келиб мени бир шапалоқ урди-да, золдиримни тортиб олди. «Кет бу ердан фоҳишанинг боласи», деди. Йиғлаб уйга кирувдим, ойимлар ўзимни ёмон урдилар, лекин ким фоҳишанинг боласи эканлигини ҳам айтмадилар. Фоҳиша деб кимни айтади, сиз биласизми?

Мен жавоб беролмадим. Тилим танглайимга ёпишиб қолганга ўхшарди.

Боланинг кенг манглайига паришонлик югурди. Худди йиғламсираётгандек дўрдиқ лаблари осилиб тушди. Бола оҳиста:

— Ойимлар яхшилар, ойимлар ҳечам фоҳиша эмаслар. Дадамлар фоҳиша бўлсалар керак. Улар ҳеч уйга келмайдилар. Ҳа, албатта дадамлар фоҳиша... ойимлар, даданг энди ҳеч келмайди, дейдилар,— деди. Сўнг менга қараб: — Нега энди уйга келмайдилар? — деб сўради.

Мен дарҳол тескари қарадим ва «Times of India»ни варақлай бошладим. Реклама учун солинган суратда чиройли бир бола кулиб турарди. Буни кўрган бола, унинг калласини олиб ташлайман, деди.

— Нега энди?

— Қалласини олиб ташлайман, дедимми, олиб ташлайман!

— Нимага?— деб сўрадим мен яна.

— У... у нимага менга қараб куляпти?— деди бола аста нафрат ва алам аралаш ҳис-туйғулардан бўғилиб.— У доим менга қараб кулгани-кулган...

Бола бирданига пичоқ билан суратни тўрт-беш жойидан тилиб ташлади. Кулиб турган боланинг сурати бир неча жойидан тилиниб кетган эди.

Мен болани тиззамдан туширдим-да, «Times of India» нинг рождество сонини ёпиб, стол устига қўйдим. Қўлига пичоқ ушлаган бола ҳайрон бўлиб менга қараб турарди. Мен хизматкорни чақирдим:

— Ромбҳарўсе... э... э... Жўун... Жўун...

— Лаббай, саркор.

— Мен кетяпман, биродар.

— Хўп... лекин бойижийга нима деб қўяй?

Шу дам Файзнинг икки мисра шеъри худди чақмоқ чаққандай бир лаҳзада кўнглимдан ўтди:

Бекит мунтазир эшикларингни

Келмас энди ҳеч кимса бунга...

Бола ҳануз пичоқ ушлаб турарди. Мен унинг бошини силадим. Бола пичоқни улоқтирди-да, диванга суяниб, хиқиллаб йиғлай бошлади:

— Ойи, ойи... мен ойимларнинг олдига кетаман...

...Дўстим! Мен сизнинг кайф-сафо билан ўтаётган кечаларингиз ҳақида ширин бир ҳикоя ёзайми, ёки табасум қилиб турган болани пичоқ билан тилаётган, халитдан бўйнида сиртмоқ кўринаётган болангиз ҳақида ҳикоя ёзайми?

Албатта, менинг ҳикоямни ўқиганингизда вино ичгандагидай ёки фоҳишанинг ишқий ашуласини эшитгандагидай ҳузур қила олмайсиз.

Лекин начора? Мен ҳали ҳикояларимни чайқов бозорига олиб бориб сотганим йўқ. Аммо сиз ўша чайқов бозорига ватанимнинг сиёсатини, шаҳидлар номусини, опа-сингилларимизнинг иффатини сотиб қанд фабрикаси қурдингиз.

Мен ҳам санъатимни сотиб сизнинг ҳаётингизни чиройли ва жозибадор қилиб тасвирласам бўлади. Лекин бу ишни мен ҳеч қачон қилмайман. Чунки сизнинг ўғлингиз кўз ўнгимда турибди ва менинг ҳикоям унинг янги ҳаёти учун курашади.



## БОЛАЛИК

**Р**афи ҳамма нарсани, айниқса Нила деган қизни жуда яхши кўрарди.

Агар боғда чиройли-чиройли капалаклар учиб юганини кўриб қолса, кўнгли қувончга тўлиб кетар, гул пушталарини босиб қичқирганича капалакларни қувалар, попукли қалпоқчасини ечиб, у билан капалакчани тутиб олар, сўнгра жажжигина юмшоқ бармоқларига олиб у ёқ-бу ёққа айлантриб, анча вақт меҳр ва ҳавас билан томоша қилар, капалак эса қанотларини пирпиратар, буни кўргач, Рафининг раҳми келиб, кўзларида ёш ялтирар, кейин асирини қўйиб юборар эди. Капалак арпабодённинг ёш ниҳолларига қўнар ва шафтолилар устидан ўтиб узоқларга учиб кетар, Рафи унинг учишини меҳр ва ҳайрат билан кузатиб турар: «Қандай чиройли капалак эди-я!»— деб ўйлар ва шундай гўзал капалакни қўйиб юборгани учун ўзи ачинар эди. Шу вақт у ҳар ён учиб, гулдан-гулга қўниб юрган яшил-халлик сап-сарик чиройли бир капалакни кўриб қолди. Рафи жажжи оёқчаларининг учида юриб унинг орқасидан қувиб кетди.

Рафи шафтолини ҳам, олмани ҳам, қизил узумни ҳам яхши кўрарди, шохларда олтиндек ялтираб турган олмани ёки ток новдасида қизил ёқутдек товланиб турган тоғ узумини кўриб қолса, оғзининг суви келарди. Шу пайт у дарахтнинг энг баланд шохига чиқиб меваларга қўйинини тўлғизмоқчи бўлар, ҳамма мевалар фақат ўзиники бўлишини хоҳларди. Боғбон эса бундан жуда яхши хабардор эди.

Рафи энагасини ҳам яхши кўрарди. Агар онаси энагасини уришгудек бўлса, у бошини қуйи солиб, рўмолчасининг учи билан кўз ёшларини артиб ўз хонасига кириб кетар, кейин ҳеч кимга билдирмасдан энагасининг уйига кириб, унинг қаршисига келиб, унинг қора кўйлагининг этагидан ушлаб маъюс термулиб турар, энагасини юпатмоқчи бўларди, аммо энагаси юпанмаса нима қилишини билмай, нафаси тиқилиб, ўпкаси тўлиб кетар, энагаси ҳадеб йиғлайвергач, икки кўзи жиққа ёшга тўларди, энага Рафини тиззасига олиб, маҳкам қучоқлаб ёшдан ҳўл бўлган юзини унинг момиқ юзларига қаттиқ босар ва қаттиқ-қаттиқ ўпар, шундан кейин энаганинг кўнгли таскин топиб, аразидан тушар эди. Ҳа, Рафи энагасини жуда яхши кўрарди.

Лекин бу, Рафи онасини яхши кўрмайди, деган гап эмас. Она унинг ҳаёти, унинг борлиғи эди. У доим онасининг олида ўтиргиси келарди-ю, онаси қўймас эди. Рафи нима ҳам дея оларди? Онаси ҳамма вақт: «Бор, тойчоғим, боғда ўйнагин!» «Вақт бўлиб қолди, мактабингга бор!» «Рафи, ўғлим, бор ўйнагин»— дер эди. Қачон бўлмасин она доим бир нарса билан банд эди. У ошхонага борса, Рафи унинг орқасидан эргашар, кийим тикишга ўтирса, у юмшоқ, кенг диваннинг бир чеккасини чуқилаб турар, онасининг сочларини ўйнамоқчи бўларди, негадир онанинг жаҳли чиқиб уни уйдан чиқариб юборар эди. «Рафи дарсингни тайёрлаганинг йўқ-а, бор, дарсингни қил!»— дер эди у. Рафи маъюсланиб ўз хонасига чиқиб кетар эди. Рафи онасини жуда яхши кўрар эди-ю, лекин нима учундир онаси уни кўп эркалата бермас эди.

Уйга онасининг ўртоқлари кўргани келиб қолса, Рафи хархаша қилиб, онасига ёпишиб олиб, унинг олдидан кетмасди. Онаси Рафига: «Бор, ўғлим, ҳовлида ўйна!»— деб чиқариб юборарди.

Бироқ Рафи баъзида онасининг пўписаларига эътибор бермас эди. Агар онаси отасининг хонасига ликопчада мева олиб киргудек бўлса, Рафи ҳам унинг орқасидан эргашар, онаси пўписа қилса, бу шовқин солиб унинг йўлини тўсиб оларди. Кейин онаси боласидан паст келиб, уни кўтариб оларди. Онасининг меҳр тўла кўзларини ва мулойим табассумини кўриб, Рафи қувончи ичига сиғмай, унинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олар эди.

Рафи отасини ҳам жуда яхши кўрарди, лекин отаси

доим ўз иши билан банд бўлиб, Рафи билан аҳён-аҳёнда гаплашиб кўярди. У ревизор эди, ишга кетаётганида, Рафи: «Мен ҳам бораман, мени ҳам олиб боринг!» — деб ялинарди. Аммо қанча ялинмасин отаси ҳеч кўнмас эди. Ҳаттоки кечқурунлари отаси ўз ўртоқлари билан сайр қилишга кетганда ҳам Рафи бечора уйда қолар эди.

Отасининг ишдан қайтадиган вақти бўлмаган бўлса ҳам, Рафи баланд тепаликка чиқиб, унинг йўлига қараб турарди, сўнгра дарё ёқасидаги йўлдан отасининг отда келаётганини кўриши билан қувониб: «Ҳой, ҳой... қаранглар! Дадамлар келяптилар! Хув ана у ёқда!» — деб қичқиради эди.

Шундай қилиб, Рафи отасини ҳам жуда яхши кўрар эди.

Нилани эса у қандайдир бошқачароқ яхши кўриб қолган эди. Нила хат ташувчи Фотиҳиддиннинг қизи бўлиб, Рафидан бир ёш катта эди. Эҳтимол шунинг учунми, ё бошқа бирон сабабданми, Рафига бечора қайрилиб қарамас, Рафи эса бунинг сабабини билмасди. Лекин бир нарсаси жуда равшан бўлиб қолган эди: Рафи Нилани қанча яхши кўрса, Нила унга шунча бепарво эди. Шу кунгача улар бир-бирига бир оғиз сўз айтгани йўқ. Лекин Нила Рафининг олдидан онда-сонда жингалак сочларини силкитиб, гердайиб ўтар эди. Рафи бечора кўнгли бузилиб, нима қилишини билмай қоларди. Нила бўлса қишлоқдаги ҳамма подачи болалар билан кулиб гаплашар, Рафи эса, бундай бахтдан маҳрум эди.

Айтмоқчи, Рафи кўп азоб чекмасди, чунки доим Нила ҳақида ўйлашга ортиқча вақти ҳам йўқ эди. Кунни дарс тайёрлаш, ҳисоб масалаларини ишлаш, боғда ўйнаш билан ўтказарди. Кечқурун у чарчаб ўзини чорпоёга ташларди, эрталаб уни онаси уйғотар эди.

Нила унинг олдига келиб қолганида ёки ёлғиз ўзи боғда ўйнаб чарчаб Ниланинг қўғирчоқдек чиройли юзини кўз олдига келтирганида Рафининг юраги ёзилиб кетар, шу пайт Ниланинг олдига бориб, қақриб келгиси келар эди. Хўш, борганда ҳам у нима дер экан? Нега Нила у билан гаплашмасикин? Бир куни Рафи ўйнаб юриб, тоғни айланиб ўтиб жануб томонга қайрилиб кетган дарё қирғоғига келиб қолди. У ерда у катта тунг дарахти тағида ўйнаётган бир тўда болани кўрди. Бу болаларнинг баъзилари варрак учиради, бошқа бировлари дарё қирғо-

ғидан турли томонга тарқалиб кетган қўй-эчкиларни чақриб най чалар, яна бир хиллари тиниқ, кўм-кўк сувда чўмилиб бир-бирига сув сепишарди. Нарироқда бир неча бола ҳаммомпиш ўйнаб ўтирарди. Рафи уларнинг олдига келди-да, ўйинга қўшилди. Улар орасида Нила ҳам бор эди. Лекин Рафи билан Нила бир-бирига бир оғиз ҳам сўз айтмади.

Сўнгра Нила ва Қетҳри арғимчоқ томонга чопиб боришиб, арғимчоқ уча бошлашди. Рафи ажабланиб улар томонга қаради. Рафи ҳеч қачон бундай баланд учмаган эди, шунинг учун арғимчоқдаги қизларга қўрқиб қараб турарди.

Най чалиб турган Содиқ тўхтаб, Рафига: «Кел, бошқа арғимчоқда иккаламиз учамиз», — деб таклиф қилди. Нила арғимчоқдан тушиб Рафининг қаршисида кулиб тургани учун у йўқ деёлмади. Рафи қўрқа-писа арғимчоққа чиқди, лекин учишни билмай болалардан сўрашга мажбур бўлди. Улар бўлса қиқирлаб кулиб юборишди. Рафига ҳаммадан ҳам Нила қаттиқроқ кулгандай бўлиб туюлди. Рафи уялиб кетиб арғимчоқдан тушди-да, тез-тез қадам ташлаб уйига қараб кетди, у Ниладан жуда хафа бўлган эди.

Уйига киргач, унинг кўздаги ёшини кўриб онаси билан энагаси шошилиб сўрай кетишди:

— Нима бўлди, болам?— деди энага.

— Нима қилди, нега йиғлаяпсан? Менинг Рафимни ким урди?

— Қўзичоғим, қаёқда ўйнаб юриб эдинг? Эрталабдан бери боғбон сени қидириб юрибди. Гапирсанг-чи?

Аммо «қўзичоқ» саволларга жавоб бермай, анчагача йиғлади. Ахир, у хўрсиниб:

— Мен... мен... она... менга арғимчоқ олиб беринг,— деди.

Нила Рафиларникига бир неча марта келиб кетар эди: гоҳ Рафининг онасига ширинлик олиб келар, гоҳ ювиладиган кирни олиб кетар, гоҳ боғидаги ёнғоқдан олиб келар эди. Рафи уни узоқдан кузатиб турар эди.

Гоҳида кечалари энага унга парилар ҳақида қизиқ эртаклар айтиб бераётганида, Рафи бу парилар Ниладек гўзал ва гердайган деб ўйлаб кетар эди. Лекин буни энагасидан сўрашга журъат эта олмасди... Рафининг назарида дунёда Ниладан гўзал қиз йўқ эди. Унинг юзлари шир-



мондек лўппи! Қирмизи лабларини айтмайсизми? Менинг лабларим сира уникига ўхшамайди! Агар мен ҳам Ниладек чиройли бўлсам, эҳтимол, у мен билан гаплашарди! Самбалу еб турган чоғида унинг миясига шундай фикрлар келди. «Қандай қизил-а!» — деб ўйлаб самбалунинг сувини юзига, иягига, лабларига сурта бошлади. Лекин тўсатдан у чиройли капалакни кўриб қолди-ю, Нилани эсидан чиқариб, овга берилиб кетди. Бугун у етгита ажойиб гулдор капалак тутиб, уларни кичкина рўмолчасига тутиб олиб уйига жўнади.

Уйга кириши билан онаси: «Нега юзинг қип-қизил бўлиб кетибди? Бугун ҳам самбалу еганга ўхшайсан? Самбалу емагин деб неча марта айтдим?! Қулоқ солмайсан-а! Бу нимаси, сенга нима ёмонлик қилди капалак?» — деб қойий бошлади.

Рафи бир-икки шапалоқ егандан кейин, додлаб йиғлай бошлади.

\* \* \*

Ҳайит куни Фотиҳиддиннинг қизи Нила одатдагидек Рафиларникига бир рўмол ўрик олиб келди. Бу пайт Рафи уйда йўқ эди, у боғда девор тагида ўйнаб ўтириб гулчамбар яшаш учун ёсуман гул узар эди.

Уйдан чиқиб боғ ичидан ўтиб келаётганида Нила девор тагида ўтирган Рафини кўриб тўхтади. Рафи гулчамбар тўқиш билан банд эди. Рафи олдида Нила турганини пайқамай қолди. У бутанинг битта новдасини синдириб олгандагина бошини кўтариб Нилани кўрди. У уялганидан қизариб кетди. Гулчамбарини йиғиштириб қўйиб панжара девор олдига келди.

— Сенинг отинг Рапҳими? — деб сўради Нила.

— Ҳа, Рафи.

— Рапҳи? Вой, шунақаям от бўладими? — деди Нила кичкина бурнини жийириб.

— Йўқ, Рапҳи эмас, Рафи!

— Менинг отим Нила, биз яна у ёқда, ҳув анови ён-роқнинг орқасида турамиз.

— Бизникидаги ёсуман гуллар жуда ҳам яхши, — деди Рафи.

— Бизникида қандак ўрик бор, у жуда ширин,— деди Нила.

— Бизнинг боғимизда ҳам яхши қандак ўриклар бор,— бўш келмади Рафи.

— Алдамчи. Бизнинг ўрикдақа ширин ўрик ҳеч қаерда йўқ,— деди Нила бошини силкитиб. Рафи бир оз жим бўлди-да, кейин:

— Мен арғимчоқда уча оламан,— деди.

— Ростданми?— деб Рафининг гапларига ишонқирамай сўради Нила.

— Мен боғимиздаги хоҳлаган дарахтга чиқа оламан,— деди Рафи.

— Ваай?

— Мен... мен ёсумандан гулчамбар қилоламан, мана қара.

— Мен гулчамбарни сендан яхши тўқий оламан. Қани, обкел гулингни,— деди Нила.

Рафи Ниланинг қўлидан тутиб панжара девордан ўтиб олишга ёрдамлашди. Улар гулчамбар қилишга киришдилар. Гулчамбар қила туриб Нила кулиб юборди.

— Сенга нима бўлди? Нимага куляпсан?— деб таажжубланиб сўради Рафи.

— Айтдим-ку, сен гулчамбар қила олмайсан деб. Гапим рост эканми?— деди кулиб Нила.

Рафи жаҳли чиқиб Нилани бир туртди. Нила чинқириб йиғлай бошлади. Рафи қўрқиб кетди. Энди нима қилиш керак? Агар онаси Нилани туртганини билиб қолса борми, роса дўппаслайди. Рафи Нилани юпата бошлади.

— Нила, қўй йиғлама! Йиғлама деяпман-ку. Менга қарагин-а, менинг уч юзта капалагим бор. Ҳаммасини уйдаги қутига қамаб қўйганман. Мен уларни сенга бераман, хўпми, қўй йиғлама. Тўхтаб тур, мен ҳозир олиб келиб бераман.

Рафи чопганича уйига бориб, дарров капалак турган қутичани олиб келди. Уни очиб Ниланинг олдига қўйди.

— Қарагин, қанотларини кўр, қанақа чиройли-а, кўр-япсанми? Йиғлама, Нила. Мана бу ҳамма гуллар билан гулчамбарлар ҳам сенга, ола қол!

Сўнгра Рафи иккала гулчамбарни Ниланинг бўйнига осиб қўйди. Нила кулиб юборди.

Шу кундан бошлаб Нила билан Рафи бирга ўйнайдиган бўлиб қолишди. Улар самбалу териб ейишарди, ол-

тиндек товланиб турган узумдан узиб ейишарди. Нила-ларнинг ҳовлисидаги ёнғоқ тагида ҳаммомпиш ва болалар яхши кўрадиган бошқа ўйинлар ўйнашарди. Дарёнинг қирғоғида подачи болалар билан ўйнаб арғим-чоқ учишар, най куйини бирга тинглашарди. Баъзи вақт-ларда улар келин-куёв ўйнашарди. Унда Рафи — куёв, Нила — келин, водийдаги кичкина подачи болалар куёв-нукар бўлиб, қоғоз чилдирмалар чалиб, шовқин-сурон билан у ёқдан-бу ёққа югуришиб ўйнашарди. Ҳамма ёқ ўйин-кулгига тўлиб кетарди.

Агар Нила Рафининг аччиғини келтирмоқчи бўлиб, мен бошқа боланинг қаллиғи бўламан деса, Рафи хафа бўлиб ўйиндан чиқиб кетарди. Сўнгра, Нила хафа бўлиб қолган Рафига ялиниб, кўнглини олишга ва унга жуда катта ваъдалар беришга мажбур бўлар эди!

Орадан уч йил ўтди. Гўзал бир водийда икки ёш қалб покиза муҳаббатнинг ширин уйқусида маст-аласт эди. Бу уйқу тоғ сойидек шафоф, оромбахш эди, бу муҳаббат юлдузлар каби улкан ва ёрқин эди.

Лекин тўсатдан Рафининг отасини бошқа жойга иш-га юборишди. Рафи билан Ниланинг юраги эзилиб, кўз-лари жиққа ёшга тўлиб бир-бири билан хайрлашди. Хайрлаша туриб Рафи Нилага жонидан ҳам азиз кўради-ган нарсасини — садаф сопли ўткир, ялтироқ чаловзари-ни берди. Нила бўлса Рафига ёшлигидан тақиб келаётган феруза маржонини берди. Бу орада улар бир-бирига бир оғиз ҳам сўз айтмади. Аммо Рафи отга минмоқчи бўлиб турганида, Нила ҳўнграб йиғлаб юборди. Рафининг юра-ги эзилиб кетди, лекин у ўзини босиб, осмонда бир-бири-ни қувиб юрган оқ булутларга боқиб турарди.

Орадан ўн уч йил ўтди. Рафининг отасини янгидан Нила яшайдиган гўзал водийга юборишди. Рафининг кўнглида ўша қувноқ болалик даврининг бебаҳо кунла-ридан қолган хотиралар беихтиёр уйғона бошлади.

Рафи Нилани унутиб юбордимикин? Наҳотки коллеж-даги студентлик йиллари, болалик даври — ҳаммасини унутиб юборган бўлса?! У Нилани илгаридек яхши кў-рармикин? Рафи ўз саволига жавоб топа олмас эди. У Нилани бутунлай унутган эмас. Нила берган феруза маржонни эҳтиёт қилар, уни ҳеч вақт ёнидан қўймас эди. У, ҳатто ўз ўртоқлари билан вақти хушлик қил-

ган чоқларида ҳам Нилани доим эслаб турарди. Болалик даврида яхши жўрадиган ўйинларини эслаб, Рафи кулиб юборарди: қандай яхши кунлар эди-я! У ўйинларда хоккей, футбол ва теннис бўлмаган бўлса ҳам, шодхуррамлик на қадар кўп эди-я. Нила-чи! У худди ҳури пайкар, сўзларни бузиб, ғалати қилиб гапирадиган ва доим завқланиб куладиган қизча эди!

Хайрлашганда Нила қандай ҳолда бўлган бўлса, Рафи уни ўшандайлигича сақлади: кўз ўнгида унга қараб йиғлаётган ва қўлчалари билан кўзларини артаётган қизча турарди. Уни ҳали ҳам ўша ҳолатда тасаввур қилар эди.

Бу ўн уч йил ичида Рафи катта йигит бўлиб қолди, отасининг сочлари оқариб кетди, боғдаги бир вақтлар ингичка нок ниҳоллари ҳозир бўй чўзиб, катта дарахтга айланиб кетган. Нила-чи? У ҳозир қандай экан?

Энди шунча йилдан кейин у, бирданига Нилани кўриб, ҳайратда қолди.

Рафи боғда, дарахт остида китоб очиб ўтирган эди. Кимдир индамай яқинлашиб келди-да, унинг олдида тўхтаб қолди.

Ҳа, бу Нила эди: унинг лаблари устида ёшлик, гўзаллик офтобнинг эркаловчи нурларидек жилва қилар, қўлида эса ёш боласи талпиниб турар эди.

Рафи ўрнидан туриб кетди.

— Мени танидингми?— деб сўради Нила.

— Нила?!— деб қичқириб юборди Рафи. Нила кулди. Йўқ, бу Нила эмас, унинг олдида бир паризод жилмайиб турар эди. Бола Рафига қараб шодиёна овоз чиқариб, қўл-оёқларини қимирлатди.

— Ўзингнинг болангми? Жуда яхши бола экан. Оти нима?— деб сўради Рафи.


— Оти Рафи,— деб жавоб берди Нила.

Рафи анча вақт чурқ этмай туриб қолди. У оёғи остидаги ерни ҳам сезмас, тепасидаги осмонни ҳам кўрмас эди. Рафи ўзини бир бўшлиқда учиб кетаётгандай сездди. Шу топда ўтмиш болалик даврининг манзаралари кўзи олдидан бирма-бир ўта бошлади: Мана у Нила билан бирга капалак қувиб кетяпти, мана Нила билан самбалу шохчаларини эгиб, меваларини узиб еяпти, мана икковлари дарё қирғоғида ўсадиган хурмо дарахтига со-

линган арғимчоқда учишяпти, чўпон болалар най чалишяпти, ана куёвнукарлар келяпти, мана Нила — унинг «қаллиғи».

Бола Рафига қўлларини узатиб тушуниб бўлмайдиган товуш чиқарарди. Рафи бола томонга энгашиб, аста-секин чўнтагидан бир нарсани чиқарди. Бу феруза маржон эди. Рафи қалтираб турган қўллари билан уни аста бола-нинг бўйнига тақиб қўйди.

Ниланинг юзига ёш томчилари оқиб тушди. Рафи бўлса ўзини босиб тескари қараб, осмонда бир-бирини қувиб учаётган оқ булутларга боқиб турарди.





### БИР ДУБЛЁР ҚИЗ

**Б**у воқиа 1944 йил 11 декабрь куни туш пайтида юз берди. Мен овқатни еб бўлгандан кейин бошимни столга қўйиб мудраб ўтирган эдим, бир дублёр қиз хонага кириб келди. Умуман дублёр қиз фильм қаҳрамони ролини ижро этувчи актрисадан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Лекин мендақа каллаварам бир одамнинг фикрича, ҳеч вақт фильм қаҳрамони бу тарзда хонага кириб келмайди. Фильм қаҳрамони ёки бош ролни ижро этувчи актриса бирор хонага кирар экан, 3—4 киши албатта, унга ҳамроҳ бўлиб келади. Агар столга бошини қўйиб мудраб ўтирган биронта анқов кўриниб қолар экан, актриса кириб келишидан олдин уни туртиб: «Хушёр бўл, актриса», деб огоҳлантирадилар. Аммо ўша куни туш пайтида бундай бўлмади. Демак, 1944 йил 11 декабрь куни пешинда кабинетимга кириб келган қиз ҳақиқатан ҳам дублёр қиз эди.

Бу қизнинг оти Зубайда экан. У кулиб: «Уй ичидагилар мени Зеб дейишади» деди. «Сизни бундай деб аташ уй ичидагиларнинг баъзиларига зеб беради»— деб гапни айлантирдим мен. Мен Зеб исмли яна бир қизни таниймак. Лекин унинг ҳақидаги ҳикояни кейин, қачон бўлса ҳам ёзаман. Чунки унинг драмасига эндигина савол аломати қўйилди. Бу Зебнинг ҳимоясига эса савол аломати қўйилиб ўтиб кетди. Бу аломат кишига бир неча шаклда учрайди. Баъзан у севгилининг ширин бўсаси бўлиб келади, баъзан рўёбга чиқмаган орзулардай аччиқ ва баъзан эса

ловиллаб ёниб турган оловдек кўзга кўринади. Баъзан шўр кўз ёши бўлиб ҳам келиши мумкин. Лекин ҳар бир одам ўз умрида бу савол аломати билан албатта учрашади. Бу — киши ҳаётидаги жуда қизиқ бир даврдир. Ҳикояси ҳали ёзилмаган Зеб бу даврни бошидан кечиряпти. Мен тамошабин бўлганлигим учун унга ҳеч қандай маслаҳат бергим келмаяпти. Менинг ундан кутадиган нарсам шуки, бу сатрларга кўзи тушса, жилмайиб жим бўлиб қолар, жилмаймаса яна ҳам яхши.

Зубайда иш қидириб келибди. Афтидан, киностудия хўжайини мени ўта кетган беозор одам фаҳмлаган ва шунинг учун эркак ва хотин дублёрларнинг афти-ангори, актёрлик истеъдодини текшириб кўриб тўғри фикр ҳосил қилсин, деб мени бу ишга тайин қилган эди. Унинг бундай фикрга келишига сабаб — сочим тўкилиб, бошим ялтираб қолганлиги, қалин кўзойнак тақиб юришим ва кўпинча, хотин-қизларга бепарво қарашим бўлса керак, деб ўйлайман. Бу шунчаки бир ниқоб эканлигини у қаердан билсин ахир. Аслида эса менинг баданимда ҳам жўшқин қон бор, ҳиссий дунёмда эса ҳирс алангаси ловиллайди. Қор совуғи келиб турган нигоҳлар, ичида яшинлар беркиниб ётган булутлар каби алдамчи бўлиши мумкин. Эҳтимол, студия хўжайини бу гапларнинг ҳаммасига тушунар, лекин шу билан бирга менинг жуда кучсиз эканлигимни, менинг сохта боадабликни енгишга журъат этолмаслигимни ҳам билади. Шунинг учун мен беозорлигимга иқрорман. Бу нарса кишини жуда хафа қилади. Мен айниқса ҳикояни баён қилаётганимда кўпроқ хафа бўламан. Лекин гапнинг пўсткалласини айтсам, хафа бўлиш у ёқда турсин, аксар бу туфайли хурсанд ҳам бўлиб тураман. Мен икки-уч марта сохта боадаблик афзалликларидан фойдаландим. Турган гапки, буни сиз тушуна олмайсиз. Лекин анови Зеб, яъни бу ҳикояга ҳеч алоқаси бўлмаган Зеб, бу гапларга албатта, тушунади.

Шундай қилиб, ўша куни туш пайтида Зубайда иш қидириб кабинетимга кириб келди. Зубайда, ўша куни мен суҳбат қилган қизлардан олтинчиси эди. Энг аввал келган қиз ўзи билан иккита укасини ҳам олиб келибди: бирининг оти Бэби Гангрэ, иккинчисиники эса Жани Лапу. Бу гужарот қизи ипи бўшашиб шалвираб қолган эски камонга ўхшарди. Юз-кўзи, юриш-туриши ва гапларида

қандайдир паришонлик, маъюслик, қовушмаслик борлиги сезилиб турарди. Бу қиз эндигина лойдан ясалиб, қурир-қуримас кабинетимга киргизиб юборилганга ўхшарди. Мен гужарот қизга, уни ишга ола олмаслигимни айтиб: «Мен сизнинг адресингизни ёзиб олдим. Бирор кино-фильмда иштирок этишингиз лозим бўлиб қолар экан, сизни дарҳол чақириб оламиз» дедим. Ичимда: «Бор, қуёшнинг иссиқ нурларига ўзингни тобла. Ҳаётнинг шиддатли зарбаларига ўзингни рўпара қилиб чиниқтир. Лойинг қуриганда қайтиб келарсан», — деб қўйдим.

Лекин бу лой ҳеч қуримайдиганга ўхшарди.

— Менинг адресим... менинг адресимни ёзиб олдингиз-а?

— Ҳа, ҳа, ёзиб олдим.

— Яхшилаб ёзиб олдингиз-а? Лаллу бҳойи. Сара бҳойи, уй номери 450/533. Уй номери 450/533. Эсингиздан чиқмасин. Аҳмадобод шаҳри..

— Сира ташвишланманг. Сизнинг адресингиз менда. У ҳеч йўқолмайди.

— Сиз мени албатта чақириб оласиз. Шундайми?

— Нега энди чақирмас эканмиз?— Албатта чақириб оламиз. Хотиржам бўлинг.

— Хўп... менинг адресим...

— Хайр, — дедим тезгина қўлимни қовуштириб.

У қўлини қовуштирганича орқаси билан юриб секин-аста уйдан чиқиб кета бошлади. Лойдан ясалган бу қиз юришни ҳам эплай олмасди. Туппа-тузук юриб кетаётиб бирданига остонага қоқилиб кетди. Қиз кўздан ғойиб бўлди. Ғойиб бўлди деётган ким? Ҳозиргача кўз ўнгимда турибди. Бу уйнинг столида, полида, остонада, эшикнинг ойнасида лой ёпишиб қолган. Кўраман деган одам келиб кўраверсин.

Иккинчи қиз Бомбайга Пунадан, Будҳаварпитҳдан келган экан. Оч қизил жоржетдан тикилган сорий унинг баданига ёпишиб кетибди. Сорий ичидан унинг қуриган дарахт каби бадани кўриниб турибди. Унинг кўзлари нурсиз, лаблари сўлғин, кўнгли вайрон эди. У ўғрилар талаган одамдай келиб рўпарамдаги курсига ўтирди. Унинг важоҳати гўё, «мени ишга олмаслигингни биламан. Менда ҳусн, латофат, назокат, хотинларга хос мулоимлик йўқ. Лекин шунга қарамасдан сенинг олдингга келдим. Мен шунчалик сурбет, беҳаё бўлсам ҳам, ҳеч нарсанинг



уддасидан чиқа олмадим. Сен лоақал шунга қойил қолмайсан», дер эди. Мен ичимда «ҳечам» дедим ва ундан сўрадим:

— Исмингиз?

— Кўшелия.

— Будҳаварпитҳдан, Пунадан келдингизми?

— Ҳаҳау.

— Ҳаҳау?— деб қайтардим мен.— Сиз амритсарлик-мисиз, дейман?

— Топдингиз, — деди у кулиб, шу пайт унинг қазиб олинган дарахт илдизларига ўхшаган қорамтир, сариқ тишлари кўриниб кетди.

— Аввал бирор фильмда қатнашганмисиз?

— Ҳаҳау! «Қора машшоқ туз», «Жодугар Бож Баҳодир» ва «Шошилинч тўй» фильмларида қатнашганман. Ашула ҳам айтаман. Будҳаварпитҳда ўзимизнинг уйимиз бор. Бизникига бир боринг».

— Амритсардан қандай қилиб Пунага келиб қолдингиз? — деб сўрадим мен.

— Насиба, — деди у аста, маъюс, сўниқ овоз билан. Унинг нигоҳлари, бадани, руҳи қоп-қоронғи эди. Буни кўриб қалбимда жирканч аралаш нафрат ҳисси пайдо бўлди ва бу ҳис борган сари кучайиб бормоқда эди. У кўзимга лойқа, ифлос, қўланса сувда бунёдга келган зулук бўлиб кўринарди. Ана ўша зулук секин-аста столим устидан менга қараб ўрмалаб келарди...

Йўқол, йўқол кўзимдан!..— дедим мен бақриб. У ҳайрат билан менга қараб турарди. Аввало, мен ундан кечирим сўрадим, кейин:

— Ростини айтсам,— дедим,— фильмни икки ойдан кейин суратга ола бошлаймиз. Афтидан, бизга сизнинг ёрдамингиз керак бўлиб қолади ва яна кўп қизларнинг...

У сўзимни чўрт бўлиб:

— Синглим Гўмти... ҳам мен билан бирга келган... кел, Гўмти... бу ёққа кел,— деди.

Қатта зулук, кичик зулук! Буниси кичик зулук эди.

— Ҳа, ҳа, сизни ҳам, синглингизни ҳам чақриб оламан. Лекин ҳозирча... хўп, хайр.

— Бу менинг суратларим,— деди у ўрнидан тураётиб оч қизил сорийнинг этагини тузатаркан.— Пунага борсангиз, албатта, бизникига кириңг.

Катта ва кичик зулук жўнаб кетди...

Учинчи қиз мараҳтий эди. Мараҳтий қизлар кўпинча қолипдан жуда силлиқ чиққан бўлади. Кўзлари эса нозик охуникига ўхшаш маънос бўлади. Эркакларга бундай кўзлар ёқади. Бу қиз ҳам нозик кўринадир-ю, лекин ҳеч ҳам нозик оҳуга ўхшамасди. Бадани жуда шалвираб кетган эди. Беўхшов сиртлон юриш билан хонага кириб келди. Унинг билан бирга келган эри хонага кириши биланоқ илжайди. У ердан чиқиб кетгунча тишининг оқини кўрсатиб илжайиб тура берди. Унинг нега бунчалик илжайганини худо билади. Эҳтимол уй ичидаги ҳавога кулаётгандир ё менинг ташқи кўринишимга? Балки хотини актрисалиги учуноқ уларни бахтли келажак кутаётгани ҳақида ўйлаб илжаяётгандир. Эҳтимолки, унинг бу аломатига жавоб бўлса керак. Қиши савол аломати унинг олдига келиб туриб олганлигини ва ундан ҳаёт, ҳаётнинг тарзи, жараёни ва асосий қонуни ҳақида жавоб талаб қилаётганлигини кўпинча билмайди ҳам. Унинг эри бу гапларнинг ҳеч қайсисидан хабари йўқ ва шунчаки аҳмоқона илжайиб турарди. Тағин йигирма йилдан кейин унинг бошида битта ҳам туки қолмайди, кўзига эса қалин кўз ойнак тақиб олади. Ушанда у ҳам менга ўхшаб йиғлайдиган бўлади. Кел, у ҳам вақтида кулиб қолсин...

— Бу менинг хотиним, — деди у кулиб, — менга иш керак.

— Ҳиндий ё урду тилини биладимми?

— Ҳау, пҳар чангла\*

— Қани ёзинг... «Нега мен бу шарманданинг уйида...»

— Йўқ-йўқ... Ёзишни сўраманг. Бизнинг хотин ёзмасдан оғзаки ёд олади. Сиз унга айтинг... Унинг зеҳни ўткир... пҳар чангла!

— Хўп, бўлмаса «шаб чирог», айтинг, — дедим мен.

— Шаб чирог.

— Шаб чирог эмас, шаб чирог,

— Шаб чирағҳ! — деди-да, қотиб-қотиб кула бошлади.

— Нега куляпти? — деб сўрадим мен.

— Бизнинг тилда бу сўкиш... ёмон сўкиш, — деди эри тишининг оқини кўрсатиб.

---

\* Мараҳтий тилида — ҳа, жуда яхши, дегани.

— Пҳар чангла!..— дедим мен хурсанд бўлиб... шаб чироғ.

— Йўқ... йўқ...— деди у уялиб. Уялганида тентакка ўхшаб кетдики...

— Илгари биронта фильмда суратга тушганмисиз?— дедим мен гапни бошқа ёққа буриб.

— Йоқ, йоқ. Бизни хотин ҳеч қаерда иш қидирмаган. Биз боадаб одаммииз,— гердайиб қўйди у.— Биз дедик, бу кинокомпаниянинг одамлари жуда яхши... уни жўр-бажўр рожи қилдик\*, менинг хотин айтди, сиз мен билан бўлса, биз ишлаймиз. Биз уни жуда яхши кўради.

— Пҳар чангла!— дедим мен унга тасалли бериб.— Сизларнинг адресингизни ёзиб олдим: Қалбадева 58, Пуруна мандир, Бомбай 19, шундайми? Тез кунда сизларни чақириб олишга ҳаракат қиламиз,— дедим ниҳоят.

Менга қараб илжайиб тура берди. Мен бояги гапларни такрорладим. У ҳануз илжайиб турарди. Мен хайрлашиш учун унга қўлимни узатдим. У икки қўлини ияги тагига олиб келди-да, илжайиб тура берди. Эгнидаги камзулининг ёқаси уч жойидан йиртилиб кетган эди. Хотинининг дхўтийси яқиндагина ювилган бўлса ҳам, роса тўзиб кетган эди. У ўрнидан тураётганида мен буни пайқаган эдим. Қиз кўзларини ерга тикканча бошини кўтармади. У, дарҳақиқат нозик оҳу экан. Эри эса ҳали ҳам илжайиб турарди. У кетаётганида ҳам илжайиб чиқиб кетди. У ташқарига чиқиб кетганидан кейин, мундоқ ўйлаб қарасам, ўлганининг кунидан кулган экан. Унинг боадаблиги ҳам меникидай сохта бўлиб, ўз қашшоқлигини бекитаман деб бекорга овора бўлиб юрар эди. У ноилож хотинини сотгани олиб келган. У инсоний хусусиятларини қурбон қилиб, бундай зўраки табассум қилар эди. Ҳозир-ку мен сизларга бу гапларни айтиб берапман. Лекин мен улар билан хайрлашаётганимда: «Мен, албатта сизларни чақириб олишга ҳаракат қиламан» дедим. Бу ваъдамнинг ёлғонлиги турган гап.

Чунки улар ҳиндустоний тилида олинадиган ҳар қандай фильмда иштирок этишга мутлақо нолайиқ эди. Бу

---

\* Ҳиндистоннинг баъзи шеваларида «з» ҳарфи йўқ бўлиб, ўрнига «ж» ҳарфи ишлатилади. (ред.)

Ваъдам ғирт ёлғон, бу одамнинг табассуми қандай сохта бўлса, менинг ваъдам ҳам шундай ёлғон. Бу битта ёлғончининг иккинчи ёлғончини лақиллатишдир.

Бу гал менинг олдимга ўрта ёшлардаги бир бева хотин кирди. Унинг икки қизи билан бир ўғли бор экан. Семиз, йўғон овозли, истараси иссиқ бу хотин кела солиб стулга ўтирди-да, гугурт чақиб сигаретини ёндирар экан:

— Нега компания эълонлар ёпиштириб ташлади?— деди.

— Дублёр қизлар керак.

— Ҳа-ҳа-ҳа.— У сигаретнинг тутунини менинг юзимга пуфлади-да,— Қанча тўлайсизлар?— деб сўради.

— Сиз ўзингиз бирор жойда ишлаганмисиз ё шунчаки...— дедим мен.

— Ўғлим! Олтмиш кинофильмда ўйнаганман, олтмиш кинофильм қаҳрамони ролини ижро этганман. Онанд Бала деган номини эшитганмисиз?

— Сиз туппа-тузук савдогар экансиз,— дедим илжайиб.

— Ҳа, менга нима? Еганим олдимда, емаганим орқамда. Тузукроқ иш бўлса, дидимга тўғри келса, қиларман деб келувдим-да. Арзимас икки-уч оғиз сўз айтадиган роллар бизга тўғри келмайди... Хўш, яхши роль тегадими?

— Жуда яхши.

— Фильм неча кўринишдан иборат?

— Саккиз-тўққиз кўринишдан иборат, шекилли. Анигини айта олмайман.

— Неча кунлик иш?

— Саккиз-тўққиз кунлик.

— Атиги шуми? Хўп, ишлайман. Лекин, бобо, қанча рупия берасиз?

— Етмиш беш рупия.

— Атиги шуми?

— Атиги шу.

— Бу кам-ку, бобо. Менинг болаларим, икки қизим бор. Иккаласини ҳам ўзим эрга беришим керак ахир. Сал ўйлаб кўринг ва...

Бу гапни эшитиб кўнглим совий бошлади. Хотин гапини тугатиб чиқиб кетаётганида ундан бутунлай кўнглим совиб кетган эди.

Олтинчи қизнинг оти Зубайда бўлиб, уни уй ичидагилари Зеб деб чақиришарди. Албатта, бу айтарли муҳим гап эмас. Зубайда ҳали эрга чиқмаган эди. Унинг кўзлари, лаблари, табассумидан ёшлик барқ уриб турарди. Пешонаси тор, бурни пучуқ, қора мағиздан келган Зубайда чиройли бўлиб чиройли эмас, хунук бўлиб хунук эмас эди. Иккаласидан ҳам оз-моз бор эди.

Орийлар қони дравид баданида мавж урар, дравид жўшқинлиги эса орийларнинг совуққонлик қорини эритиб сувга айлантирмоқда эди. Шу сабабдан унинг вужуди ва руҳини текшириб аниқ бир фикрга келиш амри маҳол эди. У бамисоли бетўхтов давом этадиган тажриба эди. Икки ирқ, икки маданият, икки замон уни ўз қолипига солиб, унга шакл берган. Унинг юзи чиройли, ўзи ёш, бадани қора ва орийларникидай оқ бўлишига ҳам сабаб шу эди. Баъзан унинг кўзлари шахло ва ўзи чиройли бўлиб кетар, яна бир лаҳзада кўзлари кичик ва пешонаси тор бўлиб кўринарди. Бир қарасангиз бадани орийларникидай оқ бўлиб кетарди. Яна бир лаҳзада кўз-ойнакли илоннинг қора латофати унинг баданида жилва қила бошлар эди. Ушанда пучуқ бурнининг катаклари кўзойнакли илоннинг даҳшатли пҳанлари каби титрай бошларди.

— Зубайда! Ўзингиз қаерликсиз?

— Бомбайликман.

— Отангиз нима иш қилади?

— Унинг сода сувлар сотадиган дўкони бор. Онам эса бир порсникида хизматкор.

— Улар сизга... агар сиз кинода ишласангиз улар қаршилиқ кўрсатмасмикан дейман.

— Ҳечам, соҳиб.

— Сиз урду тилини жуда яхши биласизми?

— Ташаккур. Мен ғазалларни жуда ҳам яхши кўраман. Менинг отам катта олим, фозил одам. Менда Миноий, Жигар, Голиб, Доғнинг девонлари бор.

— Жўшнинг шеърларини ўқиганмисиз?

— Йўқ.

— Кришан Чандрнинг ҳикояларини-чи?

— Йўқ. Ҳикояларга ҳафсалам йўқ. Мен фақат ғазалларни яхши кўраман. Уҳў! Доғ нима дийди-я! Жигар-чи? Шеърлари бирам ажойибки, ажо...

Сиз нима сабабдан ишламоқчисиз?

— Кинода ишлашни жудаям яхши кўраман.  
— Кинода ишлаш жуда оғир, хавфли.  
— Вой! Нимаси қийин экан? Юзингизни грим қилиб киноаппаратнинг рўпарасига келиб тура берасиз-да. Шу ҳам қийин эмишми?

— Ўзингиз қачон бўлса ҳам бу соҳада ишлаганмисиз?

— Йўқ. Лекин яхши кўраман. Мен ғазални жуда ҳам яхши кўраман. Сиз ғазал ёзасизми?

— Йўқ. Мен ғазал ёзмайман. Тинглайман холос. Ўзингизнинг ғазалларингиздан айтиб берасизми?

— Вой. Қандоқ қилиб ғазал айтаман? Лоақал шеър тўқий олмайман-у. Фақат бировларнинг ёзганини ўқийман. Сиз менга роль берасизми? Сизнинг исмингиз нима?

— Жани Вакр.

— Жани Вакр. Вой, Жани Вакр жуда ёмон исм-ку?!

— Қаёқдан биласиз?

— Биладан-да. Бу бир винонинг оти. Яхши одамлар вино ичмайдилар. Мен Жигарнинг ғазалларини яхши кўраман.

— Жигар вино ичмас экан-да.

— Бу менга маълум.

— Қандай қилиб сизга маълум бўлиб қолди?

— Менга Маҳтоб айтувди... Бир куни Маҳтобникига борувдим, бечора яхшилаб кутиб олди, чой ичирди. Ўзи машҳур киноактриса... Лекин димсғдор. Ким билади, катта киноактрисалар чимасига шунчалик гердаяркин. Мен Девка Ронийга телефон қилувдим, жавоб бермади. Нимага деб ўйлайсиз? Бу ўзи нима деган гап...

Унинг сорийсига кўзим тушди. Дхўбий ювиб берган бу сорий оқ дўданадан бўлиб, товус ранг ҳошияси бор эди.

— Ҳошия яхши-ю,— дедим мен.

— Ташаккур... биладан,— деди. у

— Сиз бунга қаердан биласиз? Сизга бунга ким айтган? Жигарми? Маҳтобми? Еки Девка Ронийми?

— Вой, мунақа гапларни гапиргани уялмайсизми?— деди-да, қўлини қўлимга қўйди.— Қани, қўлингизни бир кўриб қўй.

Мен қўлимни унга бердим. Иккала қўл жуда кўч нарсалар ҳақида гаплашди: муҳаббат, висол, жинсий лаззат ҳақида, мангу барҳаёт ва ёш бўлиш ҳақида. Бу гапларнинг ҳаммаси ёлғон эканлигини иккаламиз ҳам билар

эдик. Ниҳоят унинг тоқати тоқ бўлиб: «Менга иш керак» деди.

— Мен сизнинг адресингизни ёзиб олганман...

— Менга эртагача ижозат беринг,— деди у.

Зубайда эртаси куни келди, учинчи куни келди, тўртинчи куни келди... ўн бешинчи куни ҳам келди. Қадимги шоирлардан бирининг шеър ёки ғазал китоблари Лакҳнов шаҳридаги Новал Қишор босмахонасида босилган эди. Бу китоблардан кўҳна қоғозлар, қадим замонлар, ўтиб кетган ёш умрлар, ўтмиш ғубори билан қопланган кўз ёшларининг хушбўй ҳиди келиб турарди. Доим унинг қўлида ғазаллар тўплами, устида дхўбий ювиб берган ўша сорий ва ўша товус ранг ҳошия бўларди. Ўша ғазалларни бир неча марталаб менга ўқиб берар, ҳар куни сўраб ялинарди. Менга иш керак, деб айтиб ўтарди-да, девоучи варақлаб ғазалхонлик қилишга тушарди. Буни кўрган одам Зубайдани ишдан кўра шоирлар кўпроқ қизиқтирса керак, деб ўйлаши мумкин эди.

Бир куни мен кинокомпания хўжайинига айтдим:

— Дублёр қиз келди, исми Зубайда, гарчи димоғида гапирса ҳам, талаффузи яхши. Ҳар ҳолда маъқул келади.

— Афти-ангори қанақа?

— Қанақа бўларди, дублёр қизларникидай-да. Лекин ақлли кўричади. Унинг отаси катта олим, фозил одам экан. Онаси бир порсиникида хизмат қилар экан.

— Ким экан ўзи?

— Фоҳиша-ку эмас-а, ярим фоҳиша бўлса керак...

— Аравасини тортсин.

Мен йўқ деганимдан кейин ҳам у кела берди. Биров унга, Сайид сени ишга жойлаштира олади, деган экан, Сайиднинг олдига борибди. Биров ишингни Жамил тўғрилаб беради деган экан, Жамилнинг олдига борибди. Яна биров Лол сенинг ишга ўрнашишингга ёрдам беради, деган экан, Лолнинг олдига борибди. Зубайда бир куни айланиб-айлачиб яна менинг олдимга келиб қолди. Энди у бутун киностудияда шарманда бўлиб кетган эди. Чунки у ишга киришни истарди, лекин ишга кириш йўлини ҳеч топа олмас эди. У шарм-ҳаёсиз: «Мени ол... мени ол...» деса ҳам, ҳеч ким уни олгиси келмас эди.

Мен уни кўриб қовоғимчи солдим. У ҳар куни келар-вериб жонимга теккан эди. Энди ундан қутулишни истаб қолдим.

- Зеб!
- Лаббай.
- Бор, уйингга кет, қайтиб бу ерга келма.
- Жуда яхши.
- Сен керак бўлиб қолсанг чақириб оламиз.
- Жуда яхши.
- Зеб!
- Лаббай!

— Сенинг менга мундоқ хушомад қилишинг...— деб бошладим-у, лекин у йиғлай бошлагани учун гапим чала қолди. У йиғлар, мен эса бармоқларим билан столни ногора қилиб чалиб ўтирардим. Бирданига Зубайда жим бўлди-да, илжайиб: «Бу шеър сизга ёқиши керак» деди:

Ҳаёт сенсиз ҳам ўтарди, эй раҳгузор,  
Начун кўнглимга келиб берасан озор.

- Голибдан!— дедим мен.
- Менга бу шеър жудаям ёқади,— деди у:

Тарк этганда бизни бу тарзи илтифот,  
Биз ҳам ўзгартирдик бу тарзи мушкилот.

- Жигарнинг шеъри!— дедим мен.
- Мен кетдим, хайр!— деди Зубайда.
- Хайр,— дедим мен.

Зубайда кетди. У эчди бошқа тур ҳам чека бошлади. Ҳозир у Бодомий деган кинодаллол қўлида. Бодомий уни яхши киноактриса қилиб етиштириш учун зарур бўлган ҳамма нарсани қиляпти. У ҳозиргача уч-тўрт қизни отоқли киноактриса қилиб чиқарган. Бодомий олган даромадидан ҳар йили юз минг рупия солиқ тўлайди. Унинг иши қизларчи киноактриса қилиб етиштириш ва пуллаш. Бу янги иш. Бодомий ўз ишидан ниҳоят хурсанд. Бу савдо мамлакатда бешинчи ўринда туради. Бодомий, Зубайдага ҳаётнинг энг нозик давридан эсон-омон ўтиб олиш имкониятини берди. Шунинг учун Зубайда ундан миннатдор. Бу йил у Бодомий билан рақс труппасида Синд ва Панжобга гастролга бормоқчи. Утган йилги гастроль вақтида Бодомий 300 минг рупия даромад олган. Бу гал Зубайда ҳам у билан бирга гастролга чиқади, шунинг учун даромад катта бўлса керак деб ўйляпти.



Зубайда келаси йилга отоқли киноактриса бўлиб етишади ва ўз даромадиниңг 30%ини Бодомийга назр қилади. Коллеж йигитлари унинг тор пешонасига, пучуқ бурнига ва димоғида гапиришига жонларини фидо қилишади. Унинг суратлари билан альбомларини безаб, ойдин кечаларда Зубайда деб оқ тортишади. Унга 75 рупияли иш беришдан воз кечган кинокомпания хўжайини энди уни 1000 рупия бериб бўлса ҳам янги фильмда қатнашишга таклиф қилади.

Газеталарда Зубайданиңг суратлари босилиб чиқади. Одамлар уни сўкишади ва бевафо, беҳаё, одамгарчилиги йўқ деган «ширин-ширин» сўзлар билан унинг кўнгличи хуш қилишади.

Бу гапларниңг ҳаммаси амалга ошади ва ошганда ҳам жуда яхши амалга ошади. Бу гапларниңг амалга ошувига бирдан-бир сабаб шуки, 1944 йил, 11 декабрь куни пешин пайтида сиз билан мен бир хотинни ўлдириб, ўрнига фоҳишани вужудга келтирдик. 1944 йил, 11 декабрь туш вақтида қуёшнинг ботиб кетишга йўл қўйдикда, зим-зиё қоронғиликни сақлаб қолдик. 1944 йил, 11 декабрь туш пайтида бизга бир савол аломати рўпара бўлган эди. Бунга жавобан биз олтига қизниңг юзига лой сурдик.

Чунки Зубайданиңг ёлғиз ўзи эмас эди. Зубайда деганда бизниңг кўз ўнгимизда олтига қиз, олтига ҳам эмас, еттита қиз пайдо бўлади. Чунки бу гаплар шу ҳикояга ҳеч алоқаси бўлмаган Зубайдаларга ҳам тегишли эди.







ХУЖА АХМАД АББОС




ख्वाजा अहमद अब्बास



خواجہ احمد عباس

طبعة





## Қ А Р О Р

**Б**омбайда яшовчи гужарот ёки марахтларнинг ғала-ғовурида шимолий ҳиндлик уч-тўрт урду-шунос учрашиб қолишса, бирон қизиқ «ҳодиса» юз бермай қолмайди. Бундай вақтларда одоб ва қоида билан танишиб ўтиришга ҳам ўриш қолмайди. Бетакаллуф суҳбат ўша заҳотиёқ қизиб кетади. Мана мисол учун кеча кечқурунги суҳбатни айттайлик.

Биз уч дўст Варлида денгиз бўйида дам олиб ўтирардик. Ишқ-муҳаббатдан гап очилиб қолди. Мен ҳалиги ишқ деганлари мия касаллигига ўхшаган бир нарса деб ўтирар эдим. Жиннихонадагиларга қандай раҳмим келса, ошиқларга ҳам шундай раҳмим келади. Ваҳолонки ўзим ҳам бир кунмас, бир кун зотилжам ёки жиннилик дардига дучор бўлишим мумкин бўлганидек, бу дарднинг домига тушиб қолишим эҳтимолдан йироқ эмас. Ҳарқалай ишқ мия касаллигининг аломати деган ишончимдан ҳеч қачон қайтмайман. Менинг бу назариямни, яшашнинг бирдан-бир мақсади ишқ, табиат қонунининг асоси ишқ, деб юргач шоир дўстим Саид Камолӣ рад этарди. Яқинда

уйланган Мўти Лол бўлса, мени муҳаббат сирлари ва унинг йўлларида хабардор қиларди. У, ҳар бир киши ўз ҳаётида қачон бўлмасин ишқ дардига мубтало бўлиши турган гап, деб ўйларди. Лекин у Камолийнинг ишқ ҳақидаги шоирона хаёлларига тушуниб етолмасди. Мўти Лол никоҳни муҳаббатнинг энг юқори поғонаси деб ҳисобларди. Унинг фикрича: эркак ва аёл ўртасида қонуний никоҳ бўлмай туриб, инсон муҳаббати мукамал бўла олмасди. Камолий Мўти Лолнинг фикрига тиш-тирноғи билан қарши эди. У, ўз фикрини исботлаш учун Голиб, Иқбол, Умар Хайём, Низомий, Қитс, Шелли каби шоирларнинг шеърларидан мисоллар келтирарди. «Муҳаббат қўғирчоқ ўйини эмас. Никоҳ, тўй жамият тўқиган бир сафсата, ишқ бундай кишанлардан озоддир. Ишқни жамият расм-русумларига боғлаб бериш юракка кишан уриш билан баробар» дер, Камолий бўлса, куйиб-пишиб ўз қарашларини исботлар эди. Денгиз тўлқинлари шовқин солиб соҳилга урилиб турарди.

— Қаранглар! Мана шу тўлқинлар ҳам менинг гапларимни қувватлаётир,— деди Камолий.

Худди шу маҳалда ҳаддан ташқари катта бир тўлқин босиб келиб, соҳилга зўр куч билан урилди. Қирғоқдан ошиб чиққан сув ўрнимиздан туриб бошқа жойга ўтиб ўтиришга мажбур этди.

Соҳил деярли бўм-бўш эди. Узоқ-узоқларда дам олиш учун келган шаҳар бойларининг учта-тўртта машинаси турарди. Улардан бўлак яна бир киши кўринди. У биз томонга келарди. Устида ширвоний ва кенг чолвор, бош-яланг бўлиб, сочи денгиз шамолидан тўзғиб кетгач эди. Мўти Лол:

— Бу ҳар ҳолда жуда бошқача одамга ўхшайди,— деди.

У одам бизнинг олдимиздан ўтиб бораётганда, Камолий, кечирасиз, деб уни тўхтатди. Камолий нотаниш одамлар билан танишиб олишга жуда усга эди. «Сиз бизнинг тарафнинг одамларига ўхшайсиз. Агар жуда шошиб турмагач бўлсангиз, марҳамат қилиб бирпас ўтиринг. Бу киши менинг дўстим Мўти Лол бўладилар, бу...» деб бизни таништирибоқ, «Ўзлари ким бўладилар?» деб сўради. Бу нотаниш одам ўттиз ёшларда эди. Оти Ҳомид экан, Бомбайни томоша қилгани келган экан. Ташқи кў-

ринишдан хотиржам кўринса ҳам кўзларида қандайдир бир қайғу бор эди. Гўё у, дунёда энг оғир фожиани бошидан кечирган эди. Бошқа томонлама қараганда, ўқимишли оддий бир йигитга ўхшарди.

Камолий бемалол биз билан бирга ўтириб, сигарет чекаётган Ҳомидга ўртамиздаги тортишувни сўзлаб бериб, кейин унга: «Ўқимишли, кўпни кўрган одамга ўхшайсиз. Сиз ҳам шу масала юзасидан ўз фикрингизни айтиб берсангиз»,— деди.

Янги келган одам тишини кўрсатиб қуруққина кулиб қўйди. Шу билан бирга бир неча дақиқа ўзини йўқотиб қўйди. Гўё биров унинг сирини кўпчилик ўртасида айтиб қўйгандай эди. Аммо тезлик билан ўзини қўлга олиб, яна янги сигарет ёндирди-да, чекиб туриб:

— Менимча, жаноблар, учовингиз ҳам ҳақсиз,— деб жавоб берди.

Учаламиз уч хил фикрда бўлсагу, қачдай қилиб ҳаммамиз ҳам ҳақ бўла оламиз, деб ажабланганлигимизни билдирдик.

— Эҳтимол, учаловингиз ҳам ноҳақдирсиз,— деди Ҳомид, денгиз тарафга тикилганича.

Ҳомид бизни масхара қиляпти деб ўйлаб:

— Жуда ўткир файласуфга ўхшайсиз,— дедим кесатиб.

— Кечирасиз,— деди у тезлик билан.— Бу масала анчагина оғир. Аммо очигини айтсам, ҳаммангизга қўшилишим ҳам мумкин, қўшилмаслигим ҳам. Масалан, сизнинг муҳаббат — мия касаллиги дейишингиз тўғри. Лекин бу касалликнинг чангалидан биронта киши ҳам қутула олмасов. Мен шоирлар муҳаббатни ҳаддан ташқари ошириб юборган деб ўйлайман. Шундай ҳам бўладики, Даққиёнусдан қолган шоирлар муҳаббатга қарашда маънавий, моддий ва ижтимоий ҳақиқатларни чеклаб ўтадилар. Аммо, сизнинг касалнинг энг яхши давоси, уни қоралаш дейишингиз нотўғри. Ҳозирда муҳаббатга ана шундай нуқтан назардан қарашга ижтимоий тузумимиз жавобгардир. Жамиятимизда бўлиб ўтаётган мингларча тўйларнинг биттаси ҳам икки тарафнинг розилиги билан бўлаётгани йўқ. Шаҳарлик хотинларнинг кўпчилиги чодра ёпиниб юрадилар. Шундай экан, шоир хаёлий маъшуқага муҳаббат изҳор этмаса, кимга изҳор этсин? Бироқ сиз,— деди Камолий томонга бурилиб,— сиз, муҳаббат

тўй ва никоҳ кишанидан озод бўлиши керак, деб тўғри айтасиз. Менинг фикрим бўлса шундай: инсоният тараққиётининг энг юқори босқичида биз ҳар қандай қонунлардан озод бўламиз. Аммо, ҳукм сураётган ижтимоий ҳолатда жаноб Мўти Лолнинг, «Никоҳгина муҳаббатга ҳақиқий маъно бериши мумкич» дейишлари тўғри. Отаналар ўз болаларининг розилигисиз тўй қиладиган бир мамлакатда озод муҳаббатни орзу қилиш бекорчи иш бўлмай нима? Ишқ ва муҳаббат ҳақида бефойда баҳс қилиб ўтиргунча, Ҳиндистон ёшлари ўз хоҳишлари бўйича тўй қилиш ҳуқуқига эга бўлишлари учун курашганингизда, мингларча кишиларнинг ҳаётини барбод бўлишдан сақлаб қолишингиз мумкин бўлар эди.

Энди биз Ҳомиднинг сўзларига қизиқиб қолган эдик.

Шунда мен:

— Сизнинг гапларингиз жуда тўғри. Сиз бундай хулосага шахсан ўз тажрибангиздач келган бўлсангиз керак. Агар малол келмаса, бизларни ҳам ўз сирингизга шерик қилолмайсизми?— дедим.

Ҳомиднинг юзида яна бояги қайғу аломати кўринди. Гўё яшириниб ётган юрак сирини сўзма-сўз кимдир очар эди.

У сўзга киришиб:

— Йўқ, йўқ,— деди ҳаяжонини яшириб.— Менинг ишқ-муҳаббат бобида ҳеч қандай тажрибам йўқ. Бироқ бир яқин дўстим шунақа воқиаларни бошидан кечирган. Эҳтимол, бу масалани ёритиб бера олса. Чунки тахминан худди ана шундай воқиалар ҳиндистонлик ўрта ҳол мусулмонлар орасида рўй бериб туради. Эҳтимол шундай аҳвол бир қадар ҳиндуларга ҳам хосдир.

Бизнинг қистовимиз билан Ҳомид дўстининг қиссасини сўзлай бошлади. Елгон гапириш одати йўқлиги кўришиб турарди, чунки яқин дўсти ўзи эканлигини бир оғиз сўзиданоқ билиб олдик.

— Дўстимнинг оти ҳам Ҳомид эди, — деб бошлади Ҳомид.— Деҳлининг кўзга кўринган оилаларидан бирига мансуб эди. Марҳум отаси Панжобда таҳсилдор бўлиб, унинг пора деган нарсага кўпда тоби йўқ эди. Отасидан анчагича молу ер қолди. Улардан келган даромадга Ҳомид билан онаси роҳат ва фароғатда ҳаёт кечиришарди. Унинг отаси ўз даврининг яхши ўқимишли одами эди. Давлат ишларида ишлаб нон топгани учун, ўғлим ҳам



бирон яхши давлат ишини эгалласин деган мақсадда олий маълумот олдиртирди. Шундай қилиб Ҳомид миссионерлар коллежида фанлар бакалаврилигига ўқиди. У ақлли ва очиқ кўнгил бола эди. Тарих, фалсафа, иқтисод ва адабиётни ўрганиши унинг онгини ўстирди ва кенгайтди. У ёшлигидан кам гап ва оғир йигит эди. Коллеждаги болаларнинг шўхликлари унга бегона эди. У чодра қаттиққўллик билан ўрнатилган бир оилада тарбия кўрган эди. Онаси, холаси ёки қариндошлари гоҳида кўчага чиқиб қолишса, чодрага ўралиб олишган бўлсалар ҳам, арава пардаларини тортишиб қўйишни илтимос қилишарди. Унинг кузатувлари ва тажрибаси чодранинг зарарларини кўрсатиб берди. Лекин ёшлигидан ота-онага итоат қилиш лозимлиги ҳақида жуда кўп тарбия олган эди. Ҳеч қачон ўз фикрларини ўз уйида изҳор қилишга журъати етмас эди. Бир сўз билан айтганда, у, юрак дардларини ёзай деса, биронта нотаниш хотинларнинг уруғи ҳам бўлмайдиган дунёда яшар эди. Унинг билан бирга уч-тўртта қизлар ўқир, бироқ улар билан сўзлашишга ҳеч қачон юраги бетламасди. Булардан ташқари юзи очиқ хотинларни кино, бозор ёки кўчада ялт этиб ўтиб қолганида бир кўриб қолмаса, бўлак ҳеч қаерда кўрмас эди.

Биринчи учрашган қизи Билқис бўлди. Билқис ўзи ўқиётган коллежнинг эркин фикр юритувчи профессори — Абдурраҳимнинг ёлғиз қизи эди. У ҳам ўша ерда ўқирди. Профессор Абдурраҳим инглиз адабиётидан дарс берарди. Ҳомид ўз синфдошлари орасида энг қобилиятли бўлгани учун профессор уни кўпроқ ёқтирарди. Бу ёқтиришнинг бошқа сабаби ҳам бор эди. Абдурраҳим ўз хотинларини инглизлар ва зодагонлар жамиятига олиб бориш мумкин бўлсин деб, чодра ёпинтирмайдиган «эркин фикрли» одамлардан эди. Бундай кишилар, ўз қизларини биронта Ай-Си-Эсга бериш учун чодра ёпинтирмайдилар. Чодрани жамият ва инсонлар фойдасини назарда тутиб йўқ қилмаганлар. Жаноб профессорнинг мақсадлари битта эди: яъни хотинлари уларга ҳамроҳ бўлиб клубларга боролса ва қизларини биронта Ай-Си-Эс ёки шунга ўхшаш юқори мартабали кишига берсалар. Худди ана шунинг учун ҳам профессор Ҳомидни кўпроқ ёқтирарди. У, Ҳомид ўқишни тугатгач, албатта, давлат хизматиغا кириш учун бўладиган имтиҳонда иштирок

этади деб ишонарди. Ҳомиднинг бу имтиҳондан муваффақиятли ўтишига ҳам ишончи комил эди. Ана шундай ўйлар билан бир кучи Ҳомидни чойга таклиф этди. Ҳомид жаноб профессорнинг уйига келганда, профессор уни қабул қилишга тайёр эмас экан, меҳмонни Билқис қарши олди. Бу унинг қиз бола билан юзма-юз туриб биринчи бор гаплашиши эди. Шунинг учун ҳаяжонланиши табиий эди. Лекин ўн саккиз ёшли шўх ва ҳушёр Билқис уни бирпасда суҳбатга тортди. Гапиришаркан, Ҳомид билдирмай Билқиснинг юзига тикилиб қаради. Унинг чиройли-лигига ҳеч қандай шубҳа йўқ эди. Чолвор, кўйлак ва пушти ранг устамада яна ҳам гўзалроқ кўринарди. Айниқса, қўнғироқ-қўнғироқ сочлари ва катта-катта қора кўзлари ҳаддан ташқари чиройли эди. Бу кўзлар Ҳомидга жуда ёқиб қолди. Бундай чиройли кўзни фақат бир мартаба овда бир кийикда кўрган эди. Билқис у билан суҳбатлашиб ўтирганида ҳам ва ундан кейин профессор хотини билан келиб суҳбатга қўшилганларида ҳам Ҳомид бир неча бор Билқисга қараб қўйди. Ҳомид ва профессор Абдурраҳим адабиётниг бир масаласи устида тортишув бошлашганда, етарли илми бўлмаган онаси ўрнидан туриб кетди. Аммо Билқис жим ўтираверди. Суҳбат даврида Ҳомид у томон қараб қўйди. Икки қўлини иягига тираб жим ўтирган Билқис яна ҳам латофатли эди. Шу ўтириши гавҳар гулнинг худди ўзгинаси, деб ўйлади Ҳомид. Чой ичиб бўлишгач, Ҳомид хайрлашаркан, Билқис бундач кейин ҳам гоҳи-гоҳида учрашиб туриш умиди борлигини билдирди.

Кечаси Ҳомид одатдагича китобларни олиб, дарс тайёрлашга ўтирди. Лекин бўлган воқиа кўз олдидан кетмасди. Тез-тез китоб саҳифаларидаги сўзлар икки кийикнинг гўзал кўзларига айланар ва яна худди шу сўзлар ёйилиб кетиб гавҳар гулдай кулиб турган маъсум чеҳрага айланарди. Ҳомид шу тунни дарс тайёрлай олмади.

Билқис билан учрашиш Ҳомид ҳаётида янги саҳифа очди. Гўё танҳолик ва зимистон дунёсида бир дўст унинг қўлидан тутгандай туюлар эди. Қанча дўсти бўлса, ҳаммаси ҳам энди Ҳомидни ўзларидан итара бошладилар. Улар жуда ёмон мазақ қилишарди. Унинг табиий очик кўнгиллиги ва соддалигидан кулишар, жамият ҳақидаги мулоҳазали фикрларини аҳмоқлик деб билишарди. Унга яқин бўлган болаларнинг ҳаётдаги мақсади крокет ўй-

наш, яхши кийиниш ва ҳар бир қизнинг шаънига ёмон сўз айтишдан иборат эди. Улар Ҳомиднинг профессор Абдурраҳимникига бориб юришини билганларидан кейин, Ҳомид билан Билқис ҳақида ҳам турли бўлмағур гаплар тарқата бошладилар. Бу Ҳомидга жуда оғир ботди. Ҳомид уларнинг масхаралашларининг сабаби ҳасад эканлигини, Билқиснинг уларни ёқтирмай, балки оддий ва кўзга кўринмас бир одамни ёқтиргани эканлигини биларди. Лекин, болаларчинг чексиз гап-сўзлари Ҳомидни Билқис билан ўзи ўртасидаги алоқани бир ўйлаб кўришга мажбур этди. Билқис билан учрашаётганларига бир йил бўлди. Бу вақт ичида улар бир-бирига жуда ўрганишиб қолишди. Билқиснинг хушторлари кўп бўлса ҳам, у ҳеч кимга қайрилиб қарамас эди. Ҳомидга эса бошқача бир кўз билан қарарди. Ҳомид айниқса сиёсий ва ижтимоий масалаларга қизиқарди. Шу вақтгача коллежнинг бошқа қизларидек Билқис ҳам мамлакатнинг сиёсий ҳаёти ҳақида алифни калтак деёлмас эди. Энди Ҳомид туфайли бу масалаларга қизиқа бошлади ва Ҳомиднинг маслаҳати билан адабиётни жиддий мутолаа қилди. Шундай катта ва ажойиб дунё дарвозасини очиб берган Ҳомидга дилида раҳматлар айтарди.

Билқис аста-секин Ҳомид юрагидан жой топди. Агарда биров Билқисни яхши кўрасан деса, дарров рад этарди. Аммо шундай вақтлар ҳам бўлардики, Билқис билан учрашиш учун ҳар қандай зарур ишини ҳам йиғиштириб қўярди. Билқис билан ўз келажаги ҳақида сўзлашар, ўз умидлари, мақсадлари ва орзулари ҳақида ҳикоя қиларди. Билқис унинг гапларини шундай завқ ва хайрихоҳлик билан тинглардики, бундай меҳрибончилик унга бошқа ҳеч қачон ҳасиб бўлмас эди. Хўш, Билқисни у яхши кўрадимми? Бу савол Ҳомидни кўпинча паришон қилиб қўяр эди. Бир-бирлари билан қалин дўст эканликлари аниқ эди. Бир-бирларининг ишларига қизиқишарди. Теннис мусобақасида Ҳомид ютса, Билқис беҳад қувонарди. Ёки Билқис имтиҳонларни ҳаммадан яхши топширса, Ҳомид худди ўз муваффақиятидек биларди. Муҳаббат деб шуни айтадиларми? Буни Ҳомид била олмасди. У машҳур Лайли ва Мажнунлар ишқига ўхшаш ишқни тан олмасди. Агар Билқисга у билан учрашишни маън қилиб қўйишса, Нажадлик Қайсга ўхшаб бошини ҳар томонга уриб, чўлу биёбонларда саргардон бўлиб юрмас эди. Ле-

кин шундай бўлса ҳам, Билқис билан бир ҳафта учрашмай қолса, кўнгли қиш бўлиб кетарди. Гоҳи-гоҳида «Бир куни Билқисга уйланиб бутунлай умр йўлдошим қила оламанми? деган ўй дилидан ўтарди. Бироқ оила аҳволи кўз олдидан кетмас, ана шунда бу масаланинг ниҳоятда оғир эканлиги маълум бўларди. Уйидагилари юзи очиқ қизни келин қилишга рози бўлишармикин? Бундай чигалликда «Эҳтимол Билқис юрагида менга нисбатан дўстликдан бўлак ҳеч гап йўқдир», деб ўзини-ўзи ишонтирмоқчи бўларди. Ахир кимдан ортиқлиги борки, Билқис унга муҳаббат қўйса? Шу аҳволда уйланиш орзусини ардоқлаб юришнинг нима ҳожати бор?

Шу вақтда Ҳомиднинг юрагидаги бутун саволларга жавоб берувчи бир воқиа юз берди. Шу билан бирга бутун умидлари сувга ғарқ бўлди.

Воқиа шундай бўлди. Ҳомид безгак бўлиб ётиб қолди. Аҳамият бермагани сабабли терламага айланиб кетди. Икки ҳафтагача на коллежга боролди ва на Билқис билан учраша олди. Бир неча бор мактуб ёзиб юборишга аҳд қилди. Бироқ онасидан чўчиб, хабар қилмай қўя қолди. Онасининг очиқ қизларга қаршилигини, агар унинг Билқис билан дўстлигини сезиб қолса жуда хафа бўлишини, келажакда Билқис билан учрашишни бутунлай маън қилиб қўйиши мумкинлигини биларди. Ҳомид бу масалада онаси билан баҳслаша олмасди. Асрлар бўйича уларнинг уйидаги хотинларга чодра дин ва имоннинг бир қисми, шарофатнинг нишонаси деб таълим берилиб келарди. Ҳомид бир неча бор адабиёт нуқтаи назаридан чимматга қарши бош кўтаришга ҳаракат қилди, аммо ҳар сафар ҳам онаси шу қадар қаттиқ қўйиб берардики, очиқ хотин-қизларни ҳимоя қилиш учун бир оғиз сўз айтишга ҳам юраги бетламас эди. Қасал бўлганига саккиз кун бўлганда, Билқис Ҳомиднинг бетоблигини коллежда эшитиб қолиб ўзини қўярга жой тополмади. Отасидан ижозат олиб Ҳомидни кўргани уйига келди. Билқисни кўриб Ҳомид ҳайрон бўлиб қолди. Билқис одамларнинг гап-сўзини парво қилмай, ёлғиз ўзи кўргани келади деб ўйламаган эди. Ўша куни иситмаси пастроқ эди. Билқисни ўз соғлигига ишонтириб, тезликда жўнатиб юборди. Ана шу куни Ҳомид биринчи бор Билқисни севишини ва Билқис уни севишини аниқ билди. Билқис чиқиб кетиши билан оқсоч Гулобу кулиб туриб Ҳомиднинг онасига:

— Мана, келиннинг ўзи уй кўрарга келди. Муборак бўлсин!— деди.

Бу гапни эшитиб, очиқ қизнинг бетини кўрмай деб ҳозиргача бошқа уйда ўтирган Ҳомиднинг онаси Гулобуни уриша кетди.

— Шу гапни айтган одам эшитиб олсин. Бу европалик қизча ҳеч қачон менинг келиним бўлолмайди. На одобу, на шарм бор. Бундай қизлар менинг уйимнинг остонасини босолмайди,— деди Ҳомиднинг онаси.

Бугун Ҳомидга бутун яхши фазилатларига қарамай, онаси чодра масаласида ниҳоятда мутаассиб эканлиги равшан бўлди. Онасининг ўта кетган чодра ҳомийси эканлигини, юзи очиқларни ёқтирмаслигини олдиндан биларди. Шунинг учун ҳам уйдагилардан Билқис билан дўстлигини яширарди. У онасининг шу қадар мутаассиб эканлигини билмаган, фақат ўртаҳол синф хотин-қизлари каби чодра тутмагани учун бир олижаноб ва маъсум қизга душман бўлиб қолишини ўйламаганди. Бу ҳаддан ташқари инсофсизлик ва очиқ-ойдинч золимлик эди. Ҳомиднинг шу вақтда онаси билан баҳслашиб, чодра диннинг бир бўлаги ва имонни сақловчи нарса деганлари нотўғри, балки у бекорчи одат, чодра сабабли юз минглаб хотин-қизлар сил, юрак сиқилиши касалликларига мубтало эканлигига ишонтиргиси келарди. У Билқиснинг яхши сифатларини, ахлоқини, унинг одамгарчилигини, киши устида ўзини қурбон қилишини, барча фазилатларини онасига айтиб бергиси, ўз онасини бу қизни ҳурмат қилишга мажбур қилгуси келарди. Лекин у онасига ҳеч нарса демай қўя қолди. Чунки бунинг фойдасиз эканлигини тушунарди. Онаси ўз тенгдошлари ичида анча маълумотли, ақлли, доно хотин эди. Бутун маҳалладагилар билан алоқаси яхши бўлиб, ҳамма уни иззат қиларди. Ғарибларни боқар, муҳтож бўлиб қолган кишилардан ўз ёрдамини ҳеч қачон дариг тутмас эди. Ҳамма билан, ҳатто кўча супирувчи хотинлар билан ҳам ширин муомала қиларди. Ҳеч қандай дардманд унинг ҳамдардлигидан бенасиб қолмасди. Агарда бировни хурсанд қилолса, ҳеч қачон ўзининг қийналишини ўйламас эди. Пули кетса ҳам бировнинг ҳожатини чиқаришни кўзлар эди. Шу кунгача унинг оғзидан кимса шаънига тегадиган биронта гап чиқмаган. Лекин, чекланган таълим билан расм-русумларнинг қули бўлганидан у ва унга ўхшаш хотин-

лар чорда масаласида ўтакетган мутаассиб бўлиб қолганлар.

Буларнинг аҳволи бир хитой маҳбусининг аҳволига ўхшарди: маҳбусни қирқ йил зимистон хонага қамаб қўйишиб, кейин чиқаришганда қуёш нурида унинг кўзлари шу қадар қамашиб кетибдики, маҳбус юз тубан йиқилиб яна ўша зимистон хочага қамаб қўйишларини сўраган экан. У онасидан хафа эмасди. Ўз кишанларига муҳаббат қўйиб, ўзи учун тинчлигимнинг асоси, деб турган маҳбусдан қандай қилиб хафа бўлиш мумкин. Бироқ Ҳомиднинг дилида бу жаҳолатли зулми бунёд қилган одат-қоида, расм-русумларга қарши кучли ғазаб қайнарди. Ватанимни қандай қилиб лаънати чодрадан озод қилса бўларкин, деб соатлаб ўйлаб ўтирарди. Лекин яна ўзи билан Билқиснинг келажакдаги алоқаларига келганда, шу натижага келишга мажбур бўлди: у онасини норози қилолмайди, онаси заиф, бемор, бунинг устига ўғлини жонидан ҳам азиз кўради. Умрида ҳеч бир хурсандчилик кўрмаган. Таомилга мувофиқ кўп вақт эридан айрим яшади. Шунинг учун эр-хотин ўртасида иттифоқлик пайдо бўлмади. Нодонлик, жаҳолатдан бир қанча болалари ёшлигидаёқ ўлиб кетди. Эри вафот этгандан кейин бўлса, суянган тоғи Ҳомид бўлиб қолди. У Ҳомидсиз яшай олмас, Ҳомид ҳам онасини ташлаб кетолмасди. Бундан ташқари онасининг ҳозирги аҳволида Билқис билан алоқани мустаҳкамлаш ва унга уйланиши бу қизга нисбатан инсофсизлик бўларди. Ҳомидга ўзининг энг ҳурматли дўстини иззат-ҳурмат қилинмайдиган бу уйга келин қилиб олиб келиш ёқмади. Бироқ инсоф билан айтганда, онасининг муҳаббати деб қандай қилиб Билқиснинг муҳаббатини қурбон қилар ва топтай оларди. Ахир, бу қиз Ҳомиддек совуқ, ориқ ва хунук бир инсонга қанча яхшилик қилди. Унинг ҳаётига биринчи бор хотин киши дўстлигининг латиф учқунларини олиб кирди. Уни деб, қаддиқомати келишган, чиройли, бой йигитларга қайрилиб қарамади... Нима, у қиз билан шундай муомала қилиш яхши бўладими? Бутун кечани шундай ўйлар билан ўтказди. «Она муҳаббатими? Билқис муҳаббатими?» Булардан биттасини ҳам қурбон қилишга қодир эмасди. Тонгга бориб, у ҳаётидаги энг севимли икки кишининг чин муҳаббати эвазига ўз виждони ва ўз шаънини қурбон қилишга аҳд қилди.

Ҳомид соғайиб коллежга келганида, Билқис Ҳомиднинг муомаласида ажойиб ўзгаришни сизди. У энди профессор Абдурраҳимнинг уйига бормаи қўйди. Билқис билан учрашиб қолганда, бетамизларча юзини ўгириб олиб биров билан гаплашар ёки қизлар тўпига кириб ўтириб оларди-да, бошқа болалар сингари аҳмоқоча ҳазил қиларди. Қачондир соддалик, оддийлик тимсоли бўлиб танилган Ҳомид, энди ўта кетган шаробхўрларнинг бири ҳисоблана бошлади. Дайди йигитлар билан фоҳишахоналарга борадиган бўлди. Йилнинг охирига бориб саёқ юришнинг натижаси кўриниб қолди. Имтиҳонда шармандаси чиқиб йиқилди. Лекин дилида дунёдаги энг катта имтиҳондан муваффақиятли ўтгандай бўлди. Эндиликда Билқис уни севмас, балки ундан нафратланарди. Бу вақт ичида бирданига ўзгариб қолган Ҳомид билан Билқис муносабатлари ҳақида коллеж ўқувчилари орасида ҳар хил гап-сўзлар юрарди. Билқисга ошиқ бўлиб юрганларга ва иғвочи, ҳасадчиларга қулай пайт келди. Баъзилар «Ҳомиднинг ўзини оғирликка солиб юриши, бу фақат Билқисни қўлга олиш учунгина эди. «Мақсади билиниб қолгач» аслига қайтиб олди» дейишарди. Яна баъзи бировлар «Билқис ҳам бошқа қизлар сингари биронта Ай-Си-Эс бўладиган эрни ахтаряпти. У, Ҳомид жуда қобилиятли талаба, шунинг учун сивил сервисга имтиҳонларда қатнашиб, албатта муваффақиятли топширади, деб умид қилган. Бироқ, Ҳомиднинг давлат идораларида ишлашга азалдан қарши эканлигини билгач, бундай бемаъни одамни алдади» дейишарди. Хуллас қанча оғиз бўлса, шунча сўз эди. Билқис коллежга ҳам боролмай қолди. У ўз номини булғаб қўйган эди. Ҳомидни самимий вафодор дўст деб юрган Билқис, алданиб қолгач, эркак зотига бутунлай ишончини йўқотди. Ҳозирги вақтда бошқа бировга муҳаббат ҳам қўя олмасди. Бироқ озгина вақт ўтгач, халқ гап-сўзидан қутулиш учун отасининг қистови билан бир ҳарбий лейтенантга турмушга чиқишга розилик берибди, деган гап тарқади.

Шу сўзларни айтиб Ҳомид жим бўлиб қолди. Кўзлари тўла ёш эди. Бироқ, бу қиссани сўзлаб, кўнгли бир оз ёзилгандай эди.

— Ундан кейин нима бўлди? — деб Мўти Лол ўртадаги жимликни бузди.

— Ундан кейинми? — деб гап бошлади Ҳомид. — Бу

фожианинг охирги кўриниши бошланди. Билқисни олган лейтенант ўта кеган бадмаст ва иккита киши билмас касалга мубтало экан. Бир йил ўтди...

Ҳомиднинг овози зўрға чиқар, худди ўз айбига иқрор бўлган қотилдай, кўзларини ердан узмай ўтирар эди.

— Бир йил ўтди, иккови ҳам ҳалиги касалларнинг қурбони бўлди. Ҳомиднинг онаси ўғлига бир қариндошининг қизини олиб берди. У доим касал эди. Докторлар турмуш қуришга соғлиги кўтармайди, дейишган эди, уйдагилар докторлар мулоҳазасини бўлмаган гап деб, фотиҳа қилиб қўйишди. Улар тўй бутун касалларни ҳам тuzатиб юборади дейишарди. Бу тўйга ич-ичидан қарши бўлган Ҳомид, онасининг гапига қарши бирон нарса дейишга ботина олмади. Бундан ташқари Билқис билан алоқаси узилгандан кейин, агарда онам биронта кўр, кар, чўлоқ ёки бадбашара қизни олиб бераман деса ҳам хўп деявераман деб аҳд қилиб қўйган эди. У жуда қизиқ аҳволда қолди. У эскиликка берилган жамият олдида ўзини ожиз ҳисоблади. Унинг учун Билқисни йўқотишдан ҳам оғирроқ, мушкулроқ бўлган нарса ўзининг енгилганини ҳис қилиш бўлди. Унга жамият аёвсиз бир денгиздай туюлди. Унинг даҳшатли тўлқинларида ҳар бир кишининг шахсига ва янги қарашларига ўлим оқиб келарди. Ҳомид ўз мардлигига ишониб жамият денгизини сузиб ўтиб, ўз қарашларига биноан янги дунё қурувчи йигитлардан эмас эди. У табиатан бўш одам эди. Бир тўда юраксизлардай у ҳам кичкина тўлқинга учраб, қўрққанидан эшкакчи ташлаб юборди. Энди бўлса унинг қайиғи гирдобга тушган, у билан бирга бошқаларнинг қайиғи ҳам.

Ўз тўйи ҳақида бирон фикрни сўралмаган Сакина келин бўлиб келгач, одобли қизларга хос илтифот-ла қандай бўлмасин, эрининг хизматини қилишга тиришди. Аммо шишадай чил-парчин бўлган дилни қайта бутунлаб бўлмайди. Ҳомид хотини билан ҳеч бир очиқ сўзлашмади. Бечора Сакина ҳар доим касал эди. Олти ойдан кейин шу ғамда сўлиб, хазон бўлди. Озроқ вақт ўтгач, онаси ҳам оламдан ўтди. Кўпчилик чодрада юрадиган хотинлардай сил бўлганига анча бўлган эди. Эри вафот этгач, ёлғиз шу ўғилнинг — Ҳомиднинг тўйини кўриш умидида яшади. Ўғлининг дайдиб юришини уйланмаганлигига йўйди. Шу сабабли иложи борича Сакина билан бўлади-



ган тўйни тезлатди. Лекин Ҳомиднинг давосиз касалга йўлиққанини ва осонлик билан тузатиб бўлмаслигини қаердан билсин! Тўйдан кейин ҳам Ҳомиднинг тузалмаганини кўргач, қайғуга ботди. Онаси ҳам, бутун оила ҳам катта-катта умидлар кутган бу истиқболли бола қараб туриб тобора расво бўлиб борарди. Бу гал имтиҳондан йиқилгач, коллеж номини тамоман тилга ҳам олмай қўйди. Қариндошлари давлат идораларига ишга киргин деб зўрласа ҳам қулоқ солмади. Билқисни ўзидан айнатиш мақсадида бошланган майпарастилик ва фоҳишахоналарга юриш унинг учун кундалик одат бўлиб қолди. Она минг марта уринди, тушунтирди, уришди. Бироқ Ҳомиднинг аҳволи ўзгармади. Уғлининг ташвиши қари онанинг дилини эзиб юборди. У бечора ўглининг бузилишига ўзи айбдор эканини билмай, абадий кўз юмди. Бироқ онанинг ўлими Ҳомиднинг дилида «Онамнинг ўлимига мен сабабми?» деган қўрқинчли бир савол уйғотди. У юзи очиқ хотин олиб онамга жафо қилмай деб, ўзининг хатти-ҳаракати билан ундан ҳам зўрроқ жафо қилдими? Онасининг ҳурмати учун келтирган қурбони эндиликда фойдасиз бир нарсдай бўлиб чиқди. У, Билқис билан алоқани онамни деб эмас, балки жамиятдан қўрққанимдан узгандирман, деган шубҳага ҳам тушиб қолди. Яна у, эҳтимол Билқис билан хотинимнинг ўлимига худди ўзим сабабчидирман, деган ўйда эзилар эди. Агар шунчалик бўшлиқ қилмай, дадил иш қилганида, уч жондан бир жон ҳам нобуд бўлмаслиги турган гап эди. Ана шу ўйлар уни жинни қилаёзди. Виждони эртаю кеч уни қийнар эди. У ўзини шу қадар йўқотиб қўйдики, қолган-қутган ҳамма нарсаларини сотиб, зора сафар кўнлимни ёзса деган ниятда, дайдишга тушди. Деҳлидан — Қалкаттага, Қалкаттадан — Мадросга, Мадросдан — Бомбайга борди. Лекин ўша даҳшатли хаёллар у билан бирга одимлади...

Биз Ҳомиднинг ҳикоясини диққат билан тингладик. Ўз бошидан ўтган воқияни сўзлагани очиқ-ойдин кўриниб турарди. Чарчаб гапини тугатгандаги ҳолатини кўрган кишининг ҳақиқатда раҳми келарди. Овчи итлардан қўрқиб ўлим олдида қалтираётган кийикдек, қалтирар, пешонасидан тер қуюлар эди.

Сўхбатимиз бошланганда, бу нотаниш кишининг биринчи учрашувидаёқ ҳаёт достонини сўзлаб бериши хаё-

лимизга ҳам келмаган эди. Бироқ қандай бўлмасин бу воқиани айтиб бериш учун жуда муштоқ эканлиги ва бир арзимаган сабаб билан бутунлай нотаниш бўлган кишиларга бошидан охиригача батафсил сўзлаб бергани яққол кўриниб турар эди.

Бир нафас ҳукм сурган жимликдан сўнг Қамолий «Қалай, у биронта қарорга келолдими?»— деб сўради.

— Ҳа,— деди Ҳомид ва худди судда айбнома ўқиб эшитдирилаётгандагидай, тўхтаб-тўхтаб гапира бошлади:


— Ўзим гуноҳқорман, деган қарорга келди.


Шу сўзни айтди-ю, ўрнидан туриб йўлга тушди. То биз бир нарса дегунча анчагина жойга бориб қолди.

— Муҳаббат,— деб гап бошлади Қамолий,— бу — коинотнинг асоси ва ҳаётнинг рамзидир. Жамиятнинг ҳозирги ҳолатига унинг ҳеч қандай боғлиқлиги йўқ.

Лекин у бирдани тўхтаб қолди. Шу вақт ҳар ҳолда унинг ўзи ҳам бу шоирона сўзларнинг сафсата ва бемаъни эканлигини сезган бўлса керак.

Бу вақтда Ҳомид узоқда бир нуқтадай бўлиб кўринарди. Коинот муҳитида бир мавҳум нуқта. Бир нафас ўтмай у нуқта ҳам кўздан ғойиб бўлди. Яна соҳилда ўша сукунат ҳукм сурар. Қуёш денгизга ботиб борар эди.





## И Ш Қ Д Е Й С И З М И ?

### 1

**М**ен баъзи оғайниларнинг «тараққийпарвар ёзувчиларнинг ҳикояларида ишқ-муҳаббат деган нарса жуда кам учрайдиган бўлиб қолди», деб шикоят қилганини эшитдим. Улар қайси бир ҳикояни олсанг, қон, тер, ичкилик, қусуғу йирингга булганган. Ҳар тарафдан оху фиғон, дод-фарёд, ҳеч бўлмаса, революцион хитоблар эшитилмай иложи йўқ. Бошқалару майли-я, Кришан Чандрнинг кўзига ҳам «Тўлин ой кечаси»да қизиқроқ бир ишқ манзараси кўринмай, «Маҳалакшмий кўприги» кўринади холос. Исматнинг «Шоҳи парда»си ҳам аллақачон «Кедал корт» олдида ўтирадиган ямоқчининг ифлос жулдури бўлиб қолган. Маҳендранатҳ ҳам «ҳаёт ой юзли жонондан бошқа ҳеч нарса эмас», деган гапидан тавба қилиб ўтирибди.

Упендрнатҳ Ашқ «оқ ойимлар» тўғрисида эмас, «қора соҳиблар» тўғрисида ёзпти; ҳамшираимиз Чандракиран Саунрекса бўлса коллеждаги «ишва-нозли» моҳтобон қизларни қўйиб, чўлоқ-маймоқ сартарош хотинлар тўғрисида ёзади, ваҳолонки буларнинг «ёш гани» дан ҳам гўзаллик, романтика нишонасини топиб бўлмайди.

Гарчи ўзимни «тараққийпарвар ёзувчи» деб аташга ҳеч бир ҳаққим бўлмаса-да («тараққийпарлар» мени реакционер ва халққа қарши деб атайди, ёзувчилар эса, фақат журналист дейди), лекин бу шикоят менга ҳам тегишли деб ўйладим. Менинг ҳам романтикадан қочиш айбим бор. Менинг ҳикояларимдан ҳам чироқ ёқиб қидирган билан бирорта ошиғ-у ёки маъшуқни топиб бўлмайди.

Фақат бир мартагина романтик «кўтарилишни» қоғозда эс эттиришга уриниб кўрган эдим, у ҳам ғайри романтик «пасайишга» айланиб кетиб, китобхонларнинг бутун кайфи уч пул бўлиб қолди. Ҳаммасини ҳам қўяверинг-а, ҳатто ҳусн-ғўзаллик макони, ишқ диёри Қашмир водийсининг ҳам заъфарон гули менга қизил туюлади... Гандийжий, Сталинград, бир кекса Сардоржий, беш эгизакнинг онаси — бундақа бемаъни мавзулардан-ку романтиканинг иси ҳам келмайди. «Она Ҳинднинг беш туси» ҳам менга худди қуриб, тараша бўлиб қолган бешта кампир бўлиб кўринибди!

Ҳўш, ҳозирги ёзувчилар насли ишқ-муҳаббатдан беҳабарми? Биз муҳаббат кўчасидан ўтган эмасмизми ёки бошқаларнинг ўтаётганини кўрган эмасмизми? Нега бўлмаса онда-сонда битта-яримта ҳикоядагина поялнинг, каккунинг сайраши, мақсадига етолмаган ошиқнинг оҳи, маъшуқанинг йиғиси эшитилиб қолади, холос? Мана шу масала устида жуда кўп бош қотирдим. Охир, тараққийпарвар ёзувчилар фақат дангасалик туфайли ишқий ҳикоядан қочишади, деган хулосага келдим.

Гап шундаки, ишчиларнинг иш ташлаши, деҳқонларнинг кураши, полициянинг ўқ ёғдириши тўғрисида газеталарда босилган хабарларни ўқиб олиб, уларга бир-иккита коммунистик шиорни жуплаштириб туриб, бир ҳикоя ёзиб ташлаш осон, лекин хаёлни ишга солиб, бирор-та ишқий ҳикоя яратиш ҳазил эмас. Шоирнинг тили билан айтганда «Бироқ бунга кетадур жуда кўп меҳнат»...

Шу нарсани ўйлаб туриб, мен, ҳар қанча меҳнат кетса кетсин, ҳеч бўлмаса битта ишқий ҳикоя ёзаман, ахир ҳеч бўлмаса «шаҳодат бўлур ва вақти келса кунга ярайдир» деб аҳд қилдим.

Қарсак ҳамма вақт икки қўлдан чиқади, худди шунингдек ишқ учун ҳам, ишқий ҳикоя учун ҳам бир ошиқ билан бир маъшуқнинг бўлиши шарт. Маъшуқ гўзал бўлиши керак, ошиқ шоир...

Шунинг учун мен ишқий ҳикоя ёзишга ўтиришдан аввал икки қаҳрамонни — ошиқ била маъшуқни яратдим. Маъшуқни дунёдаги энг майин тупроқдан ясадим. Кўзига Бангол жодусини солдим, рангини Қашмирдан олдим, Панжобдан сиҳат бердим, танини Маҳароштрнинг балиқчи қизларники сингари илиқ қилдим. Лабларига бол суриб, пешонасига битта дилрабо хол қўйиб қўйдим.

Кўзлари сузук, кўксига ёшлик чўққиси, оёқ босишлари майин. Мана шу беғубор гўзалликка Ошо — Умид деган шойрона ном бериб, адабона сеҳру жоду билан унга жон киритдим-да, қулоғига Лайли ва Мажнун, Ромео ва Жульетта, Ҳир ва Ронжҳа, Сўҳний ва Маҳва, Девадос ва Парватий дostonларидаги қўшиқларни айтиб маст қилдим...

Ошога ошиқ қилиб, бир навқирон йигитни яратдим-да, унга Нирмол — Покиза деб ном бердим. Унинг жисмига қувват, танига сиҳат, бирор гўзални кўтариб, кенг бағрига босмоғи учун билакларига куч бердим, кўкрагига ўтли юрак солдим, қалбини орзу-армонлар билан тўлдирдим ва қўлига бир най бериб, уни кую нағмага кон қилдим.

Ошо ва Нирмол!

Нирмол ва Ошо!

Хаёлим меваси бўлмиш бу ошиқ билан маъшуқни тарихдаги ошиқ-маъшуқлар қаторига қўшиб қўйдим. Дилимда айтдим: «Мен мана шу икки ошиқ қалбининг ҳар бир зарбини сўз қолипига солиб, ҳикояни ўлмас қиламан. Лайли ва Мажнун, Ҳир ва Ронжҳаларнинг номлари шу кунгача оғиздан тушмагани сингари, мен яратган Нирмол билан Ошонинг номи ҳам абадий ўчмайди. Шундай дедим-да, бир-бири билан ишқ кўчасида учрашсин деб, иккаласини хаёл дунёсига қўйиб юбордим.

Осмонда тўлин ой сузган бир кечаси мен бу икковини биринчи мартаба учраштирдим. Тўлин ой сузган кеча! Бундай кечада ой нурлари нозик қалбларда ухлаб ётган ишқ-муҳаббатни қитиқлаб уйғотди, ёшлик юзларига упасини суриб, ҳусн қўшади, ишқни масту беҳуш қилиб қўяди. Бу вақтда бутун ҳавога нағмаю куй таралган бўлади. Ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатлари устига ой нурларидан тўқилган майин парда тушиб, бутун атрофда муҳаббат қўшиқлари янграйди.

Мана, ўша кечаси Нирмолнинг найидан чиққан садо ҳавода янграб, кўзга илганмас сеҳрли иплари билан Ошони чулғаб уйдан олиб чиққач, мен ўзимча: бўлди, санъатимнинг яратувчилик мақсади амалга ошди, энди ҳикояни буларнинг ўзи ёза беради, дедим. Мен ўйладим: «Энди, Ошо Нирмолдан сўрайди: «Мусофир, сенинг найинг кимни чақиряпти?» Нирмол эса, «Сени-да, гўзалим. Яна кимни бўлар эди?» деб жавоб беради ва шу табишувдан кейин муҳаббат изҳор қилинади, бир-бирига

қасамёд қилинади, ўла-ўлгунча бир-бирини севишга аҳду паймон қилинади ва тўлин ой кечаси ўтиб борган сари буларнинг муҳаббати ҳам етилиб, камол топиб боради...»

Лекин бирдан Ошо айтиб қолди:

— Ҳа, бу нима бевақт нағма чалганинг? Тинч ухлагани қўясанми, ё тонг отгунча най чалиб чиқасанми?

Нирмол ҳам ўшанга яраша жавоб берди:

— Ҳа бор, йўлингни ол! Сендақа катта маликани қараю! Қўрмаяпсанми практика қилаётганимни?

— Практика?— деб сўради Ошо инглизча сўзни масжара қилиб,— бу нима дегани?

— Э, най чалишни машқ қиляпман, бўлмаса оркестрда қандай қилиб ишлайман?

Оркестр деганини эшитиб Ошо қизиқиб қолди:

— Сен оркестр чаласанми? Ростданми?

— Оркестр чалмайман, оркестрда най чаламан.

— Нега?

— Чунки пул беради, кунига бир рупия-ю чорак.

— Нега дўмбира чалмайсан?

— Дўмбира чаладиган кунига икки рупия олади, шунинг учун дўмбирани хўжайиннинг куёви чалади.

Менинг энди шундай ғазабим қайнаб кетяптики, қўяверинг! Шундай ойдин кеча ўтиб кетаверса-ю, булар анна, пайсанинг ҳисобини қилиб ўтирса! Нағманинг сеҳру жодуси билан ишқий муҳит вужудга келтириш учун мен найни яна Нирмолнинг лабларига олиб бориб қўйдим ва яна бир фильм куйи ҳавода янграб кетди.

Ошо:

— Менга найнинг чийиллаши ҳеч ҳам ёқмайди, — деди.

— Бўлмаса қанақаси ёқади? Фисгармониями?

— Унг!

— Нима бўлмаса? Сарангийми? Сеторми?

— Унг. Мен граммофонни яхши кўраман. Ёнимиздаги тҳанедорникида бор — ўшанақасини яхши кўраман. Қайси бир пластинкани хоҳласанг, қўйиб эшитаверасан!

— Бу тҳанедор қанақа одам ўзи?

— Яхши одам, бечора. Қачон сўрасанг, граммофонини бераверади. Уйда радиоси ҳам бор.

— Ахир бу тҳанедор шунча пулни қаердан олганикин? Маоши юз-юзу чорак бўлса керак-да!

— Ахир худо бошқа даромад ҳам беради-да. Оркестрингизда бошқа даромад бўлмайдимми?

— Бўлади. Ҳар замонда тўй-пўйга бориб қолсак, чаванний-атҳанний инъом ҳам тегиб туради. Сенинг тўйинг ўтиб кетгандир-а?

Ошо жавоб бермади, уялиб, бошини эгиб олди. Лекин ой нурининг сеҳрли таъсири билан унинг юраги нима учундир гуп-гуп урмоқда эди.

— Бўлгани йўқми? Ундай бўлса жуда соз!

Ошо бошини кўтарди-да, муғомбирлик билан Нирмолнинг кўзига тикилиб сўради:

— Нимаси соз?

— Сози шуки, сенинг тўйинг бўлиб куёв нўкарлар билан бирга бизнинг оркестр келганда, куёв менга инъом беради. Бундан ҳам яхши нарсаси борми дунёда?

— Боре, ишингни қил!— деди Ошо ва югурганича уйига кириб кетди. Эртасига Нирмол оғайниларига Ошонини гапирган эди, улар айтди:

— Ҳе, миянг айниб қолганми ўзи? Бу қизнинг отасини кўрганмисан ҳеч? Ўғри бозорда у гуручдан минг-минглаб пул ишлаяпти. Ҳаммани қўйиб у оркестрдаги бир найчига қизини берармиди?

— Яна зот-пөтингни ҳам суриштириб қўй бундоқ. Сен бўлсанг рожпут, у бўлса бания, унинг устига яна жайн!

— Биз сенга айтсак, бу айёр чол қизининг ишини аллақачон битириб қўйган. Менинг эшитишимча, келаси ойда тўйи ҳам бўлар эмиш.

— Қимга кетаётган эмиш?

— Анави янги келган тҳанедор бор-ку, ўшанга.

— Ахир у хотин кўрган, ундан кейин яна ҳамма вақт сочини бўяб юради-ку!

— Нима бўлибди? Тҳанедорми, бўлди-да!

Нирмол бир оҳ тортди-да, найини лабига босиб, «диллар беқарордир, фасли баҳордир» куйини чала бошлади.

Мен, жуда соз, Лайли ва Мажнун, Ҳир ва Ронжҳа сингари, менинг бу ишқий ҳикоям ҳам фожиа билан тугайдиган бўлди, деб ўйладим.

Келаси ой тҳанедор сочу мўйловини яхшилаб бўяб, куёв бўлди-да, отга миниб, одамлари билан бирга келинникига қараб йўл олди. Куёв нўкарларнинг олдида оркестр, «қадам ташла, эй ёшлар» куйини чалиб борар эди. Нирмол ҳам кундагидек най чалиш билан овора эди.

Унинг юзини умидсизлик булутлари қоплаб олган эди. У шундай хаёлга чўмган эдики, «қадам ташла, э ёшлар» бу ёқда қолиб, унинг найдан «ғам-алам тўфонидан кўнгил вайронадур» деган куй чиқа бошлади. Чҳажанчи уни туртиб:

— Ҳой, Нирмол, сенга нима бўлди бугун?— деган эди, Нирмол: «Жуда ҳайрон бўлиб қолдим, оғайни. Онам касал, доктор қиммат дори ёзиб берди. Дори чоракам икки рупия, кечқурун қўлга тегадигани бир рупия-ю, чорак. Шу қолган саккиз аннани қаёқдан оламан, деб ўйлаб кетаётган эдим», деб жавоб берди.

Лекин мен: «Нирмол бу гапни хоҳ-нахоҳ шунчаки қулоғини тинчитиб учун айтди. Аслида, бошқага тегаётганидан кўнгли жуда вайрон», деб ўйладим. Бир вақт оркестр бошлиғи куйни ўзгартирди. Янги куйни эшитиб мен: «Ана холос, катта трагедия бўлди-ку! Маъшуқасиникига биров куёв бўлиб кетаётган бўлса-ю, ошиқ шу куёв билан бирга: «Ўйна, ялла қил бугун, куйла шодлик куйини», деб най чалиб кетаётган бўлса-я!» деб қўйдим.

Куёв нўкарлар келгач, қип-қизил сорийга ўралган, зар-зеварга кўмилган Ошони олиб келиб, мандап тагидаги қурбонгоҳ ёнига ўтирғизиб қўйишди. Шунда мен: «Ошо хоҳ-нахоҳ Нирмолнинг ишқ ўтида ўртаниб қолганини эслаб, йиғлаётгандир. Ким билади, заҳар ичмоқчимиз» деб ўйладим. Парда тутиб олгани учун юзи кўринмайди, лекин хина сурилган оёғининг юзига чак-чак қилиб тушаётган томчиларни кўриб нима деса бўлади: «Хоҳ-нахоҳ бунинг юрак-бағри эзилиб, ёш бўлиб оқяпти» деб ўйладим! Лекин ўртоғи ҳазиллашиб пардани кўтариб юборган эди, қарасам, кийим ва зар-зеварнинг иссиғидан Ошо терлаб сув бўлиб кетибди. Ҳалиги томчилар юзи билан пешонасидан чак-чак томиб тушаётган тер экан. Бунинг устига Ошо ўртоғининг қулоғига «бу ёққа қара, узугимни кўр, тоза олмос, тоза», дегандан кейин-ку, ҳайрон бўлиб, оғзим очилди-қолди.

«Хотинлар ўзи ҳамма вақт бевафо бўлади,— деб ўйладим мен. Мана бу Ошони қара! У ёқда Нирмол бечора кўнгли вайрон бўлиб қон йиглаб ўтирибди. Бу бадбахт бўлса битта олмос узук кўрибди-да, ўзини қаёққа қўйишини билмайди. Бир неча олтин деб отаси уни қари, бадбашара бир одамга сотиб юборганидан хабари йўқ!»

Кейин ташқарига чиқдим-да, қарасам, Нирмол ҳам



чорданани чор қуриб, ладду еб ўтирибди. Бу Ошо билан тҳанедорнинг тўйига келган меҳмонларни зиёфат қилиб тортилган ладдуки, Нирмолнинг муҳаббати учун унинг турган битгани заҳар! Бу ҳам майли, Нирмол яна ўртоғига кулиб «Ладду жуда яхши экан-а?» дейди. Шунда ҳам мен, «Ҳа, бу заҳарханда кулги бўлса керак. «Кўнгил йиғлайди-ю, лабларда кулгу» дегандек, классик бир ала-задалиқдир» деб ўйладим.

Бироқ бир дамдан кейин тҳанедор хўб хина сурилган мўйловини бураб, ташқарига чиқди-да, оркестрдаги ҳар созандага атҳанний-атҳанний инъом улаша бошлади. Нирмолнинг гали келганда мен ўзимча айтдим: «Ҳа, муҳаббатини бўғувчи бу қўллардан садақа олишни асло ўзига раво кўрмайди. Эҳтимол, пулни олиб туриб куёвнинг бетига қараб ирғитар. Эҳтимол, «дунёда шундай катта давлатга чанг солиб, олиб кетаётганингизда, бу атҳаннийни ҳам ўзингиз ола беринг!», деб бир-икки аччиқ-аччиқ узиб, пулни қайтариб берар», деб ўйладим. Бироқ Нирмол бир секундгина сал иккилангандек бўлди-ю, лекин тҳанедорнинг қўлидан ярақлаган атҳаннийни олди ва қуллуқ қилиб «Худо ҳамиша бахтиёр қилсин, тҳанедор соҳиб!» деди. Тҳанедор кетганидан кейин ўртоғига қараб, «Мана оғайни, энди онамга бозордан дори ҳам келадиган бўлди», деди:

«Минг лаънат шундай ошиғу маъшуқларга,— дедим мен.— Булар Ромео ва Жульетта, Сўҳний ва Маҳваларнинг анъанасини сақлаш у ёқда турсин, лоақал Девадос билан Парватийнинг ҳам изидан кетмади». Шундай дедим-у, ўша заҳоти хаёлий қиличим билан иккаласининг ҳам бошини шартта узиб ташлаб, бошқа Нирмол билан бошқа Ошони яратдим.

## 2

Бу сафар мен Нирмол билан Ошони Банголда яратдим. Олтин Бангол! Тагор ватани! Маданият, санъат ва адабиёт бешиги! Бу ерда бола шоирликни йўргакда ўрганари. Бу ерда ишқ кўм-кўк шопопояларда, бағри кенг дарёлар бўйида, хурмозорларда ўсиб, равноқ топади. Ишқий ҳикоя ёзмоқ учун бундан ҳам боп муҳит қаерда бўлади!

Нирмол билан Ошо бир қишлоқда туғилди, шу қишлоқнинг кўчаларида бирга ўйнаб, бирга ўсди. Улар қишлоқдаги бошқа болалар билан биргаликда заминдорнинг боғидан анбаҳ ўғирлашар ва уларни ҳовузда ювиб, маза қилиб ейишар эди. Баъзида Нирмол Ошонинг шимиб турган анбаҳини оғзидан юлиб олиб, ўзи шима бошларди. Анбаҳнинг нордон суви ҳам унга бир мазали туюлиб кетарди, худди Ошодаги бутун маза, бутун бол лаблари орқали анбаҳга ўтгандек бўларди. Нирмол анбаҳни шимиб туриб, Ошога айёрлик билан секин қараб, «Ошо, анбаҳ жуда ширин-а?» деб қўярди. Ошо эса секин илжайиб «Жоре оми ки жоне?» («Боре, мен қайдан биламан?») дерди. Лекин Нирмол Ошонинг уятчанг кўзларидан муҳаббат аломатларини ўқиб оларди.

Мен бу маъсум, покиза ишқни не машаққатлар билан ардоқлаб ўсдирдим, вояга етказдим. Бу сафар мен уларнинг иккаласини ҳам бир зотдан қилиб яратдим, мақсадим буларнинг муҳаббати бирорта ҳам ижтимоий тўққинликка учрамасдан никоҳ манзилига етиб борсин. Ошонинг ота-онаси Нирмолни яхши кўрарди, Нирмолнинг ота-онаси ҳам Ошони яхши кўрар эди. Энди буларни бири-бирига қўшиб қўйишнинг маслаҳатини қилиб туришган эдики, бирдан...

Ёмғир кам бўлиб, экинлар қуриб-қовжираб кетди. Олинган унча-мунча дон ҳосили ўғри бозордаги сетҳлар омборига тушиб кетди. Деҳқонларнинг зар-зевари, идиш-товоқлари, ҳатто ерлари ҳам гаровга тушиб, судхўрнинг қўлига ўтиб кетди. Бир дона ҳам гуруч қолмагандан кейин одамлар ўт-алаф, барг ва илдизларни еб кун кечирадиган бўлиб қолди. Кўкариб турган ҳамма нарсалар қовжираб, кўк оти қолмагандан кейин, ҳамма қишлоқни ташлаб, шаҳарга қараб жўнашга бел боғлади.

«Мана шундай ҳолатда ишқ камолга етади,— деб ўйладим мен.— Шундай қора кунда Нирмол билан Ошонинг шу ишқи жонларига оро киради, уларга мадад беради. Очликда, ташналикда, мусофирчиликда — ҳамма жойда ва ҳар қандай вазиятда уларнинг ҳаётини ишқ шуъласи ёритади».

Бироқ очлик бошлангандан кейин Нирмол билан Ошо ўртасидаги, уларнинг оилалари ўртасидаги илгариги алоқа, илгариги борди-келди, кириш-чиқиш йўқ бўлди.

Нирмол уйидагилар учун ўт-алаф, барг, ёввойи олхўри қидириб эрталаб чиқиб кетганича, бутун кун бўйи алла-қаёқларни кезиб, саргардон бўлиб юрар эди. Кечқурун эса шундай оч, шундай чарчаб, ҳориб қайтиб келар эдики, ётар эди-ю, уйқуга кетар эди. Лекин уйқу ҳам тузуккина келмас эди. Очликдан ичаклари тиришиб, ухлай олмас эди, заифликдан беҳушдек бўлиб мудраб ётарди, қизиқ-қизиқ тушлар кўрар эди. Тушни у илгари ҳам жуда кўп кўрарди. Илгари нуқул Ошо тушига кирар эди. Энди эса тушида унга ҳамма вақт буғи чиқиб турган бҳот тоғлари, сут оқаётган дарёлар, расгулла миноралари кўринар эди, Ошо эса ҳеч тушига кирмасди.

Ўша кунлари кўча-кўйда иккаласи ёлғиз учрашиб қолгундай бўлса ҳам, бир-бирига тузукроқ бир гап айта олмас эди.

— Хўш Ошо, аҳволинг қалай?— деб сўрарди Нирмол.

— Яхши,— деб жавоб берарди Ошо.

— Уйингдагилар нима ейишяпти ҳозир?

— Нима топилса, ўшани.

— Ҳамма шаҳарга қараб жўнамоқчи бўлиб турибди, сенинг ҳам хабаринг борми?

— Ҳа, нима ҳам қилар эди, бўлмаса!

Нирмолнинг ҳориб-чарчаган, маъюс кўзларида илгариги шуъла ялт этиб кетди.

Шаҳарга бирга кетамиз, хўпми?— деди у Ошога қараб.— Чарчаб қолсанг, опичиб оламан.

Ошо эса унга жавоб бериб, илгарилари айтадиган жумласини қайтарарди.

«Жоре оми ки жоне?» Лекин бу сафар унинг бу жумласида ҳеч қандай муҳаббат аломати йўқ эди, унинг овозида бепарволик аралаш бир умидсизлик сезиларди, холос, гўё унинг, қаёққа кетаман, деб ўйлашга қурби ҳам, хоҳиши ҳам йўқ эди.

Бир зумдан кейин Нирмолнинг ҳорғин кўзларидаги ўша илгариги шуъла ҳам ўчди ва ичакларини таталаб турган очлик яна уйғонди.

Очлик карвони шаҳарга қараб йўл олди.

Қишлоқни ташлаб чиқишгандан сўнг, уч кундан кейин Нирмолнинг онаси дунёдан ўтди. Отаси қари ва касал эди. У ҳамқишлоқларидан кейинда қолди, отаси билан бирга Нирмол ҳам қолиб кетди. Бир неча кунгача

у отасини опичиб юрди. Лекин бир кун улар бир жойга қўниб, у лагани ётишганда Нирмолнинг оч ичакларидан даҳшатли овозлар чиқиб, миясига ура бошлади. «Отам бемор,— деб ўйлади у,— бугун бўлмаса эртага ўлиши турган гап. Мен бунни опичиб қаёққа бораман? Карвондан қолиб кетаверсам ўзимнинг ҳам ўлишим тайин. Отам уй-қуга кетиши билан лип этиб жўнайман-да, карвонга етиб оламан. Ошонинг аҳволи қандайикин? Очмикин?.. Отаси биргамикин?.. Гуруч топишганмикин?.. Овқат ейишаётганмикин?..»

Тонг саҳарда кўзини очиб қараса, отаси ўлиб ётибди, лекин кўзлари ҳали ҳам очиқ, гўё бир нарсага ҳайрон бўлиб, кўзини катта очиб қолгандек. Унинг жонсиз кўзлари осмонга тикилган эди, лекин Нирмолга отаси худди ҳайрат билан, ғазаб ва нафрат билан, яна меҳр билан тикилиб тургандек бўлиб туюлди. У дарҳол ўрнидан туриб йўлга тушди, мадорсиз оёқларини имкон борича тез-тез судраб босди, бир марта ҳам орқасига қайрилиб қарамади. Қўрқув ва мадорсизликдан оёқлари қалтираб, гандираклар борар эди.

У икки кун деганда карвонга етиб олди. Шу вақт ичидан у айни бир очлик тимсоли бўлиб қолди. Бутун ер унинг хаёлида қулинг ўргилсин бир думалоқ нон эди. У шундай ҳолдан кетиб қолган эдики, оёқларини зўрға, судраб-судраб босар эди. Учинчи куни йўлнинг бурилишида карвон кўринди ва шу вақт Нирмол йўлнинг четида қум-тупроққа қорилиб, чўзилиб ётган бир ёш қизни кўриб қолди. У тўхтади. «Эҳтимол, бу қиз ўлгандир, ўлмаган бўлса ҳам, беҳушдир,— деб ўйлади,— чурук сорийсининг учидан тўрт-беш дона гуруч тугуғлик бўлса...»

Қиз тирик эди, чунки унинг теп-текис кўкрагидан онда-сонда заиф нафас олаётгани сезилиб турар эди. Тинч кўл сатҳида шабададан пайдо бўладиган тўлқин қанчалик заиф, кучсиз бўлса, бу нафас ҳам шунчалик заиф, шунчалик кучсиз эди. Қизнинг боши бир томонга осилиб қолган, қўллари эса худди тутқаноқ тутгандек маҳкам қисилган эди. Нирмол шошиб-пишиб қизнинг сорийсининг учларини ечиб, силкитди, лекин ҳеч қаердан бирор емиш чиқмади. Кейин зора бирон жойда бирор нарса ётган бўлса, деб атрофга аланглаб қаради. Лекин йўл четидаги чанг тупроқдан бошқа ҳеч нарса кўринмади, қизнинг ёйилган сочларини қоплаб олган, унинг қуриб, тиришиб

кетган сариқ юзларига упа бўлиб ўтирган қум аралаш чангдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

«Ҳаҳ, ўлсин-а!» деди Нирмол ичида. Оч ичаклари унинг нима қилиши кераклигини яна эсига солди: у дарҳол қаердан бўлмасин бирор ейдиган нарса топиши керак эди — бирорта дарахт баргими, ўт-пўтми, ўлган қуш-пушми, ишқилиб бирор ейдиган нарса бўлса бас! Лекин, кета туриб Нирмол қайрилиб, беҳуш ётган қизга яна бир қараб қўйди. Нима учундир бу қизни бирор жойда кўргандек бўлди. Лекин қаерда кўрганикин? Бундан илгари умуман бирор қизни кўрганмиди, кўрмаганмиди — ҳозир шу ҳам эсида йўқ. Бўлмаса нима учун тасаввурида хира бир сурат пайдо бўляпти. Бу сурат шундай хираки, унинг кимлигини таниб ҳам бўлмайди. Нима учун унинг қулоғига узоқдан, худди бошқа бир дунёдан биров чақираётгандек бир таниш овоз секин ча-тиляпти. Юраги нега қаттиқ-қаттиқ ура бошлади? Шунчаки очликдан юраги ўйнаётганмикин ёки бу қизнинг унга тегишли жойи бормикин? Бу қиз ким ўзи? Бу қиз ким? Буни у илгари бирор жойда кўрганмикин? Қаерда? Қачон? Қандай қилиб? Унинг хаёлига ана шундай ғира-шира саволлар қайта-қайта келаверди. Лекин унинг оч қорнидан чиқаётган асосий савол дарров бу саволларнинг ҳаммасини енгиб, унинг онгини, миясини қоплаб олди. Шу ондаёқ бу қиз унинг учун худди йўл четида ётган тош ё охириги кўк нишонаси ҳам қолмаган бир дарахт каби ёт, аҳамиятсиз ва бемаъни бир нарса бўлиб қолди. Нирмол танасини судраб яна йўлга тушди...

Мен эса орқасидан қичқирдим:

— Ҳой Нирмол! Қаёққа кетяпсан? Бу сенинг Ошонг-ку! Сенинг Ошонг, сенинг севгилинг-ку! Эсингда йўқми, иккаланг биргалашиб заминдорнинг боғидан хом анбаҳларни узиб олиб келиб, ҳовузда ювиб ердиларинг. Сен Ошонинг шимиб турган анбаҳини оғзидан юлиб олиб шимий бошлардинг, ўшанда анбаҳнинг тахир суви ҳам сенга жуда мазали бўлиб туюларди, гўё Ошодаги бутун лаззат лаблари орқали анбаҳга ўтиб қолгандек бўларди! Бу ана ўша Ошо, сенинг севгилинг-ку! Наҳотки танимаётган бўлсанг, наҳотки ўз севгингни, ёшлигингни, болалик вақтингни — ҳаммасини унутиб юборган бўлсанг!

Лекин Нирмол ҳеч қандай жавоб бермади. Мен чинқириб қолавердим, у эса қайрилиб ҳам қарамади,

— Сенга буюраман,— деб қичқирдим мен, — тўхта — севгилингни қўлингга ол, уни опичиб олиб кет! Бусиз сенинг ҳаётинг уч пул, чунки бу сенинг севгилинг, сенинг жонинг, сенинг дилинг, орзуларинг дунёсининг маликаси-дир. Агар қазо етса, иккаланг бир-бирингнинг қўлингга жон бер, токи Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин, Сўҳний ва Маҳвалар сингари сенларнинг номинг ҳам абадий сақланиб қолсин!

Лекин Нирмол менинг гапимга ҳеч қулоқ солмади. Бир неча дона гуруч деб севгилисини унутиб, уни ташлаб кетаверди. Мен бақриб-чақриб қолавердим. Ғазабим қайнаб кетганидан овозим титрай бошлади.

«Ҳой Нирмол! Сени мен яратганман, мен сенинг худойингман,— деб бақирдим.— Мен сени хаёлим билан яратдим. Менинг ҳукимини бажармасликка ҳаққинг йўқ».

Аммо Нирмол яратган худосининг ҳам чақирганига қулоқ солмади ва уни тўхтатиш учун кетидан югуришга мажбур бўлдим.

Мен ҳаллослаб етиб келганимда у машинада ўтирган бир неча оқ кийимли одамдан хайр сўраётган эди:

— Бобужий, озгина бҳот беринг, бўлмаса ўламан.

Буни кўриб, ғазаб, нафрат ва уятдан менинг бутун баданимга титроқ туриб кетди. Наҳотки мен яратган инсон бировларга бош эгиб, хайр сўраса! Ахир мен унинг дилига ғурур деган қиммат баҳо хислат солган эдим-ку!

— Нирмол!— деб бақирдим мен.— Уят эмасми?! Бир неча дона гуруч деб гадоёлик қилияпсан-а! Қани сенинг инсонлик ғуруринг?

Нирмол менга қайрилиб ҳам қарамади, лекин унинг ёлворишида менинг саволимга жавоб ҳам бор эди:

— Бобо, раҳм қилинг, беш кундан бери очман.

— Оч бўлсанг, нима бўлибди?— деб қойидим мен уни.— Мард ва ғурурли инсонга муносиб жон бер, лекин хайр сўрама! Очлик сенинг ғурурингни, ор-номусингни, одамгарчилигингни буколмайди.

Бу сафар ҳам унинг овозида менга жавоб эшитилди:

— Очлик балоси жуда ёмон, бобо!

Машинада ўтирганлар бир тўрвадан бир парча қотган бўлка олиб, Нирмолга берди. Нонни кўриши билан Нирмолнинг умидсиз кўзларида яна ҳаёт нурлари чақнаб кетди. Худди, бу ҳақиқатан ҳам нонмикин, яна йўл четида ётган тош бўлиб, менинг оч хаёлимда нон бўлиб кўрина-

ётган бўлмасин, деб текшириб, ишонч ҳосил қилмоқчи бўлгандек, у нонни бир неча марта қўли билан эзгилаб, босиб, ҳидлаб кўрди. Шундан кейин ҳам ишонч ҳосил бўлмади шекилли, оч ит сингари ғажиб каттакон бир тишламни синдириб олди-да, тез-тез чайнай бошлади. Шундан кейингина чиндан ҳам бўлка нон эканлигига ишонди. Кейин бирдан гуп этиб ерга ётди. Унинг шундай бошини ерга уриб қуллуқ қилаётганини кўриб, машинада ўтирганлар хохолаб кулиб юборди. Мен эса уялганимдан баданимдан совуқ тер чиқиб кетди: наҳотки менинг худо билан олишиш учун яратган одамим бошқа бир одам олдида қуртга ўхшаб ўрмалаб юрса!

Шу пайт машинада ўтирганлар орасидаги семиз бир чўтир кишининг ғилай кўзлари ғалати бўлиб ялтиллаб кетди. У Нирмолни имлаб олдига чақирди-да: «Бир нарсани сўрасам, айтиб берасанми?»— деди.

— Жоним билан, бобо!— деб жавоб берди Нирмол, нонни кавшаб туриб. — Сиз мени ўлимдан асраб қолдингиз. Хўш, нима хизматингиз бор?

Ғилай киши у ёқ-бу ёққа аланглаб қаради-да, атрофида ҳеч ким йўқлигини аниқлагандан кейин Нирмолдан сўради:

— Шу ўртада бирорта ёшроққина, ишга яроқли қизизни кўрдингми?

Мен қичқириб Нирмолни ҳушига келтиргунимча бўлмай, унинг жавоби оғзидан чиқиб кетди.

— Ҳа, ҳа, бобужий, биттасини кўрган эдим... ҳу орқада, нарироқда, йўлнинг четида ётган эди, беҳуш. Лекин тезроқ боринглар яна ўлиб қолмасин.

Кўз очиб юмгунча машина кўздан ғойиб бўлди.

Бу сафар мен ғазабдан ўзимни йўқотиб қўйдим.

— Э, пасткаш! Мен жуда шарманда бўлдим-ку, сени яратиб! Биласанми буларнинг кимлигини? Биласанми нима иш қилиб қўйганлигини? Бир парча қотган нонга сен ор-номусингни, иззат-обрўйингни, одамгарчилигингни сотиб юбординг-ку!..

Аммо Нирмол қаттиқ нонни чайнаш билан шунчалик банд эдики, менинг гапимга зиғирча ҳам эътибор бергани йўқ. Бироқ мен бир нарсани сездим: нон унинг қапишиб кетган қорнига тушиб, унинг буришган, ухлаб ётган ичаклари уйғониб яна ишлай бошлаган сари унинг кўзларидаги илгариги ғайри табиий ёввойилик йўқола бошлади.

Унинг онгида илгариги ҳислар асга-секин уйғона бошлади, худди гўзал бир қиз қулочини ёзиб, керишиб тураётгандек, худди унинг Ошоси...

Ошо!

Ошо!

Э худо, Ошо!

Ноннинг охирги тишламини ютди-ю, шу заҳоти унинг миясида даҳшатли бир фикр лоп этиб пайдо бўлди.

«Йўқ, йўқ!— деб садо чиқди унинг дилидан.— Бундай бўлиши мумкин эмас. Асло мумкин эмас. Асло...»

У орқасига қайрилиб, энди югурмоқчи бўлиб турган эдики, ҳалиги машинанинг қайтиб келаётганини кўриб қолди. Тўртта оқ кийимли одам ва уларнинг ёнида тупроққа беланган, чириндига ўралган бир қиз.

— Ошо, Ошо!— деб бақирди у. Машина олдидан ўтганда унинг кетидан югуриб кетди.

— Нима гап?— деб сўради оқ кийимликлардан биттаси, у ҳаллослаб машинанинг кетидан етиб келгач. Нирмол бирпасгина жавоб беролмай турди.

Қизнинг ҳуши ўзига келган эди. У бир парча қаттиқ нонни чайнаш билан овора эди. Бутун хаёли ўша нонда эди. У «Ошо! Ошо!» деб машинанинг кетидан югуриб келган бу гадога бошини кўтариб қарагани ҳам йўқ. Қараб ҳам нима қилар эди? «Ошо» унинг номими? Унинг номи нима ўзи? Унинг бирор номи борми, йўқми? Унинг ёнида ҳеч нарса йўқ... Ҳеч нарсага тоқати йўқ. Ҳозир қўлидаги нондан бошқа дунёдаги ҳеч нарсага унинг парвоси йўқ.

— Ошо!— деб қичқирди Нирмол.— Машинадан туш бу ёққа. Булар ёмон одамлар, сени сотиб юборади. Туш, Ошо, юр мен билан бирга. Иккаламиз бирга юрамиз.

Қиз бир зумгина бошини кўтариб, Нирмолга қаради, лекин унинг оч, нурсиз кўзларида Нирмолни таниганлик шуъласи пайдо бўлмади. Кейин у ёнида ўтирган оқ кийимликка қараб «бу ким?» деб сўради.

— Сен мени танияпсанми? Ошо, сенга нима бўлди? Мен Нирмолман, Нирмол! Эсингда йўқми, иккаламиз бир қишлоқда туғилган эдик? Эсингда йўқми, иккаламиз бирга ўйнар эдик? Эсингда йўқми, иккаламиз бирга заминдорнинг боғидан хом анбаҳларни узиб олиб келиб ҳовузда ювиб ер эдик. Мен сенинг шимиб турганингни оғзингдан юлиб олиб ўзим шимий бошлар эдим-ку...



Қиз эса жонсизгина, ўзиникига ҳеч ўхшамайдиган бир овоз билан «Жоре оми ки жоне» деди. Машина чанг кўтариб кўздан ғойиб бўлди.

3

Кўз очиб юмгунча, хаёлим уларнинг икковини ҳам йўқ қилди. Шу ҳам ишқ бўлдимми?! Шу ҳам муҳаббат бўлдимми?! Бу сафар Нирмол билан Ошони шундай бир муҳитда яратайки, улар ишқнинг қондасини жуда ўрнига қўядиган бўлсин! Очлик ишқни ўлдирадир экан, «пулсиз ишқ уч пул» экан, шунинг учун Нирмол билан Ошони шундай бадавлат бир оилада дунёга келтирайки, уларнинг ишқ-муҳаббати қашшоқлик ва очлик балосига учраб, ҳазон бўлмасин. Аксинча, уларнинг ишқ-муҳаббати камолга етиб, гуллаб-яшнаши учун ҳамма имконият муҳайё бўлсин, ҳаттоки, улар ҳар қандай моддий қийинчилик деган нарсадан холи бўлиб, бутун эътиборини муҳаббатга берадиган бўлсин...

Шундай деб ўйладим-да, мен Ошони бир миллионернинг уйида яратдим, Нирмолни эса бошқа бир миллионернинг уйида. Нирмолга Оксфорд университетида, Парижнинг танцахоналарида, Нью-Йоркнинг тунги клубларида таълим олдирдим; Ошога эса Ненниталдаги бир инглизча мактабда, Тагорнинг Шонти-Никетонида ва Бомбайдаги «Тоғ Маҳал» меҳмонхонасининг болрумида билим ва таълим-тарбия олиш учун имкон бердим. Шундан кейин Ошони «олий таълим» учун Франция, Швейцария ва Англияга юбордим-да, қайтишда икковини «Эйр Индия Интернейшнал»га тегишли бир самолётда бир-бирига дуч келтирдим.

Самолёт Лондон томон жўнагач, бир чиройли қизнинг ёлғиз ўтирганини кўриб, Нирмол ўзича илжайди ва бошқа бўш жой йўқ экан, деган баҳона билан ўзининг энг яхши, ярим оксфорд, ярим америка лаҳжасида Ошога мурожаат қилди:

— Агар сиз хафа бўлмасангиз, мен шу ёнингиздаги жойга ўтирсам?

Ошо Нирмолнинг эллик фунт стерлингли қулинг ўргилсин кастюм-шимига бир қараб қўйди-да, жавоб берди:

— Марҳамат, марҳамат. Нега хафа бўламан, бема-лол.

— Менинг исмим Нирмолкумор Қарабҳой.

— Менинг исмим Ошо Алувола.

— Ҳавдуюду, мисс Алувола?

Шек-ҳенд қилиша туриб, Ошонинг нозик, мулойим, тирноқлари қизилга бўялган бармоқлари Нирмолнинг қўлида жуда катта меҳрибонлик ва самимийлик сездди. Ошонинг ўзи чет элга худди шунақа нарсаларни ўргангани келган эди-да!

— Сиз ўша «Қарабҳой котҳмиле» деган Қарабҳой бўлсангиз керак?

— Ҳа, худди ўша. Ёки тўғрироғи — мени ўша кишининг кенжа ўғиллари деб биласиз. Сиз Сетҳ Алуволанинг қизчалари бўлсангиз керак, албатта?

— Ие, сиз отамларни танийсизми?

— Ана холос, Ҳиндистондаги биттаю битта пўтетўкингни эшитмаган одам бормикин?

Бир озгача жимлик чўкиб турди. Самолёт Лондон аэродроминигина эмас, Инглиз каналини ҳам анча орқада қолдириб кетган эди. Энди пастда Франциянинг кўмкўк майдонлари кўринмоқда эди.

— Сиз «Индия ҳауз»даги зиёфатга келмаган бўлсангиз керак? Йўқса илгарироқ танишган бўлар эдик, — деди Нирмол.

— Ҳа, ўша вақтда мен Швейцарияда эдим.

— Қаерда? Женевадами?

— Йўқ, Интерлакенда.

— Жуда хушманзара жой-да! Менга жуда ёқади. Мен ҳар йили камида икки ҳафта Интерлакенда туриб келаман.

— Бу йил бормагандирсиз?

— Ҳа, шунга ачиняпман. Гап шундаки, Америкага кетган эдим, фақат икки ҳафтагина турмоқчи эдим, ортиқча икки ҳафта туриб қолдим...

Женева билан Рим ўртасида уларнинг самолёти Италиядаги Алп тоғлари устидан учиб кетаётган вақтда Нирмол Ошога:

— Совуқ жуда зўрайиб кетди, мана бу одеялни оёфингизга ташлаб олинг, — деди.

— Сиз ҳам совуқ еяётгандирсиз, сиз ҳам бир ёгини олинг.— Юмшоқ одеялнинг тагида уларнинг тиззалари ўз-ўзидан бир-бирига тегди-ю, қайтиб ажралмади.

— Агар кўзингизга чироқ ёқмаётган бўлса, ўчириб қўя қолай?

Самолётнинг кабинасини ёқимли бир қоронғилик босди. Узоқ пастда эса, оппоқ қор билан қопланган чўққилар ойдин кечада сузиб юрган булутлар билан бекинмачоқ ўйнамоқда эди.

Билмайман, қандай қилиб, Ошонинг нозик, мулойим қўли Нирмолнинг қўлига тушиб қолди.

— Қандай хушбўй нарса сургансиз сочингизга?— деди Нирмол Ошонинг қулоғига:

— Мен бугун сочимга ҳеч қандай мой ҳам сурганим йўқ. Ҳеч қандай атр ҳам сепганим йўқ.

— Келаётган хушбўй ҳид одамни жуда маст қил-япти-ку!

— Ие, ичмасдан ҳам маст бўлаверар экансиз-да?

— Ҳа, ишқилиб барака топсин Мўроржий Десай — шундай арақ-вино тақиқланган бир замонда, ҳайтовур ишқ нашъасига тақиқ тушмай турибди.

—

— Жуда ёмон экансиз.

— Йўқ, хотиржам бўлаверинг, мен жуда яхшиман. Лекин нима қилай, ўзингиз жуда чиройли экансиз-да!

Самолёт Римга келиб, кабинада чироқ ёқилгач, бошқа пассажирлар Ошонинг лабни қизил қиладиган бўёғини бошқатдан суриб, пардоз қилаётганини кўришди.

Пассажирлар тушиб, кофе ичгани ресторанга кетишди. Уша ерда маълум бўлдики, ҳаво ёмонлиги сабабли самолёт шу ерда тўхтаб қоладиган бўлибди. Пассажирлар кечани Римнинг бирорта меҳмонхонасида ўтказадиган бўлибди.

Нирмол билан Ошо бир меҳмонхонага тушишди. Бу меҳмонхонада Нирмол илгари ҳам бўлган эди. Унинг бошлиғи Нирмолга таниш эди. Кўзини қисиб бир ишора қилиб қўйган эди, шунинг ўзи бўлди — Нирмол билан Ошога ёнма-ён тушган иккита хона берилди. Бу иккала хона ўртасида эшик бўлиб, унинг илмоғи Нирмолнинг томонида эди.

Ошо эндигина кечалик кийимини кийиб бўлган эдики, бирдан эшик очилди-да, қўлида икки бокал шампанский кўтариб Нирмол кириб келиб:

— Ҳелло, дарлинг, мисс Алувола! — деди. Ун соат ўтар-ўтмас, «Мисс Алувола» — «Ошо», «Ошо» — «дарлинг» бўлиб қолибди.

— Ҳелло!

— Ухлашдан олдин бир охирги қадаҳ қилиб қўйлик дедим, эртага Бомбайга бориб, яна денгиз сувига кунимиз қолади.

— Лекин фақат бир рюмкагина. Мен бошқа ичмайман.

— Сенинг соғлигинг учун!

— Бу эса сенинг соғлигинг учун!

— Мана буниси энди муҳаббатимиз туғилган унутилмас кеча учун.

Ундан кейинги кечаси эса, Бомбайга етиб келгунча иккаласи муҳаббатнинг барча босқичларини ўтиб бўлишди, бу босқичларни илгари замондаги ошиқ-маъшуқлар бир неча йилда ҳам босиб ўта олмас эди. Аэропортга тушиб, иккаласи ҳам ўз машинасига ўтирди.

— Соғ бўл, Ошо! Яна учрашамиз,— деди Нирмол машинага ўтира туриб.

— Албатта, албатта! Соғ бўл, Нирмол, телефон қил!

Машиналар жўнаб кетди. Мен ўзимча айтдим: мана бу чинакам ишқ, уялиш ҳам йўқ, иккиланиш ҳам йўқ, мана бу ишқ! Энди булар иккаласи ҳар куни «Тож»да, «Грин»да учрашади. Жўху бўйларида сайр қилишади, ишқ-муҳаббатдан гапиришади. Буларнинг ўртасига жамият ҳам ҳеч қандай ғов сола олмайди, қашшоқлик, очлик ҳам буларни бир-биридан ажрата олмайди. Буларнинг муҳаббати эркин, шунинг учун ҳам ҳақиқий ва абадий. Бу ишқий ҳикоя, албатта муваффақият билан тугайди.

Лекин Ошо уйига келганда уни ота-онаси ва ака-укалари билан бирликда ўрта яшар, соч-соқолига оқ кирган боши ялтироқ Сетҳ Лолчанд Камолчанд ҳам кутиб олди. Бу киши пўтетўкиннинг шериги эдилар. Сетҳ Лолчанд Камолчанд Ошо билан жуда самимий қўл бериб кўришдилар, ва Ошо бу кишининг қўл сиқишларида ҳам Нирмолнинг қўл сиқишидагидек жуда катта меҳрибонлик ва самимийлик сизди. Лекин Лолчанд Камолчанднинг қўллари умр бўйи пул санаш билан ўтиб, дағал ва қаттиқ бўлиб қолган эди ва унинг тикандек ботадиган, суякдек қўлларининг қисишида ёшликка хос ишора бўлмай, балки қарилкка хос ялиниш бор эди.

Эртаси куни Ошо Нирмолнинг телефон қилишини кутиб ўтирган эди, отаси:

— Сенинг омон-эсон қайтиб келганинг шарафига

Лолчанд Камолчанд бизни бутун уй-ичимиз билан бугун «Тож»га таклиф қилган. У сени жуда яхши кўради, Ошо! Ундан кейин ёши ҳам айтадиган катта эмас. Менинг фикримча, сен унинг таклифини яхшилаб ўйлаб кўришинг керак, — деб айтиб қолди.

Ошо отасига ҳеч нарса демади, лекин дилида: «Хунг, куёв бўлмай ўлсин! Афти-башарасини қара! Бу қаёқда-ю, Нирмол қаёқда!» — деди.

Кечаси «Тож»да овқатдан кейин Ошо фақат отасининг юзини қилиб Лолчанд Камолчанд билан танца тушди. Шу билан танца қиляпман-а, деб энсаси қотиб туриб эди, бирдан Нирмолни кўриб қолди-ю, чеҳраси гулдай очилиб кетди.

— Кечирасиз, мен бир дўстим билан кўришиб келай,— деди-да; танца тугамасданоқ, шеригининг қўлидан чиқиб танца қилувчиларнинг орасини қўллари билан ёриб ўтиб, бир чеккага чиқиб кетди.

Лекин... Лекин...: Бу Нирмолнинг ёнидаги ким бўлди?!

— О, ҳелло, Ошо! Бу киши билан танишиб қўй.

Упа-эликни роса суриб, лабларини хўб қизартириб, белини таранг тортиб, сочини бўяб, ёш кўринишга беҳуда уринган ўрта яшар бир хотин хўжайинлик ҳисси билан жуда бемалол, ҳеч тортинмасдан Нирмолнинг белига қўлини солиб турар эди. Бунни кўриб Ошонинг кўнглида бир шубҳа ялт этиб кетди.

— Жуда хурсандман сиз билан учрашиб, миссис Карабҳой,— деди Ошо қўл бериша туриб. Бу гапни эшитиб у хотин хохолаб кулиб юборди. Шундай адабсиз, бесўнақай кулгики, қўяверасиз! Тишлари бирам беўхшов эканки!

— Дўстингнинг гапини қара, дарлинг? — деди у Нирмолга қараб.

Дарлинг! Унинг оғзидан бу сўзни эшитиб, Ошо туютиб кетди.

— Ошо, сен янглишдинг. Бу киши Фифий бўладилар, миссис Фотоки, менинг хотиним эмас.

Ошо Фифий Фотоки тўғрисида кўп гапларни эшитган эди, лекин шу маҳалгача ўзини кўрмаган эди. Фифий ёш вақтида бир бойга тегиб қўйган эди. Унинг эри ҳозир ҳам тирик эди. У хотинининг ҳамма харажатларини кўтарар эди. Лекин уларнинг жисмоний алоқаси барҳам топиб кетганига бир неча йил бўлган эди. Ҳозир иккови

бошқа-бошқа уйда яшар эди. Сетх Фотоки умрининг охирги кунларини кокаин ичиб ўтказмоқда эди. Фифий э а йўқотган ёшлигини қидириб жамоатдаги ёшларнинг кетидан қувгани-қувган эди. Бу иккаловининг шундай бирга турганини кўриб Ошо билдики, Нирмол Фифийнинг тузоғига илинган энг янги ўлжа экан.

Шу дамнинг ўзида Ошонинг кўнглидаги қанчадан-қанча орзу-умидлари ер билан яксон бўлди ва у умрида биринчи мартаба тутақиб, одобни ҳам эсдан чиқариб қўйди.

— Кечирасиз, мистер Қарабҳой, мен бу кишини сизнинг хотинингиз эмас, онангиз деб ўйлаган эдим.

Шундай деди-ю, бу ҳамлага Фифий жавоб бериб улгургунча қайтиб ўзининг столига келиб қолди.

Оркестр бошқа бир танца куйини чалмоқда эди: «Ў, май дарлинг! Ў, май дарлинг!»

Фифий билан Нирмол бир-бирининг қучоғида тебраниб танца қилмоқда эди. Нирмолнинг афти-башарасидан, ҳаракатларидан унинг бир оз уялаётгани сезилиб турар эди. Фифий эса худди биров Нирмолни ундан тортиб олиб қўяётгандек, унга ёпишиб олган эди.

— Нирмол Қарабҳойни сен танийсанми?— деб сўради отаси Ошодан.

— Ҳа, самолётда танишиб қолган эдик. Жуда дилкаш, жуда гапга уста одам экан.

— Ҳа, гапга уста, энди қўлидан келадигани ҳам шу гапни қотириш бўлиб қолди, холос,— деб қистириб қўйди Лолчанд.

— А! Бу гапнинг маъноси нима? Мен тушуна олмадим.

Шунда отаси унга жавоб бериб, Сетх Қарабҳой пулни совориши, бузуқ юриши туфайли кенжа ўғлини молмулкдан маҳрум қилганлигини айтди.

— Отаси ўлгандан кейин ҳам унга битта сариқ чақа тегмайди,— деди у.

— Йўғ-э! Бу қандай қилиб бўлиши мумкин?— деди Ошо. — Бунинг яшаши ахир жуда ҳарала-тарала-ку! Ҳар йили чет элга боришини қанда қилмайди. Бу яхши кийимлар, машиналар ҳаммаси қаёқдан келади?

— Ҳе, қаёқдан келарди!— деб гапини маъқуллади Лолчанд сариқ тишларини кўрсатиб ва ҳаддан ортиқ энгашиб, Ошонинг қулоғига:

— Бунинг келадиган жойи кўп: бриж, флош, покол, Фифий Фотоки! — деб шивирлади. Шундай деди-да, у сип-силлиқ калласи билан золнинг нариги томонига ишора қилди. У ерда эса Нирмол Фифийни чирпирак қилиб айлантириб, оркестрга жўр бўлиб, ашула айтмоқда эди: «У, май дарлинг! У, май дарлинг!»

— Менинг кўнглим бир хил бўлиб кетяпти,— деди Ошо Лолчандга мурожаат қилиб.— Бу ер жуда дим экан. Юринг, ташқари чиқиб, тоза ҳавода бир оз айланайлик.

Бир неча кундан кейин уларнинг унашув кечаси бўлди. Жуда катта зиёфат берилди. Лолчанд олмослар қадалган йигирма беш минг рупиялик бир узукни бўлажак хотинига совға қилиб берди. Зиёфатга Нирмол ҳам келди.

— Муборак бўлсин, Ошо!— деди у бир минутгина уни холи топиб. Кейин унинг қулоғига: вақти келганда, мени эсингдан чиқарма, деб пичирлаб қўйди.

Олти ойдан кейин тўй бўлди. Бироқ тўйга Нирмол келмади. Чунки у яна чет элга кетган эди. Лолчанд Камолчанд ҳам никоҳ сайри учун Швейцарияга боришга қарор қилди. Бомбайдан Қоҳирага, ундан Римга боришди. Римда самолётга бир неча янги пассажир чиқди. Ошо эри билан ресторандан қайтиб келганда ҳамма жой-жойига ўтириб олган эди. Ошо қараса, уларнинг олдидаги бўш жойга икки киши: бир эркак, бир хотин келиб ўтириб олибди, лекин орқадан афти кўринмасди.

Олдинги жойдан қиз овози келди.

— Сиз жуда ёмон экансиз.

Кейин бир таниш овоз эшитилди:

— Йўқ, хотиржам бўлинг, мен жуда яхши одамман. Лекин нима қилай, сиз жуда чиройли экансиз...

4

Учинчи маротаба ҳам мен ўз яратган бандаларимни яна йўқ қилишга мажбур бўлдим. Минг лаънат бунақа ошиқ-маъшуқларга! Бирпас кўзинг шамғилат бўлдим— бас, булар дарров ишқ-муҳаббатнинг катта йўлини ташлаб, ҳаётнинг тор-танқис, эгри-бугри сўқмоқларида адашиб қолади.

Бу сафар мен Нирмол билан Ошони ўрта табақадан қилиб яратдим. Нирмолни бир идорада юз эллик рупия

оладиган бир клерк қилиб қўйдим, Ошони эса фақат метриккача ўқитдим.

Бу сафар Нирмол билан Ошо Бомбайдаги бир уйнинг иккинчи қаватида туришар эди. Кечқурунлари Нирмол ҳориб-чарчаб идорасидан қайтиб келаётганида узоқдан Ошонинг болохонада турганини кўриб, қўнгли гулдек очилиб кетар эди. Энди Нирмол кечқурунлари кинога ҳам кам борадиган бўлиб қолган эди, чунки атоқли кино-актрисаларнинг суратини пардада кўргандан кўра Ошонинг асл ўзини кўриш бир неча марта яхшироқ эди. Ошо ҳам унинг яхши кўришини билар эди. Бўлмаса ҳар куни кечқурун Нирмол ишдан қайтиб келадиган вақтда болохонасига чиқиб туриб нима қилар эди! Агар Нирмол ўзининг хонасида туриб, деворга қараб «Бугун уйда шакар ҳам йўқ, чойни қандай қилиб ичдим энди», дейдиган бўлса, Ошо дарҳол бориб отасига: «Дада, Нирмолровнинг шакарлари йўқ эмиш, бир пиёла чой бериб юборайми?» дер эди. Отаси Нирмолни яхши кўрар эди, шунинг учун дарров, «Ҳа, ҳа, албатта! Манжуга айт, бир пиёла чой олиб кириб берсин», дер эди... Синглиси бир пиёла чойни олиб кетаётганида Ошо жўртгага қичқириб, «Ҳэй Манжу, маҳкам ушла! Шу, пиёлани бўст-бўлмаса тушириб синдирасан-да! Тўхта, менга бер», дер эди ва пиёладаги чойни ўзи олиб борар эди. Ҳар сафар чойдан бир ҳўплам ичгандан кейин Нирмол кинода эшитган бирорга жумлани қайтариб «Чой жуда ширин экан, албатта ўз қўлинг билан дамлаган бўлсанг керак!» деб қўяр эди. Ошо эса илжайиб, лип этиб чиқиб кетар эди-да, овозининг борича синглисига қараб «Нирмолров чойни ичиб бўлганларидан кейин пиёлани олиб келгин, яна чой билан бирга пиёлани ҳам ҳазм қилиб юбормасинлар», деб қичқирар эди.

Метрик имтиҳони яқин келганда Ошонинг отаси бир куни Нирмолга:

— Шу, Ошо тарих билан жуғрофиядан сал бўшроқ-да! — деб қолди. Нирмол пайтдан фойдаланиб:

— Тарих билан жуғрофия жуда осон нарса, мен худди шулардан Би-Эй бўлганман-да,— деди. Шундан кейин Ошонинг отаси:

— Агар малол келмаса, ҳар куни кечқурун Ошони бир соат-ярим соат ўқитиб тургин,— деб илтимос қилди.



Уша кундан бошлаб буларнинг бир-бири билан учрашиб туриши учун очиқ баҳона топилди. Дастлабки кунларда мутолаа вақтида Ошонинг отаси билан онаси, албатта, булар билан бирга ўтиришарди. Лекин Ҳиндистоннинг ер ости бойликлари ва Понипатҳдаги уч жанг тўғрисида гап кетганда дарс уларнинг кўнглига тегиб қолди. Бундан ташқари Нирмолнинг гап-сўзлари, ўтириш-туришлари шу қадар одобли эдики, мутолаа вақтида учинчи бир кишининг ўтириши ортиқча туюлди. Шундан кейин, турган гапки, Шоҳжаҳон билан Мумтоз Маҳалнинг тарихий муҳаббатига бу иккаласида шахсий ва ғайри табиий қизиқиш туғилиб қолди. Жалвоюни гапириб туриб, Дилип Кумор билан Комини Қавшалнинг янги фильмига ўтиб кетилди ва гап ўртасида устод шогирдга қараб, «Сенинг кўзларинг Наргисникидан ҳам чиройли» деб кўйди.

Шундан кейин бир кун Нирмол сочга тақадиган мўтиё гулидан бир шодасини олиб келди.

— Беш рупияни майдалатмоқчи бўлган эдим, гулчи: «Бобужий, уч-тўрт аннага гул олсангиз, майдалаб берман» деб қолди. Мен ҳам «Ҳа майли, Ошога бир шодасини олиб кета қолай», деб ўйладим. Ўзи ҳам сенинг кийимингга жуда ярашади-да!

Ошо гул шодасини юзларига суриб:

— Вуй, ҳиди бирам яхши эканки! Кечаси билан анқиб чиқади булар,— деди. Нирмол ҳам фильмлардан бирор жумла қидириб ўтирмасдан «Мени ҳам эсингга солиб чиқ-да», деди.

Уша кундан эътиборан Нирмол учун ҳар куни беш рупияни майдалатиб, тўрт аннага гул олиб келиш одат бўлиб қолди.

Имтиҳонининг натижаси маълум бўлган куни Ошонинг отаси Нирмол билан ёлғиз ўтириб:

— Сенинг ёрдамнинг билан Ошо имтиҳонни ҳам топшириб олди, яна иккинчи даражага. Энди тўйининг ғами қолди. Мен ўйлаб ўтирибман, яхшироқ бир куёв чиқиб қолса...— деди, кейин сал иккиланиб туриб: — Хўш, ўзингдан сўрасак, Нирмол! Нима қилмоқчисан уйланиш-пуйланишни?— деб сўради ва Нирмолнинг ўйланиб қолганини кўриб давом этди: — Ўзинг яхши биласан Ошонинг онаси билан мен сени қандай кўришимизни...

— Шу якшанба куни мен уйга борадиганман,— деди

Нирмол.— Отамлардан сўраб, душанба куни сизга жавобини айтаман.

Шундан кейин мен «Ҳа қойил, Нирмол билан Ошонинг ишқи поёнига етадиганга ўхшайди» деб ўйладим.

Якшанба куни Нирмол қишлоққа келгандан кейин ҳалиги гапни отасига айтди. Отаси ойига эллик рупия олиб, мактабда бола ўқитар эди. Нирмолнинг гапини эшитиб, у ўйланиб қолди. Кейин ўғлига қараб:

— Майли. Мен икки кунга ишдан сўраб шаҳарга бо-  
раман-да, қизнинг отаси билан гаплашаман,— деди.

Нирмол Бомбайга қайтиб келиб, қараса, бўлажак унашув сабабли Ошо энди унинг олдига келмайдиган, у билан гаплашмайдиган бўлиб қолибди. Албатта онаси шундай деб қўйган бўлса керак. Лекин мана шу бир-биридан узоқлашиш ва жудолик нақадар лаззатли ва романтик бўлади-я! Баъзи-баъзида коридорда тўқнаш келиб қолишганда Ошонинг юзлари уялганидан қип-қизариб кетар ва югурганича ўзининг хонасига кириб эшигини беркитиб олар, кейин эшик тирқишидан Нирмолга мўралар эди. Нирмол-чи? У эса отам қачон келади, қачон гап бир жойга қўйилиб, тўй бўлади, деб тўй бўладиган кунни интизор бўлиб кутмоқда эди. Қандай лаззатли эди бу интизорлик!

Нирмолнинг отаси келди. Ошонинг ота-онаси уни жуда иззат-икром билан қарши олди. Расмий гап-сўзлар тугагандан кейин, Нирмолнинг отаси ўғлига «сен чиқиб тур» деб ишора қилди-да, иккала ота ўзлари қолишгандан кейин асл гапга ўтишди.

Нирмолнинг отаси Ошонинг отасидан қизнинг сепига қанча пул бермоқчилигини сўради. Ошонинг отаси бир оҳ тортиб қўйди-да, «Сизга беришга бизда уч-тўртта кўйлагу унча-мунча зар-зевардан бошқа ҳеч нарса йўқ», деди. Кейин ўзининг моддий қийинчиликларини гапириб кетди. Бир кичкинагина дўконим бор, унинг устига ҳозир замон оғир. Назорат қаттиқ. Оиланинг тирикчилиги амал-тақал билан ўтиб турибди.

— Ундай бўлса афсус, тўйнинг ҳеч иложи йўқ,— деди Нирмолнинг отаси. — Узимнинг ҳам шунақа дард-ғамларим бор.

Эшик орқасига беркиниб уларнинг гапига қулоқ солиб турган Ошо бунга эшитиб донг қотиб қолди. Энди нима бўлади? Йўқ, унинг Нирмоли ишқига вафо қилади, бунга

шубҳа йўқ. Отаси сингари у пул-мулкнинг юзига бориб ўтирмайди. Кечаси ота-бола ёлғиз ўтириб, отасининг қарорини билгач, Нирмол чиндан ҳам ишқига вафо қилди. У отасига очиқ ва қатъий қилиб бундай деди.

— Сиз сеп-пеп деган эски бемаъни нарсаларни қўйинг. Пул деб икки кишининг ҳаётини жувонмарг қилманг. Шонтаромнинг «Сеп» деган фильмини кўргангингиз йўқми?

— Кино кўришга ташлаб қўйган пулим борми, — деб жавоб берди отаси. Шундан кейин у ўғлига яшириб келатган бир сирни ошкора қилди. У судхўрдан икки минг қарз олган ва у проценти билан ҳозир уч минг рупияга бориб қолган эди. Бу қарзни узишнинг биргина йўли бўлиб, у ҳам бўлса Нирмолни каттагина пул тегадиган бир жойдан уйлантириш эди.

— Сен Би-Эй сан, яхши ишдасан, лоақал уч минг тегиб қолар.

— Лекин, ота, шунча пулни нима учун қарз олдингиз?

— Сечинг ўқишинг учун, — деди мажбур бўлиб отаси. — Яна нимага бўлар эди. Ўша қарзни олмаганимда сен қандай қилиб Би-Эй бўлар эдинг.

Бунини эшитиб Нирмолда ишқ алангаси ўчди ва отасидан кечирим сўрашга мажбур бўлди:

— Кечиринг, ота! Буларнинг ҳаммасидан мен беҳабар эдим.

Бир ойдан кейин Нирмолни ўз қишлоғидаги заргарнинг семиз, саводсиз қизига уйлантиришди. Нирмол ҳам заҳар ичгани йўқ, Ошо ҳам. Қиз билан бирга отасига бир ярим минг рупиягина тегди, уни ўша заҳоти судхўрга беришди. Шундан кейин ҳам проценти билан бирга икки ярим минг қарз бўйнида қолди. Ошони метрикни битирган бир камбағалга беришди. Куёв почтада почтальон бўлиб ишлайди. Бошқа жой тополмагани учун ҳозирча Ошонинг отасиникида ичкуёв бўлиб турибди. Нирмол бошқа бир жойдан квартира топишга зўр бериб уриниб кўрди, лекин топа олмаганидан кейин ахир хотинини ўша турган жойга олиб келишга мажбур бўлди. Ошо билан Нирмолнинг хотини жуда қалин ўртоқ бўлиб қолишди. Эркаклар ишга кетгандан кейин иккаласи бирга гаплашиб ўтириб бўлажак чақалоқлари учун жажжи-жажжи кўйлакчалар тикишади...

Бу ғайри романтик манзарани кўриб, мен ўзим яратган бандаларимни яна бир марта хаёлий қиличимдан ўтказишга мажбур бўлдим.

Охирги сафар мен Ошо билан Нирмолни яратдим-да: «Бор билганингни қил, хоҳ сев, хоҳ севма!» деб ўз ҳолига ташлаб қўйдим. Уларни бутунлай эсимдан чиқариб юбордим-да, ҳикояларим учун бошқа қаҳрамонларни яратиш билан овора бўлиб кетдим.

Кўп йиллар ўтиб кетди. Бур куни бозорда иттифоқан бир қари киши билан бир қари аёлнинг кетаётганини кўриб қолдим. Эркакнинг юзлари ажин босган, бели букилган, аёлнинг оппоқ сочларига меҳди сурилган, қўл тегирмонни айлантиравериб, ўчоқ кавлайвериб қўллари қадоқ ва дағал бўлиб кетган. Иккаласи озиқ-овқат бозоридан карточкага сабзавот олиб, эндигина уйга қайтиб кетаётган экан. Уларнинг афти-боши жуда ўзгариб кетибди. Мендан бошқа бўлганда уларни ҳеч ҳам таний олмаган бўлар эди. Кекса Нирмолнинг қўлида бир тўрва, тўрвада карточкага олинган буғдой билан гуруч, сабзавот. Бир оз юришгандан кейин кекса Ошо Нирмолнинг қўлидан тўрвани олди. Иккаласи бир-бирига қараганда уларнинг кўзида мен яратаётганимда берган муҳаббат учқунлари чарақлаб кетди.

Мана қариб-чиригунча ҳам уларнинг муҳаббати камаймабди. Мана бу чинакам ишқий ҳикоянинг намунавий поёни! Лекин ҳикоянинг бутун қолгани қани? Булар иккаласи қандай қилиб топишган, буларнинг муҳаббати қандай қилиб етилган? Булар қандай қийинчилик ва азоблар кўрган? Уларнинг ишқи не-не синовлардан ўтган?

Мана шуларнинг ҳаммасини билиш учун мен уларнинг кетидан изма-из кетдим. У кўчадан кириб бу кўчадан чиқиб, охири бир кичкинагина уйга етиб келдим. Нирмол билан Ошо шундай эшикдан кириши билан бир тўда бола чувуллашди. Мен эшикни тақиллатдим, лекин анчагача ҳеч ким бунга эътибор бермади. Болаларнинг шовқин-тўполони сал босилгандан кейингина кампир эшик тақиллаётганини эшитди.

— Ҳой, Гўпал, Мўҳан, Лаллу, биттанг бориб қара, эшикка ким келганикин?

Бир тўда бола мени ўраб, тўзиб кетган сават курсида ўтирган кекса Нирмолнинг ёнига олиб борди. Йўталиб ўтирган қари Нирмол хира кўзлари билан менга тикилди:

— Қани ўтир, оғайни! Чой ичасанми?— деди у. Кекса Ошо эса эрининг олдига чилим қўя туриб:

— Албатта ичадилар, нимага ичмас эканлар? Бу бобулар бир кунда ўн-ўн икки пиёла чой ичишмаса туриша олмайди,— деди.

— Мен сизларнинг иккалангиздан бир нарсани сўрамоқчиман,— дедим мен.

— Хўп, хўп оғайни, бемалол сўрай бер.

— Сизларнинг турмуш қурганларингизга неча йил бўлди?

Юзини ажин босиб кетганлигига қарамай, Ошо уялиб кетди.

— Хўш, Ражунинг онаси, неча йил бўлганикин?— деб сўради чол ундан.— Менга қолса бу гап худди кечагина бўлганга ўхшайди.

— Вой уялмайсизми? Унта неварангиз бор-а!

— Шу, қирқ йил бўлгандир, бобужий. Лекин бизларнинг қачон турмуш қурганимиз сизга нимага керак бўлиб қолди?

— Мен сизларни яратган эгангизман, шунинг учун...— демоқчи бўлдим-ку, лекин бундай демай, «Мен ҳикоя ёздиган одамман, шунинг учун сизларнинг қандай умр кечирганларингизни сал билмоқчиман», деб қўя қолдим.

— Бизларнинг умр ҳам умрми, бобужий?— деди чол, чилимни «қур-қур» тортиб, бир йўталиб, бир кулиб. — Туғилдик, катта бўлдик, меҳнат қилдик, машаққат тортдик, уйландик, бола-чақа кўрдик, мана энди қарабсизки, болаларимиз ҳам бир нечтадан бола кўрибди. Энди битта ўлим қолди, холос, бошқа гап йўқ.

— Йўқ, йўқ, мен буни билмоқчи эмасман, сизларнинг ишқ-муҳаббатингизни билмоқчиман. Сиз хотинингиз билан биринчи марта қандай учрашгансиз? Қандай қилиб бир-бирингизни яхши кўриб қолгансиз? . .


Кампир уялганидан сорийсининг учини юзига тушириб олди. Чол эса жаҳлига чидолмай, чилимини ерга қўйиб, ўрнидан туриб кетди.

— Ишқ-муҳаббат?— йўтал аралаш бақирди у. — Бу нима майнабозчилик? Бизларни майна қилишга келдингми? Билмайсанми, бу ер тўғри одамлар уйи! . .

Шундай деди-ю, чилимининг найини сугуриб олиб, мени урмоқчи бўлди. Мен қочиб чиқиб кетдим. Уша қочганимча мана шу маҳалгача қочиб юрибман. Ҳаллослаб нафасим бўғилиб ётибди.

Ўзингиз айтинг, ишқий ҳикояни мен қандай қилиб ёзай?





## МЕН КИММАН?

**Б**у нега ҳадеб кулаверади, демоқчимисиз?...  
Ўзи ўлай деб турган бўлса-ю, қиқир-қиқир кулса, бу қанақаси дейсиз-да? Мени ўз ҳолимга қўйинг, доктор соҳиб. Нега мени қийнайсиз? Диспансерингизда хинин микстурангиз билан аспирин таблеткаларингизни сотсангиз-чи. Мени сиз ўлимдан олиб қоломайсиз. Ўз ҳолимга қўйинг, ўтинаман, доктор соҳиб. Ярам икки жойда. Бири қовурғамни тешиб ўтиб белимдан то юрагимгача. Яна бири қорнимда. Кўрмаяпсизми, ичакларим осилиб ётибди.

Ҳа, ўлиб турган одам қанақасига кула олади, демоқчисиз, шундайми? Ҳозир ҳаммасини айтиб бераман... Биласизми, ҳозир мен ўзимнинг кимлигимни билиб олдим. Нима дедингиз, муҳтарам зот? «Бунинг нима қулгилиги бор, дейсизда-а? Ҳа, нима қилай, кулмай йиғлайми? Бир ойдан бери кимлигимни билолмай гарангман. Мен кимман? Ҳиндуманми, мусулмонманми ёки соч-соқолини мажбуран олдирган, мажбуран хатна қилдирган сикҳманми? Бараҳманманми ё аччхут?.. Амирманми ё гадо?.. Шарқий панжобликманми ё Ғарбий панжоблик?.. Лоҳурликманми ё амритсарлик?.. Ровалпиндиликманми ё жоландҳарлик?..

Мен ким, диним нима, қайси тоифаданман, исмим нима — бу нарсани билишга ёлғиз ўзим ҳаракат қилганим йўқ, буни билишга жуда кўп кишилар уриниб кўрдилар. Аммо ҳеч ким тубига ета олмади. Ўзимнинг ёдимга келди, бироқ ёдимга ҳозир келди — айна ажал гирибонимдан сиқиб турган бир чоқда.

Доктор соҳиб! Сиз бунчалик паришон бўлманг, бўл-маса важоҳатингизни кўриб яна кулгим қистаб кетади. Яқин билингки, фақат сиз эмас, энди дунёдаги ҳеч бир доктор мени ўлимдан сақлаб қололмайди...

Биламан ҳозир нималар ўйлаётганингизни. Менинг иккала ярам ҳам шундай ноқулай жойдаки, қайси-сини олдин боғлашингизни билолмай ҳайронсиз. Аввал осмонга қараб ётқизиб ичакларимни ичимга солиб тикай десангиз, бу орада белимдаги ярадан шунча қон оқиб кетадики, битта чок ўтказгунингизча тамом бўламан. Мабодо сиз мени дум тушириб ётқизиб, олдинга белимнинг ярасини кўрай десангиз, бу орада ичакларим-у ичакларим, бутун бошлик юрагим ҳам осилиб тушади. . .

Ҳа, гап мана бундай. Бундан бир ой бурун бир неча кун беҳуш ётиб, ўзимга келиб қарасам, Деҳлидаги давлат касалхонасида ётибман. Шунда эс-ҳушим бирдан ғойиб бўлиб қолган эди, доктор савол берди.

— Исмингиз нима?

Мен кўп ўйладим. Миямга шунча зўр бердим, кейин «Эсимда йўқ» деб жавоб беришга тўғри келди.

— Ҳиндумисиз, ё мусулмонмисиз?— доктор яна савол берди. Бу ҳам ёдимда йўқ эди.

Ҳеч нарса эсимда йўқ эди: диним, мазҳабим, зотим, жамиятим, юртим, шаҳарим, маҳаллам. Ҳатто уйланганманми, бўйдоқманми ё тулманми, бу ҳам ёдимда йўқ эди. Ешим нечада — буни ҳам ҳеч ҳисобига етолмас эдим. Ким билсин, ҳушимга келган замонда хаёлимда анча ёш йигитга ўхшаб кўринган эдим, аммо бир ҳамшира қўлимга ойна берган эди, унда афти-башарамни кўриб ўзим қўрқиб кетдим. Сочимнинг ярми оқ. Саккиз-тўққиз кун ичида ўсган соқолим мош-гуруч. Қўзларим ич-ичига тушиб кетган, юзимни ажин босиб кетган. Хуллас, ҳозир сизлар кўриб турганингизча. Ҳа, айтгандек, у вақт ҳозиргидаги каби бошимда оппоқ сочимга қондан меҳди қўйганим йўқ эди. Кўрдим, сиз ҳам кулиб юбордингиз. Қондан меҳди? Меҳдини хотинлар кафтларига қўядилар, мўйсафидлар бошининг оппоқ сочига. Ўзингиз айтинг-чи, энди шуларни ўйлаб кишининг кулгиси қистамайдами?..

Ҳа, Деҳлининг докторлари исмим, уйим, диним, мазҳабимни аниқлаш учун кўп уриндилар, лекин қилган меҳнатлари зое кетди. Ўзим астойдил ҳаракат қил-



дим. Нега деганингизда номинг бўлмаса, худди ўзинг ҳам тирик эмасга ўхшаб қоларкансан киши. Айни мурданинг ўзи. Роса суруштириб қарасам, мени яна бошқа эллик-олтмиш ярадор билан бирга поездда Панжобга олиб келиб ташлаган эканлар. Қолган ярадорлар ҳиндумиди ё мусулмонмиди, деб сўрасам, ҳиндуси ҳам бор эди, сикҳи ҳам бор эди, мусулмони ҳам бор эди, дейишди. Маълум бўлишича, Амритсар билан Лоҳур оралигида поезд йўлларининг иккаласи ҳам кўчириб жойидан бошқа томонга олиб қўйилган экан. Бир йўлдан Ғарбий Панжобдан ҳиндулар Амритсарга келаётган бўлса, иккинчи йўлдан Шарқий Панжобдан мусулмонлар Лоҳурга бораётган эканлар. Кечаси соат ўн бирларга яқин махсус поезднинг остида бомба портлаган. Ғилдираклар изидан чиқиб, паровоз ағдарилиб кетган. Уладигани ўлган, қолган йўловчилар ўққа тутилган. Қоронғи кечада ярадорлар қоқилиб-йиқилиб ҳар қаёққа қочганлар. Шундан кейин у ердан роса бир мил нарида қарши томондан келаётган бошқа бир махсус поездга ҳамла қилинган. Бу сафар бомбанинг ҳожати бўлмади. Поезд бир муюлишда секинлашган вақтида унга пулемётлар ўқи ёрилган. Машинист, кондуктор, дераза яқинида ўтирган анча йўловчилар ўша заҳотиёқ тамом бўлганлар. Паровоз маст филдек пишқириб вагонларни судраб кетган, лекин сал нарироқда йўллар узилиб, четга чиқариб қўйилган экан, бутун состав қулаган. Бунда ярадор бўлганлар ҳам кечанинг қоронғисида паноҳ топганлар. Эртаси куни саҳарда Ҳиндистон чегара қўшинлари билан Покистон чегара қўшинлари разведкага чиқишганларида қанча ҳиндулар билан мусулмонларни эндигина ўрнатилган чегарада ўлик ва ярадор ҳолда топганлар. Ётганлар орасида мен ҳам бўлганман...

Энди ўзингиз айтинг, қоронғи кечада қанча ҳинду Покистон ерида, қанча мусулмон Ҳиндистон ерида жон берганлигини эшитиб, кишининг кулгиси қистамайдими?

Буниси ҳам майли, энди улар чегаранинг айни ўзида аралаш-қуралаш ётар эдилар, шунинг учун қайсиси ҳинду ва қайсиси мусулмон, қайси бири Ҳиндистон ерида-ю, қайси бири Покистон ерида эканлигини ажратиш ҳам мушкуллигини айтмайсизми? Нима бўлса ҳам янги чегара чизиғи қон билан аниқланди-ку! Ё бундоқ денг, мўйсафид ернинг сочларига қондан меҳди қўйилган эди...

Менга қаранг, оқсоқол мавлоно, асло қўрқманг. Мен мутлақо сизнинг соқолингизга ишора қилаётганим йўқ. Сиз менга бунчалик жаҳл билан қараманг. Нималар ўйлаётганингизни мен биламан. Мен ўялпман, шундай эмасми? Улар вақтида инсонга ҳамма сир аён бўлиб қолади. Ҳа, агар мен ўзимни мусулмон деб эълон қилсам, сиз «Анжумани худдомул муслимин»га борасизу, у орқали гўр-кафан деганларнинг ҳозирданоқ ҳаракатини қилишга шошасиз. О, маҳошяжий! Менга сизнинг фикрингиз ҳам маълум. Сиз шу тараддуддасизким, мен ўзимнинг ҳинду эканлигимга иқрор бўламан-у, сиз «Дҳарма севак самож» тарафиндан менинг крия кармам масаласини ҳал қилишга ҳаракат қиласиз. Эшитишимга қараганда бу ерда, Бомбайда порсилар ўликларини Малабар тоғидаги бир очиқ майдонга қўйиб келишармиш-у, уларни қузғунлар еб кетишар эмиш. Бундан ташқари, эшитишимга қараганда, ўша майдон устида бирон-бир янги мурда олиб келишиб қолар, деб қузғунлар гирди-капалак бўлиб айланиб юришармиш... Аммо ўлаётган киши ҳали ўлмай туриб унинг боши тепасида айланиб юрадиган қузғунлар ҳам бор бўлишини билмас эдим.

Биров айтган эдики, мени Ҳиндистон билан Покистон чегарасида беҳуш ётганимда кўрганларида, бир оёғим Ҳиндистонда ва иккинчи оёғим Покистонда экан. Бир қўлим у ёқда, бир қўлим бу ёқда. Уша пайтда эғнимда бир йиртиқ чолвор ва қонга беланган кўйлак бор эди. Ким айта олар эдики, бу панжоблик ҳиндунинг ё покистонлик мусулмоннинг кийими деб? Хайр, нимага энди мени Деҳлига олиб келиб қўйишди экан? Ярам арзимас яра эди. Тезда тузалиб кетди, лекин докторларнинг айтишича мия каттиқ зарб еган экан, шунинг учун ҳофизамни йўқотиб қўйибман.

Ҳа, соҳиб! Шундай қилиб мен дунёда жуда бир ажойиб одам бўлиб қолдим: на исмим эсимда, на уй-жойим, на дину мазҳабим. Менинг суратим Ҳиндистоннинг ҳам ҳамма газеталарида, Покистоннинг ҳам ҳамма газеталарида босилиб чиқди, лекин на бир қариндош-уруғ ва бир ёр-биродар, на бир таниш-билиш ҳолимдан хабар олди. Шояд ҳаммаси ҳам ўлиб кетгандир. Шояд бошидан ўзи қариндош-уруғим, дўстим, танишим йўқ бўлгандир.

Шу орада ярам яхши бўлишига госпиталдан чиқаришди. Мендек мусибатзада кимсага иккитагина нон қаердан топилади?

Юриб-юриб жома масжид ёнидаги бир лагерга бориб қолдим. «Мен бир мусибатзадаман, менга памоҳ беринг» дедим. Лагернинг директори «ҳиндумисиз ё мусулмонмисиз?» деб сўради. Мен «эсимда йўқ» дедим. Ҳақиқати ҳам шу эди-да, ёлгон гапиришга тобим йўқ эди. Директор кўрслик билан: «Бу лагер фақат мусулмонлар учун» деб жавоб қилди. Кўчаларни чангитиб Эски Деҳлидан Янги Деҳлига бордим. У ерда бир жуда катта лагерни кўрдим. Дарвозага келиб «Мен жуда кулфат тортдим, уч кундан бери туз тотганим йўқ. Мени памоҳингизга олинг» деган эдим, «ҳиндумисиз ё мусулмонмисиз?» деб сўрадилар. Мен яна ўша жавобни бердим: «Ёдимда йўқ».

«Номингиз?»...

«Номимни ҳам эслай олмайман».

«Бу лагер фақат ҳиндулар учун», деган жавоб олдим. Билмадим қанча вақт Эски Деҳли билан Янги Деҳлининг чангини тўзитиб юрдим. Қанчадан-қанча лагерни кўрдим, лекин улар ё ҳинду ва сикҳлар учун бўлар эди, ё мусулмонлар учун. Ақалли биттаси ҳам инсон учун эмас эди.

Ўша куни кечаси мен бир уй олдида беҳуш бўлиб йиқилиб қолибман. Уй битта сардоржийники экан. У киши менинг ачинарли ҳолимни кўриб, кўтариб олиб кирибдилар. Кейин менга сут ичирибдилар. Ҳушимга келганимдан кейин у киши «Ҳиндумисиз, мусулмонмисиз, сикҳмисиз?» деб ҳам сўрамадилар. Фақат айтганлари шу бўлдики, «Қалай, иним, энди яхшимисиз?» деб сўрадилар, холос.

Мен бир неча кун ўша ерда юрдим: сардоржий, хотинлари, болалари ҳам мен билан яхши муомалада бўлишди. Мен уларга ҳофизам йўқолганлигини, ўзимнинг ким эканлигимни билмаслигимни ҳам айтиб бердим. Шунда ҳам улар мен билан яхши муомала қилишди. Бир куни уларнинг анча қариндошлари Ровалпиндидан келиб қолишди. У бечоралар ўша ернинг мусулмонларидан катта жабр кўрибдилар. Улар ўз дўстларини, қўни-қўшниларини, яқин қариндош-уруғларини қатл қилинаётганини ўз кўзлари билан кўришган экан, ҳамма-

ларининг қалблари мусулмонларга қарши нафрат ва ғазаб билан тўлиб тошган эди. Улар тилидан Ровалпинди воқиаларини эшитиб менинг ҳам қалбимда мусулмонларга нафрат уйғонди. Сардоржий у кишиларга мени кўрсатиб, «Бу кишининг бошига ҳам мусибат тушган, ҳофизасини йўқотиб қўйибди» дедилар. Улардан бир неча қарилари менга ҳамдардлик билдиришди-ю, лекин ёшлари шубҳа билан қараб юришди. Бир куни кечаси биттасининг гапини эшитиб қолдим. У «Қим билсин, бу одам муғомбирлик қилаётганмикан. Бор ана ҳофизасини йўқотиб қўйгани рост бўлсин ҳам, хўш, уни мусулмон эмас, деб ким айта олади?» — дер эди. Мен уларнинг кўзларини қасос қони босганини кўрдим. Шунда «Эҳтимол мен чиндан ҳам мусулмондирман» деган хаёлга бордим. Эҳтимол ярадор бўлганимга қадар мен ҳам шу бечораларнинг бошига тушган бу зулмни бошқаларга қилгандирман. Эҳтимол мендан ҳам ўч олишларига лойиқдирман... Ўша куни кечаси у ердан қочиб кетдим.

Кейин яна бир неча кун ўша очлик, кўча-кўйда чанг-тўзон, «Бу лагерь мусулмонлар учун», «Исминг нима?», «Қайси диндансан?», «Қаердан келгансан?»...

Ҳеч қаердан паноҳ топилмай мажолсизликдан йўл юриш ҳам қийинлашиб қолгач, мен жома масжиднинг зинапоясига ётиб қолдим. Рўпарадаги майдонда Шарқий Панжобдан қочиб келган минглаб мусулмонлар ётар эдилар. Кун бўйи ётганимдан кейин ҳушимдан ҳам кетиб қолибман. Шу алпозда қанча вақт ётганимни билмайман. Бир марта ҳушимга келган эканман, назаримда тепамда биров тургандек туюлди. Бошимни кўтариб қарасам бир бола. Нарн борса саккизга борган.

— Манг, мана буни еб олинг,— деди у бир нарса узата туриб,— ойимлар бериб юбордилар. Ойимлар агар биронта оч ётган одам кўриниб қолса, бериб келгин, дедилар.

Бировнинг ёрдамисиз ўрнимдан туришим ҳам мушкул эди. Бечора бола менга қўлини бериб, ўрнимдан турғизиб ўтқазиб қўйди. Оҳ, қандай ширин нон, қандай лаззатли лўя! Овқатни еб бўлганимдан кейин болага қараб:

— Катта йигит бўлган, болам!— дедим, ва меҳр билан унинг жажжигина қўлини силадим.

— Ййе!— иситмангиз баланд-ку,— деди у,— юринг

дадамларнинг олдига юринг. Дадамлар ҳақимлар, сизга дори берадилар, тезда тузалиб кетасиз.

Ҳа, шундай қилиб у бола мени уйига олиб кетди. Ҳақимжий бечора кўп яхши одам эканлар. Беш вақт намозларини канда қилмас эдилар, кунига неча-неча одамларни бепул даволар эдилар. Дорини ҳам ўз ёнларидан, бир чақа ҳам пул олмай берар эдилар. У киши икки кун деганда мени отдек қилиб юбордилар. Лекин йўқотиб қўйган ҳофизамни у киши ҳам қайтара олмадилар. Мен у кишига бор гапни айтиб берган эдим.

— Ҳақимжий, эҳтимол мен аслида ҳиндудирман, агар ўзлари амр қилсалар, уйларидан чиқиб, бирон ёққа кетсам бўлармиди,— дедим бир кун гапдан гап чиқиб.

— Ҳинду бўлса нима бўлибди, ахир у ҳам худонинг бандаси-ку...— дедилар ҳақимжий.

Яна бир кун ҳақимжийнинг ўғли бирорта оч, ночор одамга овқат бериб келгани жома масжидга кетиб, кечгача қайтиб келмади. Кечаси маълум бўлдики, бола қайтиб келаётганида бозорда ҳиндулар сўйиб ташлабди. Уйдан йиғи кўтарилди. Ҳақимжийнинг хотини беҳуш бўлиб йиқилди. Энди менинг бу уйда қолишим ҳам мушкул бўлиб қолган эди, чунки «Тагин мен ҳинду бўлсам-а?» деган хаёл менга ҳеч тинчлик бермай қўйган эди. Эҳтимол мен ҳам ҳақимжийнинг боласига ўхшаган мусулмон болаларини қатл қилгандирман. Охири у ердан ҳам қочдим.

Деҳлининг ҳамма ёғида шу кунлари қатли ом авж олиб кетган эди. Уқ ёмғирлари ёғиб ётар эди. У қилиб, бу қилиб юриб станцияга етиб олдим. Бомбай анча тинч деб эшитган эдим, шунинг учун Бомбай поездига чиқдим. Қаршимда бир ҳинду йигит ўтирар эди. Поезд юргач, мендан:

— Ким бўласиз, биродар?— деб сўради.

— Едимда йўқ кимлигим,— дедим. — Эҳтимол ҳиндудирман, эҳтимол мусулмон.

— Йўлда мусулмон йўловчиларга кўп жабр қилибдилар, деб эшитдим. Сизнинг юзингизни соқол босиб кетибди, шунинг учун сўраяпман,— деди у.

Мен бошимдан ўтган бор гапни айтиб бердим, аммо гапларимга ишонмагани юзидан билиниб турарди. У ўсиб кетган соқолимга шубҳа билан қараб, ўзи ҳақида ҳикоя қилиб берди. Гапига қараганда Лохурда унинг

каттадан-катта дўкони бор бўлиб, бор-йўғи талон-тароғ қилинибди. Қанча қариндош-уруғи ўлдирилибди. Қанчалари бедарак кетибди. Энди у ёрдам комитетидан учинчи даражали поездга яраша пул ёрдами олиб, ўз бахтини синаб кўриш учун Бомбайга кетаётган экан.

Ҳўш, Бҳаратпутга етганда поездимиз тўхтаб қолди. Поезд йўлига ҳиндулар тош тўкишган экан. Вагонлардан мусулмон йўловчиларни тортиб-судраб олиб чиқиб кетишди. Бизнинг вагонга ҳам қароқчилар кириб келишди, лекин ёш ҳамроҳим устимга чойшап тортиб қўйди. Улар келиб «Бу ким?» деб сўраган эди, у «Бу менинг акам, бечора Лоҳурда ярадор бўлди», деди. Шундан кейин улар чиқиб кетишди. Уқ овозлари, кейин қий-чув, бақариқ-чақариқлар эшитилди. Шундан сўнг поездимиз йўлга равона бўлди. Мен Бомбайга етиб келдим, лекин бу ерда ҳам ҳиндуманми, мусулмон? деган машъум савол мени ҳоли-жонимга қўймади. Мен ўйладим: «Ҳинду киму, мусулмон киму, сикҳ ким? Ҳинду деганлари бир соқолли одамни гарчи мусулмон деб ўйлаган бўлса ҳам, жонини асраб қолган поезддаги йигитми, ё ҳақимжийнинг бегуноҳ боласини бозорда сўйиб ташлаганларми? Мусулмон деганлари ҳақимжийми, ё сардоржийнинг Ровалпиндидаги қариндошларини қатл қилиб, хотинларининг номусини булғаганларми? Сикҳ деганлари сардоржийми, ё Амритсарда юзлаб мусулмонларни уйдан чиқармай, ўтга қовурган азаматларми? Шундай бўлса ҳам ўша-ўша савол: ҳиндумисан? Мусулмонмисан? Атиги бир савол — Сен кимсан?.. Сен ҳиндумисан? Сен мусулмонмисан?..

Шу савол миямга ўрнашиб олиб бир лаҳза ҳам тинч қўймади. Мен кимман? Қимман мен? Ҳиндуманми, мусулмонманми, сикҳманми? Мен кимман? Юрсам ҳам, турсам ҳам, ўтирсам ҳам, ётсам ҳам, тушимда ҳам, ўнгимда ҳам бу савол мени таъқиб қилади. Уйқумнинг ичида кўзлари чўғдек ловиллаб турган арвоқлар мени қуршаб олишиб, ўтда қиздирилган найзаларини баданларимга санчиб-санчиб сўрашади: «Сен кимсан? Айт! Ҳиндумисан ё мусулмонмисан!» Мен дод деб туриб кетаман ва «Билмайман ўзим кимлигимни, мени қўйиб юборинглар, мен ҳеч нарса эмасман. Мен фақат бир инсонман» деб жавоб бераман.

Бомбайда Панжобдан қочиб келган одамлар учун

катта-катта лагерлар очилган эди. Сикҳ бўлсанг шахсий коллежга бор, ҳинду бўлсанг Ромкришна мактабидан паноҳ топ. Мусулмон бўлсанг Бҳинда бозордаги Муслим лиг идорасига юзлан.

Ҳўш, мен қайсисига борай? Қаерга бормаин хўрландим, мен, ўзимнинг кимлигимни билмаган одам.

Гадойлик билан келадиган бир бурда нон ҳам йўқ бўлиб қолди. Ҳиндуси ҳам, мусулмони ҳам садақа беришдан олдин «Сен кимсан?» деб сўрашарди: Мен очликдан ўлаёздим ва яна бирдан хаёлимни ўша савол чулғаб олди: «Мен кимман?» «Мен кимман, ҳиндуми ё мусулмон? Мусулмонми ё ҳинду?» Шу саволга жавоб топилмагунча яшаш мумкин бўлмай қолган эди.

Бир меҳрибон киши менга «Доктор Самонийнинг олдига боринг, ўша киши эсингизни жойига олиб келиб қўяди. Доктор Самоний деганнинг отини эшитгандирсиз ахир. У мия касалликлар бўйича жуда мутахассис одам. Дори-пори ишлатмайди, ёрмайди ҳам — гап билан тузатади», деган маслаҳатни берди.

Хуллас мен ўша ерга бордим. Бир катта хонага олиб кириб, юмшоқ курсига ўтқазиб қўйишди. Тепада катта электр чироғи ёниқ турарди. Хонанинг ҳамма ёғидаги нарсаларнинг ранги оқ: деворлар, жовонлар, докторнинг кийими, ҳамширанинг халати — ҳаммаси оппоқ.

Доктор мулоимлик билан гап бошлади.

— Кўзингизни юминг. Миянгизга зўр берманг. Ўзингизни бўш тутинг. Ёдингизга нима келса, ўшани айтаверасиз. Нима бўлса айтаверасиз: бемаъними, бекорчи гапми — аҳамияти йўқ.

Шундай деди-ю, қоғоз-қалам олиб, ёнимга келиб ўтирди. Мен кўзларимни чирт юмиб олдим ва гапира кетдим:

— Кўм-кўк буғдойзор, узоқларга чўзилиб ётибди... Нилгун осмон...

— Баракалла!— деди доктор ва қулоғимга қаламининг қоғоз бўйлаб юрган овози эшитилди.

— Гапираверинг.

— Нилгун осмон... бир дарё... селдан сув тошиб ётибди... дарёда қайиқлар сузиб юрибди... бир анҳор... анҳорда болалар чўмилишяпти... У болалар орасида мен ҳам борман...

— Ҳа, баракалла!— Докторнинг овози узоқдан келётгандай бўлиб эшитилди.

— Даладаги бугдой ўриб олинган... олтин ранг хирмон... жуда катта хирмон уюлган... Осмонгача етиб турибди... Байсоққ байрами... Узоқда кимдир най чал-япти... Ноғора овози яқинлашиб келмоқда... Ним дарахти остида хотинлар ўтириб қўшиқ айтишяпти...

— Жуда соз!— деди доктор.— Қанақа қўшиқ айтиш-япти?

Мен қўшиқнинг сўзларини айтиб бердим:

«Едимга тушса у балиқчи ҳой-ҳой-эй,

Ўт тушади дилимга ҳой-ҳой-эй».

— Бу қўшиқни ҳинду хотинлар айтишяптими ё мусулмон хотинларми?— деб сўради доктор.

— Панжоблик хотинлар,— деб жавоб бердим.— Қаранг, ҳаммалари бирга қўшилишиб айтишяпти.

— У хотинлар ким, ҳиндуми ё мусулмонми?

— Панжоблик ҳиндулар ҳам бор, мусулмонлар ҳам.

Докторнинг оғир хўрсингани эшитилди, гўё бу жавоб унинг энди биткизган ишини яна бузиб юборгандек эди. Шундай бўлса ҳам:

— Жуда яхши, эсингизга нима келса, ўшани айта-веринг,— деди.

— ...Мана жуда катта бир боғ... байрам бўлаётганга ўхшайди... ранг-баранг чолворлар, кўйлақлар... Епинчиқлар шамолда ҳилпирапяти... шўх қизларнинг қаҳқаҳаси... Ёш болаларнинг тўс-тўполони...

— Баракалла, баракалла, ҳа, давом этинг... нимага тўхтаб қолдингиз?

— Энди ҳеч нарса эшитилмаяпти, ҳеч нарса кўрин-маяпти ҳам...

— Нимага, нима бўлди?

— Бошимга оғриқ кириб қолди. Ҳамма ёқ қоронғилашиб кетди. Бир ажойиб тўполон...

— Баракалла! Жуда соз!

— Ўт туташди. Ҳамма ёқ, ҳамма ёқни аланга босиб кетди... Шовқин-сурон кучайиб кетди.

— Жуда яхши! Бу фасодчилар шовқин-сурони. Бу ўша одамлар, ҳа, шуларнинг зулми сизнинг хонадонингизни вайрон қилган. Сизнинг қариндош-уруғларингизнинг қонини тўккан. Сизнинг миянгизни хароб қилган. Эшитинг, диққат билан эшитинг. Улар нима дейиш-япти?

— Ҳеч нарса эшитилмаяпти. Жуда тўполон. Биттагина



«Ўлди! Ўлди!! Ўлди!!!» деган сўз эшитилипти холос. Мени қутқаринг, доктор соҳиб!

— Қўрқманг, яна яхшилаб қулоқ солинг! Шу ўт қўяётган, шовқин солаётган одамлар ҳиндуми ёки мусулмонми? Энди билинади, сиз ким эканлигингиз.

Менинг миямда мудҳиш бир воқиядан дарак берадиган занг урилгандек бўлиб кетди. Ҳозир мен кимлигим маълум бўлади. Ҳозир кимлигим маълум бўлади!!! Ҳа, мен мусулмонман: сардоржийнинг қариндошларини ва минглаб бегуноҳ сикҳларни мен сўйиб ташлаганман.

Мен ҳиндуман: ҳақимжийнинг боласини ва юзлаб мусулмонларнинг болаларини, гўдақларини мен қатл қилганман.

— Йўқ, йўқ! Йўқ!!— бақирдим мен.— Ўзимнинг кимлигимни билишни истамайман,— деб кўзларимни очиб юбордим. Докторнинг майин овози жодусини парчалаб ташладим. Утирган ўрнимдан туриб кетдим. Шундай қилиб мен докторни ҳайрон ва паришон ҳолда қолдириб, чиқиб кетдим.

«Мен ҳиндуман, мусулмонман. Мусулмонман, ҳиндуман. Мен кимман? Ҳеч ким эмасман! Мен мусулмонман, мен ҳиндуман».

Йўл бўйи қулоғимнинг тагида шу гаплар эшитилиб келди.

Билмадим қайси кўчадан, қайси маҳалладан кетаётган эдим, бирданига биров тўхтатди.

— Эй, қаёққа кетяпсан? Кимсан сен?— деб сўради у. У бир мусулмон мавлавий эди. Кўзларига қон қуйилган, қўлида ханжар бор эди. Мен унинг саволини эшитдим, тушунмадим. У томонга бир қараб қўйиб яна йўлимда кетавердим. Мен ҳалигидек вайсаб борар эдим.

— Мен ҳиндуман, мен...

...мусулмонман, деб айтиб улгурмаган ҳам эдимки, унинг ханжари белимга санчилди. Мана шу кўриб турган ярангиз ўшаники. Қофир! Кўзим тиниб бошим айланиб кетди, лекин ўлиб-толиб ўнгланиб олдим. Яна юрдим. Юрган йўлимга қон қуйилиб борарди.

— Ишонмаяпсизми? Ўзим ўляпман-у. Гапимнинг ростлигига шаҳодатнома керак эмас...

Ҳа, йиқилиб-қоқилиб юриб бошқа бир кўчага чиқиб қолдим. Бу сафар мени бир безори ҳинду тўхтатди.

— Эй, кимсан сен?

— Мен мусулмонман, мен...

...ҳиндуман, деб айтганимча бўлгани йўқ эдики, ўткир тигли пичоғи қорнимни тилиб ташлади...


Шундай қилиб мен икки еримдан пичоқ едим. Мени ҳинду, мусулмон — иккиси ҳам ўлдирди. Шунинг учун ҳам, доктор соҳиб, мен айтяпманки, сиз мени ўлимдан олиб қололмайсиз. Ростини айтганда, сизлар мени ўлимдан олиб қолишнинг ўзини хоҳламайсизлар. Агар мен ўлиб туриб «ҳиндуман» десам, бу азамат ҳиндулар мен учун ўч олиб, тўртта мусулмонни ўлдиришга қасам ичади. Агар мен «мусулмонман» десам, бу баҳодир мусулмонлар бутун ҳинду қавмидан менинг қасосимни олишга бел боғлайди.

Ҳозир кулаётганимнинг сабаби, кимлигим ёдимга тушди. Хотинимнинг кўзлари, ўғилчамнинг гаплари, далам, ёниб кул бўлган уйим — ҳаммаси кўз олдимга келяпти. Энди, ўлаётганимда! Бекорга менинг оғзимга қараб турибсизлар. Оғзимдан «ҳиндуман» ёки «мусулмонман» деган сўзни барибир эшитмайсиз. Бу на ҳинду қотилга маълум бўлади, на мусулмон қотилга. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам адашиб, ўз қавмидаги бир одамни ўлдирганлигини билолмай ўтиб кетади. Мен иккисидан ҳам шу йўл билан қасос оламан. Фақат уларнинг ўзидан эмас, балки менинг юртим Панжобни вайрон қилган, Кекса Она Ҳинднинг оппоқ сочларига қондан меҳди қўйган минглаб ҳинду, мусулмон ва сикҳлардан қасос оламан.

Мен ҳиндуми эдим, ё мусулмон? Мусулмонми эдим, ё ҳинду? Бу савол иблис каби уларнинг мияларини кемириб туради. Бу савол кундузи уларнинг оромини бузади, кечаси уйқуларини қочиради. Бу савол уларга, уларнинг наслига ҳам бир дам тинч ўтиришга имкон қўймайди. Бу интиқом жуда қаттиқ бўлади...

Менга қаранг, биродар, боринг. Ишингиздан қолманг. Қачонгача ўлишимни пойлаб ўтирасиз? Мен аллақачон ўлиб бўлганман. Ишонмасангиз қаршингиздаги докторни чақириб мени кўрсатинг. Энди жасадим ҳам музлаб бўлган. Аммо шуни ҳам билингки, мен ҳеч қачон ўлмайман!

Энди ҳам нимага кулаётганлигимни билмоқ истайсизми?



### ЕТИБ ҚОЛГАН ХАТ

А

зизим!

— Ҳа.

— Прасодлар бугун бизни бридж ўйнашга таклиф қилишган. Ёдингда бор бўлса керак деб ўйлайман?

— Ҳа.

— Бўлмаса мен соат беш яримда идорадан қайтаман. Тайёр бўлиб турарсан-а?

— Ҳа.

Ҳа! Ҳа! Ҳа! Ун икки йилдан бери Садҳир хотинидан фақатгина «ҳа» деган сўзни эшитарди, холос. Эри айтган гапнинг ўндан тўққизига бош қимирлатиб «ҳа» деб қўяр эди:

Ҳа! Ҳа! Ҳа!

\* \* \*

Комиссар ўринбосари Садҳир Саксенага ҳамманинг ҳаваси келарди. Чунки, у ўз ниятига етган: иш билан таъминланган, жамият ўртасида обрў қозонган, ҳашаматли бангаласи бор, булардан ташқари унинг хотини Бимла гўзал, ақлли-ҳушли, илмли аёл. Бимла комиссарнинг хотинидан қарта ўйнашда ва танца тушишда қолишмас эди. Садҳир Бимладан уч бола кўрди. Катта ўғли ўн яшар Рожҳир Неннитал монастирида ўқирди. Онасинг кўзларига ўхшаган шахло кўзли, жингалак сочли, нозик Ушо эса маҳаллий монастир мактабида ўқирди. Ушо кўп-

гина шеърларни ёд биларди. Ҳали уч ёшга тўлмаган кенжатой Шонтийни ҳамма яхши кўрар ва «Беби» деб ном ҳам берган эди. Бимла билан Садҳир Шонтийни жондилдан яхши кўрар эдилар.

Шундай қилиб, атрофдаги одамлар Садҳир Саксенини жуда бахтли, пешонаси ярқираган одам деб ҳисоблашарди. Баъзи бир вақтларда Садҳирнинг ўзи ҳам шундай деб ўйларди: ахир бир киши бўлса, шунчалик бўлади-да. Нимадан камчилиги бор. Лекин хотинидан бу совуқ, қуруқ, бир текисда айтиладиган «ҳа» деган сўзни эшитиши биланоқ, уни тубсиз қайғу қамраб олар, ҳамма нарсадан кўнгли совиб кетар эди.

. Бу якоҳанг, бирдан-бир «ҳа» деган сўз Садҳирнинг жон-жонидан ўтиб кетган; минг-минг шубҳаларга солар, гоҳо-гоҳо ғазабини ҳам келтирар эди.

\* \* \*

Садҳир Бимлани бундан ўн икки йил бурун учратган. Садҳир Англияда Ай-Си-Эс синовларидан ўтиб ватанига қайтиб келган ва баҳаволиги билан танилган Массурида хизматга тайин бўлишини кутиб, дам олиб юрган вақтида Бимлани биринчи марта кўрган.

Массури чиройли зодагон қизларнинг кони. Ҳар куни кечқурун бу ер ранг-баранг сорийлар, сатангча тикилган устамалар, калта қирқилган сочлар, олифта панжоби чолворлар, баланд пошналик оёқ кийимлари, упа-элик, қизил суртилган бетлар, қойил таралган кокиллар, ингичка қошлар ва қип-қизил лаблар намойишгоҳига айланар эди. Бу ер Ҳиндистоннинг энг катта ва машҳур қизлар бозори эди.

Шу вақтларда уч сеҳрли ҳарф, яъни Ай-Си-Эс, юқори табақа қизлари ва уларнинг ота-оналари учун «сим-сим, оч эшикни» деган сеҳрли сўзларга тенг эди.

Аммо ўзига зеб бериб, кўзларини сузиб, қошларини қоқиб, тил учида юзаки гаплар ва ноз-карашмадан бўшамайдиган усти ялтироқ, ичи қалтироқ қизлар жуда Садҳирнинг жонига теккан эди.

Бир куни отелда ўйин-кулги вақтида Садҳир тўсатдан Бимлани учратиб қолади. Ўн йилдан кейин ҳам у билан биринчи марта қай қолда учрашгани Садҳирнинг кўз олдидан ҳеч нари кетмайди.

Танца майдони одамлар билан тўлган. Садҳир сал чеккароқда ўтириш учун жой қидириб турганида кимдир уни чақириб қолди. Садҳир ўгирилиб қараб, патналик дўсти Матурни кўрди. «Садҳир, кел бу ёққа! Биз билан ҳам бирга ўтир,— деди у Садҳирга.— Танишиб қўй, бу киши мисс Банержи, Бимла Банержи. Асли банголликлар, аммо Лакновда ўсиб катта бўлганлар».

Садҳир чўзиқроқ, рангпар юзли, ипакдек майин қора сочларини иккита қилиб ўрган, жоду тўла шахло кўзлари ёниб турган ажойиб бир қизни кўрди. Худди бир неча кун ухламагандай кўзларининг атрофи кўкариброқ қолган эди. Гўё унинг узун-узун киприклари остида чексиз чуқур қайғу ва ғам яшириниб ётарди.

Садҳирнинг «намасте»сига жавоб қайтаришдаёқ Бимланинг ўзига хос камтаринлиги билинди. «Бимла шубҳасиз ажойиб қизга ўхшайди,— деб ўйлади Садҳир, унинг ёнига ўтира туриб.— Бу ердаги бошқа қизларга сира ўхшамайди. Яна бир суриштириб кўрай-чи».

— Шундай қилиб, сиз коллежда ўқийсизми?— деб қизиқиб сўради Садҳир.

— Ҳа.

— Санъат бакалаврлигигами?

— Ҳа.

— Келаси йилги имтиҳонларга тайёрланяпсизми?

— Ҳа.

Лондонда икки йил туриб, пансион бошлиқларининг чийилдоқ овозларини эшитавериб тўйган ва ундан кейин Массуридаги «олий мақом» доираларда кўп юриб зериккан Садҳирга Бимланинг ниҳоят одоб билан берган қисқа-қисқа жавоблари роҳат бағишлар эди. Унинг сўзлари момақалдироқдан кейинги тонг шабадасига ўхшар эди. Қандай майинлик! Қандай мулойимлик! Қамтарлик ва ҳиндиларга хос хушмуомалалик билан бошини эгиб, ҳар бир саволга шошмасдан жавоб беришларини айтмайсизми!

— Танца тушасизми?— деб сўради Садҳир.

— Йўқ.

Матур Садҳир билан Бимлани ўз ҳолларига қўйиб, танца тушиб кетди. Садҳир Бимла билан ёнма-ён ўтирар экан, ширин хаёл сурарди.

— Энди мен ўзимга умр йўлдошини топдим. Бимладан яхшироқ хотин топилиши мумкинми? Ўзи чиройли,

бунинг устига оғир, ўқимишли, худога шукур, димоғдор ҳам эмас. Бимла унча бой бўлмаса ҳам жуда яхши оиладан бўлса керак. Шундай бўлгач, унинг ота-оналари Ай-Си-Эс амали бор кишига узатишга қарши бўлмаслар. Ҳа, Бимладек хотини бор киши чинакам бахтли бўлиши турган гап.

— Шундай қилиб, дадангиз Лакановда турадиларми?

— Ҳа. Дадамлар рассомлик мактабида ўқитувчи бўлиб ишлайдилар.

— Шундай денг! Ундан чиқди сиз Банержи деган рассомнинг қизи экансиз-да? У киши чизган расмлар Патнадаги кўргазмага қўйилган эди. Мен уларни кўрганман.

Садҳир бир оз ўйлаб олиб, силлиқлик билан ёлғон гапирди:

— Менга у киши чизган расмлар жуда ҳам ёқди: чизиқларда жасорат сезилади, берилган ранглар жуда ҳам ажойиб...

Бирданига Садҳирнинг кўз олдига рассом Банержи чизган расмларнинг бири келиб қолди: совун пуфакларини осмонга учуриб турган шўх қизчанинг расми эди. У расмнинг номи «Ёшлик орзулари» эди.

— «Ёшлик орзулари» даги қизча сиз эмасмисиз?— сўради у.

— Ҳа.

— Шунанам, аммо сиз у ерда жуда шўх кўринасизку. Қандай қилиб шундай жиддий бўлиб қолдингиз?

Бу саволга Бимла одатдагидек қисқа жавоб бермади. Чехрасида ғамгин табассум пайдо бўлиб, деди:

— Бахт, мистер Саксена, худди шу совун пуфакларига ўхшайди. Енгилгина бир шамолнинг шарпаси тегса — пуфак ёрилади.

Бимла Садҳирга жуда ёқиб қолди. Массуридаги тутуруқсиз, доим «ҳи-ҳи-ҳи», «ҳа-ҳа-ҳа» билан овора бўлган қизлар орасида Бимла ўзининг жиддийлиги, вазминлиги ва камтарлиги билан ажралиб турар эди.

\* \* \*

Ҳар хил важ топиб Садҳир у билан тез-тез учрашишга ошиқадиган бўлиб қолди. Бир ҳафта ўтгач, улар вақтларининг кўпини бирга тоққа чиқиш, «Кампти Фолз»га

бориш, ойдиган кечаларда «Туя ўркачи» деган йўлда сайр қилиб юриш билан ўтказа бошладилар.

Аммо Бимла бурунгидек кам сўз. Садҳир билан Бимла ўртасида бошланган бу самимий муносабат давомида Бимланинг оғзидан кўп бўлса ўнта жумла чиққандир. Шунга қараматай Бимла ҳамроҳининг сўзларини завқ билан тинглар эди. Садҳир нима демасин, унинг гапларини бўлмасди, аксинча, зўр диққат билан эшитарди-ю, лекин унга жавоб бермасди. Баъзи вақтларда Бимла бу индамаслигини Садҳирнинг талабчан саволига жавоб беришдагина тарк этарди. Бимла Садҳирга борган сари кўпроқ ёқа Борди. Бимланинг нимпар, чўзиқроқ юзида, бодом каби кўзларида кўриб тўймайдиган ҳусн бор эди. Бимланинг одоб ва ҳаё билан ўз фикрини ифода этиши Садҳирни ниҳоятда мафтун қилди. Чунки у шақилдоқ, ҳар нарсага аралашаверадиган бир қоп пуч ёнғоққа ўхшаган қизлардан безор эди.

Садҳирнинг назарида, Бимла унинг гапларини ҳамма вақт завқ билан тинглайди. Бу эса оилавий турмушнинг бахтли бўлишидан дарак берувчи далолатдир.

Шунай қилиб, Садҳир, ниҳоят, Бимлага дилида борини айтди. Ушша ширин он Садҳирнинг ёдидан сира-сира чиқмайди.

— Бимла, биласизми, сизни мен жуда ёқтириб қолдим!

— Ҳа,— деди у. Бу «ҳа» фақатгина унинг саволига ижобий жавоб эмас, балки бу жавобда «шундайми?» дегандек сўроқ оҳанги ва ҳайрат аломати сезилиб турарди.

— Бимла, сиз менга турмушга чиқасизми?

Бу сўзларни томдан тараша тушгандек, тўсатдан гапириб юборганидан, Садҳирнинг ўзи уялиб кетди. Нима қилсинки, у ўз туйғуларини бошқа йўл билан ифодаб беролмасди.

Бунга жавобан Бимла ё «ҳа» ё «йўқ» демади.

Садҳир Бимланинг бундай оғирлиги ва камтарлигидан гоят завқланди. Агарда бўлажак рафиқаси унинг саволига беҳаёлик ва ишлатилавериб сийқаси чиқиб кетган «Оҳ азизим, бу қандай кутилмаган бахт!» деб жавоб қайтарганда, албатта, Садҳир хижолатда қолар эди.

Бимла сукут қилиб турган вақт Садҳирга жуда узоқ

бўлиб туюлди. Ниҳоят қиз эшитилар-эшитилмас қилиб айтди:

— Мен сизни шу вақтгача ҳурмат қилиб келаман, мистер Садҳир. Сиз менга кўп яхшилик қилдингиз. Шунинг учун ҳам мен сизга очигини... Биласизми... Мен сизни жуда қадр қиламан, мен сизни бир дўст сифатида яхши кўраман... Аммо... Аммо... очигини айтганда... сизга муҳаббатим йўқ...

— Сиз бошқа бировни яхши кўрасизми?— ўкиниб сўради Садҳир дарҳол.

— Ҳа,— деди Бимла. Бу сўз Бимланинг сўз бойлигида энг яхши кўрган сўзи эди. Бир оз вақт ўтгач, Бимла чуқур хўрсиниб,— йўқ, бундай одам йўқ, деди.

Садҳир ўзини енгил сизди. У суюниб кетиб:

— Ундай бўлса ҳам еманг. Агар сиз менга турмушга чиқишга рози бўлсангиз, мен сизни севишга ўргатиб қўяман.

Бу воқиа 1940 йил 14 июль кунини бўлиб ўтган эди.

\* \* \*

Хат ташувчи бир қанча хат ва қоғозларни олиб келиб, хонтахта устига қўйди. Биринчи хатни Садҳир қўлга олганида, унинг кўзи 1952 йил 14 июль деган штампага тушди. Пичоқ билан конвертни очиб туриб, Садҳир хотинидан сўради:

— Бимла, сенга бу кун ҳеч нарсани эслатадимми?

— Ҳа,— бепарволик билан жавоб қайтарди Бимла.

Лекин Садҳир бировнинг овозидаги сезилар-сезилмас оҳангни, унинг юрагида нималар кечаётганини англаб оладиган одамлардан эмас эди. Ҳа, шунга ҳам эътибор бериб ўтирадимми! Барибир Бимла унинг хотини, бундан ташқари уч боланинг онаси...

Бу саволни эшитиб, Бимланинг ранги хиёл ўчганини ҳам Садҳир кўрмади, чунки у эски дўсти ва ҳамроҳи Матурдан келган хатни ўқиш билан овора эди. Матур — Патнада машҳур юрист эди. Садҳир Матурнинг хатини ўқиб жилмайди.

«Азиз дўстим! Сен чинакам бахтли экансан, чунки Бимлага ўйландинг. Массурида сизларни таништириб қўйган ким, эсингдами? Агар сен шунчалик ношукур



бўлмаганинда эди, менинг ҳаққимга ҳар куни минг мартаба дуо ўқиган бўлар эдинг».

Садҳирнинг боши осмонга етди. Чунки у Матур бу сўзларни Бимланинг яхши сифатларини мақтаб айтяпти деб тушунмай, балки менинг дидимга қойил бўлиб, омадим борлигига ҳаваси келиб айтяпти, деб билган эди.

— Матур нималар ёзганини биласанми?

— Ҳа.

Садҳир Матурнинг ўз улфатларининг ишқ-муҳаббат можаролари, олди-қочди ишлари тўғрисида ёзилган гапларни ташлаб кетиб, хатнинг ўзига тегишли жойларини ўқиб берди.

Кейин Садҳир бошқа хатларни очиб туриб, Матурнинг ҳазиллари Бимлага таъсир қилмаганлигини сезди. Унинг чеҳрасида ҳатто билинар-билинемас қайғули бир табассум пайдо бўлди.

Бошқа бир конверт ичида клубдан юборилган счёт бор эди. Бу счётни Садҳир Бимлага узатди, чунки ҳамма счётларнинг пулини у тўлар эди.

Конвертларнинг яна бирида Ай-Си-Эс ассоциациясига бўладиган сайлов тўғрисида хат чиқди.

Хатни ўқиб бўлиб, Садҳир айтди:

— Бимла, бу йил Пандев билан Эҳсон секретариатга менинг номзодимни қўйишмоқчи. Бу жуда катта ишонч.

Учинчи хат унга эмас, балки Бимлага тегишли эди. Садҳир қўлида қалингина, ранги ўчиб кетган, сонсиз-саноқсиз штампалар урилган конвертни ушлаб турар эди. Унда бир неча адреслар ўчирилиб, яна бошқаси ёзилган эди. Мисс Бимла Банержига. «Мисс?!» — ўйлаб қолди Садҳир. — Бизнинг турмуш қурганимизга ўн икки йил бўлса-ю, уни «мисс» дейишга кимнинг ҳадди сиғди экан?

Бимла, ҳар кунгидек, бозор-ўчар қилиб келгани ҳозирланаётган эди. Садҳир унга синчиклаб қаради. Бимланинг бу хатга кўзи тушмаганлигига қаноат ҳосил қилгач, тахта устида турган чинни чойнакни ўз олдига суриб, унинг орқасида бекитиқча хатни очди. Улар бирга ҳаёт кечира бошлаганларидан бери Бимлага келган хатларнинг кўпини Садҳир хотинидан яшириқча «цензура»дан ўтказарди. Бу хатлар Бимланинг дугоналаридан ва унинг қавм-қариндошларидан келар эди. Лекин бу хат

илгаригиларга қараганда тамоман бошқача эканлигини Садҳир олдиндан сезиб қолди. Балки бу хат Бимланинг шу пайтгача яшириб келаётган, Садҳир учун муаммо бўлиб қолаётган ҳаётининг бир томонини очиб берар? Садҳир шубҳалар гирдобига тушиб қолган эди: «Нима учун Бимла уни жон-дили билан севмайди? Қўлидаги хатдан балки бунинг жавоби чиқиб қолар?»

Конверт ичидан тўрт варақ зич ёзилган хат чиқди. Уларнинг ҳаммасини ўқиб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди. Бир-икки қаторини кўздан кечириб чиққанини биладики, оёғи остидан ер сирғилиб чиқиб кетаётгандек ва ер билан бирга унинг тинчлиги ҳам бир умрга видолашаётгандек туюлди.

«Жондан азиз Бимлам! Мана кўришмаганимизга икки ой бўлди. Мен учун бу икки ой икки йил бўлиб кўринди. Қачонгача одамлардан яшириқча учрашишамиз? Бу девор қачонгача бизнинг ўртамызда турар экан, наҳотки, биз уни буза олмасак...»

Садҳир хатнинг давомини ўқишга мажоли келмай қолди. Хатни тутиб турган панжалари ғазабдан қалтирай бошлади. Кўзларида нафрат алангаси чақнаб кетди. Хатни апил-тапил ўгириб охирига қаради:

«Абадий сенинг, фақатгина сенинг Анилинг».

«Анил!»— бу нотаниш ном Садҳирнинг бошида кучли бомбадек портлаб кетди.

— Бимла!!!— бақириб юборди Садҳир унинг ташқари чиқаётганини кўриб.

— Ҳа.

«Ҳа! Ҳа! Ҳа!»— бу қанчалик жонсиз якоҳанг «ҳа!» Аммо ҳозир шу «ҳа»ни эшитганда, Садҳирнинг башарасига биров бир тарсаки туширгандек бўлди.

— Бу ёққа кел!— ўшқирди Садҳир. Хотин секин стол ёнига келди. Унинг юзидан қони қочиб кетган эди, кўзлари қўрқувдан катта-катта очилиб кетди, бирдан-бир сўзини ҳам эсидан чиқариб қўйди.

— Анил деган одам ким??? Айт!!!

Бу савол Бимлани гангитиб қўйди. У чурқ этмай турарди. Гўё эри нималар деяётганини тушунмагандай, гап нимада эканлигини билмагандай эди. Бирданига Бимланинг юзига табассум югурди ва шу табассумда бахтли дамларнинг хотираси ва ғурури акс этиб, у бирданига қайтада туғилганга ўхшаб кетди, кўзлари-

да илгари кўринмаган нурлар пайдо бўлди. Садҳир Бимлани бундай ҳолда биринчи кўриши эди.

— Анил!— деди аста. Бу кўзда чексиз мулойимлик, ихлос бор эди. Шунинг ўзи ғазабланган Садҳирга етарли бўлди. У арслон каби бўкириб юборди:

— Ахир ким бу Анил?! Айт дейман! Айт!!!

— У... У менинг жоним. У менинг учун бутун бир жаҳон.— Бимла буни Садҳирга айтган эмас, ўзига-ўзи айтган эди. Унинг кулиб турган кўзларида Анил билан ўтказган ширин ва бахтли дамлари акс этди. Кейин аста-секин бу кулги ғойиб бўлди, лаблари атрофида қайғу ва алам чизиқлари пайдо бўлди. Киприклари қандайдир бир оғир ғам қийноғидан юмилди ва жим қолди.

— Гапирасанми, йўқми?!— дер эди Садҳир. Жаҳл ва аламдан у нима қилишини билмасди. У ҳозир ғазаб билан столни ағдариб юбориш, унинг устида турган чинниларни чил-парчин қилиб ташлаш, чойнак билан уриб Бимланинг бошини ёришга тайёр эди.

— Ростини айт! Сен уни севасанми?!

Бимла бошини аста кўтарди. Ёшга тўлган кўзларида ғойиб бўлган жилва қайтадан пайдо бўлди-да, эрига тикка қараб, жиддийлик билан:

— Ҳа, гапингиз тўғри,— деди.

Бу жавобни эшитиши билан Садҳирга бутун атрофдаги нарсалар остин-устун бўлиб кетаётгандай бўлди. У ўзини таҳқирланган, алданган сизди. Унинг обрўйи, қадр-қиймати — бариси йўққа чиқиб кетди.

Садҳир хотинининг жон-дилидан севмаслигини биларди. Лекин Бимлани жуда уятчанг, заиф, ҳиссиз аёл деб билгани учун ҳам бировни сева олмайди, деб ўзини-ўзи овунтириб юрар эди. Бироқ, ҳозир маълум бўлдики, у эри бўла туриб, кўнглини бегона кишига берган — буни ўзи тан олди. Шунинг ўзи Садҳирнинг «Бимла бировни яхши кўришга қобил эмас» деган фикрини кўкка совуриб юборди.

Ахир буларнинг ҳаммаси Садҳирнинг эркаклик шаънига доғ-ку. «Энди ҳам мен Лондонда таълим олган адвокат, Ай-Си-Эс ассоциациясининг бўлажак секретари, вилоятдаги юз мингларча одамлар устидан турган махсус вакилнинг ўринбосариманми? Йўқ! Энди мен оддий бир одам. Маккор, бузуқ хотиннинг эри!»

— Йўқол уйимдан! Ҳозир кет!!!— Зарда билан ўшқирди Садҳир.

Бимланинг юзида на норозилик, на жаҳл ва на ғам кўринар эди. Садҳирнинг қаттиқ-қаттиқ гапираётган гаплари унинг қулоқларига қандайдир акс садога ўхшаб эшитиларди. Эри ундан жуда узоқ, жуда узоқ турарди. Бимла бутунлай бошқа бир дунёда, Садҳир бошқа бир дунёда эди. Бимла илгари йўқотиб қўйган бир қиммат баҳо нарсасини топиб олганга ўхшар, бу дамни ўн икки йил муттасил интизорлик билан кутган кўринар эди.

Бимла ҳеч нарса демай, эрига қаради. Унинг ўйчан кўзларида афсус ҳам, алам ҳам кўринмасди, балки кечирим ва раҳмдиллик порлар эди. Унинг кўзлари гўё: «Бу сизнинг айбингиз эмас. Сиз буни ҳеч қачон тушунмайсиз», демоқчидай телмурар эди. У беланчакдан кичкина қизини қўлига олди-да, секин юриб айвонга чиқди. Кавушларининг тақирлаган овози узоқлашиб, тобора пасайиб бориб, кўчалаги шовқин-суронга қўшилиб кетди...

Бимла уйдан олислашиб борган сари Садҳирнинг қичқирган овозлари унинг қулоғига акс садодай эшитилар, лекин Бимла унга эътибор бермас, балки илгари йўқотиб қўйган нарсасини топиб олган одамдай севинар, табассум қилар эди.

Садҳир, Бимла энди йиғлайди, ўз қилмишига ўкинади, кечирим сўрайди ва бошқа ҳеч бир эркак билан учрашмасликка ваъда беради, деб ўйлаган эди-ю, лекин Бимла уйдан кетиб қолади деган нарсани хаёлига ҳам келтирмаган эди. Бу кутилмаган зарба Садҳирни эсанкиратиб қўйди, бироқ Бимланинг ўйнаши борлиги унинг юрагига ўчмас олов солган эди. Юрагининг ўртанишига чидамаган Садҳир, «Анил! Анил! Анил! Қим экан бу Анил?! Мен уни ахтариб топишим керак!»— деб тўлғанар, ўтиргани жой топмас эди.

У югуриб Бимланинг хонасига кирди. Бимланинг эски хатлари жовоннинг тортмачасида эканлигидан хабари бор эди. Хотини кетиш олдидан чорпоя устига ташлаб кетган бир даста калитга кўзи тушди. Жовондаги хатларни, кундалик дафтарларни, автографлар дафтарини, эски фото суратларни титиб, энг тагидан ранги ўчиб кетган қизил ипак лента билан боғланган хатларни топди. «Булар Анидан келган хатлар бўлса керак», деб ўй-

лади Садҳир. Дарҳақиқат бу хатлар Анил ёзган хатлар экан. Хатларнинг ҳар бири ишқ-муҳаббат билан тўла эди: «Бимла, сен менинг жоним, ҳаётимсан!» «Ёлғиз ўзимнинг жоним, менинг кичкинагина Бимлам!» «Қаерда бўлмай, нима қилмай, фақатгина сенинг муҳаббатинг менга мадакордир, кўзимнинг нури Бимлам!»

Жумлаларнинг ҳар бири заҳарланган ўқ каби Садҳирнинг кўкрагига санчиларди. Қўлидан хатлар бирма-бир гилам устига туша бошлади... Шу пайт унинг кўзи эҳтиётлик билан букланган газет қоғозга тушди. Нима экан бу? Қоғозни у дарҳол очиб, эскириб қолган бир суратни кўрди. Бу суратда кенг манглайли, ақлли кўз бир йигит табассум билан қараб турар эди. Қора рамка ичидаги суратнинг тагида «Ёш шоирнинг дунёдан ўтиши» сарлавҳали бир хабар эълон қилинган эди:

«Биз чуқур қайғу билан хабар қиламизки, 1939 йилдаги сатяграҳ ҳаракати вақтида қамоққа олинган ёш инқилобчи шоир Анил Кумор қамоқда ётиб, сил касалига дучор бўлди. Икки йил ўтгач, шу касал билан кўз юмди...»

Садҳир бу хабарни охиригача ўқий олмади, бўшашиб, қўлидаги барча хатлар ерга тушиб кетди. Бу хабар газетанинг 1940 йил 18 июндаги сонидан эълон қилинган эди.

Садҳир гангиб қолди, унинг бошидаги бутун фикрлар чалкашиб кетиб, ҳеч нарсани тушуна олмай қолди. «Анил! Анил! Анил! Ахир у 1940 йилда ўлган экан-ку. Ҳозир менга унинг нима хавфи бор? Нима қилиб қўйдим ўзим?!»

Кейин у меҳмонхонага қайтиб кирди. Тахтанинг устида Анидан келган охириги хат ётар эди. Шартта конвертни олиб қайтадан диққат билан кўра бошлади. Унларча бошқа почта штампалари ичида тўрт бурчакли муҳрга кўзи тушди. Унинг ўртасида кўп маъноли учта ҳарф, DLO яъни эгасини топмай ётиб қолган хатлар почта бўлимининг белгиси бор эди.







ЯШПОЛ



यशपाल




یشپال









## ШОҲНИНГ ОДИЛЛИГИ

**Ш**аҳаншоҳ олий ҳазратлари одилликни кўп яхши кўрардилар, у кишининг арзандалари ҳам бир овоздан буни маъқуллар эдилар. Шаҳаншоҳ ўзларининг одилликларидан шунчалик мамнун эдиларки, сознинг нозик торларидан чиққан таъсирчан, оҳанграбо куй ҳам у кишига бунчалик лаззат беролмас эди. Ҳатто хотинлари Нури Ҳарам бегумнинг мовий кўзлари ҳам нафис шаробдан маст бўлган шаҳаншоҳга унчалик роҳат бағишлай олмас эди.

Ҳазрат олийлари ўзларини ҳеч ким етолмайдиган бир олий зот деб ҳис қилар эдилар. Ахир инсонлар шоҳни одил бўлгани учун, ҳатто у дунёга кетганда ҳам эсга оладилар. Демак, у абадий яшайди!

• Шаҳаншоҳ янада одилроқ бўлишни истардилар. Шу ҳақда ўйлар эканлар, биронта камбағал ҳам менинг адолатимдан бенасиб қолмаслиги керак, дедилар. Баъзи бир ўз фуқароларининг ейишга нони борми, йўқми, ундан қатъи назар, улар адолат қучоғида яшайдилар. Ахир, бандаларни едириш-ичириш — худонинг иши. Худо ўз бандаларига нон берадими, йўқми, шоҳ мамлакатда адо-

лат ҳукмини бажо келтирмоғи лозим. Сўнг шаҳаншоҳ бир оз ўйланиб: «Умуман олганда, бутун мамлакатда тартиб-интизом ва адолат ўрнатиш учун қозилар, мулларлар, нозирлар ва бошқа амалдорлар тайинлаган.— дедилар.— Улар ҳам одам-ку ахир, уларнинг қалби ўз манфаатини кўзлашдан, ҳар қандай иштиёқлардан холи эмас, шунинг учун улар ноҳақ иш қилишлари мумкин. Шаҳаншоҳнинг бурчи ўз фуқароларини қози, мулла ва бошқа амалдорларнинг ноҳақ ҳукмидан сақлашдан иборатдир».

Шаҳаншоҳ олий ҳазратлари ўзларининг ҳузурларига оддий кишиларнинг кириши қийинлигини билардилар. Саройларида дарвозадан тортиб то қабулхонагача яланғочланган қилич ушлаган соқчилар турарди. Шунинг учун шаҳаншоҳ ўзларининг оромбахш уйқуга кетадиган хоналари деразаси ёнида катта қўнғироқ осиб қўйишни буюрдилар.

Шаҳарда олий ҳазратларининг фармони билан ноғоралар чалиб, жар сола бошладилар.

Эшитмадим деманглар! Оллоҳнинг ердаги ноибни бўлмиш шоҳнинг фармони!..

Ҳар бир табаага, унинг оддий бир фуқаро ёки аслзода бўлишидан қатъи назар, маълум бўлсинким, жаҳон ҳокими, халқ паноҳи, шаҳаншоҳи азим ҳузурхоналари деразаси ёнига катта қўнғироқ осиб қўйилди. Агар кимда-ким ҳақиқат талаб бўлса, шу қўнғироқни чалсин ва келиб жаҳон ҳокимига арзини баён қилсин.

Бу фармони олий шоҳнинг қозиларини, амалдорларини, муллаларини жуда ташвишга солди, улар шу ондаёқ қози калонга қараб югурдилар ва арз қилдилар:

— Агар шаҳаншоҳ адолат, тартиб-интизом ўрнатиш ишларини ўзлари шахсан адо қилсалар, у вақтда қозилар, муллалар ва бошқа амалдорлар нима қилишлари керак?

Қози калон ўзига тобе кишиларнинг аҳмоқлиги устидан фақат кулдилар:

— Айтинглар-чи, адолат қўнғироғини чалиш кимга боғлиқ! Уни қўриқлаш ишлари кимга топширилади, а?.. Бизга — олий ҳазратларининг хизматкорларига! Шаҳаншоҳ олий ҳазратлари давлатни ҳифзи ҳимояларида сақлайдилар, биз бўлсак-чи? Ул кишининг муқаддас зотларини ва адолат қўнғироқларини қўриқлаймиз, шунинг учун... Бу ёғини ўзинглар билиб олаверасизлар.

Келган мулла, қози ва бошқа амалдорлар қози калоннинг ақллари ва тажрибакорликларига офаринлар ўқидилар, йўл-йўриқ кўрсатганлари учун у кишига эҳтиром билан қад букдилар. Тезда шаҳаншоҳ фармонига мувофиқ адолат тантанаси муносабати билан осилган қўнғироқни қўриқлаш мақсадида қуролланган соқчилар тайинланди.

Шаҳаншоҳнинг ўзлари бўлсалар, оромбахш ҳузурларида Нури Ҳарам бегум қўлларида биллур косада муздай шароб ичиб, айшларини суриб ётавердилар. Кунлар, ҳафталар ўтди, аммо ҳеч кимса адолат қўнғироғини чалмади.

Шаҳаншоҳ бўлсалар, мамлакатимда адолатсизлик йўқ, деб хурсанд бўлар эдилар.

\* \* \*

Кунлардан бир кун кечқурун, дхўбий Будҳова буқасига кир-чирларни ортиб, дарё томонидан уйга келди. У жуда ҳолдан тойиб чарчаган эди, шунинг учун ҳам буқани устунга боғлашни эсдаи чиқариб, тезда уйга кирди-да, уйқуга кетди.

Буқа эса бу ҳолдан фойдаланиб, баши оққан томонга қараб жўнаб қолди. У тез орада бозорга кириб келди. Бозордаги дўконлардан бирининг тахтасида турган шиниларни ялаб маза қилмоқчи бўлди, аммо сотувчи бу чақирилмаган қўпол меҳмонни кўриб, қўлига калтакни олди-да, эгасининг шаънига лаънатлар ўқиб, савалай бошлади. Буқа ўз йўлида жўнаб қолди. У қандайдир бир бойнинг отхонасига кириб, кўм-кўк бедани еб кўрмоқчи бўлди, бироқ бойнинг хизматкорлари уни қамчи билан уриб ҳайдаб юбордилар.

Бундай озодликдан лаззатланган Будҳованинг буқаси шаҳар кўчаларида дайдиб юрди. Унинг белида қамчи ва калтакларнинг зарбидан янгидан-янги қабариклар пайдо бўла бошлади, бироқ у бунга парво ҳам қилмас эди. Буқа юра-юра ниҳоят шоҳ саройига етиб борди.

У деразадан осилиб турган қўнғироқни қоронғида кўриб, қандайдир хушхўр овқат деб ўйлади-да, унга ташланди.

Адолат қўнғироғини қўриқлаб турган соқчилар мудрардилар. Ахир улар адолат қўнғироғини ҳақиқат истаб келувчи кишилардан қўриқлар эдилар, аммо ҳай-

вонларнинг адолат излаб келишини хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар-да!

Буқа қўнғироққа тегиши биланоқ, ундан жарангланган овоз кўтарилди. Бундан соқчилар саросимага тушдилар. Аммо шу топда шоҳнинг ҳузурхонаси ёнида қўнғироқни пойлаб турган хизматкорларнинг овози эшитилди:

— Шаҳаншоҳ олий ҳазратларининг меҳр-шафқатларини йўқлаётган ким? Мазлумни келтиринглар!

Соқчиларнинг буқани шоҳ саройига олиб киришдан бошқа иложлари ҳам йўқ эди.

Мастликдан кайфлари ошиб, гандираклаётган одил шоҳ адолатли ҳукм чиқаришга тайёр эдилар. Бироқ ҳақиқат излаб келувчи — буқа эканини кўриб, шошиб қолдилар, кўзларини ишқалаб, каттароқ очиб, дурустроқ қарадилар, лекин ўша буқа ўша буқа. Шундан кейин шаҳаншоҳда у ҳукмронлик қилиб турган мамлакатда яшовчи фақат фуқароларгина адолат талаб қилиб келиш ҳуқуқига эга бўлмасдан, балки ҳайвонлар ҳам худди шундай ҳуқуққа эга деган фикр туғилди.

— Тила тилагингни,— дедилар шаҳаншоҳ буқага. Лекин у ҳеч қандай жавоб бермади. Шу вақтда шаҳаншоҳ буқанинг асли забонсиз махлуқлигини пайқадилар.

Адолат ҳимоячиси ҳатто гапиришга қурби етмайдиган фуқароларининг ҳам нимадан шикоят қилишини ўзи билиши керак. Шаҳаншоҳ яна диққат билан буқага қараган эдилар, унинг орқаларида қабариб турган қамчи изларини кўрдилар. Ана шунда, шаҳаншоҳ буқанинг нима учун ҳақиқат сўраб келганини англадилар ва шу ондаёқ шаҳар соқчилари бошлиғига буйруқ бердилар:

— Бу буқанинг эгаси топиб келтирилсин!

Шоҳ ҳазратларининг содиқ қули жон-жаҳди билан шоҳ амрини бажо келтиришга киришди ва тез орада дхўбий Будҳовани топиб, шоҳ олдига келтирдилар.

— Сенинг буқанг,— дедилар шаҳаншоҳ Будҳовага мурожаат қилиб,— бизнинг даргоҳимизга ўзининг калтак еганлигидан шикоят қилиб келди.

Шоҳ ўз хизматкорларига қараб яна сўзларида давом этдилар:

— Қани сананглар-чи, бу буқанинг орқасида қанча калтакнинг изи бор. Калтакнинг изи қанча бўлса, унинг эгасини шаҳар майдонига олиб чиқиб, шунча марта урилсин!

Бу ҳукми эшитган Будҳова қалтирай бошлади. У шаҳаншоҳ ҳазратларининг оёқларига бош қўйиб, раҳм-шафқат тилай бошлади:

— О, жаҳон паноҳ! Қулингиз буқасини ҳамма вақт яхши кўрган ва парвариш қилган, уни ҳеч қачон ранжитмаган эди. Қани буқани урганимни кўрган бирор шоҳид бормикин!

Шаҳаншоҳ ўлим гирдобига ҳукм қилинган Будҳовани шоҳнинг адолатли ҳукмга шубҳа келтиришга журъат қилганлигидан жуда ҳайратда қолдилар. Аммо, оқилликни эсга олиб, ўзларининг нафратланганликларини яшириб, шундай дедилар:

— Эй аҳмоқ одам! Биз сенинг мардлигингга қойилмиз. Шоҳ ҳукмини тан олмаслик унинг фуқаролари учун катта гуноҳдир. Башарти мамлакат ҳокими фуқаролари устидан ҳукм чиқарар экан, ҳеч қандай гувоҳнинг ҳожати йўқ. Бизнинг хизматкорларимиз сени ушлаб келтирди ва биз сени жазолашга ҳукм қилдик, ҳақиқатан ҳам сен гуноҳкорсан!

Шаҳаншоҳ шу билан сўзларини тамомладилар, хизматкорлар эса шаҳаншоҳ олий ҳазратларининг адолатли фармонларини бажо келтириш учун Будҳованинг оёқ-қўлларига кишан солдилар.

Мамлакат ҳокими ўз даргоҳларига қайтганларидан сўнг, Нури Ҳарам бегум у кишининг адолат шаънига содиқ эканлигини мақтай кетдилар. Шаҳаншоҳ олий ҳазратлари бўлсалар бегумнинг қўлларидан шароб тўлдирилган янги косани олиб, мамнуният билан шундай дедилар:

— О хоним! Мамлакатимизда фақат инсонгина эмас, балки ҳайвонлар ҳам адолат соясида эканлиги бутун дунёга аён бўлди!





## КУЛ БОСГАН УЧҚУНЛАР

*...Муваффақиятсизлик ва умидсизлик кули ҳаётимиз учқунларини сўндиради. Мен ана шу учқунларни пудаб уларни қайтадан алингалашга мажбур қилмоқчиман.*

*...Кишилар орасида яшаш мени ўзига мафтун қилади.*

**У** менга қўшни эди. Унга жуда ҳам ихлос билан қарардим, унинг қиладиган ишида қандайдир сеҳр борга ўхшаб кўринарди, бироқ бунда кишини эҳтиёт бўлишга мажбур қиладиган, гўё қасддан ёки олдиндан ўйланиб қилинаётган ҳеч нарса йўқ эди. Ундаги махфийликда кишининг диққатини ўзига тортадиган ва унга нисбатан ҳамдардлик туғдирадиган қандайдир бир оддийлик бор эди. Бошқалардан устун турганлигидан бўлса керак, бу киши атрофидаги кишилардан ажралиб турарди.

Рассомнинг акаси билан укаси отаси топган мулк пойдеворига ўзларининг мустақиллик фаолияти биносини қуриш учун анчагина унумли меҳнат қилишганди. Улар энди оиланинг фахрли бошлиқлари ва шаҳарнинг обрўли кишилари бўлишга муваффақ бўлгандилар. Ака-укалар кекса шажара дарахтининг янги тупроқ топиб осмонга бўй чўзган ва гуллаб кетган янги новдалар оиласига озиқ берган бутоқларини эслатарди. Ота эса бу икки ўғлининг муваффақиятларидан хурсанд ва мағрур эди.

Қўшним бир неча марта марта омади келганда ҳам ҳеч нарсага эришолмаган, шунинг учун ҳам ота ўғлининг

ожизлигини кўриб унга алоҳида мойиллик қилар эди. Бироқ ўғил бирорта амал эгаллаш учун ҳеч ҳаракат қилмас, бу эса отани хафа қилар ва гангитар, менинг бўлса унга ҳавасим ортар эди. У беғаразлик мужассами бўлганлиги учун бойлик орттиришга ҳаракат қилмас эди. Шухратпарастлик ҳам унга ёт, дунёнинг ишларидан четда турарди. Бу эса чинакам зоҳидликнинг ўзгинаси эди.

Ота ўлгандан кейин унинг минг-минглаб пуллари бўлган эпчил ва удлабурро ўғиллари меросни тақсимлашда бир пайсагача қайта-қайта ҳисоблашди. Уртанча ўғилга иккита эски уй текканида у норози ҳам бўлмади, ташвишланмади ҳам.

Мен ҳеч қачон унинг ўзига қараганда ўн марта ортиқ даромад олаётган биродарларига ҳасади келганини кўрмадим. У ҳатто пулга жуда муҳтож бўлиб қолганда ҳам заррача ташвишланмас эди. Унинг қалбида доим хотиржамлик ва гўзаллик ҳукмронлик қилар, у буларни ҳар ердан топа олар, чунки ҳар иккисининг ҳам манбаи ўзида эди. Бу киши ўзининг ички дунёсига бутунлай берилган, ўзи билан ўзи овора эди.

У санъат учун яшар, фақат санъат билан нафас оларди. Унга ўз истеъдодидан қандайдир шахсий мақсад йўлида фойдаланиш санъатни булғаш билан баб-баравар эди.

Унинг дўстлари унчалик кўп эмас эди. Кишилар билан танишув уни безовта қиларди, холос. Мен рассом чизган суратларга қизиқиб қолиб, у билан ўзим танишдим. Олдин у мендан тортиниб юрди, кейинчалик эса менга ўрганиб қолди шекилли, бироз очила бошлади.

Рассом гоҳо уйимга келар эди-ю, келар вақтининг тайини йўқ эди. Баъзан ёлғиз ўзи шаҳардан тўрт-беш чақирим ташқарига чиқиб кетар, бироқ кўпинча вақтини иш устида, рассомчилик тахтаси, мўйқалам ва бўёқлар қорилган косачалар орасида ўтказарди.

Рассом жуда ҳам кам гап эди. Гапираётганда эса қандайдир ғалати жумлаларни ишлатарди. Унинг фикрларига унчалик қўшилмасангиз ҳам, сиз билан ажойиб одам гапиришаётганлиги учун беихтиёр қулоқ солардингиз. Унга дарахт ва ўт-ўланларнинг оқариб, ғужмайиб қолган япроқларида ёки қуёш нурида ялтираётган ўргумчак уясига тушган шудрингда нималар

кўринганини ким билади дейсиз. У эса буларга қараб завқланарди.

Май кунларининг бирида, худди туш пайтида мен ҳарбий шаҳарчадан автомобилимда қайтиб келаётган эдим. Осмонга тутундек кўтарилаётган чангда қўшнимни кўриб қолдим. У кимсасиз йўлда шаҳар томон якка ўзи кетмоқда эди. Машинани тўхтатиб, уни чақирдим:

— Қаёққа кетяпсиз?

— Шундай айланиб чиққан эдим,— деб жавоб қилди у.

— Шундай жазирамада-я? — деб ҳайрон қолдим мен. Сўнг машинанинг эшигини очиб таклиф қилдим:— Утиринг!

— Йўқ, йўқ.— деди дхўтийсининг четини ушлаб. У ажабланганимни ҳам сезмаган эди.

Мен деярли зўрлик билан уни машинамга ўтқиздим. Қўшним ўзини бир оз ўнғайсиз ҳис қилиб индамади. Сўнг паст овоз билан гапира бошлади:

— Қаранг-а, қандай гўзаллик... худди ҳаммаёқ эритилган кумуш билан қоплангандай... Қор тушса ҳаммаёқ ўзгаради... Оппоқ оқаради. Олов селининг осмонга жимираб кўтарилишини қаранг. Гўё ер ҳам унга қўшилиб, осмонга кўтарилиб кетаётгандек...

Рассом менга ўгирилиб қаради-да:

— Бу қора кўзойнакни бироз юқорига кўтарсангиз,— деб қўшиб қўйди тортиниб.

Кўзойнакни кўтаришга тўғри келди-ю, кўзимга гўё найзалар санчилгандай бўлди. Кейин ҳақиқатан рассом гапирган нарсаларини мен ҳам ҳис қилаётганга ўхшадим.

«Бу одам қандай ажойиб-а,— деб ўйладим мен,— бу одам ҳали дунёга маълум бўлмаган гений эмасмикин?»

Куз кунларидан бирида қўшнимни дарё бўйидаги пичанзорга туташиб кетган дарахтларнинг тагида учратдим.

У дхўтийсининг бир чеккасини ушлаганича, шошмасдан локланган, бироқ титилиб кетган туфлиси билан сарғайиб кетан ўтларнинг қуруқ баргларини эзиб, тез борар эди.

Мен чақирдим, бироқ у индамади.

Эргасига рассомни иш устида учратдим. У қўлида мўйқалам, тикка турганича расм чизарди. Сурат жуда ҳам ажойиб, унда ботаётган қуёшнинг осмонни қизғиш



шафақ билан тўлдирганлиги тасвирланган эди. Қуёш нурида ишқ дардида тўлиб-тўлиб сайраётган, худди осмонга кўтарилган бармоқдай келадиган иккита қора қушча қўнган қари дарахт ҳам яққол кўриниб турарди.

Мен манзарага мафтун бўлиб, узоқ вақт кўзимни узолмай турдим. Кейин рассомга:

— Кеча мен сизни боғда кўрдим. Чақирсам индамай кетавердингиз,— дедим.

У бўлса менга савол назари билан қаради-да, бир оз ўйлаб туриб жавоб берди:

— Мен паркда худди шуларга ўхшаган иккита қора қушчани кўриб қолдим. Бироқ улар тез учиб кетишди. Агар шуларни суратда гавдалантириш мумкин бўлса... деб ўйлаб қолдим.

\* \* \*

Рассом қўшнимнинг «Қувғин», «Гауришанкар», «Ганг ва океан» номли суратларидан бирортаси ҳам ҳали шуҳрат қозонмаган эди. Бироқ менинг шунчалар ишончим комилки, агар уларга санъатга тушунадиган бирорта одамнинг кўзи тушиб қолгудек бўлса, у одамнинг ҳайратда қолиши турган гап.

Қўшним ўзининг ҳис-туйғуларига шу қадар берилиб кетган одам эдики, уй билан иши йўқ, бепарво бўлса керак, деб ўйлардим. Бир кун икковимиз уйининг остонасида ўтирар эдик. Рассом чуқур ўйга ботиб ўтирар, бу эса менинг нафасимни бўғар, бироқ унинг тинчлигини бузгим келмас эди. «Қим билсин, ҳозир унинг миясида қандай ажойиб асарлар яратиш орзуси туғилаётганикин?»— деб ўйлардим.

Шундайгина ёнимизда, зинапояда рассомнинг уч ярим яшар қизчаси ўйнаб ўтирар эди. У отасига қараб «дада, дада, дада» деганда отаси гўё уйқудан уйғонгандек:

— Қандай ёқимли...— деди.

Мен рассом ҳам инсон эканлигини энди тушундим.

Донишмандлар Лакшмийни адашган маъбуда, деб жуда тўғри айтадилар. Ҳеч нарсани ўзгартириш унинг қўлидан келмайди.

Қўшнимнинг уйларидан бирини ижарага қўйиш жуда қийинлашди, гўё жинлар уйга ўрнашиб олишган эди.

Рассомнинг даромадлари камайиб кетди. У нон тўғри-сида унчалик ўйламайдиган кишиларнинг ўртача синфи-га мансуб бўлмаса ҳам, бунга сира эътибор бермас-ди.

У бошига кулфат тушган одамга маслаҳат, ҳатто ёр-дам беришга тайёр кишидай, рўзғорга мутлақо эътибор бермасди. Чунки бунга аҳамият беришга шунчаки унинг вақти йўқ эди. Бу тарки дунё қилиш, зоҳидлик эмасми-кин? Рассомнинг хотини кўзи ёришига яқин қолганда, тўсатдан касал бўлиб қолди. Ҳақимларга сарф қилинган харажатлар ҳам фойда бермади. Икки ой ичида қўшним уч ярим минг рупия сарф қилди. Бир уй аллақачон ижара-га берилган, иккинчиси ҳам тезда ижарага қўйилди. Шундай бўлса ҳам рассом ҳеч нарсадан шикоят қилма-ди. Унинг айтган гапи фақат: «Агар пул киши ҳаётини сақлаб қолар экан, мен учун ҳеч қандай қиймати йўқ. Нима бўлса бўлсин, ишқилиб хотиним тирик қолиши керак»,— бўлди холос.

Шундай оғир кунлардан кейин рассомнинг аҳволи янада аянчли ҳолга тушди. Бироқ у атрофдаги муҳитга гўё алоқасиздай эди. Оёқларида титилиб кетган сандал бўлса ҳам, худди амиркон туфли кийиб юргандай бахтли эди.

Қўшним анча вақт кўринмади. Уни сурат чизаётир дейишарди. Қўшнимга халал беришни истамаганимдан, уйига ҳам яқинлашмас эдим. Мен қўшнимнинг янги асари тайёр бўлибди, деб эшитганимдан кейингина, уни кўриш учун бордим.

Сурат «Туғилиш ва ўлиш» деб аталарди. У туғруқ-хона палатасини тасвирларди: ўринда рассомнинг хотини ётар, унинг озиб кетган ва кўп азоб тортганлигидан сини-қиб кетган юзида ўлим даҳшати акс ётарди. Онанинг назари жуда кўп тортилган уқубатлар булути остидан ярқираб чиққан юлдузга ўхшаган янги туғилган чақалоқ-қа қаратилган эди.

Хотиннинг кўзлари худди тонг отарга яқин осмонни туман қоплагандек хиралашган, кўз қорачиғлари юлдуз-дек сўнган эди. Суратни кўрар эканман, кун бўйи ҳеч нарса деёлмадим. Ахир, нима ҳам дея олар эдим? Бу сурат узоқ вақтгача кўз олдимдан кетмай, тасаввуримда ҳамиша гавдаланиб турди.

Бир кун газеталарда Бомбайда Бутун Ҳиндистон

бадий кўргазмаси ташкил қилинаётганлиги тўғрисидаги хабарни кўриб қолиб, кўшнимга суратларини кўргазмага топширишга маслаҳат бердим. Бироқ бу унда ҳеч қандай қизиқиш уйғотмади. Рассом, санъатда юқори бадий маҳоратга эга бўлишнинг ўзи менга ҳар қандай мукофотдан ортиқ, деб ҳисоблар эди. Бунинг учун ҳар қандай далилларни истаганча келтириш мумкин эди. Мен рассомга, унинг истеъдоди фақат шахсий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилишни йиғиштиргандагина бошқаларга қувонч келтира олади, деб тушунтиришга уриндим.

Ниҳоят узоқ давом этган уринишлардан сўнг унинг суратларини Бомбайга ўз ҳисобимдан юбордим. Орадан икки ҳафта ўтгач, кўргазмани ташкил қилувчилардан «Европалик коммерсант «Туғилиш ва ўлиш» асари учун беш минг рупия беришга тайёр» деган мазмунда телеграмма олдим. Суратни кўргазмага ўзим юборганим учун телеграмма ҳам менинг номимга келган эди. Рассомнинг феълени билганлигимдан унга бу таклифни билдирсаммикин, деб чуқур ўйга ботдим. Айтгандай, сурат учун тўланадиган пул рассомнинг аянчли турмушини анча енгиллаштирар эди, бундан санъат номусига ҳеч қандай путур етмайди-ку? Яна бундан ташқари «Суратдаги фикрлар ва образлар деб ўзининг даромадларидан беш минг рупияни қурбон қилаётган киши шу билан рассомнинг истеъдодига ва ғояларига катта шараф билдирыпти-ку», деб ҳам ўйлардим.

Жуда кўп хавфсираш ва иккиланишлардан кейин, ниҳоят, рассомга телеграмма ҳақида сўз очдим. Бироқ суҳбатимиздан натижа ўйлаганимдек бўлиб чиқмади.

Мен савдога рози эмаслигим ҳақида телеграф орқали хабар қилдим. «Харидор ўн минг рупия тўлашга тайёр», деб жавоб келди. Жуда зўр ҳаяжон билан рассомга бу ҳақда оғиз очган эдим, у:

— Мен суратларнинг кўргазмага юборилишини истамаган эдим. Ундан ташқари, мен ўз илҳомимни пулга сотиш мақсадида эмасман. Суратларни қайтариб юборишларини талаб қилинг!— деб кескин жавоб қайтарди.

Рассомнинг бу соҳада мутлақо уқувсизлигига ишонч ҳосил қилган бўлсам ҳам, қалбан уни дунёдан ажралган ижодий фикри ва санъатга беғараз муносабати учун ҳурмат қилардим. Санъаткорнинг ишига нақадар берил-

ганлигини кўрсатувчи бу жонли мисол мени санъат — ҳаётдан ҳам юқори туради, деган фикрга қўшилишга олиб келди. «Шубҳасиз,— деб ўйлардим мен,— оддий киши санъат эришган чўққига яқинлаша олмайди; ундан кейин санъатда, албатта, қандайдир олий фикр бор. Ўзимизнинг кундалик ташвишларимиз билан банд бўлиб, биз санъат берган туйғуларни, унинг олий дунёга қанот қоқишидаги бутун севинчларни охиригача чуқур ва ҳар томонлама ҳис қила олмас эканмиз. Бунга сабаб санъатнинг заифлиги эмас, балки ҳиссиётимиздаги нозикликнинг етишмаслигидир. Санъат худди руҳ ва илоҳий кучдек беқайғу ва чексиздир. Унга оддий киши фақат алоҳида истеъдодли кишиларнинг ҳис қилиши орқалигина етишиши мумкин. Рассомга унинг ижоди келтирган бахт бунинг яққол далилидир. Ўзини бутунлай санъатга бағишлаган рассом оиласининг аянчли аҳволи бадий ижоднинг қувончи киши ҳаётининг сақлаш ҳақидаги ғамхўрликдан ҳам олий ва қудратли деган ҳақиқатни исботламоқда.

Ўзим санъат меҳробидан анча нарида тураман. Мен фақат санъатнинг кундалик турмушимиз ғовларини ёриб ўтган сийрак нурларини илғаб олишгагина муяссар бўлдим.

Мен санъатга бошқача йўл билан, яъни қотил одам диний хизматга кирмоқчи бўлганда буни доимо маросимни бошқарадиган муҳиб орқали амалга оширганидек, санъат муҳибларига ўзимнинг ҳурматим ва эҳтиромим орқали таъзим қиламан. Менинг санъатга бўлган муҳаббатим бироз қўпол шаклда рассомга, гўзаллик муҳибига хизмат қилишга тайёрлигимда ифодаланади.

\* \* \*

Рассомнинг хотини кундан-кунга сўла бориб, бир куни мурғак чақалоғини қолдирди-да, тинчгина абадий уйқуга кетди. Оғир мусибатга учраган рассом бир неча кунгача беҳуш ҳолга тушиб қолгандек туюлди. Қўшнилариимиз чақалоқни рассомнинг қайин оғасиникига юборишди. Бироқ рассом бир оз ўзига келгандан кейин унинг лабларида яна табассум пайдо бўлди. У яна бир асар яратди. Суратда тасвирланишича, ранги сутдек оппоқ дарвиш қорли чўққига чиқиб бормоқда. Унинг дугонаси бу ма-

шаққатли йўлда ҳолдан тойиб йиқилди. Йўловчи ҳайрон. У қайрилиб қорда чўзилиб ётган жонсиз танага қарамоқда. Қорли тоғнинг чўққиси, гўё тирикдек уни ўзига ром қилмоқда...

Суратдаги олий фожиавий ғоя мени тилдан қолдирди. Бу фақат оддийгина сурат эмас эди-да. Бу санъат йўлида ўзини мағрур қурбон қилган, унга бутун ҳурматини бахш этган санъаткор ҳақидаги, рассомнинг мўйқалами, унинг улуғ мақсадлари ҳақидаги бир бутун қисса эди. Мен, бундай олий идеал олдида бизнинг чириган турмушимиз нимага арзийди, деб ҳайратда қолган ҳам эдим.

Шу билан бир қаторда, ҳаяжондан ларзага келган миямда қандай қилиб кишилик турмушини санъатнинг бундай улуғ, қурбон талаб қилувчи қудрати билан қўшиши мумкин? деган савол турарди. Рассом бу саволга жавобни сурпга сингдирган эди. У гўё бўёқларнинг овози билан менга: «Зулматда чироқ ёниб турибди. Унинг ёруғи яқиндан ҳам, олисдан ҳам кўринади. Агар чироққа яқинлашилса, у янада сернур кўринади, атроф эса янада ёруғроқ кўринади. Бироқ унга тегиш мумкин эмас. Чиронинг ўртасида ёғ ва пилик орқали мавжуд бўлиб турган ўт бор», дер эди.

Рассом муҳтожлик ва мусибатдан жуда ҳам озиб кетди, бироқ кўзлари илҳом алангасидан янада равшанроқ порлади. У муродига етди. Санъатга бўлган мухлислиги унга қанчалик азоб берса, унга бўлган садоқати ҳам шунчалик ортиб борар эди.

\* \* \*

Кузнинг, айниқса, моғҳ ойининг совуқ кунларида эрта билан барвақт турадиган одатим бор. Бироқ нима бўлди-ю, кеча роса чарчаганлигимдан, одатдагидан бир соат ортиқ ухлаб, кечроқ турдим. Унчалик шошиладиган зарур ишим йўқлигидан айвонга чиқдим-да, боғбон иш бошлаб юборганмикин, деб боққа қарай бошладим.

Шу пайт қизим Бону, худди кийик боласи туёқларини типирлатгандек, ботинкаси билан ерни тапиллатиб келиб, бармоғимдан ушлаб олди-да:

— Дада, биз айланиб келамиз. Укамни аравачасига

солиб оламиз. Радҳа ҳам биз билан боради. Сиз ҳам борасиз! Дада!— деб тортқилай бошлади.

Шриматижий шол рўмолга ўралиб уйда ўтирар, болаларни эса иссиқ кийинтириб, энага Радҳанинг назоратида тонг отиши билан қуёш чиқишини кўриш учун кўчага, бироз сайр қилишга юборарди. Ҳа, айтгандай биз ҳозир, фақат ўзимиз ҳақимиздагина ғамхўрлик қилмаймиз; болаларимизнинг саломатлиги бизга ҳар бир нарсадан қиммат.

Бармоғимдан ушлаб олган Бону, худди туянинг тизгинидан ушлаб олган сарбондек, мени етаклаб борарди. Мен ҳам индамай унинг буйруғига итоат қилиб борар эдим. Эгнимда енгил пальто, совуқдан жунжикиб кетган эдим. Қизим мени кўчага чиқадиган жойгача етаклаб борган бўлса ҳам ҳеч қўйиб юборадиганга ўхшамасди. Бироқ йўл-йўл пижамада бундан олисроққа бориш анча ноқулай бўлганидан Бонуни чалғитиш учун нимагадир қизиққан киши бўлиб атрофга қарай бошладим.

Бизнинг бангаламизга туташган ер қўшнимиз хон соҳибга қарарди. Мана ўн йил ўтса ҳамки, иморат бўш, атрофи ҳатто ўралмаган ҳам эди.

Шу чоқ назарим уйимизни тўсиб турган ғовдан нарига тушди-ю, чиқаётган қуёшнинг нурида ялтиллаб турган, шудринг тушган бутазорда сўкичакка ўхшаган кишини кўрдим.

Нотаниш киши бир парча эски гиламда ётар, атрофда нон бурдалари ва консерва банкиси ёйилиб ётарди. Устини ёпиб туриши керак бўлган ип чойшап сурилиб пастга тушиб кетганди. Бундай совуқ кечада очиқ ҳавода тунаш мумкин эмаслигига гўё у кишининг ақли етмаган эди.

Хаёл мени яшин тезлигида ҳар қаёқларга олиб қочди: қандай қилиб у бу ерга келиб қолди? Эҳтимоёл, бу гадой тунни шу ерда ўтказиб, музлаб қолгандир.

У киши қимирламасди. Улгандир балки?

Болаларга бундай даҳшатли манзарани кўрсатмаслик учун, уларни Радҳа билан узоқроққа кеткизиб юборишга шошилдим. Кейин якка ўзим яқинроқ бордимда, нотаниш кишига синчиклаб қарадим. Қўл билан пайпаслаш хавфли — унда юқумли касаллик бўлиши ҳам мумкин эди.

Шундай бўлса ҳам ахир, у ичсон-ку! Мен уни пай-паслаб, заифгина фиғон чекканини эшитдим-да, унда ҳали ҳаёт сўнмаганини билдим.

Менда икки туйғу — қўрқув ва ҳамдардлик бир-бири билан олишарди. Тезда уйга қайтдим-у, санитар ҳаким жаноб Арорга сим қоқдим. Бир нафасда «тез ёрдам» соявон араваси келди-ю, номаълум кишини касалхонага олиб кетди.

Мен машинада уларнинг кетидан бордим. У ер-бу ерга учраб, беморни даволаш учун касалхонада олиб қолишларига эришдим. Орадан икки соат ўтгач, нота-ниш киши бутун баданга грелка қўйилган ҳолда юмшоқ ўрин солинган касалхона каравотида ётарди. Ҳакимлар ингичка жўмракли идишдан сут билан брэндени омихта қилиб беморнинг оғзига томизишарди.

Мен уйга тушда қайтиб келдим. Тўғри, бу воқиа мени ачча ишдан қолдирган бўлса ҳам, ҳар ҳолда кўнглим тўқ эди. Машинамни энди ҳовлига олиб кирмоқчи бўлиб турган ҳам эдимки, рассомни кўриб қолдим. У жуда ҳам қаттиқ ҳаяжонда, кўзлари олазарак бўлиб, уйимиздан наридаги ялангликда ниманидир ахтарарди.

Мен унга яқин келарканман, сўрадим:

— Менга қаранг, дўстим, сиз бундан қандай қилиб хабар топдингиз? У кишини мен эрталаб кўриб қолдим. У аранг нафас оларди. Агар у киши тузалиб кетса жуда ҳам ажойиб бўлади-да... Унда инсонликдан ҳеч нима қолмабди, қаранг-а...

Рассом эса пинагини ҳам бузмай сўради:

— У қаёққа ғойиб бўлди?

Мен унга дедим:

— Э, дўстим, мен ҳозиргина уни касалхонага элтиб қўйдим. Бечорани даволаш учун олиб қолишга докторни аранг кўндирдим. Буни менга қанчалик қимматга тушганини биласизми?

Рассомнинг умидсиз қиёфада ўгирилиб орқасига қайтиб кетганини бир кўрсангиз эди. Бир неча марта чақирсам ҳам индамади. Кейин анчагача орқасидан бордим. У, ҳатто қайрилиб ҳам қарамади. Ноилож орқага қайтдим.

Кечқурун зарур иш билан бир ерга боришим керак эди, бироқ ротадан зарур ҳужжатлар келиб қолди. Мен у ҳужжатларга шошилиб қўл қўяётганимда, уйга

қандайдир бир суратни кўтариб, рассом кириб келди. У қўлидаги сурпни столга қўяр экан, ғазаб билан:

— Мен буни икки кун чиздим... Сиз эса ишнинг пачавасини чиқардингиз... Энди буни олинг ўзингизга,— деди-да, уйдан чиқиб кетди.

Ҳали тамомланмаган бу сурат эрталаб кўрган манзарамни кўз олдимда қайтадан тирилтирди. Бунда худди ўша ярим ўлик гадо тасвирланган эди. Усти қора тери билан қопланган скелет санъатнинг афсонавий кучи билан жонлантирилган эди. Бунда, рамкадаги суратда, бир парча эски гиламда инсон азоб чекар эди! Унинг қўллари, очилган оғзи ва умидсизлик тубига чўккан кўзлари нажот тилаб осмонга қараган.

Сурат ҳали тамомланмаган, бироқ унда кишини ҳаяжонлантирувчи ҳақиқат ўзининг бутун далиллари билан мужассамлашган, қалам билан эса унга «Кул босган чўғлар» деб ёзиб қўйилган эди.

Рассом суратни икки кун чизган, икки кун ярим ўлик ҳолдаги инсон скелети, ўлим кули билан қопланаётган ҳаёт чўғларини ҳақиқат гуллари билан безанган санъатнинг ёрқин акс эттириши учун азоб чеккан эди.

Ориқлаб кетган танани совуқ ўлим ётоғидан касалхона каравотига олиб ётқизиш билан меч санъат асарининг мукаммаллашишига зарба бергандим. Ўзбошимчалик қилиб қўйганим эса рассомни беҳуд қилиб қўйган эди.


Асарда, кишининг қақшатғич азоблардан нажот тилаб осмонга чўзилган қўллари ёрдамида санъат менинг ноўрин қилган ишимга норозилик билдирмоқда эди. Асар руҳининг ўзи ҳам мендан гина қилар ва койир... мен бўлсам унинг олдида жиноятчи эдим.

Менинг бутун бахтсизлигим — пушаймон қилиш учун ўзимда етарли жасорат топа олмаганимда эди.

Бу сурат, инсонийлик билан тўла бу асар, ҳозир ҳам ўша аҳволда. Рассом жуда ҳам хафа ва кайфи бузуқ. Санъат асари битмай қолди... эҳтимол у ўз такомилига мунтазирдир?







РАЗИЯ САЖЖОД ЗАХИР




रज़िया सज़ाद ज़होर



رضیہ سجا و ظمیر  
محکمہ





## У Н Г Е Н Б О Ш

**К**ошки, у қўшнисининг ўғилчасини кўрмаган, уни бағрига босиб эркалатмаган бўлса. Бола ҳам унга жуда ўрганиб қолган эди. Жажжигина, дўмбоққина бола семиз, майин юнгли жажжи қуёнга ўхшарди. Сочи калта қилиб олдирилган, калта иштон кийган бу бола тез-тез унинг уйига келар ва худди ўзининг уйида юргандек, хурсандлик билан чопқиллаб ўйнаб юрарди. Аввал у ўз турмушидан ғоят хурсанд эди. Эри ва икки боласидан иборат бу оила унга жаннат бўлиб туюларди. Лекин бу кичик инсон дастидан унинг кўнглида ғалати бир ғашлик ва безовталиқ ҳисси пайдо бўлди. У номаълум бир нарсанинг етишмаслигини аччиқ ҳис қила бошлади. Мусаффо ва зилол сувли кўлга тош ташлаганингизда кўл юзи безовталаниб, тобора катталлашиб борувчи доиралар пайдо бўлганидек, бу кичик инсон ҳам унинг дилида ҳаётдан норозилиқ ҳисларини уйғотди.

Қизларининг узун сочини тарар экан, унинг кўз олдига сочи олдирилган ўғил боланинг боши пайдо бўларди. Унинг кўз ўнгида яна кичкина, калта иштон ва бир

тугмаси синган кўйлак пайдо бўлар ва кўйлак ёқасидан эркак кишининг бақувват кўкраги кўринарди. Бу бақувват ва сержун кўкрак эрининг кўкраги эди. Ўғлининг кўкраги ҳам эрининг кўкрагига ўхшаган кўркам ва бақувват бўлади... Энди унинг дилида бир хоҳиш пайдо бўлди ва бу хоҳиш борган сари кучайиб борди.

Шундай қилиб, куйлардан бир кун у эрига:

— Менга қаранг, бизларга энди бир ўғил керак,— деди.

Эри жамият тарихига доир қалин бир китобни жуда хотиржамлик билан ўқиб ўтирар эди. Кўзойнагини тузатиб «ҳм» деб қўйди.

— «Ҳм» дейишдан бошқа ҳеч нарса билмайсиз. Қаранг, қўшнимизнинг ўғилчаси қандай ёқимтой! Ўзингиз кеча уни ўйнатаётган эдингиз-ку?!

— Демак ўйнатаётган бўлсам, бу... ноиложнинг куйи... бизга икки боланинг ўзи кифоя.

— Ахир, битта ҳам ўғлимиз йўқ-ку!

— Нега энди ўғил бола зарур бўлиб қолди? Ўғил бола бўлди нима-ю, қиз бола бўлди нима? Конституциямизда улар тенг ҳуқуқли-ку.

Кейин у ғоят жиддийлик билан Қарл Маркснинг уч қизи бўлиб, битта ҳам ўғли бўлмаганлигини айтиб берди.

Шундайку-я, лекин ўғлимиз бўлиши керак. Чунки мамлакатимизнинг йўли бошқа. Бизнинг мамлакатимизда опа-сингиллар ва ака-укалар муҳаббатига бағишлаб юз минглаб қўшиқлар ёзилган. Менинг қизларимга бир ука ҳам керак-ку, ахир,— деди у, гўё эрининг халқ қўшиқларини ниҳоят севишлигини билгандай.

— Тўғри. Аммо муҳтарам жинс бўлган хотинлар муҳаббати ҳақида ёзилган қўшиқлар ундан ҳам кўп. Қани, яқинроқ кел-чи! — Эри уни ўзига тортди-да, жамият тарихини четга суриб қўйиб, хотинига ҳаёт ҳақиқатларини изҳор қила бошлади. Оҳ! Унинг қандай яхши эри бор! Лекин маҳалла, қўни-қўшнининг гапини эшитгиси ҳам келмайди. У эскилик сарқитларининг ашаддий душмани. Одамларнинг гапига бир қулоқ солса-чи! Бизнинг мамлакатимизда ўғил-қиз тенг ҳуқуқли, дер эди у. Қаердан чиққан коммунист бу?

Мастон кампирлар: «Битта ҳам ўғлингиз йўқми», деб сўраганларида, унинг гуноҳкор одамдай бошини қўйи

солишдан бошқа иложи йўқлигини қани энди эри тушунса.

Ниҳоят, рўй бериши лозим бўлган ва дунё бунёдга келгандан тортиб, ҳозиргача бўлиб турган нарса рўй берди. Эркак енгилди, хотин енгди. У эрига билдирмасдан врачнинг айтган эҳтиёткорлик тадбирларини йиғиштириб қўйди-да, янги вужуднинг бунёди томоч яна бир қадам ташлади, дангал ташлади.

У ўзининг ҳомиладорлигини сезиб, ўғил кўрган ҳамма дугоналари билан бирма-бир суҳбатлашиб чиқди. Охирида дугоналаридан бири унга бир йўл ўргатди. Дугонаси ўша йўл билан тўрт ўғил кўрибди. Тўрт ўғил-а! Унинг кўзлари косасидан чиқиб кетаёзди. Э, дугонаси осонлик билан тўрт ўғилнинг онаси бўлмаган-да! Дугонаси ўзига бўлган қатъий ишонч билан, ҳамиша ўнг ёнбошни босиб ётилса, ўғил кўриш мумкин, деди. Гапнинг бўлган тургани шу!.. Унинг кўз ўнгида калта иштон кийган, сочи калта қилиб олдирилган ўғилча, сўнгра... ўғлининг сержун кўкраги ва бақувват қўллари пайдо бўлди. Ўнг ёнбошда ухлаш ҳам қийин иш бўптими?! Шу бугундан, шу лаҳзадан ҳаётимнинг бирдан-бир мақсади «ўнг ёнбош» деган қатъий қарорга келган эди у.

Худди ўша кўни кечқурун унинг эри уйга қайтиб келаётганида трамвайдан йиқилиб, чап қўли анчагина лат еди. Ташвишланадиган даражада лат еган бўлмаса ҳам, врач ўн-ўн беш кун қўлга ором бериш учун ўнг ёнбошни босиб ётиш зарур, дебди.

Эрининг қўли худди қаттиқ лат егандек, хотини эрига анча вақтгача роса пором желди. Кечаси у энд ўрин солган эдики, бирданига врачнинг гаплари эсига тушди: бугундан бошлаб эри ўнг ёнбошини босиб ухлайди. Ўзи ҳам ўнг ёнбошини босиб ухлаши керак-ку! Буниси жуда ҳам чатоқ бўлди-ю! У тезгина ўринга кириб ётдида, ўзини уйқуга солди. Лекин унинг бу ҳийласи иш бермади. Эри ўринга кириб ётар экан, меҳрибонлик билан қўлини хотинининг елкасига ташлаб:

— Бу ёққа қараб ётинг, жоним. Ҳалитдан ухлаб қолибсиз. Ҳозир тонг пайти-ю,— деди.

— Нега кечасини тонг дейсиз?— деди у ҳали ҳам ўнг ёнбошини босиб ётар экан. У эри томон ўгирилмаслик учун қанақа баҳоча топишни билмай гаранг эди.

— Яхши. Бирпас адабиётингизни қўйиб туринг. Сиз-

нинг урду тилидан зўр эканлигингизни ҳамма билади, хоним! Лекин ҳозирча менга қараб ётинг.

— Докторнинг гаплари эсингиздан чиқмасин тагин. У сизга дам олишни буюрган-а.— Бундан кейин яна қандай баҳона топарканман, деб ўйлар эди у.

— Докторинг бекор айтибди! Унинг бундай жочон хотини йўқ-да!

У «хўп бўлмаса» деди-да, уялинқираб туриб ўтирди. Тиззасига эрининг бошини қўйиб, секин-аста унинг сочларини силай бошлади.

— Ҳа-а-а... бу энди бошқа гап,— деди эри ва кўзлари уйқуга кета бошлади. Сал ўтмасдан эри хуррак ота бошлади. У диққат билан эрининг уйқудаги чеҳрасига назар ташлади: лаблари дўрдиқ, бурни узун, сочлари жичгалак ва қулоқлари катта-катта эди! Унинг кулгиси қистади. Ҳай, қулоғини ушласанг аччиғланса керак-а. У тезлик билан ўнг ёнбошга айланиб ётди. Менинг ўғлим! У ким бўлар экан? Йўлбошчими ё командирми? Олимми ё адибми? Шоирми ё ашулачими? Езувчими ва ё рассомми?

Шу пайт унинг кўз олдидан бирин-кетин, кинодагидай тасвирлар ўта бошлади... мана чўққи соқол Лениннинг образи, мўйловли маршал Будённий, бошига салла ўраган С. В. Раман, шароб тўла қадаҳни кўтариб турган Жўш Малиҳободий, рассомлар мўйқаламини ушлаб турган Ямини Дай, раққос Удай Шачжарнинг ихчам гавдаси, Кришан Чандрнинг кишини мафтун этувчи камтаринлиги, Саҳгалнинг мунгли ноласи...

Унинг кўз олдида яна бир манзара пайдо бўлди. Минглаб одамлар тўпланган. Гўё халқ шоири бўлган ўғли, саҳнага чиқиб ватанининг меҳнаткашларини революцияга даъват қиляпти. Унинг ўзи бир бурчакка бориб ўтирган эмиш. Одамлар бўйинларини чўзишиб унга қарар эмишлар ва: «Қара, шоирнинг онаси шу ерда экан... ҳув ана шоирнинг онаси», дейишар эмиш.

Ҳамма ёқ шов-шув. Минглаб одамлар унинг ўғлини олқишлаганларида қулоқлар кар бўлгудай бўлиб кетибди.

Қарсақбозлик авжига чиқиб: «Яшасин халқ артисти!» деган садолар эшитилармиш.

У, дарвозанинг қаттиқ тақиллаётгани қулоғига кириб, уйғониб кетди.

— Ким у?

— Мен. Ҳалитдан ухлаб қолдиларингми? Энди соат ўн бўлди-ку.

У овозидан ким эканлигини таниб, эрини туртиб уйғотди-да, чопиб бориб дарвозани очди. Шоир ичкарига кирди, шишани столга қўйиб, жуда бемалол ўтираркан:

— Уйқунгизни буздим. Худо ҳаққи, бу яхши иш бўлмади. Лекин тун энди бошланди. Ухлаб қолган экансизлар шекилли?— деди.

— Ҳа... сиз баҳузур ёзилиб ўтираверинг,— деди хотин жуда одоб билан ва шоирнинг рўпарасига ўтирди-да, қандайдир номаълум мавзуда у билан баҳслаша бошлади.

— Мана буни кўринг,— деди шоир зўр эҳтирос билан баҳсида давом этиб.

Хотин шкафдан стакан олди-да, вино қуя бошлади. Вино оч сариқ, шаффоф эди. Стакан лиммо-лим тўлганда, шифтдаги вентилятор паррагининг ўйноқи акси вино юзида жилвалана бошлади. Паррак ўнгдан чапга қараб жуда тез айланмоқда. Хотиннинг назарида бутун ҳаёти ўнг томонга қараб тўхтовсиз айланаётгандай эди. У ичидан кулиб қўйди.

Стаканни кўрган шоир ўнг қўлининг енгини тирсагигача шимарди. Унинг сержун бақувват қўли кўринди: ўнг қўл, ўнг ёнбош! Ҳамма ёғи жун билан қопланган билак, бақувват қўл... шоир. У тезгина стаканни ўша бақувват қўлга берди. Шаффоф вино орқали унинг ўнг қўли равшан кўриниб турарди. Бу жуда яхши аломат!

У онасиникига бориб туғиб келмоқчи эди. Ҳамма керакли нарсаларни тайёрлаб қўйиб, бўлажак ўғилнинг кийимларини бир рўмолга тугди-да, чемоданнинг ўнг томонига жойлади. У вокзалга чиқиб кетганида поезд келишига ҳали икки соат вақт бор эди. Лекин у, мабодо ўнг ёнбошини босиб ухлайдиган жой тегмай қолса, кечаси билан ухламасдан чиқаман, деб қатъий жазм қилиб қўйган эди.

Поездининг жўнашига ҳам анча вақт бор эди. Эрини пон олиб келгани юбориб, у ёқ-бу ёққа қаради-да, чаққонлик билан билетини чап томонидан олиб ўнг томонига солди. Шундан сўнг хотиржам бўлди. Мундоқ ойнадан мўралаб қараса, оғзига сигарет қистирган, қўлига

пон ушлаган эри келяпти. Эрининг ўртоқлари қаёққадир кетиб қолишибди. Икки-уч минутдан кейин эри купега кирди. «Ие, бу нима қилганингиз? Нега ўзингиз ўрин солдингиз? Биз солиб берардик-ку! Яна бу жойга унча ҳаво кирмас экан, ўринни у ёққа солиб берай? У ерда ҳеч ким ётмайдиганга ўхшайди».

— Қўйсангиз-чи, қаерга ўтирсак ўтирибмиз-да.— У оғзига пон солди-да:— Бу йигитлар қаёққа кетиб қолишдийкин?— деди. Гапни бошқа ёққа буриб юборишнинг айна хонаси келиб қолган эди.

— Келишар, перрон билети олгани кетишувди,— деди эри ва унинг ёнига ўтириб олиб сигаретини тутата бошлади.

Эрталаб у кўзини очганда, поезд Рожпутанадан ўтиб кетаётган эди. У туриб ўтирди-да, ойнадан қаради: ҳамма ёқ тақир чўл, онда-сонда акас дарахлари ва қалин кактусзорлар кўзга илинади. Узоқда кичик-кичик тепаликлар, аҳён-аҳёнда устида кўҳна қалъаларнинг харобалари ётган кичик тоғлар кўринади. Поезд одатдагидан тезроқ юриб кетяпти. Эҳтимол тунда бирон ерда кўпроқ туриб қолган бўлса керак. Поезд филдиракларидан эса ажойиб бир овоз, қандайдир қўшиқнинг куйи чиқмоқда эди: ўнг ёнбош, ўнг ёнбош, ўнг ёнбош... У бошини ичкарига олди-да, нариги жойда ухлаб ётган марвари хотинни диққат билан кўздан кечира бошлади: олти-етти ёшлардаги ориққина бир бола унинг оёғи ёнида ухлаб ётибди. Дўмбоқ ва жажжи, билакларига кўк ва қора мунчоқ тақилган бир ярим ёшлар чамасидаги бола онасини кучоқлаганича тинмай эмиб ётибди. Чап томони билан ётган хотин маза қилиб ухляпти!

Поезднинг юриши секинлашди. Паровоз қуюқ тутун чиқариб, икки-уч марта чуқур уҳ тортди-да, Сўжат станциясига келиб тўхтади. Сўжат... Рожпутаналиклар Сўжатнинг суви овқат у ёқда турсин, ҳатто тошни ҳам ҳазм қилиб юборади, дейишади!

У ойнадан туриб қичқирди:

— Ҳой сувчи!

Сувчининг каттакон салласини кўриб, унинг эсига Рона Пратоп тушди. У Рона Пратопнинг расмини ёшлигида Марден соҳибнинг «Ҳиндистоннинг тарихи» номли китобида кўрган эди. Рона Пратоп ўла-ўлгунча Акбар ҳукмронлигига бўйсунмаган. Унинг қаҳрамонлиги ва ғурури



ҳақида ҳали-ҳали Рожпутанада қўшиқлар айтилади. Унинг ўзи ҳам Рожпутанада туғилган-да, ахир. Унинг ўғли ҳам шу ерда туғилади... унинг ўғли!.. Улимдан ҳам тап тортмайдиган қаҳрамон ва мағрур Рона Пратоп! У эгилиб, диққат билан сувчига қаради. Унинг бир кўзи йўққа ўхшарди. Э! Унинг ўнг кўзи йўқ экан... ўнг кўз! Унг ёнбош! Бу ҳам яхши аломат!

Кечаси уйига кетиб ухлагани ётган эди, онаси гапириб қолди.

— Ҳой қизим, ухлаб қолдингми?

— Йўқ, уйғоқман. Гапиринг,— деди у онасига тескари қараб ўнг ёнини босиб ётар экан.— Сайид соҳибнинг болаларини бошқа болалар билан солиштиради. Уғил, ўғил, ҳардам ўғил! Уғлингиз катта бўлгандан кейин бировларнинг қизлари ҳақида ўйлайсиз. Бошда ўғил ҳақида, кейин яна қиз ҳақида ўйлайсиз.

— Менинг фикримча, қизнинг оиласи яхши бўлиши керак. Қиз қанчалик ўқиган бўлмасин, лекин таг-туглик, уй-жойлик бўлиши лозим. Гап ҳусн, қадди-қоматига келса, одам боласи бўлса бас. Нима, биз ҳур-парини олиб, уни ўйинга тушириб ўтирармидик?— Онаси бўлса ўз гапини маъқулатмоқда эди.

— Муносиб кўрганингиз-да! — деди у.

— Мен нимани муносиб кўрарканман. Барибир менинг гапимга қулоқ солмайсан. Ўзларинг ҳал қилинглар. Бу қийин иш!

Унинг кулгиси қистади.

— Қийин? Шу ҳам қийин бўптими?

Уғил кўриш қийин! Чап ёнини босиб ётиб онасининг гапини эшитиш қийин! Унинг учун энг муҳим нарса ўнг ёнбош, фақат ўнг ёнбош эди!

У ўзи ётадиган хонани кўргани туғруқхонага келганида юраги гуп-гуп ура бошлади. Докторнинг табасум қилиб турган чеҳрасини кўриб, сал тинчланди. У хонани кўрсатишларини доктордан илтимос қилди. Доктор столнинг ўнг томонида турган қўнғироқни чалиши билан белбоғи ва бошидаги рўмолини тўғрилай-тўғрилай, хонага оқ халат кийган ҳамшира кириб келди. Унинг қора сочи устидан боғланган оҳорлик оппоқ рўмоли ўзига жуда ярашиб турар эди. Унг қулоғига тақилган қизил гул эса унинг буғдой ранг юзига беҳад гўзаллик ва майинлик бахш этарди!

— Ҳамшира!— деди доктор унга мурожаат қилиб,— about goot нинг ўнг томонидаги хонани бу кишининг номларига ёзиб қўйинг ва... айтмоқчи, ўзингиз кўра қолинг. Сиз билан бирор одам келганми?

— Ҳа...— деди у диққат билан ҳамширанинг қулоғига қистирилган қизил гулга қарар экан.

— Тўғри. У ҳснча бошқа хоналарга қараганда каттароқ, ўзингиз ҳамшира билан боринг,— деди-да, доктор қўнғироқни чалди ва бошқа беморларни кўра бошлади. Labour (п)нинг ўнг томонидаги хона! Ҳамширанинг сочлари тагидан ўнг, томондан мўралаб турган қизил гул. Бу ҳам яхшилик аломати!

Хона унга ёқди. Катталиги одатдагидай, икки томонида деразаси бор. Қаравотга покиза ўрин солиғлиқ. Бешик қаравотнинг ёнгинасида турибди. Бир дераза кўчага қараган. Унг ёнбошини босиб ётиб, кўча ҳаракатини ҳам томоша қила олади. Энди у хотиржам бўлди. Лекин... ўзича кулиб қўйди... унинг ўзи роса тентак-да! Бу қаравотга ётишдан илгари у батамом нажот топади, сўнгра хоҳлаган ерига, хоҳлаган ёнини босиб ётаверади. У ўнг ёнбошини силай бошлади. Ҳадеб бир томонида ётаверганлигидан ўнг томони оғриб қолибди. Унг елкаси бутунлай жонсиз бўлиб қолганга ўхшарди!

Кечаси овқатни еб бўлиб энди ётган эдики, бирданига биқини санчиб қолди. Оғриқдан изтиробланиб, беихтиёр чап томонига айлана бошлади, лекин бирданига ҳаяжонланиб ўрnidан туриб ўтирди. Изтироб ва баданини қақшатиб юборган дард шундай зўр эдики, у ўзини кимдир бурда-бурда қилиб кесяпти деб ўйлади. Туғруқхонага етиб келиши билан ўзидан кета бошлади. Оғриқдан на кўзини оча олар ва на биқини ором топар эди. Олисдан келгандай бир овоз эшитилди:

— Замбилни олиб келинг!

— Йўқ, йўқ...— дер эди у тишини-тишига қўйиб оғриққа бардош берар экан.— Ўзим юриб бораман.

— Сиз ташвишланманг,— деб тасалли берар эди ҳамшира.— Биз сизни жуда авайлаб кўтариб олиб борамиз. Замбилга солиб олиб борсак, оғриқни унча сезмай-сиз.

Икки-уч киши уни кўтариб замбилга солишди.

— Йўқ. Йўқ... мен ўзим ётаман... ўнг ёнбошим билан ётқизинглар... Уф!..

Бадани зўр бир оғриқдан қақшаб кетди ва шу пайт беихтиёр ўнг томонга айланиб ётди.

Замбилни стол ёнига олиб келиб қўйишди. Ҳавога дезинфекция дориларининг бадбўй ҳиди сингиб кетибди. Доктор оқ халатини кийиб, қўлини ювиб, оҳиста қўлқопини кия бошлади.

Оғриқнинг шиддатидан у яна ўзидан кета бошлаганида, ҳамма ёқ қоп-қоронғи бўлиб кетгандай туюлди. Бехосдан кўзига тўлқинланиб турган катта дарё кўринди. Катта тўлқинлар гоҳ шиддат билан кўтарилар, гоҳ пасаяр эди. Тўлқинлар устини оппоқ кўпик қоплар ва яна бир зумда ғойиб бўлар эди. Бу даҳшатли дарёнинг ўнг қирғоғида сочлари калта қилиб олдирилган, калта иштон кийган семизгина бир кичкинтой бола митти оёқларини тап-тап босиб, қаёққадир кетяпти! У овозининг борича бақириб болани чақира бошлади, лекин бола эшитмас эди. Дарё қутуриб кетди. Тоғдай қоп-қора тўлқинлар дарёнинг ўнг қирғоғига чопарди. У овозининг борича бақира бошлади. Аъзойи бадани лахта-лахта бўлиб кетаётгандай туюларди. Вужудининг бир бўлагини кесиб олишаётганга ўхшарди. Бирданига чақмоқ чақди. Қоп-қора, ваҳимали тўлқин оғзини очиб ўнг қирғоққа отилди-да, кичкинтойни ютиб юборди.

У қаттиқ бақирди, шунда кимдир уни жуда баланд жойдан пастга ташлаб юборган эмиш ва у қоп-қоронғи жарлик қаърига тушиб кетаётган эмиш... У оғир нафас олди-да, кўзини очиб юборди. Кўзига ғира-шира ёруғлик кўринди. Шифтдаги ойнадан тонгнинг илк нурлари мўралаб турарди. У ўзини енгил ҳис қилди.


— Ишлар жойида-ку. Бирам ширин қизча туғибсиз,— деди доктор унинг қўлига қилинган укол игнасини суғуриб оларкан.


— Қиз? Йўқ, йўқ!.. Қандай қилиб мундоқ бўлиб қолди? Демак... демак... ўтганларнинг бари ёлғон экан-да? Ўнг ёнбош дегани ҳам ёлғон экан-да?

Энди уларнинг ҳаммаси қаёққа кетди?.. Адабиётчи, олим, шоир, рассом, ёзувчи... Рона Пратоп, қизил гул... сочлари калта қилиб олдирилган бола, кичкина калта иштон... бақувват қўллар, сержун кўкрак... Энди унинг ёшдан хиралашган кўзи олдида эрининг муҳаббат тўла нигоҳлари пайдо бўлди: «Бизнинг тузумда ўғил ва қиз боланинг ҳуқуқи тенг...» Бироқ... бироқ аломат-чи?..

уларнинг ҳаммаси ёлғон экан-да? Демак унинг қалби чанқоқлигича қола берар экан-да? Уф! Унг ёнбошим ҳали ҳам оғрияпти!

У бир инграб қўйди-да, чап ёнига айланиб ётди.





АЛИ АББОС ХУСАЙНИЙ




अली अब्बास हुसैनी



علی عباس حسینی

مکتبہ





## Г А Д О

Ш

иям гадонинг дод-фарёдидан жуда тўйиб кетган эди. У ярим соатдан бери кўприкнинг устида турар эди, гадо бўлса кўприкнинг бораверишидаги бир бурчида ерга ётиб олиб:

— Кўрман, чўлоқман, шалман, бир пайса хайр қилинг, бобо, бир пайса хайр қилинг!— деб тинмай такрорламоқда эди.

Овози худди йиғлаётгандай, бутун бадани ифлос, чанг-тупроққа беланган, атрофи ғув-ғув пашша, ярим соатдан бери шу «кўрман, чўлоқман, шалман» деб қичқириб ётибди, лекин ҳеч ким бир пайса бермайди. Унинг оғзидан ҳар бир сўз чиққанда, Шиямга худди биров каттакон бир тўқмоқ билан унинг бошига «тўқ-тўқ», «тўқ-тўқ» қилиб мих қоқаётгандай туюларди. У шу кўр-басир, нотавон гадони хиппа бўғиб ташлагиси келди. Ахир бунинг тириклигидан нима фойда! Бунинг на мамлакатга кераклиги бор, на дунёга бундан бирор фойда бор! Кўприкнинг олдида ётиб олиб, шундай яхши жойга, шифобахш ҳавога касаллик тарқатиб ётибди. Пулдор бойларга жаннатга тушиш учун баҳона бўлиб ётибди. Ол-

ло хайрини берар эмиш. Худо хуш бўлар эмиш! Нега хуш бўлар экан? Нима, буни худо яратиб қўйибдими кўр, чўлоқ, шал қилиб?! Худонинг ўзи агар бор бўлса, унда инсоф ҳам бордир, ахир! Ахир худо бу гадони оёқ-қўлидан, икки кўзидан маҳрум қилиб «бор, гадойчилик қил» дерми эди! Бўлмаган гап, бу худога туҳмат. Бунинг ота-онаси, ё ўзи табиат қонунларига хилоф бирор иш қилган худди! Соғлиқни сақлаш қоидаларини бузган! Шунақа қилиб, кўр, чўлоқ, шал бўлиб қолган. Бунинг ҳолига ачинишу, худога ёқаман деб ўйлашнинг нима кераги бор?! Нима, худо табиат қонунларини бузувчи одамдан хуш бўларми эди. Агар биз икки қўлимизни ловиллаб турган чўғга босиб, куйдириб олсак, худо биздан нега хурсанд бўлсин. Худо қонунларни битиб қўйибди, уларга амал қилиш одамга фарз. Агар бир одам шу қонунларга риоя қилмас экан, уларга амал қилмас экан, унга ачиниш керак эмас, тортаверсин жазосини!

Лекин гадо қичқиргани-қичқирган эди:

— Кўрман, чўлоқман, шалман, бир пайса хайр қилинг, бобо, бир пайса хайр қилинг! Олло хайрингизни берсин! Худо кам қилмасин!

Бу қашшоқ, нотавонлар пулдорларни шилишнинг йўлини хўп топган-да! Лекин шундай тартибнинг нима кераги бор ўзи: бир табақа — пулдор, бой; бир табақа — қашшоқ. Буни бир илож қилиб ўзгартириш керак. Битта табақа бўлиши керак, фақат битта табақа. Бой ҳам бўлмасин, камбағал ҳам бўлмасин, раис ҳам бўлмасин, фақир ҳам бўлмасин. Ҳамма бир хилда бўлсин, бир хил шароитда яшасин.

Аммо бу, мамлакатнинг ижтимоий тузуми Шямининг айтгани билан ўзгариб қўя қолмас эди. У университетда Маркснинг «Капитал»и билан «Манифест»ини хўп диққат қилиб ўқиб чиққан эди. Лениннинг «Таржимаи ҳоли ва асарларини мутолаа қилган эди. Мавжуд тузумдан норози бўлиб, Коммунистик партияга ҳам кирган эди. Тирноқлари билан сочларини ҳам ўстириб юборган эди. Аммо на тузукроқ қорин тўяр, на кўнгил бир тинчлик топар эди.

Университетдан чиққандан кейин бирор иш топилмади. Пулдор бойлар унинг афти-башарасини кўриб, тескари қарарди, ҳукумат идораларида ҳам унга жой йўқ



эди. Қаерга борса полициянинг протоколига рўпара келар эди. Яқинда Ай-Си-Эсга имтиҳон берган эди. Партия-ку бунга йўл бермади. Аммо қанчадан-қанча ўртоқлари Пи-Си-Эс, Ай-Си-Эс бўлиб кетган! Бу ўшаларга ўхшаб ҳукуматнинг аъзоси бўларми эди! Тўғри, жуда кўп шунақа ўртоқлар жой топилиши билан инглизлардан ҳам ўтган инглиз бўлиб кетган. Лекин бу улар сингари «хоин» эмас. Унинг мақсади фақат, мамлакатни идора қилиб турган машинанинг бир қисми бўлиб олишу, унинг ичида юриб, партия олдида турган барча ишларни амалга ошириш. Дунё кўрган ўртоқлар, шундай бўлса ҳам, йўл бермади. Лекин Шиямнинг ўзига ишончи катта эди, ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмади. Ай-Си-Эсга имтиҳон беришга ўтирди. Ёзма имтиҳонлардан кўнгли жуда тўқ эди, бошлаб ёзганлигига ишончи комил эди. Лекин комиссияга рўбарў бўлишга навбат келганда, у бошқа номзодларни кўриб, ўзини паст ола бошлади. Уларнинг янги-янги қиммат баҳо кийим-бошларига қаради, ўзининг чиннидай бўлса ҳам, лекин эски, арзон баҳо ширвонийсига ҳам қаради. Уларнинг гап-сўз, юриш-туришдаги гердайишини кўрди. Ай-Си-Эс бўлаганларнинг важоҳатини кўриб, буларнинг ҳаммасини ўзининг узун, ҳурпайган сочлари, чўзинчоқ юзлари, уялиб-қўрқиб турган афт-ангори билан солиштирди-да, дилида ўзини «нету», уларни «соҳиб» деб ҳисоблай бошлади. Чунончи шу кайфиятда комиссиянинг олдига кирди. Уларни кўриш билан ўзини йўқотиб қўйди. Улар илжайиб бунга савол бераверди, бу эса, улар мени мазақ қиляпти, деб ўйлайверди. Бугун ўша имтиҳоннинг натижаси чиққан эди. Шиямнинг дилида «қани энди бир муъжиза бўлса-ю, менинг номим ҳам ўтганларнинг рўйхатига кириб қолса» деган бир хоҳиш бор эди. Материалист бўлгани сабабли-ку муъжизани бўлмаган, тасодиф бир нарса деб атар эди, лекин иттифоқми, тасодифми, муъжизами — нима бўлса бўлсину, ишқилиб менинг номим ҳам шу рўйхатга кириб қолсин-да, дер эди. Шундай бўлиб қолса, у «мана кўрдингми, бошқаларнинг янги-янги қиммат баҳо костюм-шимлари қилолмаган ишни эски уч рупияли ширвонийим қилиб ташлади. Ҳали қараб тур, ҳукуматнинг курсисига ўтирганимдан кейин қандай-қандай ишлар қиларкинман!» деб керилмоқчи эди. Бироқ на тасодиф бўлди, на иттифоқ ва

на муъжиза. Ҳеч нарса бўлмади. Унинг номи рўйхатда кўринмади. Дилида айтди: «Ҳаҳ, ўша эшак Мунавварга бўлган нарса менга ҳам бўлса нима қилар эди!» Мунаввар эса иттифоқо Пи-Си-Эснинг имтиҳонини мусулмон номзодлар ичида биринчи даражага топширган эди. Шиям уни юқори мактабдан бери билар эди. Уқиш-ёзиши унча эмас эди. Университет билан бўрднинг имтиҳонларини ёдлаб, гоҳ иккинчи даражага, гоҳ учинчи даражага топширар эди. Конкурсада эса бирдан биринчи даражага чиқиб қолибди. Натижа чиққанда унинг ўзи ҳам ишонмади. Шиям уни таажжубланиб табриклаган эди, у «буни қара-я, оллоҳ эшагини ҳам ярлақар экан» деб жавоб берди. Материалист Шиям «оллоҳнинг ярлақашини» тан олмай, баҳслашиб кетди.

— Моддий сабаблари бўлса керак, ҳа, албатта бўлса керак. Бир тасодиф бўлиб, имтиҳонда худди сен ёдлаган жойинг тушгандир,— деди у.

— Ҳа балли! Ўзинг ҳам энди бир айтдинг-да тасодиф деб,— деди Мунаввар.— Э оғайни, ҳамма гап мана шу тасодифда-да! Бошқасини қўявер, мен сенга битта арабчанинг билетини гапириб берай. Билетда наср, назм, таржима бор эди. Мен ярим кечагача гап сотиб ўтирдим. Кейин «кел, бир ўқиб қўяй» деб хаёлимга келди. Китобларни олдим. Қарасам жуда кўп. «Ҳа, шунчани ким ўқийди» дедим. Шундан кейин, ҳаммасини қўйдим-да, наср китобини олдим. «Бисмилло» деб бир жойини очдим. Очган жойимни шарҳига қараб яхшилаб ўқиб чиқдим. Кейин уни қўйдим-да, назм китобини олдим. «Бисмилло» деб унинг ҳам бир ерини очдим. Очган жойимни худди боягидай қилиб ўқиб чиқдим. Энди таржима қолди. Нима қиламан? Отамдан қолган бир эски китоб стол устида ётган эди. «Бисмилло» деб уни ҳам очдим. Қарасам, бир парча арабча текст-да, тагида инглизча таржимаси бор. Зўр диққат билан уни ҳам ўқиб ташладим. Соат ўн икки бўлган. Кўзлар ачишиб кетяпти. «Таваккал оллоҳга» дедим-да, ётиб ухладим. Эрталаб бориб, билетни олдим. Қарасам худди кечаси ўқиган наср, назм, таржиманинг ўзи чиқибди. Роса ўтириб жавоб ёздим. Менимча, балларнинг тўқсон беш пойизини, албатта шу арабчадан олган бўлсам керак.

— Мен, бир тасодиф билан шундай бўлган деб бошидаёқ айтдим-ку,— деди Шиям.

Мунавварнинг дили ҳозир миннатдорчилик ҳисси билан тўлиб турган эди.

— Хўп, энди сен менга шу нарсани ҳам тушунтириб бер-чи,— деди у.— Шундай иттифоқ ва тасодифлар қандай қилиб бўлади? Табиатнинг дастгоҳи катак газмол тўқиётган ва бу дастгоҳнинг ҳамма қисмлари ҳам худди шунга мослаштирилган бўлса, қандай қилиб ундан бир парча гулдор газмол чиқиб қолади. Албатта бу машинанинг ичида шундай қўл борки, у бир номавлум йўл билан дастгоҳнинг қисмларини алмаштириб қўяди, ёки шундай бир ақл борки, у гоҳ-гоҳ ўзи тузган қонун-қондага хилоф иш қилиб, ҳамма нарса ўз қўлида эканини кўрсатиб қўяди.

Шиям хўп тортишди. У мантиқни ўқиган эди, фалсафадан мутолаа кўрган эди, ҳар қайси фандан хабардор эди. Унга ҳар бир нарса «икки карра икки — тўрт» дая равшан эди. Лекин Мунавварнинг олдидан келгандан кейин кўнглининг бир бурчида: «Қани энди меннинг ишимда ҳам шунақа бир иттифоқми, тасодифми, муъжизами бўлса» деган орзу туғилди. Лекин бугунги натижа бутун умидларини пучга чиқарди. Каттагина бир рўйхатга унинг номи сигмай қолибди. Натижани кўрди-ю, одамларнинг мазақ аралаш таассуф билдиришидан кўрқиб, шу кўприк тарафга қочиб келди. Бу ерда мана шу гадога йўлиқиб қолди. Ўзи кўр, чўлоқ, шал, шундай бўлса ҳам «пул бер, пул бер» деб қичқиргани-қичқирган!

Шиям кўприкнинг панжарасига тирсакларини қўйиб, кафтига энгагини тираб, хаёл суриб турар эди. Қаршида узоқ жойгача ялтиллаб турган сув, унинг икки ёнида жимирлаган қум. Узоқ, жуда узоқда заводларнинг узун-узун трубалари ва улардан чиқиб турган тутун. «Бу тутун кўмир ё ўтиннинг ёнишидан чиқаётганмикин, ёки ишчиларнинг дилидан чиқаётганмикин», деб ўйлади у. У ёқда машиналарнинг гур-гур шовқини остида шал бўлаётган ишчи, бу ерда эса кўприкнинг устунларига келиб урилаётган тўлқинларнинг шов-шувини эшитиб ўтирган оёқ-қўлсиз бир гадо! Иккаласи ҳам кўр, иккаласи ҳам ижтимоий тузумнинг жабрига учраган, иккаласи ҳам ҳақини тортиб олиш ўрнига тиланчилик қилиб кун кечирадиган!

У шундай деб ўйлаб туриб эдики, кўприкка томон келаётган бир автомобилни кўриб қолди. Олти ўринли

бир катта машина. Шофери форма кийган. Унинг ёнида папка-қоғозларни ушлаган бир хизматчи. Орқада эса бағбақаси осилган семиз бир капиталист, унинг икки пинжиди иккита хитой гўзали. Гадонинг қулоқлари машинанинг келаётганини дарров сезди. У бой билан камбағални шарпасидан ажратар эди. Кўзи йўқ бўлса ҳам бирор ишчи-меҳнатчига хайр сўраб қўл узатмас эди. Лекин олдидан бирор пулдор ўтиб қолсами, сажда қилиб турган бошини лип этиб кўтариб «кўрман, чўлоқман, шалман, бир пайса хайр қилинг, бобо, бир пайса хайр қилинг» деб фарёд қилишга тушар эди.

Бу сафар юриб келаётган автомобилнинг тезлиги билан бирга машинадаги ойимлар атрининг хушбўй ҳидини ҳам сезди шекилли, дарҳол оғзини каппа очиб, икки қўлини баравар чўзиб: «кўрман» деб қолди. Ойимлардан бири гадога ўқрайиб қараб қўйиб:

— Ўзини кўрликка солаётганга ўхшайди, жувонмарг, кўзи бор бадбахтнинг!— деди.

Гадо бўлса:

— Чўлоқман, шалман, бир пайса хайр қилинг, онам, бир пайса хайр қилинг!— деб фарёд қилди.

— Официант айтадики,— деди иккинчиси атр сепилган рўмолчасини бурнига босиб,— ҳозир майда пулнинг тўртдан уч қисмини мана шу гадолар беради! Уғрилар!

Гадо яна:

— Бир пайса хайр қилинг, онажон, бир пайса хайр қилинг!— деб ёлборди.

Шу пайт машинанинг ғилдираги йўлда ётган бир тошга тиралиб қолди. Шофер газ берган эди, бир силтади-ю, орқасидаги трубкасидан гуп этиб чиққан тутуннинг ҳаммаси шундоқ гадонинг оғзи-бурнига урди. У томоғини ишқалаб, йўталишга тушди. Бенур кўзларидан сув билан балчиқ оқа бошлади. Атрофидаги пашшалар учиб, ғувиллай бошлади. Шиям муштини ўқталиб, машинанинг кетидан анча жойгача югуриб борди. Гадо бўлса йўтал аралаш:

— Бир пай...— деб фарёд қилиб қолди:

Шиям дабдурустан:

— Овозингни ўчир, ҳей кўр, уятсиз, номуссиз!— деб бақириб юборди.

Гадо овоз келган томонга тикилди. Шиямнинг газаби бадтар қайнаб кетди.

— Нега тикиласан, аблаҳ! Кўзинг билан кўролмайсан, оёғинг билан юролмайсан, қўлингни қимирлатолмайсан, шундай бўлса ҳам яшайверасанми, уятсиз, ариқдаги қуртга ўхшаб қорнинг билан судралиб юраверасанми, беор?

Гадо оғзини очиб бу сўкишларни эшитиб ётар эди. Сўкиш-ку урду тилида эди, лекин гадога ҳозир янги бир тилда гапирилаётгандек туюлди.

Шиямнинг газаби ҳали ҳам авжидә эди.

— Оғзини карнайдай очиб туришини қара, бу бой-ўғлининг! Худди оч итга ўхшайди, бир парча нон ташласаму, бу хап этиб илиб олиб, ютса-юборса! Заррача ори йўғ-а! Шундай катта анҳор олдингда бўлса, шартта ўзингни сувга ташлаб, чўкиб ўлиб қўя қолмайсанми!

— Нима бўлди ўзи, бобо, нима бўлди!— деб сўради гадо гулқ этиб тупугини ютиб.

— Ҳайвонмисан ўзинг, ор-номус, шарму ҳаё деган нарсани ҳам билмай қолибсан! Дунёдаги барча маданиятли мамалакатларда тиланчилик қилиш энг катта жиноят, энг уят нарса. Сен тиланчилик қилишга уялмайсанми?

— Нима қилай, бобо, қорним оч бўлгандан кейин.

— Шундай яшаб нима қиласан? Ким ушлаб турибди сени бу дунёда? Биласанми ой билан куннинг қандай чиройли бўлишини, дарахтлар ёмғирда чўмилиб қандай яшнашини, қушларнинг қандай чиройли, ёқимли бўлишини. Дунёда энг яхши нарса хотин... биласанми хотиннинг нималигини?

— Менинг онам хотин эди,— деди гадо соддалик билан.


— Нега ўша туғилган заҳотинг бўғиб ўлдириб қўя қолмаган экан сени!— деди Шиям ер депсиниб. Кейин бир томонга қараб кетди.

Шундай заҳрини сочгандан кейин Шиямнинг алами тарқалди. Бир неча қадам юргач, қўлини шимининг чўнтагига суқиб олди ва лабларида табассум билан катта-катта қадам ташлаб уйига қараб кетди.

Эртасига газетада қуйидаги хабарни ўқиди:

«Кечаси соат ўн бирда бир кўр гадо кўприқдан анҳорга йиқилиб тушиб, ўлди».

Шиямнинг қовжираган юзларига сал жон кирди: бу мамлакат ўз йўлини албатта топиб олади, ҳали бунда ор-номус бор экан!



## ДАЛА

**Э**з хўп қиздирди, гармсел ҳам хўп юрди. Тарвузлар ҳам хўп яхши бўлди-ю, кўп одамларнинг ёстиғи ҳам қуриди. Кичкинагина бир қишлоқда тўрт киши офтоб уриб ўлди. Генда заргар, Меку чаммор, Ғафур тўқимачи, Бертий... ахир ўлмагандан битта Муҳра ўлмай қолди. Бу газанда Чҳийданинг уч бигҳ еридаги шовдираб турган шакар қамишига ўт қўйиб, битта қўймай ёндириб, кул қилди. Акт ёзилди.

Суд бўлди, лекин у мол-поли, идиш-товоғи, довдарахти — ҳаммасини сотиб-соплаб, гувоҳларнинг томоғини мойлаб, қутулиб қолди.

Ёз-ку бир иш қилиб шу суд-пуд билан ўтиб кетди. Лекин энди барсот келиб қолди. Хўкизлари кетиб бўлган. Қишлоқда ҳеч ким унга хўкизини бермоқчи эмас. Бировнинг еридаги шовдираб турган экинига ўт қўйиб ёндириб юбориш ҳазилакам жиноят эмас. У Чҳийданинг пишиб турган экинига ўт қўйиб, фақат бир кишигагина зарар етказгани йўқ, деҳқонларнинг энг бир эски анъанасига путур етказди. Чҳийдага душманлиги бор экан, бир кун кечасими-кундузимми ёлғиз учратиб туриб, адабини бермайдими, оёқ-қўлини уриб синдирмайдими, ўлдириб ташламайдими? Буларнинг ҳаммасини кечириш мумкин эди. Лекин тайёр бўлиб турган экинга ўт қўйиб, ёндириб юбориш шундай бир жиноят эдики, уни ҳеч кечириб бўлмас эди. Бу бутун деҳқонлар табақасининг қорни масаласи эди, бу эса икки-уч кишининг жонидан кўра азизроқ эди.

Мана шунинг учун Муҳра июнь ойи яқинлашиб келган сари безовта бўлаверди. Ахир эрта-индин барсот бошланса, у нима қилади? Нима жин уриб, у шундай қилган экан-а? Чилим чекиб турди-да, бирдан Чҳийданинг ерига қараб кетди. Бориб, шакар қамишнинг қуриган баргларига кўзи тушди-ю, худди ёш боладай бир шўхлик миясига келди. «Кел,— деди,— бу ҳароми Чҳийдани бир қийнаб кўрайлик. Жуда гердайиб юрадиган бўлиб қолди. Бу деҳқонларнинг ер жанжалидан фойдаланиб олди-да, энди чиранадиган бўлиб қолди. Худди шу ерлардан менинг молларимни ҳайдаб молхонага олиб бориб берган. Нақд уч рупияни олиб, ундан кейингина қўйиб юборган-а Мунши. Мана охурларнинг, сизгир-бузоқларнинг тили бўлса айтсин, кимнинг еридан қорни тўймас эди? Лекин шу арзимаган нарсдан Чҳийда шундоқ тутоқдики, ялинган билан кўнмади, молхонага қаматдириб қўйди-ю, ундан кейин кўнгли ўрнига тушди. Мана бугун энди ҳароми кўради, шакар қамиши аланга олганда! У Чҳийданинг қандай қайғуриши, қандай азобланишини кўз олдига келтириб, бирпас илжайиб турди-да, кейин чилимни қуриган баргларнинг устига ағдариб юборди. У, айна шу вақтда шамол зўрайишини ва олов ловиллаб кетгандан кейин унча-мунчанигина ёндириб қўя қолмай, уч бигҳ ердаги шакар қамишнинг ҳаммасини ёндириб кул қилиб қўя қолишини қайдан билсин! Экиндан аланга чиқиши билан бу ёқдан у уйига қараб қочди-ю, у ёқдан деҳқонлар югуриб келаверди. Икки-учтаси қўлидаги бўш чилимни кўриб, «Шу вақтда сен бу ёқда нима қилиб юрибсан» деб сўради ҳам. У ундай-бундай деб чалғитди. Лекин келиб қарашсаки, ёнаётган Чҳийданинг экини. Дарров пайқашдики, бу газандаликни Муҳрадан бошқа ҳеч ким қилган эмас. Аммо иш судга келганда, худди шу гувоҳларнинг нобоплиги туфайли Муҳра қутулиб кетди. Аслини айтганда, гувоҳларни хушомад-у пора билан нобоп қилиб олган ҳам Муҳранинг ўзи эди. Лекин қишлоқдаги одамларнинг шунчалик ҳамдардлик қилгани ҳам катта гап эди. Муҳра улардан бундан ортиқроқ нарсани умид қила олмас эди.

Қамоқдан қутқариб қолиш бир гап-ку, лекин экиштикишга ёрдам бериш бутунлай бошқа гап. Тўғри, агар Муҳранинг ери экилмай қолиб кетса, унинг ўзи ҳам оч

қолади, хотин, бола-чақаси ҳам. Лекин ҳозирги вақтда очликдан қутулишнинг мингта йўли бор. Ҳукуматнинг юзлаб аэродроми бор. Қайси бирига борса, ўн-ўн икки аннали иш топиб олади. Икки-уч жоннинг ҳар қанақасига куни ўтади.

Аммо Муҳра, қишлоқни ташлаб, бирор ерга бориб иш ҳам қилмайман, еримни ҳам ташламайман, деб ўжарлик қилиб туриб олди. У дилида жиноятини бўйнига олиб, қилган ишига кўп пушаймон бўлди. Лекин бошқаларнинг олдида бояги-бояги гердайиб, менинг ҳеч гуноҳим йўқ, деб юраверди. Қишлоқдаги бошқа деҳқонлар-у гапни кўпайтирмаслик учун Муҳрага ёрдам бермасликка қаттиқ жазм қилишди, бироқ бошқа жиҳатлардан ҳеч нарса кўрмагандек юраверишди. Аммо Чҳийданинг дилида эса нафрат ва ўч олиш алапгаси авж оларди. Лекин у қандай қилиб ўч олишини билмасди. Чҳийда жисмонан Муҳрага қараганда кучсиз, лекин руҳан ундан кучли эди. Унинг бирдан-бир орзу-армони — Муҳранинг хор-зор бўлганини ўз кўзи билан кўриш эди. Муҳра билан уришиб, унинг бошини ёриб ўч олиш-у қўлидан келмас, лекин унинг барбод бўлиб, бир дона донга зор бўлганини кўриб, хурсанд бўла оларди. Ушанда шакар қамиш билан бирга унинг юрагига тушган аланга ҳам ўчарди. Шунинг учун ҳам у, Муҳранинг қўш хўкизи сотилиб кетиб, унинг ерлари бу йил экилмай қолганлигидан жуда хурсанд эди. У шу хаёл билан юганда, бирдан барсот келиб қолди.

Июлнинг ўн тўрти эди, бирдан шарқ-шимол томондан булутлар саф тортиб, тебраниб келиб қолди. Куннинг юзига парда тушиши билан шамол ҳам таққа тўхтади. Илгари одам устидан сув қуйганда ҳам бир неча минутда бадани қуп-қуруқ бўлиб, яна куйиб ёнадиган бўлса, энди сув қуймасданоқ, тер билан шалаббо бўладиган бўлиб қолди. Ҳамманинг қўлида елпигич, болалар қип-яланғоч бўлиб олган, эркаклар-кўйлагини ечиб улоқтирган, баданда дхўтий ёки таҳмад қолган, холос. Кимни кўрсанг, кўзини осмонга тикиб, «Ёғ, худовандо, ёғ!» деб ёлворган-у, болалар «Кўзги булут, сувдан бер! Кўзги булут, сувдан бер!» деб қичқирган.

Шу вақт бирдан шамол ғувиллади, худди жон кирди, қовжираган юзларга сув югурди. Қетидан чақмоқ чақнади; бир тарақ-туруқ бўлди-ю, ёмғир ёға бошлади.



Болалар «Кузги булут, сувдан бер! Кузги булут, сувдан бер!» деб ўйинга тушиб кетишди. Эркаклар кочҳасини маҳкам боғлаб, пҳоврасини қўлига олиб, ер-ерига қараб жўнади. Аёллар эса чорпоя, ўрин-кўрпаларини йиғиштириб, айвону уйларга олиб кириб қўйди. Баъзилари эрталаб ёпиб қўйган таппиларини йиғиштиришга тушди. Ярим-ёрти қуриганларини сават-саватга солиб, ичкарига олиб кириб ағдаришди, ҳўллари эса жой-жойида қолаверди. Сигир-бузоқ, ҳўкиз-пўкизларни эса ташқарида боғлоқлигича қўйишаверди: биринчи ёмғир-ку, кел, булар ҳам сал ивиб тани яйрасин, дейишди.

Ёмғир зўрайди. Қурбақалар вақир-вуқур қилишга тушди. Болалар қий-чув кўтаришди, чап-чап лой сачратиб, бақириб қўшиқ айтиб, бир-бирини қувлашиб, кўчага югуришди. Ёмғир яна зўрайди. Сел ёға бошлади. Шундай катта томчилар туша бошладики, баданга тегса, худди тош теккандай бўлади. Ҳамма роса ивиди. Қишлоқнинг бутун йўллари тизза баравар сувга тўлиб кетди. Қаерда сув тўхтаса, болалар кҳирпийлар билан ерни тилиб юбораверди, ҳар хил нарсаларни оқизиб бораётган ифлос, лойқа сув чуқуру ҳовузларни тўлдира бошлади.

Деҳқонлар, экиладиган ерга тушган сув ташқарига чиқиб кетмасин, қақраб ётган ер сувни шундай тўйиб ичсинки, қорни ёрилиб кетсин, ивиб шундай мулойим бўлиб қолсинки, ҳар қандоқ кучсиз қўш ҳўкиз ҳам сал имо билан омовни тортиб кетиб, ернинг кўксини тилка-тилка қилиб юборсин, деган фикрда эдилар. Ҳар ким ҳар томондан белни маҳкам боғлаб, бел, кетмонлар билан ўз ерининг марзасини кўтаришга тушди. Ҳамма, экин экиладиган ерга тушган сув шу ернинг ўзида қолсин, ташқарига чиқиб кетмасин, шоли экиладиган пастроқ ерлардаги одамлар эса кўчада оқиб ётган сув ҳам, ҳовузга тушадиган сув ҳам шу шопипояларга тушсин, деган фикрда. Ҳамма ёқ гавжум, тўполон-шовқин — ҳаёт қайнаган. Ҳар бир деҳқон ўз ерининг у ёқ-бу ёғини қараб, унга ишлов бериш билан машғул. Битта Мухрагина уйда чилим чекиб ўтирибди. Бир умиди бўлсаки, ерига сув тўхтатса: ҳўкиз бўлса йўқ, ерни нима билан ҳайдади, шолени қандай қилиб экади?

Чҳийда билан униңг тарафдорлари Мухранинғ ери шу аҳволда ётишини кўриб, жуда хурсанд бўлишди. Бу-

гун Мухра қилмишига яраша кўряпти. Бугун Чҳийданинг дилидаги аланга ҳам сал пасайди, юрагидаги яранинг оғриғи ҳам сал камайинқиради. Шунинг учун бугун ҳамма деҳқонлар билан бирга у ҳам ерининг марзасини тўғрилаб бўлиб, хиргойи қилиб, хушчақчақ уйига қайтиб келди. Зотли кўш хўкиз охурнинг олдида боғлоқлиқ эди. Уларнинг оппоқ бадани ёмғир билан ювилиб, топ-тоза бўлиб қолган эди. Қоп-қора тумшуклари худди мойлаб кўйгандай ярақ-ярақ қилар эди. Қоп-қора кўзларининг киприкларидаги сув томчилари, худди қора атрулга шабнам тушгандек туюлар эди. Хўкизлар Чҳийданинг келаётганини кўриб, бошини у томонга бурди. Улар Чҳийдага қараб, гўё: «Қандай роҳат қиляпмиз, хўжайин! Жазирама иссиқ билан гармселдан кейин мана бу ёмғирни қаранг! Бу баданга тушаётган ёмғир эмас, балки жон киритадиган она сутига ўхшайди», деяётгандек эди.

Чҳийда жуда ийиб кетди. У хўкизларининг ўртасига борди-да, иккаласининг устига қўлларини кўйиб туриб олди. Чап ёқдагиси унга қараб бошини бурди ва узун тилини чиқариб, унинг қўлини ялаб олди. Унг ёқдагиси худди жаҳли чиқиб «ҳа, сени қара, хўжайинга шундай беадаблик қиласанми? Яна менинг олдимда-я!» дегандек мў... ў... деб кўйди. Кейин охурдаги кўлмак сувга тумшугини тиқиб, бошини шундай қаттиқ силкиб юбордики, чап ёқдагисининг юз-кўзларига сув сачраб кетди, у пишқириб орқасига тисланди. Анави бадбахт бўлса шу қулай фурсатдан фойдаланди-да, дарров хўжайинининг ўнг оёғига тумшугини қилиб, «қани бунинг баданидаги сувнинг мазаси қандайкин» дегандек ялаб кўрди. Мазаси тузук кўринди шекилли, у дағал тили билан хўжайинининг оёғини яна бир неча марта ялади. Чҳийда бу имо-ишораларни жуда яхши тушунар эди. «Хўп-хўп» деди-да, уйга кириб кетиб, хотинидан бир чақмоқ хонаги қанд олиб чиқди. Кейин иккала хўкизнинг ўртасига бориб турди-да, ўша қандни икки кафтига бўлиб кўйиб, иккаласига тутди. Иккала хўкиз жуда кеккайиб бошини қандга бурди ва тилини чиқариб, бир чўзган эди, қанд ғойиб бўлди. Чҳийда қанднинг шираси қолган кафтларини яна ўшаларнинг устига артди, кейин «Энди эртага ишлайдиган кун, ўғлонлар!» — деди-да, уйга кириб кетди.

Кечаси ярим кечагача ёмғир ёғиб ётди. Кейин бориб тўхтади. Булутлар карвони кетма-кет келаверди, лекин

шамол уларни елкасига ортиб, бошқа қишлоқ-вилоятларга олиб бориб қўяверди. Тонг отарга бориб осмон чарақлаб очилди. Куннинг кўзи кўринмасдан деҳқонлар омову ҳўкизларини олиб, далага чиқишди. Даладаги сув деярли қуриб қолган эди. Ҳар ер-ҳар ерда деҳқонлар қўш ҳўкизни қўшиб, ер ҳайдашга тушиб кетишди. Бир томонда қурбақаларнинг «қур-қур, вақир-вуқури» бўлса, иккинчи томонда қўшчиларнинг «Ҳаҳ, мана бу чап ёқдагисини қара! Ишёқмас! Ҳў, юр-э ўғлон! Ҳа баракалла! Дангасалик қиласан-а, ҳароми! Ҳа, чаммор олиб кетгур!» деган овозлари эшитилар эди. Биров ҳўкизларига хушомад қилган, уларнинг орқасини силаган; биров сўккан, урган, лекин ҳаммасининг ҳам овозида яшириб бўлмайдиган шодлик, хурсандлик садоси янграр эди. Ҳар бир дала одам кўп бир бозорга ўхшар эди. Лекин шуларнинг ичида битта ҳувиллаган мазор ҳам бор эди, у ҳам бўлса Чҳийданинг уйи билан ёнма-ён Муҳранинг қаровсиз ётган ери эди. Унинг ерида на ҳўкиз кўринар эди, на омов, на кесақларни уриб-янчиб майдалаётган бир одам! Муҳранинг ери мисоли бир топ-тоза дафтарга ўхшар эди, уни гўё имтиҳон топширгани келган, лекин ҳеч балода йўқ бир одамга берилган-у, у одам унга ҳеч нарса ёзмай, қандай бўлса шундайлигича ташлаб кетаверган; ёки мисоли бир янги иморатки, битиши билан унда яшайдиган одамлар ўлиб қолган-у, иморат ҳувиллаб қолаверган; ёки мисоли бир кавушки, уни олгандан кейин олган одамнинг икки оёғи шартта қирқиб ташланган-у, у кийилмай қовжираб, тараша бўлиб қолаверган, ёки мисоли бир кийимки, у бирор куёвга атаб тикилган-у, лекин куёв уни кийиб ясангунча бўлмай ўлиб қолиб, кийим кийилмай қолаверган. Муҳранинг шўрли ерлари ҳар бир деҳқонга ғамгин кўзларини тикиб, додини айтиб йиғларди.

Чҳийда жуда хурсанд эди. Бу Муҳранинг ери ҳувилласа ҳам жуда кўркам бўлиб турар, зеб-зийнатсиз келин шундоқ ҳам кўзни қувонтирар, уни шу аҳволда ётишини кўриб, Чҳийданинг кўнгли таскин топар эди. Бугун душмани қилмишига яраша кўрмоқда.

Туш вақтида Чҳийда зотли қўш ҳўкизини уйига ҳайдаб келди. Хотини қурқумани янчиб, қиздириб тайёр қилиб турган эди, тҳолига солиб унинг олдига олиб чиқди. Чҳийда ҳўкизларини ичкарига, панага олиб кириб боғла-

ди-да, қурқумани иккаласининг бўйнига босди. Ҳўкизлар унинг иссиқлигидан «ффунг» «ффунг» қилди-ю, лекин бўйнини эгиб тураверди: биладики, фойдали нарса. Бир неча ойдан бери энди биринчи марта омочни бўйнига осиб тортган, қурқума билан бутун дарди чиқиб кетади.

Ҳўкизларнинг бўйнига шундай малҳам қўйиб, уларнинг оёқларини ҳам иссиқ сув билан ювди. Кейин ўзи ҳам қўлини ювди, ўтириб нон билан лўяни хўп тўйиб еди, чилимни чекди-да, ётиб уйқуга кетди. Кечқурун далага чиқиб, қилган ишини томоша қилди: тушгача атиги бир бигҳ «ағдарилибди». Тўрт кунгача мутгасил ер ҳайдади. Охири ҳаммасини ҳайдаб қўлдан чиқарди. Қишлоқдаги барча ерлар кўкрагини кериб, кула бошлади. Битта Муҳранинг ери қолди. Унинг ери худди ҳали ёрилмаган бир чипқон эди, ичидан пишиб етилган-у, лекин мадда чиқиб кетадиган зиғирча ҳам тешиги йўқ. Бу ер ҳозир сувга тўлиб туриши, кейин шולי экилиши керак эди. Ҳалигача у сув балчиқ аралаш бир неча марта ҳайдалиши керак эди. Ер бечора бу парвосизликдан дод деб ётибди, лекин унинг додини эшитадиган ҳеч ким йўқ.

Муҳра уйида ичини ит тирнаб ётар эди. Ўзининг қилган ишига аввал пушаймон бўлган бўлса, энди жаҳли ҳам чиқа бошлади. Бутун қишлоқни ўзига душман қилиб олиш, Чҳийдани бир озгина азоблайман деб деҳқонларнинг энг муқаддас анъанасини бузиш кимдан чиққан ақл! У хотини билан уришар, болаларини урар, бутун-бутун кун бўйи овқат емас эди. Охири шу ғамда касал бўлиб қолди. Қолган-қутган умидлари ҳам йўққа чиқди. Соғлиги тузук бўлганда, оёқ-қўлини қимирлатар эди, юзини сидириб ташлаб, оқсоқолнинг олдига борар эди. Ажаб эмас эдики, бирор чора топилса. Аммо мана иситма тута бошлади. Иситма ҳам безгакка айланиб кетиб, бир неча соатнинг ичида эси кирди-чиқди бўлиб қолди. Хотини ранги ўчиб кўчага чиқди. Қўшнисига кириб бор гапни айтиб берди. Эркаклар ҳаммаси далада эди. Хотинлар йиғилиб кенгаш қурди. Бири у даво буюрди, бири бу даво буюрди, бири ўқитиб юбор, деди. Бечора қўлидан келган нарсанинг ҳаммасини қилди. Лекин ўқитиш билан иситма-безгак кетарми эди! Уч кунгача умид қилиб ўтирди. Тўртинчи кун тонг саҳарда қишлоқдаги табибнинг уйларига борди. У киши ҳам «мен уйингга бормайман, уни шу ерга олиб кел» дедилар. На касалнинг ўрнидан

турадиган ҳоли бор, на пул борки, кўҳорларни чақириб, замбилга солиб олиб бор, деса. Охири табиб гапига қараб дори бериб юбордилар. Унга ҳам икки ярим сер чана беришга тўғри келади. Табибнинг дорилари билан уч-тўрт кунда иситма анча тушди, лекин ҳеч мадор йўқ. Кўнгли шундай вайронки, қўяверасиз: «Ўлиб қўя қолганим ҳам яхши, нима фойда шундоқ қилиб яшагандан. Ҳамманинг ери ҳайдалапти, битта бизнинг еримиз эгасини чақириб ётибди. Бизларнинг бўлса, қўлимиздан ҳеч нарса келмайди», дейди.

Шу ўртада яна ёмғир ёғди. Кечаси соат ўн иккилар бор эди, Чҳийда бирдан уйқусидан уйғониб кетди. Қараса, похол ёпилган томи ёмғирнинг шиддатига тоб беролмай, худди у ётган чорпоянинг устидан бир тарнов сув шариллаб тушяпти. Ташқарида шар-шар ёмғир ёғипти. Шундай қоронғики, одам ўзининг қўлини ўзи кўра олмайди. Айвон бўлса ундан ҳам бешбадтар зулмат. Дарров хотинини уйғотиб, қора чироқни ёқишни буюрди. Хотини пайпаслаб-пайпаслаб гугуртни топди-да, қора чироқни ёқди. Қарасаки, бутун чорпоянинг усти жиққа сув. Уни тикка қилиб қўйди-да, ўзи хотинининг чорпоясига бориб ўтирди. Энди чилим чеккиси келиб қолди. Хотинига чилим солиб келишни буюрди. Хотини кулга чўғ кўмиб қўйган экан, дарров чилим берди. Чилимни уч-тўрт тортиб эдики, бориб ҳўкизларга қараш, далага чиқишни кўнгли истаб қолди. Хотинига «Фонусни ҳам ёқиб бер», деди. Хотини ҳайрон бўлиб афтига қараган эди, «бундай бориб бир ҳўкизларга қараб келай» деди. Хотини фонусни ёқиб берди, Чҳийда чекиб турган чилимини қўйиб, фонусни олди-да, офилхонага қараб кетди. Ҳўкизлар кавш қайтариб ётган эди, одамнинг шарпасини билиши билан мў...ў... қилиб, бир-бирини хатардан огоҳлантирди. Лекин фонуснинг ёруғида хўжайиннинг башарасини кўриб тинчланди. Чҳийда уларнинг чор атрофига назар солиб қаради-да; айвонга кетди. Шу пайт ярақ этиб чақмоқ чақди-ю, қаршидаги бутун ерлар равшан кўзга ташланди. Қараса Муҳранинг ерига кўчадан айқириб сув киряпти: «Шундай яхши ер бекорга хароб бўляпти», деб ўйлади-да, юраги ачиб кетди. Агар бошқаники бўлганда, заминдорга икки баравар ижара ҳақи тўлаб олиб олар эди. Аммо - бу Муҳранинг экадиган ери. Бунинг ёнини олиб турган деҳқонларнинг ҳам дарров жаҳли чиқади. Бундай қаттиқ ўч

олиб бўлмайди. Шундоқ ҳам сигир-бузоқ, қўш ҳўкизи со-  
тилиб кетди. Ҳозир ўзи ҳам мана шу ернинг умиди билан  
тирик бўлса керак. Бу ҳам тортиб олинса, ажалидан беш  
кун илгари ўлади-қўяди. Биров айтиб эди ҳам, тўрт-беш  
кундан бери иситма тутиб ётибди, деб. Ҳа ўлиб кетмай-  
дими, лаънати! Учта ёш боласи билан қайси бир одам  
шу ишни қилади! Лекин болаларда нима гуноҳ? Мана бу  
олтинга ўхшаган ер. Қара. қандай яхши кўриняпти шу  
пайтда, сувга тўлиб! Муҳра бунинг марзасини худди шу  
вақтда тўғрилаб қўйиб, қоронғи азонда омочу ҳўкизла-  
рини олиб ҳайдашга тушиши керак эди. «Лекин унда ҳў-  
кизнинг ўзи қани?» деди ер, кўзида ёши билан. Бу беза-  
боннинг фарёди Чҳийданинг кўксига ўқдай санчилди. У  
титраб кетди. Шу вақт хотинининг овози келди:

— Ҳой, шундай ёмғирда туриб, нима хаёл суряпсиз?

Чҳийда айвонга қайтиб келди.

— Менинг хаёл сураётганимки, бизлар-у уч юз зарар  
кўрдиг-а, лекин бу Муҳранинг ҳам бўладигани бўлди.

— Ҳа, бўладигани бўлди. Лекин шу нарсани боши-  
да ўйласа ўлармиди?

— Энди нимани еб-ичади?

— Сиз билан менга бунинг нима ғами?

— Бунинг битта ўзи эмас-да,— жавоб берди Чҳий-  
да,— хотин бола-чақаси ҳам бор-ку.

Хотини уҳ тортди:

— Ҳа, тўғри. Худойимга ҳайронман, ейдиган-ича-  
дигани йўққа хўп давлатни беради-ю, ҳеч нарсаси йўққа  
ҳадеб бола-чақа беради.

— Ҳа, мен ҳам шуни ўйлаб туриб эдим,— деди Чҳий-  
да чилимни қўлига ола туриб.

— Келинг, энди ётиб ухланг, қачонгача хаёл сура-  
сиз,— деди хотини.

Чҳийда чорпояга ётди. Лекин яна бирдан чақмоқ  
чақди. Чҳийда Муҳранинг ерида биров энгашиб марза  
тўғрилаётганини кўриб қолди. «Ие, бу Муҳра жинни бў-  
либ қолдимми, нима бало? Ахир касал эди-ку! Унга  
далада нима бор?» Бир-бирига қарама-қарши туйғулар  
шиддатидан унинг нафаси тикила бошлади.

— Тагин нима бўлди?— сўради хотини.

— Муҳранинг ерида биров кўриняпти,— жавоб берди  
Чҳийда.

Шу пайт яна чақмоқ чақди. Хотини ҳам кўрди.

— Ие, бир аёл киши юрибди-ку!

— Муҳра баҳумикан?— сўради Чҳийда.

— Ҳа, ўшанга ўхшайди.

Чҳийда ўрнидан туриб, дарров фонусни қўлига олди.

— Йўл бўлсин?— сўради хотини.

— Муҳранинг ерининг марзасини кўргани,— жавоб берди Чҳийда.

— Нима фойдаси бор? Нима билан ҳайдайди?

Чҳийда эса курашда йиқитган кишининг оҳанги билан жавоб берди:

— Ахир бизнинг бу зотли қўш ҳўкиз уч кундан бери бекор еб ётибди, шу вақтда кунга ярамаса, қачон ярайди?





## А В Т О Р

**М**актаб, коллежлар таътилга чиққани учун авторнинг қиладиган иши йўқ эди. Бир неча кундан бери ўқий деса бирорта янги китоб ҳам топилмасди. Бунинг устига бир қатор муҳаррирлар ундан бирор нарса ёзиб беришни илтимос қилишган. Ўзининг ҳам бирор нарса ёзишни кўнгли тусаб турарди. Миясига янги-янги сюжетлар қўйилиб келмоқда, фантазия жўш уриб ишламоқда, хилма-хил ўхшатишу ранг-баранг истиоралар булоқ бўлиб қайнаб чиқмоқда. Лекин қўлига қалам олди дегунча Ҳиндистонга хоё аёлманд турмушнинг ғалвалари ва кўнглининг нотинчлиги унинг ижоду иншо қилишига халал берарди. Уч кунгача сабр қилиб юрди. Охири сабр косаси тошиб кетди. Икки чаккаси гуп-гуп ура бошлади, кўзлари тиниб, қисилиб кетди, худди биров оғзини қўли билан маҳкам юмиб тургандай, нафаси ичига тушиб кетаётгандай туюла бошлади.

Бир куни қулайроқ бир пайтни топди-да, уч-тўрт варақ қоғоз билан қалам олиб, уйнинг бир бурчига, увадаси оққан кўрпалар, синиқ-ёриқ чорпоялар, уч оёқли курсилар ва болалар синдириб ташлаган буюмлар уюми ёнидаги эски, нобоп чорпоя олдига борди. Қўлидаги ҳалиги қоғозлар билан чорпоя юзидаги чангни супуриб ташлади-да, ўтириб ёза кетди:

«Малика ойим тун либосини кийиб духоба тўшаклар солинган масаҳрисида ётар эди. У жимлик ва танҳоликдан зеркиб, бир ҳомиза тортди ва ўнг тирсагини



юмшоқ пар ёстиқларга тираб, ёнбошлади. Сўнгра «кумуш қўллари» устига бошини қўйди, бошки, унинг «қора кокилларининг» дома ва «зулфи амбарларининг» сиртмоғидан бутун дунё фиғон чекмоқда эди».

Чорпоя тахталарининг қирралари авторнинг болдирларига тишларини шундай ботирдики, у чидаш беролмай бир тўлғаниб олди ва ўзидан-ўзи тахтанинг тишлари ботган ерини ишқалай бошлади. Тахталар унинг оёғига «ҳиндистонлик ёзувчи» деб муҳр босиб қўйган эди, автор ўша муҳрга бир назар ташлади-да, заҳаранда билан сал илжайиб яна ёзишда давом этди:

«Малика ойимнинг мармарин оёқларини кўрган кишига кўм-кўк сабза устида фил суягидан қилинган бир чиройли билагузук ташлаб қўйилгандай ёки ям-яшил, юмшоқ ва нозик шоли майсалари устида пусти тилиб олинган банан дарахтининг ички қобиғи ётгандай туюлар эди».

Бирдан қаёқдандир бир гала чивин етиб келди-да, авторнинг фантазиясига офаринлар ўқиб, унинг бўйни-ю қулоқларига қўниб олиб, шундай жон-жаҳди билан уни таъриф қилишга тушдики, автор қўрқиб кегди. У дарҳол қаламни улоқтириб, қўлларини, ҳалиги варақ қоғозларни елпиғич қилиб ишга солди. Охири чақирилмаган меҳмонлар ғинғиллаб-ғинғиллаб, чақиб-чақиб қайтиб кетди. Автор эса чивин чаққан аъзоларини қашлаб-силаб яна ёзишга тушди.

«Малика ойимнинг қия очик хумор кўзлари Чигатой чизган суратлардаги кўзларнинг худди ўзгинаси эди, қўлининг бармоқлари эса, аксинча, Тагор хонадонининг суратларидаги бармоқларга ўхшар эди. Жажжигина, нозик, чиройли оёқлари эса Ҳиндистоннинг машҳур девийлариники сингари худди очилиб турган нилуфар...»

Шу пайт Меҳтароний супургисини кўтариб, автор ўтирган чорпоянинг ёнидан ўтиб қолди. Унинг пардозандозининг хушбўй ҳиди димоғига уриб, авторни чўчитиб юборди. Автор кўйлагининг этаги билан бурнини беркиди-да, уятчанг одам бўлгани учун Меҳтаронийнинг юзи қ либ, оёғига кўз ташлади — тайёр товуснинг оёғи: қоп-қора дағал, торс-торс ёрилган! Автор кайфи учиб, кўзларини юмиб олди. Кўнгли айтди: «Ахир Меҳтароний билан Ронийнинг оёғи ўртасида фарқ бўлиши

ҳам керак-да! Ақли эса «Нима учун? Ахир иккови ҳам бир Мрма Ҳаводан тарқалган эмасми?» деб савол ёғдириб юборди. Хаёлий дунёдан — ширии, ёқимли романтика дунёсидан шундай, бир зумда аччиқ ҳақиқат дунёсига келиб қолиши авторни эсанкиратиб қўйди. Қиммат баҳо бир буюмни кўтариб жўнаб қолиб, бутун хавфхатардан қутулдим, деб турган бир пайтда қўлга тушиб қолган ўғрининг ҳоли қандай бўлади? Ҳозир автор худди шу ҳолга тушиб қолган эди.

У бутун иродасини ишга солиб, сочилиб кетган диққатини қайтадан бир ерга тўплади-да, яна ёза бошлади:

«У ҳурилиқо узун, кенг-мўл кийимда юмшоқ духоба тўшакда шундай ётар эдики, гўё ноёб марвариднинг бир шодаси бирор сарҳадли аёлнинг кенг кўксида ётгандек...»

Уйнинг эшиклари тарақ этиб очилиб, яна тарақ этиб ёпилди. Автор бошини кўтариб қаради. Қараса, Меҳтароний бекам унинг олдида турибдилар, сочлари ҳурпайган, ҳадеб туғавериб ажиндан юзлари тўр босиб кетган, дўпатталарининг учи супургининг хизматини қилган.

Авторга худди уни ширин уйқудан уйғатмоқ учун биров каптар учуриб юборгандай туюлди. У ҳайрат билан илжайиб сўради:

— Бекам нечук ташриф буюрдилар?

«Бекам» қўллари билан қоп-қора сочларини силадилар.

— Рўзгор билан ҳеч ишингиз йўқ. Сизга шу китобларингиз, ёлғон-яшиқ, бошсиз-оёқсиз эртак-чўпчакларингиз бўлса бас.

Автор дили ранжиб сўради:

— Хўш, бирор иш-пиш борми ёки ҳазратлари фақат насиҳат қилгани ташриф буюрдиларми?

«Ҳазратлари» қўлларини қамчиндай ўйнатиб, яшиндай чақнаб кетдилар:

— Иш-пиш? Иш десангиз минг-минг. Иш нималигини билсангиз экан сиз! Овқат пишириш, олти боланинг қорнини тўйғазиш, бозорга бориб майда-чуйда олиб келишлар-у сизга ҳеч иш эмас! Бунинг устига устак яна мана бу болалар дам ўтмай қирғин-тўполон қилиб туради.

— Хўш, ҳозир қандай ёмонлик қилди?— деб сўради автор дарҳол унинг гапини бўлиб.

— Қандай бұлар эди, ёмонликдақа ёмонлик!— деб жавоб бердилар у киши қўлларини икки сонларига тираб.— Бир қиёмат қилиб ўтиришибди. Суруштирсангиз, бекордан бекорга. Кичкина ўғлингиз бир парча тунука топиб ўйнаётган экан. Ўртанча ўғлингиз уни қўлидан юлиб олиб қочибди. Қарасам, кичкинанингиз шайтонлаб ўлай деяпти. Катта ўғлингизга, бундоқ бориб, анови жанжални босиб келгин, дедим. У ҳам борибди-ю, ўртанчангизни бир шапалоқ тушириб, тунукасини қўлидан тортиб олмоқчи бўлибди. Ўртанчангиз бўлса тунукани қаттиқ чангаллаб олибди. Хуллас, у у ёққа тортибди, бу бу ёққа тортибди, оқибат тунука ўртанчангизнинг қўлини қирқиб кетибди. У ҳам тутоқиб, каттангизни ғарч этиб тишлабди-ю, нақ бир парча этини узиб олибди. Мен товани ўчоқдан олиб, югуриб етиб келгунимча, катта қизингиз чопиб бориб, уларни ажратмоқчи бўлибди. Ажратмоқчи бўлган экан, иккаласи бир бўлиб, уни шундай итариб юборибдики, у бориб қаттиқ ерга гуп этиб йиқилибди-ю, лабларини тишлаб олибди. Энди оғзидан шир-шир қон оқаётганини кўриб, шундай шашқатор йиғлабдики, худди онаси ўлгандай...»

— Қўй-эй, худо кўрсатмасин!— деди автор дарҳол сўзини бўлиб тил учиди.

— Ҳеч ким орзу қилмас шундай турмушни!— дедилар у киши.— Бирпас ҳаловат йўқ. Бундай яшагандан кўра, ўлиб қўя қолган яхшироқ.

Яна эшиклар тарақ-туруқ қилиб, маҳороний бекам ўз мулкларига чиқиб кетдилар.

Автор тирналган юрагининг ғуборини кетказиш учун чуқур нафас олди. Қўлидаги қоғозларини тахтанинг тирқишига суқиб қўйди, қаламни қулоғига қистирди-да, тўнғиллай-тўнғиллай ўрнидан турди: «Кел, болаларчи шу ерга олиб келай, кўзимнинг олдида турса, зора жанжал-тўполон қилмаса», деб кўнглидан ўтказди.

Улар ҳам ҳаммаси йиғилиб келишди: катта ўғли, ўртанча ўғли, катта қизи, ўртанча қизи, кичкина қизи; ҳаммасининг лаб-лунжи осилган, юзида авторни талашгандай, «бу менинг отам, битта менинг ўзимнинг отам» деган маъно акс этган, ҳаммаси ҳам ким қаттиқроқ йиғлашга баҳс боғлаб, бир-бирини ютишга тайёр! Автор беш ёшдан юқорисига насиҳат қилди, беш ёшдан пастига турли-турли ўйинчоқлар бериб алдади, бир чуқур уҳ тортиди,

пешонасининг терини артди, ғадир-будур, нобоп чорпога ўтириб, тахтанинг тирқишидаги қоғозларини ва қулоғига қистириб қўйилган қаламини олди-да, ҳикоянинг занжирини шундай жуфтлаштирди:

«Уйнинг муаттар ҳавоси, унинг дилрабо зеб-зийнати, унинг деворларидаги нақш, гуллар ва уйда заррин тўшакда тўлин ойнинг ётишини кўриб, худди бир пари Қўҳиқоф чўққиларидан тушиб келгандек ёки қуёшнинг ярқираган нури бир парча булут устига миниб ўтирган-дек ёки бирор шоирнинг симобдай тахайюли маст-аласт ёшлик либосига ўралиб олгандек туюлар эди...»

Учоқ бошидан Ронийси катта ўғлини чақириб қолди:

— Катта! Ҳой катта! Бу ёққа кел, Муа! Нега бориб, отангнинг тиззасини қучоқлаб ўтириб олдинг? Сенга қачондан бери жавраяпман, бозорга бориб, бир пайсалик пиёз олиб келиб бергин, деб. Кимга айтасан демайсан-а, ишёқмас!

Автор катта ўғлига қараб бир ўқрайди. Катта ўғли ранги ўчиб, эшик томонга жўнаб қолди.

Учоқ бошидан яна овоз келди:

— Муа, ҳа, туролмай қолдингми, шал, дангаса, текинхўр!

Дарахтнинг сарғайган барглари кузги шамол зарбидан қандай титраса, авторнинг бадани ҳам худди шундай титраб кетди. Овозининг борича «дод» деб бақириб, бирор ёққа қочиб чиқиб кетгуси келди. Лекин аламини нчига ютди, лабларига муҳр босди ва яна ёзишга тушди:

«Бунинг устига яна сукут, тинчлик ва танҳолик! Шундай сукутки, унга киши узоқ вақт риёзат чеккандан кейин, минг-минг жон куйдиргандан кейингина эриша олади. Шундай сукутки, бу сукут абадий бахт ва ҳаловат сирларига жо бўлгандир. Шундай сукутки, уни Ҳимолай тоғларининг чўққисига чиқиб ўтиргандагина кўриш мумкин. Шундай сукутки...»

Шу пайт кичкина ўғил ўртанчасининг қўлидаги ўйинчоғини тортиб олди. Ўртанчаси эса уни қулочкашлаб туриб бир туширди, кичкинаси унинг сочларини юлиб олди. Хуллас яна қий-чув кўтарилди. Лаб-лунжлар осилди, кекирдаклардан хилма-хил овозлар чиқа бошлади. Автор дарҳол қоғоз-қаламини улоқтириб, оёқ яланг

югурди. Иккаласи ҳам бир-биридан қолишмайди: бири карнай, бири сурнай.

Урганчасидан сўраса: «Кичкинангиз мени тишлаб олди»,— дейди.

Кичкинаси эса: «Ўлтанчангиз ўзи улди»,— дейди.

Автор кичкинасини кўтариб, чорпояга олиб келиб ўтқазиб қўйди. Урганчасини эса қўлини силаб, алдаб-сулдаб овутди. Унинг йиғиси тугагач, ёзувчи чорпояга қайтиб келди. Келиб қарайдики, барака топгур кичкина ўғилчаси «отаси улгурмаса, ўғли тугатар» дегандай отасининг қаламини олибди-да, оппоқ қоғозга ҳазрат Мусо вақтидаги хат билан ёза бошлабди. Автор сапчиб унинг қўлидан қаламни тортиб олди. Кўрибсизки, яна қиёмат! Бола овозининг борича бақриб йиғлашга тушди. Автор бирдан катта қизига қараб ўшқирди.

— Олиб кет, ҳаромини бу ердан! Олиб кет, бўлмаса худди ўлдириб қўяман.

Қизи балиқдай типирчилаб турган болани бир амаллаб ортмоқлаб олди-да, кичкина синглисини қўлидан ушлаб, жон ҳолатда уйдан чиқиб кетди. Қолган болалар ҳам калтак еган итдай секин жўнаб қолишди!

Аста-секин тинчлик чўка бошлади. Автор қоғозларини тўплади, қаламни қўлига олди ва энди ёзмоқчи бўлиб турган эди, кўчадан жуда кўп одамларнинг оёқ товуши эшитилиб қолди. Кейин шовқин-сурон бошланди, «Ром-нам сат ҳе! Ром-нам сат ҳе!» деган хитоблар эшитилди. Автор икки қўли билан сочини юлди. Кейин ҳалиги чала қолган жумлани шундай деб тугатди:

«...Шундай сукутки, бу сукут гулхан алангасида ёниб кул бўлгандан кейин ёки кўмилгандан кейингина насиб бўлиши мумкин!»







МУХАММАД БАШИР



मुहम्मद बशीर



محمد بشير









## ТАЙГАР

**Т**айгар жуда бахтли ит. Очарчилик вақтида ҳам унинг баданини жир босиб ётади. Ётса ё ўтирса бир катта боғлам одеялга ўхшайди. Унинг думи билан оёқлари оқ. Қорамтир кўзларида қип-қизил йўллари бор. Полициячиларнинг кўзи каби унинг кўзи ҳам қон талашган.

Тайгар ифлос ариқлардан бирида, изғиб юрадиган бир дайди итнинг қорнидан тушган. Лекин авлод-аждодининг кимлиги унинг ёдида йўқ. Шу полиция участкасини уйим дейди ва ҳамма вақт шу участканинг ҳовлисида ётгани-ётган. Бу ердан осмон унга тўрт бурчак кўринади. Унинг ўртоқлари «маҳбус, ё полициячилар, Тайгар уларнинг ҳаммасини танийди. Лекин ҳаммадан кўра инспекторни яхши кўради. Маҳбуслар инспектор билан Тайгарнинг кўзи бир хил, дейишади. Тайгар эса маҳбусларнинг ҳаммаси бир хил деб ўйлайди. Тайгарнинг хаёлида дунёда фақат икки хил одам бор: полициячилару маҳбуслар. Унинг назарида ўғри, муттаҳам, сиёсий маҳбус — ҳаммаси бир, ҳаммаси ҳам маҳбус. Ҳаволатда ётган қирқ беш кишининг ҳаммаси бир маҳбус.

Бир камерада ётган тўрт кишининг ҳаммаси сиёсий маҳбус эканлигидан унинг хабари йўқ. Ҳаволатдаги камераларнинг бир-биридан ҳеч фарқи йўқ. Улардан биронтасига ҳам ёриғлигу ҳаво деган нарса кира олмайди. Халажойга ўхшаб сасиб кетган бу камераларда ётган ҳар бир киши бамисоли бир скелет ва бу скелетни кеча-кундуз пашша, чивин, кана, сўналар чақиб ётгани-ётган.

Камераларнинг ичи шундай сассиқки, димоғ чидаш бера олмайди. Лекин бу сассиқ, маҳбусларнинг эсига ҳам келмайди. Уларнинг хаёли ҳамма вақт овқат билан банд. Кечаси, эртага тонг отса гуруч қайнаган сув тегади, деб ўйлашади ва шу ўй билан уйқуга кетишади. Эрталаб гуруч суви текканидан кейин, қачон туш бўлади-ю, тушки овқат тегади, дейишади. Туш ҳам бўлгандан кейин кечқурунги овқатни пойлашади. Уларнинг оч қорни ҳеч тўймайди.

Маҳбуслардан ҳеч бирининг ҳаволатда ётишга тобч йўқ. Ҳаммаси ҳам тезроқ қамоққа кета қолсам, дейди. Полиция берган суддан қутулиб чиқишнинг ҳеч иложин йўқ. Суднинг бирор жазога ҳукм қилиши турган гап. Жазога ҳукм бўлгандан кейин қамоқда ётиш ҳеч гап эмас. Маҳбусларга қамоқ — жаннат, полиция ҳаволати — дўзах. Ҳар бир маҳбуснинг дили ғазаб ва нафрат билан тўла. Аламини эса ҳаммаси Тайгардан олади, унга шундай ўкраядики, худди тириклайин ютиб юборгудек бўлади. Аммо, Тайгар маҳбусларнинг бу ўкрайишига парво ҳам қилмайди. Думини гажак қилиб, камераларнинг олдида у ёқдан-бу ёққа айланиб юраверади. Турқи ҳеч ўзгармайди: ҳамма вақт жиддий, гердайган. Юриб-юриб бирор камеранинг эшиги олдига келиб ётиб олади. Инспекторнинг овқат ейдиган вақти бўлганда, Тайгар унинг олдига бориб ўтиради. Инспектор барг устидаги қолган-қутган овқатини унинг олдида суриб қўяди. Баргнинг устида эса бир кишининг қорни тўядиган гуруч бўлади. Тайгар уни тушира бошлайди. Буни кўриб, камерадаги маҳбусларнинг оғзидан суви келиб кетади.

Овқатни еб бўлгандан кейин Тайгар боққа чиқадида, бир дарахтнинг соясида ясланиб уйқуга кетади. Бир оз дам олиб олгандан кейин яна келиб ҳаволатга қоровуллик қила бошлайди. Кўзлари шу жилмайиб тура-

дики, гўё ҳамма нарсадан хабардордай туюлади. Маҳбусларнинг кўпчилиги туҳматга учраганлар. Инспектор пора еган. Мисол учун маҳбуслардан бири бир вақтда бир ўғрилик қилиб қўйган. Кейин бирор жойда ўғрилик бўлиб қолган-ку, суруштирмай ҳалигини таппа ушлаб келинаверган. Ҳаволатга келгандан кейин эса, маҳбус ҳар қандай жиноятга иқдор бўлаверади, хоҳ жиноят қилган бўлсин, хоҳ қилмаган бўлсин. Судда ҳам ўзини оқлашга уринмайди. Чунки полиция ҳамма вақт унинг елкасига миниб туради. Ҳукумат ҳар бир маҳбус учун кунда пул беради. Агар шу ҳар бир маҳбусга бериладиган пулни ўттизга кўпайтирилса, чиқадиган умумий рақам бир полициячининг бир ойлик маошидан ошиб кетади. Ахир полициячи ҳам ўзи билан хотин, бола-чақасини боқиш дардида юрибди. Лекин оладиган озгинагина маоши билан куни ўтмайди. Шунинг учун у маҳбусларга бериладиган пулнинг бир қисмини уриб қолади.

Маҳбуслар темир панжарадан қўлларини чиқаришади-да, Тайгарнинг орқасига туртиб, «Бу бизларнинг гуручимиз», деб қўйишади. Тайгар бўлса «ҳа, ҳаёт деб мана шуни айтади. Буни ўзгартириш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди» дегандек, думини ликиллашиб қўяди, холос.

Баъзи маҳбуслар «қорнимиз тўйиб овқат ея олмаймиз», деб шикоят қилиб қўйишади, бунинг жазосига эса мушт билан тепки ейишади.

Маҳбусларга овқат бир нонвойнинг дўконидан келади. Овқатнинг нархини ҳукуматнинг ўзи белгилаб қўйганди. Нонвой бир арзимаган сармоя билан иш бошлаган эди. Ҳозир эса маҳбусларнинг орқасидан жуда бой бўлиб кетган. Қорни аравадай, мўйловлари узун-узун. Инспектор билан жуда қалин. Инспектор билан муншининг овқати ҳам ўша нонвойнинг дўконидан келади. У ердан яна қаҳва ҳам келади. Лекин булар овқат билан қаҳвага уч пул сарф қилмайди. Бундан ташқари нонвой инспектор билан муншига ҳар ой унча-мунча пул ҳам бериб туради. Буларнинг ҳаммасини эса нонвой маҳбусларнинг ҳақидан уриб қолади. Рўйхатда олтмишта маҳбуснинг номи бор. Овқат тегмаган чоқда ҳам булар шикоят қилолмайди. Борди-ю, судда бир оғиз шикоят қилиб қоладиган бўлса, онасини уч қўрғондан кўради. Инспектор билан полициячилар суднинг олдида-ю ҳеч нарса демайди, лекин маҳбус-

лар ҳаволатга қайтиб келгандан кейин яхшилаб уларнинг ҳол-аҳволини сўраб қўяди. Инспектор шикоят қилган маҳбуснинг олдига келади-да, илжайиб «жаноблари шикоят қилаётганми эдилар?» деб сўрайди. Шундай дейди-ю, кейин роса терисини шилади. Шунинг учун янги келган маҳбуслар дарров ҳушёр бўлиб қолади, оғзини тикиб олади-ю, ғинг деб очмайдиган бўлади. Лекин улар бутун аламини итдан олади. Маҳбусларнинг Тайгарни кўргани кўзи йўқ, буни участкадаги ҳар бир одам биледи. Инспектор кўпинча ҳайрон бўлади. «Ахир бу одамлар шу бечора жониворни яхши кўра қолса нима қилади», дейди.

Аммо Тайгарни кўрганда маҳбуслар худди заҳар ютгандай бўлишади. Қулай пайт топилди дегунча, улар Тайгарнинг адабини бериб туришади. У эса хавфни сезиши билан дарров шовқин кўтаришга тушади. Инспектор қамчисини кўтариб югуради. «Тайгарни ким урди?» деб бақиради. Шундай дейди-ю, маҳбусларга ташланади.

— Ҳаромилар! Мен сенларга неча марта айтдим, шу тилсиз-забонсиз бечорага тегмаларинг деб! Қани айтинглар, ким қўл тегизди Тайгарга? Қўлингни чиқар бу ёққа!

Темир панжарадан битта қўл ташқарига чиқади ва унинг очиқ кафтига инспекторнинг қамчиси кетма-кет туша бошлайди. Қамчининг «шарт-шарт» қилган овози ҳавода янграб кетади. Қўл шишиб чиқади, кафтидан қон томчилай бошлайди. Тайгар кўз қири билан бўлаётган ҳангамани кўриб туради, кейин тилини чиқариб, томчилаган қонни ялай бошлайди.

Лекин маҳбуслар шунда ҳам қўймайди. Жазо уларни беш бадтар ўжар қилиб қўйган. Бу ёқда ит ҳам шундай муғомбир бўлганки, агар бир ерига сал қўлнинг учи тегиб кетса ҳам, бас, овозининг борича шундай бақирадики, эшитган одам биров уни ўлдириб қўяпти дейди. Маҳбусларнинг кўпчилиги бир неча марта лаб инспекторнинг қамчисини еган, лекин шундай бўлса ҳам Тайгарни уришни қўймайди. Тайгарнинг ўзи ҳам ундай қилиб-бундай қилиб уларнинг жиғига теккани-теккан.

Тайгар ҳовлидан ташқарига жуда кам чиқади. Ўлгундай кўрқоқ. Бироқ бошқа бирор итни кўриб қолса, жони борича акиллашга тушади. Ўша вақтда унинг ва-

жоҳатини кўрган одам шер дейди. Лекин участкадан ташқарига чиққанда бир кичкинагина кучук болани кўриб қолса ҳам думини қисиб, шундай қочиш қилиб берадики, ҳовлининг ичига кириб олмагунча юраги ўрнига тушмайди.

Бир куни Тайгар думини қисиб ташқаридан кириб келган эди, маҳбуслардан бири кулиб «Ана инспектор келяпти», деди. Бошқа бир маҳбус жиддий оҳангда «бизларнинг ҳар биримиз худди шунга ўхшаган бир инспектормиз», деб жавоб берди. Шу гапдан баҳс бошланиб кетди. Тўрт маҳбусдан учтаси бир тараф, биттаси бир тараф бўлди. Бунинг устига инспектор келиб қолди.

— Бу нима шовқин?— деб ўради у. Маҳбуслар жим бўлиб қолди. Ҳеч ким жавоб бермади. Инспектор полициячига эшикни оч, деб буюрди... Полициячи қулфни очди. Маҳбуслар ташқарига чиқди.

— Одамларинг келди,— деди инспектор.

Баҳс чиқишига сабабчи бўлган маҳбуснинг бир неча оғайниси кўргани келган экан. Улар нон, пўртаҳол олиб келган экан. Пўртаҳолнинг сара-сарасини ҳаммадан олдин инспектор туширди. Қолган-қутгани маҳбусларга тегди. Келганлар ҳеч қандай хушхабар олиб келмабди. Мамлакатда ҳамма жойда қашшоқлик. Одамлар очдан ўляпти. Уруш бўляпти. Ҳамма нарса борган сари қимматлашяпти. Ҳамма жойда очарчилик.

— Очарчиликни биз ҳам кўряпмиз?— деб жавоб берди маҳбус. Оғайнилари ҳайрон бўлди.

— Қаёқдан кўрасанлар? Сенларнинг кунига икки вақт қоринларинг тўяди, бу ёқда бўлса, одамлар бир донга донга зор. Сенлар жуда бахтли экансанлар.

— Қани кошки эди бизлар ҳам мана шу итчалик бахтли бўлсак,— деди маҳбус Тайгарни кўрсатиб.

Инспектор кулди. Бу ёқдаги маҳбуслар ҳам кула бошлашди. Тўрттала маҳбусни яна олиб кириб камерага қамаб қўйишди. Оғайнилари олиб келган нарса билан уларнинг қоринлари тўйди. Шунинг учун кечқурун берилган гуруч ейилмай қолди. Бу гуручни улар бошқа камерадаги маҳбусларга узатишди. У ердаги йигирма иккита маҳбус бараварига панжарага югурди. Улардан биттаси қўлини чўзиб, гуруч солинган барғни олди. Лекин ола туриб қўли панжарага тегиб кетди-ю, гуручнинг бир қисми ерга тўкилиб тушди, Тайгар худди шунинг

пайида турган эди, югуриб келди-да, тўкилган гуручни ея бошлади: Темир панжаранинг у ёғида, камеранинг ичида эса йигирма бир маҳбус тизилиб ўтирди. Бир луқмадан ортиқ гуруч тегишига ҳеч кимнинг умиди йўқ, лекин ҳамма худди зиёфатга келганнинг савобини топяпти. Ҳалиги маҳбус тўрт-беш, тўрт-беш кишига оз-оздан қилиб гуручни улашиб берди. Тайгар эса ерга тўкилган гуручни еб бўлгач, панжаранинг темирини ялай бошлади. Маҳбуслардан бири нафрат билан унинг тумшугига қараб бир туширди. Ит акиллаб қолди. Буни эшитиб қоровул югуриб келди. Унинг кетидан яна бир неча полициячи келди, уларнинг кетидан инспектор ҳам етиб келди. У маҳбусларнинг еб турган гуручини оғзидан юлиб олиб, ҳаммасини баргга солдирди-да, Тайгарнинг олдига қўйдирди. Маҳбуслар худди биров уларнинг юрагини эзиб ташлагандай бўлиб кетишди. Инспекторга бу жазо ҳам кам кўринди. У эшикни очтирди, ичкарига кирди-да, маҳбусларнинг ҳаммасини аямасдан роса савалади.

Уша куни кечаси соат ўнларга яқин, Тайгар, жони жуда оғир азобга тушиб қолгандай, яна тўсатдан вангиллаб қолди. Унинг талвасага тушиб вангиллашидан бутун участка ларзага келди. Дарҳол полициячилар югуриб келди. Қарашса, маҳбуслардан иккитаси Тайгарнинг боштини панжаранинг орасига қисиб олибди-да, уни бўғиб ўлдирмоқчи бўляпти. Бу икки кишининг иши экани турган гап. Лекин полициячилар фақат бир кишини таниб қолди.

Инспектор келиб, айбдорни камерадан ташқарига олиб чиқди. Бу одам ўғирлик билан қўлга тушган эди. Инспектор дастлаб унинг башарасига бир мушт туширди. Кейин тепиб ерга ағдарди. У юзи билан йиқилганча ётибди-ю, орқасига инспектор тепкилаяпти. Оғзидан қон оқаяпти. Анчагина ер қонга беланган. Унинг бир тиши ҳам синиб тушиб, қонга беланиб ётибди.

Қирқ маҳбус, тўққиз полициячи бу томошани кўрди. Тайгар қонни битта қўймай ялаб олди, ер яна топ-тоза бўлди.

— Иккинчиси ким эди?— деб бақирди инспектор ғазаб билан.

Ҳеч ким жавоб бермади.

— Ҳа-ҳа! Айтмайсанларми?!

Шундай деди-да, инспектор бир маҳбуснинг икки оёғини тортиб панжарадан ташқарига чиқарди. Кейин боғлаб қўйиб, иккала оёғининг тагига роса қамчи урди. Оёқларининг таги шилиниб кетди ва қон оқа бошлади. Лекин шунда ҳам маҳбус чурқ этиб оғзини очмади. У ҳушидан кетиб, қимир этмай ётар эди. Тайгар эса тикандек тилини чиқариб, унинг ярасини яламоқда эди.










П. КУМОР КАВШАЛ

म: कुमार कौशल

پی. کمار کوشل







## Ф А Р И Ш Т А



пажоним, салом!

Орадан уч ой ўтиб кетди, сендан биронта ҳам хат олганимиз йўқ, бизларни бутунлай эсингдан чиқариб юборганга ўхшайсан. Менинг фикру хаёлим эртаю кеч сенда.

Оилавий ҳаёт бутунлай бошқача бўлар экан. Сен билан коллежда бирга ўқиб юрган кунларимиз қандай яхши кунлар экан: бирга ўйнардик, бирга овқат ердик, хуллас ҳар доим бирга бўлардик. Доим янги-янги нарсалар, ҳазиллар, ҳар хил ўйинлар ўйлаб чиқарардик — энди буларнинг ҳаммаси тушга ўхшайди.

Опажоним, сен ҳам бизларни ҳеч эслаб турасанми?

Икки ойдан бери нимагадир унинг хаёли паришон, кечаю кундуз алланималарни ўйлайди, нималарни ўйлаб юрганини билиб бўлмайди. Бирор гап сўрасам, кулиб қўяди холос.

На кинога боради, на клубга. Ҳеч қаерга боргиси келмайди. Ҳеч қандай ўйин-кулгига қизиқмайди.

Уйга қайтиб келиб, меҳрибонлик билан:

— Варша, буни ундай қилиш керак, уни бундай қилиш керак. Бу шимнинг ранги анави камзулга мос келмайди. Мен-ку майли-я, мана ўзингни кўр. Кўк сорийга

кахва ранг устама тўғри келадими?— деб юрган вақтлари қаёқда қолди?

Энди, опажон, худди оғзини биров тикиб қўйганга ўхшайди.

Чойга қанча қанд солмайин, индамай-нетмай ичиб олади. Энди илгаригидек қандни оз солибсан, кўп солибсан дейишлари йўқ. Бир куни мен унга қандсиз чой бердим, шунда ҳам ҳеч нарса демай, ичиб юборди. Бошқа куни уч қошиқнинг ўрнига беш қошиқ шакар солиб бердим. Биласанми, финг демай ичиб олди.

Қинога борамизми, деб сўрасам: «Бирор ўртоғинг билан бора қол»,— дейди.

Томоша қилгани кетаётиб «Энди сорийнинг ранги устаманинг рангига мос келадими?» деб сўрасам, «Ҳа, жуда мос келади», деб қўя қолади.

Нима билан кўнглини олишимни билмай қолдим.

Бир куни: мендан хафа эмасмисиз, бирор нарсани кўнглингиздагидек қила олмаган бўлсам, кечиринг, деган эдим, бошимни силаб: «Тентак, сендан хафа бўлиш етти ухлаб тушимга ҳам кирмайди», деди.

Мен у яна бирор нарса дер, мени эркалар деб ўйлаган эдим, йўқ, ҳеч нарса демади.

— Нимага бўлмаса хомуш кўринасиз? — деб сўраган эдим, «Ҳеч... идорада иш жуда кўпайиб кетди»,— деди.

Илгарилари у ҳеч кечга қолмас эди, вақтида уйга келарди. Энди соат ўндан ошмагунча уйга келмайди. Келади-ю овқатни еб, ётиб олади.

Минг марта сўрасанг ҳам тузук-қуруқ жавоб ололмайсан. Шуларни ўйлаб туриб, у билан тоққа бормоқчи бўлдим. Ҳар галгидай эътироз билдирмади. Опажон, сен ҳам биз билан бирга борганинга яхши бўлар эди. Қаерга десанг ҳам майли, Симлагами, Массуригами, Ненни-талгами, барибир.

Ҳар қалай Симлага борсак яхши бўларди.

Жавобини тезроқ айт.

Мунна тузукми? Энди юрадиган бўлиб қолгандир?

Мен учун Муннани қучоқлаб, ўпиб қўй.

Поччамга салом дегин.

*Синглинг Варша.*

*Лакнов,*

*Маҳотма Гандий кўчаси.*

*1950 йил, 12 май*

Азизим Варша, сенга бахт-саодат тилайман.

Сенинг кўп яхши ниятлар тилаб ёзган хатингни олдим. Саломингни эримга, яъни поччангга айтдим.

«Ҳеч эсингга келамизми, йўқми» деб ёзганинг нима-си? Қўй-эй. Уз қариндошини ҳам киши эсдан чиқаради-ми?

Варша, қариндошларни эсдан чиқариб бўладими ахир? Анчадан бери хат ёзмай қўйдинг, десанг, бунисига иқрорман. Кечир бунинг учун.

Шелиндр ҳақида ёзганларингни ўқиб, мен ўзимни қўярга жой тополмаяпман. Сендан бир илтимос, уни эҳтиёт қил. Менинг бирдан-бир илтимосимни унга етказ — ўзини қўлга олсин. Унга айтгинки, одам ўтган ишларни унутиб, келгусини ўйлаши керак. Утмишни эсдан чиқариш — жуда бир фойдали иш, бу яккаю ягона юпанчдир.

Сен ҳам, Варша, ортиқча ташвишланма. Ахир баъзида шундай ҳам бўлади-да. Сизлар билан бирга бирон ёққа боролмайманми, деб қўрқаман.

Муннанинг соғлиғи яхши.

Шелиндрга мендан салом айт.

*Опанг Гаури»*

*«Шимла.*

Опажоним Гаури, салом.

Хатингни олдим, ўқиб кўриб кўнглим жуда ранжиди.

Опажон, нима деб ёздинг ўзинг?

Ҳеч ишонгим келмаяпти. Нималар бўлган эди ўзи?

Мен хатингдаги кўп гапларга тушунмадим. Очиқроқ ёзиб юборишингни сўрайман.

Агар сенга озгина бўлса ҳам ёрдамим тега олса, ўзимни бахтиёр деб биламан.

Баъзи бир гапларга тушундим, лекин ҳаммасини англай ололмадим.

Тезроқ жавоб ёзиб юбор.

Хатингни жуда сабрсизлик билан кутаман.

Бизнинг аҳволимиз яхши.

*Синглинг Варша».*

Азизим Варша, сенга бахт-саодат тилайман.

Очиқроқ ёзиб юбор, дебсан. Очиқроғи нимаю, очиқ эмаси нима? Буни ўзим ҳам билмайман. Менимча, ўша ёзганларим етарли бўлса керак.

Хатингда ёзибсанки, бирон ёрдам қўлимдан келса... Мен биламан, Варша, мен учун жуда кўп нарса қилишинг мумкин ва қилишга тайёрсан ҳам. Вақти келганда айтаман.

Сенга жуда ҳам бир муҳим вазифа топшироқчиман.

«Нималар бўлган» деб сўрабсан. Агар ўтган ишларни унута олска, келгусида биз ҳам-ғуссадан қутула оламиз», деган эдим. Мана энди бу ишларнинг ҳаммаси ўтмишимни унута олмаганим сабабли бўлди. Нима учун шундай бўлди? Мен буни сенга кейинроқ бир кези келганда тушунтираман.

«Опамга нима бўлди?» деб ўйлаётгандирсан Сингилгинам, менга ҳеч нарса бўлгани йўқ. Гап шундаки, бизнинг бу мутаассиб жамиятимизда қадимдан шундай бўлиб келган, бундан кейин ҳам то янги жамият ўрна-тилмагунча худди шундайлигича қолаверади.

Сенинг опангга ўхшаган кўплаб опалар бу қабиҳ жамиятда оҳ-дод чекиб ўлиб кетади. Нафас олишга ҳаво етишмагандай ўлади ёки менга ўхшаб қон тупуриб, бу жамият билан умрбод хайрлашади.

Ўн беш-йигирма кундан кейин Лакновдан Малабарга жўнайман. Шунинг учун икки ойга яқин мендан хат олмайсан. Лекин бу нарса сизларни эсдан чиқариб юбордим деган сўз бўлмайди, албатта.

Муннанинг соғлиғи яхши.

Опанг Гаури»

«Шимла.

Опажоним Гаури, салом.

Хатларинг борган сари жиддийлашиб бормоқда. Уларнинг маъносини тушунаман деб қанчалик ҳаракат қилмайин, қайтага шунчалик қоронғилашиб бормоқда. Ўйлайвериб бошим қотиб кетди, барибир бирон хулосага келолмадим. Шунча кўп савол туғилдики, буларга жавоб ахтариб, қармоққа илинган балиқдай типирчилайман.

Сенинг олдингда мақтаниш мен учун уят, лекин шуни

айтиб қўйишим керакки, ўз опам учун қўлимдан келган барча ишни қиламан.

Опажон, агар ҳақиқатда ҳам менга ишонсанг, агар мени чиндан яхши кўрсанг, менга бирор нарса қилишга имкон бер.

Ахир опамсан-ку, шундай экан, менга ҳар қанча буюрсанг ҳам ҳаққинг бор.

Агар сенга бирор нарса бўлса, синглинг Варша ўзини қўярга жой топмайди. Шуни билиб қўй.

Хатингни ўқиб бўлиб, ўзимни йиғидан тия олмаяпман.

Малабарнинг қаерига бормоқчисан? Нима учун у ерга боришга қарор қилдинг? Нима учун бир неча ой хат ёза олмайсан? Буларнинг ҳаммаси нима деганинг?

Бизнинг отпускамиз тамом бўлаёзди. Уч кундан кейин Шимладан жўнаймиз. Шундан сўнг биз, албатта Лакновга борамиз. Агар эрим бора олмаса, бир ўзим бораман.

*Синглинг Варша».*

*«Лакнов.*

Меҳрибоним Варша, сенга бахт-саодат тилайман.

Эртага мен Лакновдан жўнаб кетмоқчиман. Бу ерларга энди бутунлай келмасам керак. Мен бўлмаганимдан кейин сенинг бу ерга келишинг ҳам фойдасиз.

Сенга қанчалик умид боғлашим ва қанчалик ишонишим ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Варша, сенга бир вазифани юкламоқчиманки, бу вазифани ҳеч қачон ва ҳеч кимга юкламас эдим. На чора, мен ожизлик қилган бўлсам, сен ўзингни бардам тут.

Варша, мен сенинг қўлинг билан ҳозирги жамиятга, ҳозирги дунёга, ҳозирги ёшларга шундай шапалоқ урмоқчиманки, уларнинг юзи тескари бўлиб кетсин. Бу шапалоқ айниқса, ҳузур-ҳаловат қўйида ўзларининг истаклари билан бутун нарсани барбод қилаётган ёшлар учун сабоқ бўлсин.

Варша, хатингда жуда кўп нарсаларни сўрабсан, вақтим жуда озлигидан буларнинг биттасига ҳам ҳозир жавоб ёза олмайман.

Энди менинг барча хатларимни Шелиндрга кўрсати-  
шинг мумкин.

Энди сен Лакновдан хат кутма, Шелиндр ҳам кутма-  
син. Чунки Лакнов билан бўлган барча алоқаларимни  
уздим.

Мунна ўзим билан бирга.

Агар мендан анча вақтгача хат олмасанг, айбга-  
қўшма.

*Опанг Гаури».*

Варша барча хатларни Шелиндрга кўрсатди.

Шелиндр титраб кетди ва чуқур хаёлга чўмди.

Гаури билан хат орқали бўлган суҳбат Варшанинг  
хаёлидан ҳеч нари кетмас эди.

Шу орада беш ой ўтди.

Декабрнинг охирлари эди. Шелиндр бошини қўллари  
билан ушлаган ҳолда столга мук тушиб, чуқур хаёл су-  
рарди: «Ҳозир Гаури қаерда экан? Малабардамикин? Уни  
қаердан қидириш керак? Худо кўрсатмасин, ўзини бирон  
нарсга қилиб қўйса-я! Йўқ, йўқ, бундай қила олмайди,  
ахир Мунна у билан бирга-ку!»

Тўсатдан кабинетга хизматчи кириб, стол устига бир-  
даста хат қўйди.

Шелиндрнинг қўлига биринчи тушган конверт оғир  
эди. Бу Гаурининг хати эди.

Хатни стол устига қўйди-да, кабинетдан чиқиб, хиз-  
матчига:

— Агар мени бирон киши телефонда сўрайдиган бўл-  
са, уйимни чақирасан,— деди.

Шелиндр машинани гаражга қўйиб, ўзи уйга кирди.  
Варша бир ўртоғиникига кетган эди.

У ўз хонасига кириб, эшикни ичкаридан қулфлади,  
чорпоёга ўтириб, титроқ қўллари билан конвертни очди.  
Хатнинг қаердан келганини кўриб ваҳимага тушди. Чунки  
у қуйидаги адресдан келган эди: «Прям. Сил касаллар  
санаторийси, Шимолий Малабар».

Шелиндр беихтиёр: «Ё раббий. Бу нима ўзи?» деб  
юборди ва хатни ўқишга киришди:



«Фариштам, дуои саломимни қабул қилгайсан.

Хатда кўпгина қизиқ нарсаларни ўқийсан. Уларнинг кўпчилигини ўзинг биласан, лекин баъзи бирлари сенга номаълум.

Адресни ўқиган ҳаманоқ, мен сил касалга мубтало бўлганимни билган бўлсанг керак. Иккала ўпкам ҳам ишдан чиқибди. Ҳаётимнинг сўнгги учқунлари қачонгача чақнаб туришини айта олмайман. Лекин, шуниси аёнки, бу учқунларнинг сўнишига оз вақт қолди.

Менга Варша нима учун бундай ҳодиса юз берди ва шу каби саволларни кўп марта берган эди. Уларнинг ҳаммасига хатимда жавоб бераман.

Коллежда бизнинг группамизда сен энг қобилиятли студент эдинг. Коллежнинг жамоат ишларида ҳам бошқалардан қолишмасдинг. Мен сени яхши кўрар эдим. Варшанинг эса сенга нисбатан ишонч ва ҳурмати зўр эди, унинг дилидаги бу ишонч ва ҳурмат секин-аста илдиз отиб, муҳаббат гулига айланаётганди. Варша билан менинг орамдаги фарқ фақат шунда эдики, у сенга бўлган муҳаббатини менга ошкора айтар, мен эсам ўз севгим сирини дилимда сақлар эдим. Варша сени қанчалик кучли севишини билардим, лекин сени бир фаришта деб билганимни, ва сен ҳам мени беҳад севишингни у билмас эди. Варша ўз дилини сенга очишга ботина олмасди. Агар Варша бизнинг ўртамиздаги алоқани билиб қолгудай бўлса, қанчалик қайғуришини ўйлаб, баъзан ўзимни қўярга жой топмасдим. Мен Варшани жуда яхши кўрардим, ҳозир ҳам шундай. Варшанинг бахти учун мен ўз муҳаббатимни фидо қилиш ҳақида бир неча бор ўйлаганман, лекин иккинчи томондан, сенинг орзу-умидларингни ҳам пучга чиқара олмас эдим.

Тасодифан Чандр пайдо бўлиб қолди.

Чандр билан отам иноқ эдилар, Чандр бизларникига келганда, мен кўпинча у билан бирга ўтирар, бирга овқатланар эдим. Чандр ўз севгиси ҳақида гапирарди. Индамай ўтиришимдан у, мени ҳам севади, деб ўйларди. Лекин мен тортинчоқлик қилиб бу ҳақда унга бирор нарса айта олмас эдим.

Бир куни сен хулқ-атвори дуруст деб аталувчи одамлар орасига тушиб, оғир аҳволда қолдинг. Чандр вақтида келиб, сенга ёрдам берди-ю, лекин ўзининг қўли ҳам яраланди. Сен энди унга қарздор бўлиб қолдинг. Орадан бир

неча кун ўтар-ўтмас сизлар қалин дўст бўлиб қолдингиз. Бу ҳол мени ташвишга солар, Чандр бу дўстликдан фойдаланиб, сендан мени сўраб олмасин, деб қўрқар эдим. Ахир фидойлик қилиш масаласида сенинг фикрларинг мен учун сир эмас эди-да.

Агар Чандр шундай қилгудай бўлса, сен ўзингнинг бутун умидларингни ўз қўлинг билан барбод қилишдан ҳам тоймаслигингни билардим.

Қўз ўнгимда гоҳ Варша, гоҳ Чандр турар, лекин сен ҳаммадан ҳам улуғворроқ эдинг.

Сенинг бу улуғворлигинг олдида мен ҳар доим тиз чўкардим. Ахир сен битта ўгай онанг деб ўз ҳовлингдан, ўгай укаларинг деб миллион рупия меросдан воз кечдинг-ку.

Шунинг учун дўстингни деб жонингни ҳам фидо қилишинг мумкинлигига имоним комил эди.

Бир куни Чандр, менга теккин, деб илтимос қилди. Мен эса:

— Сен менинг эрим эмас, дўстимгина бўлишинг мумкин, чунки мен ўз қалбимни дўстингга бағишлаганман,— деб жавоб бердим.

Сенинг севгинг фаришталарга хос пок севги эди, унинг севгиси эса шаҳвоний ҳисдан бўлак нарса эмасди; сенинг севгинг фидой севги эди, уники эса — эга бўлиш ҳиссидан иборат эди, холос.

Чандр худди бир гадойдай сенинг олдингда тиз чўкиб, мени унга беришингни сўради, сен ҳам рози бўлдинг.

Мен рад қилишим мумкин эди, лекин бундай қилмадим. Агар сен ўз дўстинг учун дунёдаги энг қимматли кишингни фидо қилган экансан, мен ҳам сенинг истагинг учун ўзимни қурбон қилишим мумкин эди, шундай қилдим ҳам. Сен ўз қўлинг билан мени келинлардек ясантирдинг, соч фарқимга никоҳнинг муқаддас белгисини қўйдинг ва тахтиравонга ўтқаздинг.

Мен сендан, эсдалик учун бирор нарса бер, деб сўрадим, сен биз икковимиз тушган расмни қайтариб бериб:

— Гаури, эсдалик учун сенга ўтмиш хотираларингни на бера оламан, бундан бўлак менда ҳеч нарса йўқ,— дединг.

Сен менга хотин киши эри олдидаги барча бурчини яхшилаб адо қилиши кераклигини ўргатдинг, айтганларингни қўлимдан келганича қилдим. Бирор ерда бошқа-

чароқ қилган бўлсам, бу бошқа масала. Бир марта сенинг олдинга келиб йиғладим ҳам.

Чандр истаган нарсамни қилиб берди. Лекин буларнинг биттаси ҳам шод этмас, ич-ичимдан йиғлар эдим. Мен ҳинд аелиман. Булар ҳақида ўйлашим ҳам мумкин эмас, чунки қонун бўйича мен бутунлай эримга тобеман. Шу орада икки йил ўтди. Шу икки йил мобайнида бир дақиқа ҳам сенинг эсдалигингни, яъни сенинг хотирангни эсимдан чиқара олмадим. Сўнгра Варша билан сен турмуш қуриб, бир ёстиққа бош қўйдингиз. Сендан кўнглим бир оз хотиржам бўлди. Тўйингизда Чандр билан биз ҳам бўлдик. Никоҳ ўқиб бўлингандан кейин мен олдинга кириб, сенга гулчамбар тақиб қўйдим. Шу маҳалда Чандр ўша хона ёнидан ўтиб кетаётиб, буларнинг ҳаммасини кўрибди. Мана шу вақтдан бошлаб унда қандайдир шубҳа туғилди. Менга муомаласи ўзгарди. Бир неча бор таъна ҳам қилди. Кейин бўйимда бўлди. Тўққиз ой ўтгач, Мунна туғилди. Орадан яна уч ой ўтди, энди Чандр менга бутунлай ишонмай қўйган эди, чунки Мунна худди сенинг ўзинг эди. Чандрнинг бундай қилиқларини мен ўз шаънимга ҳақорат деб билдим.

Фариштам, агар шу вақтда мен Мунна тўғрисида ўйламаганимда, ўзимни ўзим ўлдирган бўлардим. Ахир мен пок эдим-ку. Битта айбим шу эдики, Мунна қорнимдалигида фақат сени ўйлар эдим. Бу эса болага таъсир этмай қолмади, унинг юз тузилиши ҳам, туси ҳам худди сенга ўхшаб туғилди. Эримнинг таҳқирлаши ўз таъсирини кўрсатди. Мен тез-тез касал бўла бошладим. Гуноҳ бўлса ҳам мен кўпинча бола ҳақиқатда ҳам сенинг боланг бўлса эди, деб ўйлар эдим.

Мен ўз уйимда хизматкордан ҳам бадтар бўлиб қолдим. Чандр мендан ҳам, боласидан ҳам, сендан ҳам ҳазар қила бошлади. Қасалимга ҳеч аҳамият бермай қўйдим. Кечалари асло мижжа қоқмай, юзимни ёстиққа буркаб йиғлар ва Муннани аллалар эдим.

Бир вақт ўзимни рентгенга солиб кўрдим-у, сил бўлганимни ва ўпкамининг бир томони бутунлай ишдан чиққанини билдим. Буни Чандрга айтдим, у санаторийга бориб даволанишимга бажонидил рози бўлди ва мени бу ердан бир неча юз мил наридаги узоқ Малабарга, ҳозирги замон типигаги санаторийга юборишга қарор қилди. Бошимга тушган барча қайғу-ҳасратларни бир оз бўлса ҳам

эсдан чиқариш учун ўзим ҳам кетмоқчи эдим. Малабарга Муннани бирга олиб келдим. Бу ерда уни бир оқсоч хотинга топширдим. Мен онаман, лекин ўз болам билан ўйнай олмайман, сил микроблари унинг нозик ўпкасига ҳам ўтмасин деб қўрқаман.

Оҳ... Боланинг отаси ҳам, онаси ҳам тирик бўла туриб, оқсоч хотин қўлида бўлса-я. Онаси уни ўз бағрига боса олмайди, отаси эса ўз боласидан юз ўгирган.

Беш кун бурун Чандрдан хат олдим. Бу хатда агар мен соғайиб қайтгудай бўлсам, фақат бир ўзим уйга қайтишим мумкинлигини, болани эса қабул қилмаслигини ёзибди. Энди унинг олдига боришимга ҳеч қандай зарурат қолмади. Ўлимим олдидан болани сизларнинг қўлингизга топширмоқчиман. Варша менинг боламга оналик меҳрини, сен эса оталик муҳаббатини бера олишингизга ишонаман.

Энди кўнглим фақат бир нарсанигина истайди: ўлимим олдидаги кўз ёшларим оёқларинг остига тушиб, фариштам учун қурбон бўлсин.

*Бахтсиз Гаури».*

Шелиндр хатни кўзларига босиб, ўрнига мук тушиб ётиб олди. Эшик очилиб Варша кирди.

— Нима бўлди?— сўради у.— Нега бундай ётибсиз?

Шелиндр ҳеч нарса демай, хатни Варшага узатди.

Варша хатни ўқир экан, юзлари бўзариб борар эди. Хатнинг охириги сўзларини ўқиб бўлгач:

— Оҳ... Оҳ... Опам ҳали шундай аҳволга тушибди-да. Опажоним. Қандай тошюрак экан Чандр,— деб дод солиб йиғлай бошлади.

— Варша, Чандрда айб йўқ. Агар унинг ўрнида бошқа одам бўлганда эди, у ҳам худди шундай қилган бўлар эди,— деди Шелиндр.


Варша Шелиндрнинг юзига боқиб: «Қанчалик сабртоқат... Шелиндр ҳақиқатда ҳам фариштами?»— деб уйлар эди.

Шунда Шелиндр тўсатдан:

— Варша, болага оналик меҳрини бера оласанми?— деб сўраб қолди.

— Бўлмасам-чи? Опамнинг боласи бўлгандан кейин менинг ҳам болам-да. Ахир опам ҳали ҳаёт-ку?

— Бўлмаса тезроқ отлан. Шу бугуноқ Приям сил касаллар санаторийсига жўнаймиз.



## ГИРДОБ

**Б**оши бинт билан боғланган Дину суви бетўхтов кўтарилиб бораётган даҳшатли дарёнинг қирғоғида ўтирар эди. Дарахтга бир қайиқ боғлаб қўйилган. Дину кимнидир кутиб, най чалиб ўтирарди. Най товушини эшитиши биланок қиз барча ишини ташлаб югуриб келади, деб умид қиларди. Мана най чала бошлаганига икки соат бўлди, лекин қиздан ҳамон дарак йўқ. Дину охири чарчади.

Момақалдироқ гумбурлар, чақмоқ чақар, шамол тобора кучайиб борар эди.

Динунинг най чалишга ортиқ мадори қолмади. У бутунлай умидини узиб, совуқ қумга ётди.

— Камму! Келгинг йўқ экан, нега сўз бердинг,— деб пичирлади-да, ўтмиш хотираларига берилиб кетди.

\* \* \*

Дарёнинг икки қирғоғида иккита балиқчилар қишлоғи бор эди. Ўтган йили шу икки қишлоқ балиқчилари ўртасида мусобақа бўлди. Бундай мусобақалар ҳар йили бўлиб турарди. Охирги мусобақада Дину сувга шўнғиш ва эшкак эшишда биринчиликни олди. Ҳаттоки қишлоқ оқсоқолининг ўғли Чҳажу ҳам ундан орқада қолди. Чҳажуга бу мағлубият жуда оғир ботди. Бошқа бир қишлоқ оқсоқолининг қизи Камму бўйнига гулчамбар осганда, Дину шодлигидан ўзини йўқотиб қўяёзди. Мана энди у Каммуни кутиб ётар, қизнинг: «Худога шукур,

ҳар икки қишлоқдагилар орасида фақат сиз бу тақаб-  
бурнинг димоғидан тушириб қўйдингиз», деган сўзлари  
унинг қулоғи олдида ибодатхонанинг қўнғироқчалари  
каби майин жаранглаб турар эди.

\* \* \*

Бир куни Камму тушган қайиқ гирдобга дуч келиб,  
тўнқарилиб кетишига сал қолди. Ҳеч ким Каммуни қут-  
қаришга журъат этолмади. Шунда Дину ҳеч нарсадан  
қўрқмай, ўзини гирдобга ташлади ва Каммуни қирғоққа  
олиб чиқиб, ҳушига келтирди. Шу кундан бошлаб Кам-  
му уни яхши кўриб қолди. Дину ҳар кеча Камму билан  
қайиқда сузар, қайиқни оқимга қарши ҳайдаб, қишлоқ-  
дан узоқ-узоқларга олиб борар эди. Кейин Дину қир-  
ғоққа чиқиб, най чалар, Камму эса ўзида йўқ қувониб  
ўйнар эди. Қиз ўйнаб-ўйнаб чарчагандан кейин кўкат  
устига ётиб олар, Дину эса бармоқлари билан унинг  
узун, қора, ажойиб сочларини соатлаб ўйнаб ўтирар  
эди. Улар қайиқни дарёнинг оқимига қўйиб, орқага  
қайтаётганларида осмондаги юлдузлар хиралашиб,  
аранг кўриниб турарди. Қирғоққа чиққандан кейин Ди-  
ну Камму билан хайрлашиб ўз қишлоғига қайтар эди.

Қоп-қоронғи тунларда ҳам, ойдин кечаларда ҳам,  
бўрон турганда ҳам, ҳаво тинч бўлганда ҳам, барибир  
Дину ҳар куни Каммуларнинг қишлоғига қайиқда сузиб  
келиб, най чалар эди. Камму эса найнинг овозини эшит-  
ган замон барча ишини ташлаб, Динунинг олдига югу-  
рар эди.

\* \* \*

Бир куни шундай воқиа бўлди. Дарёда сув кўтари-  
либ бормоқда эди, Дину зўр бериб қайиқни оқимга  
қарши ҳайдайверди. Камму қўрқиб кетиб:

— Дину, бугун дарёда гирдоб жуда кўп,— деб  
юборди.

Дину кулиб:

— Ҳечқиси йўқ, Камму. Дарё гирдобидан чиқиш —  
замон гирдобига тушиб, ундан чиқиб олишга қараганда  
осон,— деди.

— Дину, гапингизга тушунолмадим,— деди соддалик  
билан Камму.

Дину гапни бошқа ёққа буриб:

— Камму, қачонгача бошқалардан яшириниб учрашиб юрамиз?— деб сўради қиздан.

Камму нима дейишини билмай, узоқларга кўз тикиб қолди. Қайиқ қирғоққа келиб тўхтади, иккаласи қирғоққа чиқди. Лекин бугун Дину най чалмас, Камму эса ўйнамас эди.

— Камму, ахир айтсанг-чи, тоқайгача қишлоқдагиларни алдаб юрамиз?— деб сўради Дину тўсатдан.

— Дину, мен сизникиман, фақат сизникиман. Дунёда ҳеч қандай куч бизни ажратолмайди.

— Узинг биласан-ку, Камму, мен бир балиқчи чолнинг ўғлиман, сен бўлсанг қишлоқ оқсоқолининг қизи сан. Бу бевафо дунё бизни жудо қилмаса деб қўрқаман.

— Йўқ, Дину, бундай бўлиши мумкин эмас. Агар биров мени сиздан жудо қилгудек бўлса, бир вақтлар гирдобга тушиб қолганимда қутқариб олган эдингиз-ку, ўша гирдобга ўзимни ташлайман.

— Йўқ, Камму, бундай дема, ахир чўкиб кетиш ҳамманинг қўлидан келади, лекин ҳар ким ҳам қирғоқгача сузиб бора олмайди. Фақат умидсизликка тушма.

— Жаҳонда бирдан-бир таянчим сизсиз, Дину, менинг таянчим — сизнинг бақувват қўлларингиз. Фақат сизнинг қўлларингиз мени гирдобдан олиб чиқа олади.

Уларнинг иккови ҳам жим қолди. Тонг ота бошлады... Уфқни шафақ қоплади. Дину билан Камму ширин уйқуда эдилар. Қушларнинг сайраши Каммуни уйғотиб юборди. Қиз чўчиб кетди. Қуёш кўтарила бошлаган эди. У Динуни уйғотиб:

— Энди нима қиламиз, кун чиқиб қолибди-ку? Отаонам мени қидиришга тушган бўлсалар керак,— деди.

Қайиққа тушишди. Дину сув оқими бўйлаб бор кучи билан эшкак эша бошлады.

— Дину, бу ёққа қаранг, ана дадам билан Чҳажу биз томонга сузиб келишяпти. Энди нима қиламиз?

Кўрқувдан уни титроқ босди.

— Камму, сен эшкакларни олиб, қайиқни ҳайдаб кетавер, сўрашса, эрталаб ўйнаб келгани чиқувдим, дейсан.

— Сиз-чи?

— Мен сувга шўнғиб кетаман.

— Ҳали қишлоқ узоқ-ку, оқим ҳам жуда тез.

— Сен мендан ташвишланма.

Дину эшкакларни Каммунинг қўлига бера туриб:

— Эртага албатта келгин,— деди-да, муздек сувга шўнғиб, йўқ бўлиб кетди.

Бир неча вақтдан кейин сув юзида Динунинг боши кўринди.

Бу вақтда Каммунинг қайиғи отасининг қайиғи билан ёнма-ён турарди. Дину оқсоқолнинг қаҳрли овозини эшитди.

— Камму, қаерга бординг?

— Эрталаб бир оз ўйнаб келгани чиқувдим,— деди Камму.

— Амаки, ишонманг, бу ёлғон айтяпти. Қандай қилиб у шундай узоқ жойгача қайиқни бир ўзи оқимга қарши ҳайдаб кела олади? Хой-нахой Дину ҳам шу ерда бўлса керак. Мен унинг сувга шўнғиганини кўрдим,— деб бақирар эди Чҳажу.

Дину дарҳол сув остига шўнғиб кетди.

\* \* \*

Эртаси куни ҳам у қайиқда келиб, Каммуни кутди, лекин қиз келмади. Дину ҳар куни келиб қизни кутар ва уни кўролмай қайтиб кетарди.

Ун беш кун ўтиб кетди, қиздан ҳамон дарак йўқ. Динунинг умид-орзулари хазон бўлди. Қоронғи кечалар тугаб, уларнинг ўрнини ойдин кечалар эгаллади. Ой ерга кумуш нурларини ёғдирди. Қайиқ ҳамон қирғоқ ёнида турар, Дину эса қумда най чалиб ётар эди.

— Дину!

Бу товуш Каммунинг товушига ўхшаб кетди.

— Ким бу? Камму?— сесканиб кетди у.— Келдингми, Камму, албатта келишингга ишонар эдим.

Дину югуриб бориб, уни бағрига босди.

— Камму, неча кундан бери кўрмай, қийналиб кетдим-ку. Қандай хавотир бўлганимни билсанг эди.

— Бошқа иложи йўқ эди, Дину. Дадамлар урдилар. Ҳали ҳам орқам қабариб ётибди.

Қиз йиғлаб юборди.

— Йиғлама, Камму. Бу йўлдан юрган кишилар ҳар доим шундай қийинчиликларга дучор бўлади.



— Энди нимат қиламан? Бу қанақа ноинсофлик. Дадам мени Чҳажуга бермоқчи. Тўй яқин қолди.

— Парво қилма, бирон нарса ўйлаб топармиз.

— Дину, сиз ҳар куни эрталаб ҳув бир милча пастдаги боққа келиб туринг, мен ўша боққа ҳар куни чўмилгани бораман.

— Хўп, албатта бораман. Камму, биров келаётганга ўхшайди, энди бора қол,— деб шивирлади Дину.

\* \* \*

Улар боғда учрашадиган бўлишди.

Бир куни улар анбах дарахти тагида суҳбатлашиб ўтиришарди. Қандай қилиб Чҳажу келиб қолганини билмай қолишди. Чҳажу келиб Динуни бир урди, Дину хушидан кетди. Камму қичқириб юборди. Шундан кейин Дину Камму билан бошқа кўриша олмади. Камму ўртоғи Плуа орқали Динуга хабар юборди:

«Бугун менинг тўйим, лекин мен умрбод сизники бўламан деб қасамёд қилганман. Мени кутинг, албатта бораман».

Динунинг аъзойи-бадани титраб кетди.

Камму Динунинг олдига етиб келиб;

— Дину, мен келдим. Қишлоқдагилар менинг қочганимни билиб қолишди,— деди.

— Камму, энди биз барча кишанларни яқсон қилдик. Йўлимиздаги барча тўсиқларни улоқтириб ташладик.

Дину Каммунинг қўлидан ушлаб, қайиқ томонга бошлаб борди. Улар қайиққа ўтиришди. Ёмғир бошланди. Бешик-бешик тўлқинлар қайиққа урилар эди. Қайиқ қирғоқдан анча узоққа жетиб қолди. Қирғоқда бир неча чироқлар кўринди.

— Камму, қайт орқангга!— деб чақирар эди оқсоқол.

Чҳажу ўзини сувга ташлаб, қайиқ олдига сузиб келди. Дину эшак билан Чҳажунинг бошига бир туширган эди, жон берди-қўйди. Тўлқинлар Чҳажунинг жасадини олиб кетди.

— Қайиқни қаёққа ҳайдаб кетяпсиз?— деб сўради Камму.

— Гирдоб томонга, мана у яқин қолди.

Дину Каммунинг ёнига ўтирди. Қирғоқдан оқсоқол-

нинг товуши ҳамон эшитилар, қайиқ гирдоб томон тез сузиб борарди.

— Камму! Чўкиб кетиш ҳамманинг қўлидан келади, лекин ҳар ким ҳам қирғоққа сузиб бора олмайди. Мен сени гирдобдан олиб чиққан кун ёдингда бўлса керак? Бугун эса икковимиз ҳам ўша жойга борамиз. Бугун биз умрбод бирга қўшиламыз. Сен келинларга ўхшаб кийингансан, менинг бошим дока билан ўралган, демак бугун бизнинг тўйимиз. Бу кеча, момақалди роқ, чақмоқлар, тўлқинлар — буларнинг ҳаммаси бизнинг тўйимизга шоҳид. Дарвоқе, менинг эсимдан чиқаёзибди: кел, фарқингга эрга текканлигинг белгисини қилиб қўяй.

Дину бошидаги докани ечди. Ярадан қон оқа бошлади. У бу қондан Каммунинг фарқига ва пешонасига эрга чиққанлик ҳақида муқаддас белги қўйди.

— Камму, бу гирдоб бизнинг мандиримиз. Кўряпсанми, қайиғимиз айланяпти. Ҳозир мақсадимизга эришамиз. Биз бу ерда қайтадан туғиламыз. Мен сени яна кутиб най чаламан. Сен яна келиб, ўйинга тушасан.

Дину бошини Каммунинг узун, қоп-қора сочлари орасига яширди. Иккисининг ҳам юраги тез-тез ура бошлади. Нафаслари тезлашди. Момақалди роқ гумбурлади. Шамол кучли роқ гувуллади. Тўлқинлар даҳшатли чайқалдилар.

Сўнгра...

Сўнгра қайиқ чўкиб кетди.


Дарё тошди. Қанча-қанча уйлар вайрон бўлди, қанча-қанча кулбаларни сув оқизиб кетди.

Мана ҳозир ҳам сузиб юрган қайиқ кўринади, унда худди икки киши ўтиргандай, кимдир най чалаётгандай гуюлади. Ҳар йили шу кун кечаси даҳшатли бўлади, дарё суви қишлоқларни бирин-кетин ювиб кетади.

Мана ҳозир ҳам қанча-қанча уйлар вайрон бўлади, қанча-қанча кулбаларни сув оқизиб кетади.

Мана ҳозир ҳам худди қайиқ чўкиб кетаётгандай бўлади.





ДХУМ КИТТУ



धूम कीत्तु



دھوم کیٹو







## ПОЧТА

**Т**онг ёришиб кетган эди, лекин осмонда у ербу ерда кичкина-кичкина юлдузчалар худди инсон ҳаётидаги яхши дамлар сингари ярақлаб турарди. Худди шундай бир пайтда изғирин шамолдан ўзини авайлаб танини жулдур чопонга ўраб-чирмаб олган бир чол шаҳарнинг ўртасида кетиб борар эди. Ўзига тинч кишиларнинг уйдан чиқаётган соатнинг чиқ-чиқ қилган ёқимли товуши ва мастураларнинг мулойим овози — иккови бир қўшилиб, шу сокин фазода чолга ҳамдардлик қилгандай у билан ёнмаён борар эди. Узоқ-узоқдан бир итнинг акиллаши, бевақт ўрнидан турган аллакимнинг оёқ товуши, саҳар безовта бўлган бир қушнинг овози секин-секин қулоққа чалинар эди. Фақат шуларни демаса, шаҳар жимжит, ҳамма ширин уйқуда эди. Қаҳратон совуқ эса туннинг шу касофатига яна бадтарроқ бир касофат қўшган эди. Қиш совуғи ўткир қиличини яланғочлаб, мунофиқ кишилар сингари ҳар ерда ҳукмини ўтказиб борар эди. Чол дийдираб-қақшаб, битта-битта қадам қўйиб шаҳар дарвозасидан ташқари чиқди-да, бир катта йўлга тушиб ол-

ди ва дармонсиз оёқлари билан эски қадрдон таёғига суянганича йўлида давом этди.

Йўлнинг бир томони қатор дарахт, иккинчи томони шаҳар боғи эди. Бу ерда совуқ яна ҳам қаттиқ, қишгуни яна ҳам ваҳимали эди. Юлдузларнинг ёқимли нурлари ер юзига қордай сочилиб кетган эди. Боғча тамом бўлган жойда янги усулда қурилган яп-янги чиройли ва ҳашаматли иморат қад кўтариб турарди. Унинг ёпақ дераза ва эшикларидан ташқарига узилиб-узилиб чироқ нури тушиб турарди.

Чол бу иморатнинг аркини кўргач, биронта бҳагвон ибодатхонасининг қуббасини кўриб жон-дили билан сажда қилувчи ва шу билан ўзини бахтиёр ҳис этувчи кишилардай, ич-ичидан беҳад қувониб кетди. Арк олдига осилган қийшиқ бир тахтага ярқироқ ҳарфлар билан «Почтахона» деб ёзиб қўйилган эди.

У почта олдидаги скамейкага бориб ўтирди. Ичкари жимжит эди. Худди беш-олти киши ишлаб ўтириб гаплашгандаги каби, ўзаро гаплашиб ўтирган кишиларнинг бир текис овозигина эшитилиб турарди, холос.

Ичкаридан «полиция назоратчиси» деган овоз эшитилди. Чол дик этиб ўрнидан турди-да, ўзини босиб яна жойига ўтирди. Унга шу совуқда умид ва муҳаббат далда бериб турарди.

Ичкаридан узлуксиз овоз чиқа бошлади. Бу инглиз хатларининг адресини ўқиб, почтачилар олдига ташлаётган кишининг овози эди.

Комиссар, назоратчи, министр жаноблари, кутубхоначи... Яна ва яна худди шу хилдаги хатлар... Кунда худди шундай қанчадан-қанча бир хил номларни такрорлаб, хатларни хилловчи киши уларни чаққонлик билан ажратиб ташларди.

Шу вақтда «Кўчвон Али бобо!» деган ёқимли овоз эшитилди. Чол ўтирган ўрнидан турди. У «худого шукур» дегандай осмонга қаради-да, юриб бориб эшикка қўлини қўйди.

— Гўкал...

— Ким?

чол сўради:

— Менинг хатим келибдими-а? Мен келдим.

Жавоб ўрнига кучли қаҳқаҳа эшитилди.

— Бобужий, бу бир жинни чол. У ҳар куни масхара

бўлиб, хатим деб почтага келгани-келган,— деди хат хилловчи киши почта мудирига.

Шу вақтда чол яна ўз жойига бориб ўтирди. Беш йилдан бери ана шу жойда ўтириш унга одат бўлиб қолган эди.

Илгарилари Али жуда зийрак овчи эди. У аста-секин бу санъатда катта маҳоратга эришди. Кўкнори кўкнорсиз тура олмагандай, у ҳам ов қилмасдан яшай олмас эди. Кул ранг лой уюмлари орасига яшириниб олган какликка кўзи тушдимми, бас, дам ўтмай каклик унинг қўлида бўларди. Унинг ўткир кўзи ўз уясида ётган қуённи ҳам кўрарди. Гоҳи-гоҳида шундай олдидаги қуруқ хашак орасига усталлик билан яшириниб олган айёр кул ранг қуённи овчи итлар ҳам кўролмай қолиб олдинга чопиб кетишар, қуён бўлса қутулиб қоларди. Бироқ италия гардиясининг кўзидай ўткир кўзли Али қуённинг қулоғини кўриб, бир нафас ҳам ўтмай отиб оларди. Ундамунда балиқ ови ҳам қилиб турарди.

Лекин ҳаёт шами ўчишга яқинлашгач, чол овчиликни ташлаб, бор-йўқ фикри-зикрини қизи Марямга берган эди. Яккаю ягона қиз Марям турмушга чиқиб, қайнана-синикига кетиб қолди. Эри ҳарбий маҳкаманинг мулозими эди. У Марямни Панжобга олиб кетиб қолди. Али ҳаётининг мазмуни фақат шу қиз эди, у билан тирик эди холос. Мана бугун беш йил бўладики, қизидан биронта ҳам хат келгани йўқ. Алини муҳаббат ва жудолик ўти куйдириб юборди. Авваллари у каклик болаларининг у ёқ-бу ёққа сарсон ва саргардон бўлиб чопиб юрганларини кўриб кулар эди. Овчи ўз овини уриб олганда қанча лаззатланса, у ҳам бундан шунча лаззатланар эди. Ов завқи қон-қонига сингиб кетган эди. Лекин Марям кетиб қолган кундан бошлаб, Алига ҳаётнинг лаззати қолмади. Уша кундан ов қилиш у ёқда турсин, бош кўтариб кўм-кўк шолиторларига ҳам қарагани йўқ. У ўз ҳаётида биринчи бор муҳаббат туғилиши ва жудолик ёшлари икки қарама-қарши нарса эканлигини билди. Бир куни Али дўқ дарахтининг тагига ўтириб олиб тўйиб-тўйиб йиғлади. Ана шу кундан бошлаб, Али кунда эрта саҳар соат тўртдан туриб почтага келадиган бўлди. Унинг номига ҳеч қачон хат-ку келмаган эди, шундай бўлса ҳам, шояд бир кун эмас, бир кун Марямнинг хати

келиб қолар, деган умидда ҳар куни ҳаммадан олдин почта олдига келиб ўтирарди.

Дунёда ҳамма жойдан ҳам марҳаматсиз жой бўлган почта — унинг саждагоҳига айланган эди. У ҳар доим бир жойга ва бир бурчакка келиб ўтирарди. Уни таниган кишилар масхара қилишарди.

Гоҳи-гоҳида хат келмаган бўлса ҳам, мазақ қилиш учун номини айтиб чақирар ва ўтирган жойидан почта эшигигача чопиб боришга мажбур этишарди. Али чексиз ишонч ва тубсиз сабр билан почтага кунда келар ва икки қўли бўш орқага қайтарди.

Али ўтирар эди. Ўз идораларининг хатларини олиш учун бирин-кетин хат ташувчилар кела бошлашди. Бизнинг давримизнинг кўпчилик хат ташувчилари ўз хўжайинларининг шахсий ишларидан хабардорлар. Шу сабабли бу вақт ичкарида шаҳардаги ҳамма амалдорларнинг шахсий ҳаётлари ҳақида гап-сўз борарди.

Улар «кимнинг бошида салла», «кимнинг оёғида ярақлаган туфли» каби нарсалар ҳақида ҳар ким ўз билганларини ўртага тўқарди. Шу маҳал эшик очилди. Чироқ нурида олдиндаги курсида сигара чекиб ўтирган хафа ва ғамгин почта мудирини кўринди. Унинг юзи, лаби ва кўзларида ҳеч қандай улуғлик кўринмас эди. Бундай кишилар одатда ё заргар, ё қишлоқ ўқитувчиси, ёки шу йигирманчи асрнинг клеркию, почта мудирини бўлади.

Али ҳали ҳам ўз жойида ўтирар эди. У маънос ва беҳол эди.

«Полиция комиссари!» деб чақирди клерк. Ҳурматли бир ёш йигит полиция комиссарининг хатини олгани кўлини чўзди.

«Назоратчи!» — иккинчи хат ташувчи келди. Худди шундай номлардан юзларчаси ўқилди. Хат хилловчи худди Вишну мазҳабидаги кишилар кундалик мутолаасини қайтаргандай ўз ишини қайтарар эди.

Охири ҳамма ҳам кетиб бўлди. Али ўрнидан турди ва почтага қараб таъзим қилди-да, орқага қайтиб кетди.

— Ия, бу жинними? — деб сўради почта мудирини.

— Қим, жаноб? Алими! Ҳа бобужий. Қишни қиш, ёзни ёз демай беш йилдан бери хат сўраб келгани-келган. Эҳтимол унинг хати бир куни келиб қолар, — деб жавоб берди клерк.



— Одамларнинг бошқа иши йўқми? Ҳар доим ким хат ёзади?

— Бобужий, ақли кирди-чиқди бўлиб қолган. Бу олдин жуда ёмон ишлар қилган. Бир мартаба қандайдир бир зиёратгоҳда гуноҳ қилиб қўйган. Оқибатда жинни бўлиб қолди,— деди почтачи.

— Жиннилар хўп қизиқ бўлади-да!

— Ҳа, жаноб, Аҳмадობодда бир жиннини кўрганман. Эрта-ю кеч ҳаммомпиш ўйнаш билан овора эди. Бўлак ҳеч нима қилмас эди. Бир жиннининг одати, кунда кечқурун дарё лабига бориб, тошга сув қуйиш эди.

— Ҳа, мен ҳам кўрганман: бир жиннининг бўлса, эртаю-кеч у ёқдан-бу ёққа юриш одати бор эди. Яна битта жинни ҳадеб битта ашулани қайтаргани-қайтарган эди. Яна биттаси ўзини-ўзи урарди-да, бошқа биров уряпти деб йиғлагани турарди.

Почтадагиларнинг ҳар бири жиннилар ҳақида ҳикоя айта бошлади. Ичкиликка берилиб кетган кишилардай, бутун хизматчиларга ҳам шунга ўхшаш биронта арзимаган гапни ушлаб олиб, беш-ўн минут чақчақлашиш, кўнгил очиш ва роҳат қилиш одат бўлиб қолган эди.

Охири почта мудирини ўрнидан турди ва кета туриб, «Бу жинниларнинг ҳам ғалати табиати бўлади. Булар бизларни жинни деб ўйласа керак. Гоҳида кўзлари шоирларнинг кўзига ўхшайди», деб хайрлаша бошлади. Бир клерк вақтни ғанимат билиб гоҳи-гоҳида хушсуханлик қилиб турарди. Шунинг учун ҳамма унинг қитиғига тегиб ўйнардди. Почта мудирини ҳам охириги сўзини кулиб туриб унга ишора қилиб айтган эди. Почта мудирини аввалгидай жим ўтирганича қолди.

Бир сидрасига кекса Али икки-уч кун почтага келмай қўйди. Почтада унинг дилидагини билувчи ва чин кўнгилдан ҳамдардлик қилувчи биронта одам йўқ эди. Лекин унинг нима учун келмаётганига ҳамма ҳайрон эди. Ахийри Али келди. Бугун у ҳансирар ва юзида умр заволи акс этиб турар эди.

— Бобу соҳиб. Марямимдан биронта хат-хабар келдими?— деб сўради Али, бетоқатлик билан почта мудириндан.

Почта мудирини шу кунни жуда шошилинич қишлоққа кетаётган эди. Унинг хаёли жойида эмас ва бу саволга жавоб беришга тоқати ҳам йўқ эди.

— Билмайман. Ўзингиз кимсиз?

— Менинг отим Али.

— Яхши. Нима, Марямнингизнинг номини ҳеч ким ёзиб қўймаганми?

— Ўзлари ёзиб қўймадиларми, соҳиб? Эҳтимол бир куни хат келиб қолар... Лекин мен у вақтда тирик бўлмайман... Унда афсусланишнинг фойдаси бўлмай қолади, — деди Али.

Ўз ҳаётининг тўртдан учини овчилик билан ўтказган Али Марям номининг ўз отасидан бўлак кишига ҳеч қандай қиймати йўқлигини қаердан билсин!

— Жинни бўлиб қолганмисан ўзинг? Жўна бу ердан. Хат келса сенга беришади, биров еб қўярмиди, — деб бақириб берди почта мудирини.

Почта мудирини тезлик билан чиқиб кетди. Али аста-секин юриб ташқарига чиқди. Ташқарига чиқаркан, қайрилиб яна бир бор почта тарафга қаради. Бугун унинг кўзларидан етимлик ёшлари тўкилар эди. Умид бор эдику, аммо сабр косаси лиммо-лим тўлган эди. Энди Марямнинг хатини қандай қилиб олади? Орқасидан бир клеркнинг келаётганини кўриб қолди.

— Бҳайиё, — деди Али у томон қайрилиб.

Клерк сесканиб тушди. У анча кўнгиачан одам эди.

— Нима дейсиз?

— Қаранг, мендаги нарсани бир кўринг... — У ёнидан бир замонлардан қолган бешта тилла танга олди.

Клеркни қалтироқ босди.

— Қўрқманг! Қатта хизмат эвазига мана шу сизга. Энди булар менга керак эмас. Лекин бир иш қиласизми?

— Нима?..

— Ҳув, тепада нима бор? — деди Али бепоён осмонга қўлини ниқтаб.

— Осмон.

— Тепада худо бор. Оллоҳни ўртага солиб шу пулларни сизга бераман, шартим — Марямнинг хати келса менга етказиб берасиз.

Клерк ҳайронликдан қотиб қолган эди.

— Қаёққа? Қаёққа олиб бораман? — деб сўради у.

— Гўримга!

— А?!

— Ҳақ гапни айтяпман. Бугун охирги куним. Охирги! Марямни кўрмадим. Хатини олмадим.

Алининг кўзларида бир нашъа бор эди. Қлерк аста-секин қадам босиб ундан узоқлашди. Унинг чўнтагида учта тилла танга ётарди.

Шундан кейин Али ҳеч ҳам кўринмади. Уни эслаш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмади. Бир куни почта мудирини озроқ хафақон кўринди. Унинг ватанидаги қизи касал эди. Қизининг соғлиги ҳақида хабар кутиб, ғамгин ҳолда ўтирарди.

Почта келди. Хатлар уюлиб ётарди. У бир хатни ўзимники деб ўйлаб тезлик билан кўлига олди. Лекин конверт устига «Кўчвон Али бобо» деб ёзиб қўйилган эди. У яшин ургандай хатни отиб юборди. Гўё унинг қалбини ғам ва ташвиш қамраб олган эди. Бир неча дақиқага хўжайинлик хатти-ҳаракати йўқолиб, инсонлик хислатлари юзага қайнаб чиқди. У Бирданига бу хат ўша чолники эканини эслади. Эҳтимол қизи Марям юборгандир?

— Лакшмий Дос!— деб чақирди почта мудирини.

Лакшмий Дос ўша куни Али пул берган киши эди.

— Лаббай, буюрсинлар.

— Ҳалиги сизнинг Кўчвон Али бобонгиз ҳозир қаерда?

— Суриштириб кўраман.

Ўша куни почта мудирини қизининг соғлиги ҳақида хабар ололмай, бугун тунни қизини ўйлаб ўтказди. Эртасига эрта саҳарда — соат учда идорада ўтирарди. Бугун унинг, «Соат тўртда Али келади ва мен ўз кўлим билан унга бу хатни берман», деган умиди бор эди.

Почта мудирини Али бобонинг аҳволини энди тушунди. Бугун кечани эрталаб қизидан келадиган хатни ўйлаш билан ўтказди. Бугун унинг дилида биринчи мартаба беш йилдан бери худди ана шундай узун кечаларни ўтказиб келувчи кишига нисбатан ҳамдардлик шуъласи яллиғланди. Худди соат бешда кимдир эшикни тақиллатди. Почтачилар ҳали ҳам келишмаган эди. Лекин унга Али эшикни тақиллатаётгандай туюлди. У ўрнидан турди. Бугун у, оталик дардини ҳис этиб, эшикни очди.

— Қиринг, Али бҳойи. Мана бу сизнинг хатингиз.

Остонада ҳассага суянган, букчайган, мусибатзада бир чол турар эди. Кўз ёшининг охириги томчилари шундай юзларида тизилиб, юзини ажин қоплаб олган эди.

У почта мудирига қаради. Почта мудирлари бир сесканиб тушди. Чолнинг кўзларида инсонлик гурури чақнар эди.

— Ким дедингиз, Бобужий? Али дедингизми?— деб Лакшмий Дос эшик олдига келиб турди. Почта мудирлари унга эътибор бермай, фақат эшик томон қарарди. Аммо у ерда ҳеч ким кўринмас эди. Ҳайратдан кўзларини катта очганича кўчага қаради. Бироқ у ерда ҳеч зог йўқ эди. Бу нимаси?

У қайрилиб Лакшмий Досга жавоб берди.

— Ҳа, Али бобо дедим! Сиз кимсиз?

— Жаноб, Али бобо ўлибди. Хатини менга бераверинг.

— Қачон ўлибди? Ростданмиқан, Лакшмий Дос?

— Ҳа, ўлганига уч ойча бўлган,— деб жавоб берди рўпарадан келаётган бир почтачи.

Почта мудирлари ҳайрон бўлиб қолди. Марямнинг хати ҳали ҳам остонада ётарди. Унинг кўз олдида Алининг сиймоси гавдаланди. Лакшмий Дос охири куни бобо билан қандай учрашганлигини ҳам айтиб берди. Почта мудирининг қулоғида эшик тақиллаши ва кўз олдида Али сиймоси келиб, туриб қолди. Уни ваҳима босиб кетди. «Мен ҳозир Алини кўрдим,— деди.— Наҳотки, арвоқ бўлса, ёки Лакшмий Досмикин?»

Яна кундалик иш бошланди: полиция комиссари... назоратчи... кутубхоначи... Хат хилловчи хатларни тез-тез ташларди. Бироқ почта мудирлари ҳар бир хатга гўё унинг жони бордек диққат билан қарар эди. «Тўрт пайсали конверт, икки пайсали марка» деган хаёлни унутган эди. Борингки Шарқий Африкадан, бир бева хотиннинг ёлғиз ўғлидан хат келсин, хўш бундан нима фойда? Почта мудирлари жуда жиддий бўлиб қолган эди.

Уша куни кечқурун Лакшмий Дос ва почта мудирлари битта-битта қадам ташлаб Алининг қабрига қараб боришарди. Марямнинг хати қўлларида эди. Хатни қабрига қўйишиб, бирга орқага қайтишди.

— Лакшмий Дос! Бугун эрталаб сиз ҳаммадан олдин келдингизми?

— Ҳа, тақсир.

— Сиз Али бобо дедингизми?..


— Ҳа, тақсир.

— Ундай бўлса... ундай бўлса... мен ўйлабманки...


— Нима!

— Ҳа, дуруст. Ҳеч нима эмас,— деди почта мудир  
тезда гапни бошқа ёққа буриб.

Почта олдидаги скамейкага етиб келишгач, почта  
мудир Лакшмий Дос билан хайрлашди-да, бу ишларни  
ўйлаганича ичкарига қараб юрди. Аввал унинг юраги  
Алини тушуна олмаган экан. Энди унга ачинар эди.  
Бугун ҳам шу вақтга қадар қизининг саломатлиги ҳа-  
қида хат-хабар келмади. Шу сабабли кечани қизи ҳақи-  
даги ўйлар билан ўтказди. Ҳайрат, алам ва қайғу оло-  
вида ёниб, ўз хонасида ўтирар эди. Яқинида турган печ-  
кадан ўтнинг бўш тафти ура бошлаган эди.







ДЕШ ЧИТРКОР




देश चित्रकार



دیش چترکار  
محلہ







## ҚАЛБ ЯРАСИ



октор, қаранг, пешонангиздаги яра каттароқ бұлиб қолибди. Нега даволамайсиз?— деб му- рожаат қилди Дҳарамдос.

— Э, сен ҳам шуни сўрадинг,— деди док- тор Қишўр.— Ҳар бир фельдшерга бу қанақа яра, нима учун мен уни даволамаслигимни тушунтириш- га тўғри келади, Дҳарамдос, мен ахир докторман, бош- қаларнинг касалини даволай оламан, лекин бўзчи белбоқ- қа ёлчимас, кулол мўндида сув ичади, деганларидек ўзимнинг ярамга малҳам топишим жуда қийин.

— Ярангизни даволаганингизни ҳеч қачон кўрмаган эдим, ахир.

— Даволашми...

Доктор Қишўрнинг чеҳрасида изтиробли бир табас- сум пайдо бўлди.

— Дҳарамдос, мен бу ярани даволайвериб чарчадим, мен...

Доктор ўз сўзини тамомламасдан, қаттиқ ҳаяжонла- ман бир киши дорихонага кириб келиб:

— Салом, доктор,— деди.

— Салом, сетхжий,— деб жавоб берди доктор.— Марҳамат, ўтиринг. Хизмат?

— Нима десам бўлади, доктор? Кенжа ўғлим ўйнаб юриб, тасодифан ҳушидан кетиб қолди. Икки соатдан бери сув ургандай жим, гапиролмай ётибди, қўрққанымдан ўзимни йўқотиб қўйдим. Бир бориб кўрсангиз...

Шу вақт дорихонага ўн беш-ўн олти ёшлар чамасидаги бир гадоё қиз йиғлаб кириб келди.

— Доктор жаноблари, доктор жаноблари, менга қулоқ солинг, доктор жаноблари!

Доктор ҳайрон бўлиб:

— Нима бўлди?— деб сўради.

— Онам тилсиз бўлиб, бир соатдан бери ҳушсиз ётибдилар. Бир неча докторнинг олдига бордим, ялиниб-ёлвордим, аммо уларнинг биттаси ҳам боришни истамасди,— деди қиз.— Доктор жаноблари, сиздан илтимос қиламан... йўқ, ўтиниб сўрайман, ёрдам беринг! Онам ўлиб қоладилар!

— Қизим, кўп ташвишланма,— деди доктор қизга тасалли бериб.— Юр, ойингни бориб кўрамыз. Ҳа, ҳа, юр, мен билан юр. Дўҳарамдос, сен менга дорилар солинган чамадонни бериб, ўзинг дорихонага қараб тур. Хўп, юр, қизим.

— Доктор жаноблари,— деди ёлвориб сетхжий,— менинг ўғлимни нима қиласиз? Оғзингизга сиққангани олинг.

— Сетхжий, мен учун пулдан кўра бир камбағалнинг ҳаётини сақлаб қолиш қимматроқ. Мен бу қизнинг онасини кўраман-у, қайтаман,— деб доктор ташқари чиқди.

— Доктор жаноблари, бир оз шошманг, уйнинг ичи қоронғи. Мен ҳозир жинчироқ ёқай,— деди қиз ўз кулбаси олдида тўхтаб.

Доктор ташқарида қолди, қиз эса ичкарига кириб кетди. Бир минутдан сўнг кулбанинг ичида жинчироқ ёниб, атрофга хира нуруни сочди. Доктор узоқдан уйнинг бир бурчагида чорпояда бемор хотин ётганини кўрди. Қиз чиқиб, уни ичкарига таклиф қилди. Доктор беморнинг аҳволини билиш учун унинг юзидан кўрпани тортди-ю, даҳшатга тушиб, беихтиёр орқага тисланди.

Унинг ёнида турган қиз ҳаяжон билан сўради:

— Доктор жаноблари, онамнинг аҳволлари қандай?!

Доктор жавоб бермади, гўё у қизнинг саволини эшитмагандай эди.

— Доктор жаноблари, нега индамайсиз. Онамнинг аҳволлари қандай?— деб яна сўради қиз ва докторнинг оёқларини қучди.

Доктор буни сезиб, ўзига келгандай бўлди-да, қизни кўтараркан:

— Қизим, кўп хавотир бўлаверма, ҳозир онанг яхши бўлиб қолади,— деди ва чемодандан шприц олиб, касалнинг қўлига укол юборди.

Касалнинг бошига кўрпани тортиб қўяр экан, доктор сўради:

— Бу ерда бир ўзларингиз турасизларми?

— Ҳа, бир ўзимиз.

— Отанг қаерда?

— Билмайман, жаноб доктор, мен уларни кўрган эмасман.— Қизнинг кўзи жиқ ёшга тўлди.— Онамнинг айтишларича, мен туғилмасимданоқ отам ўлиб кетган эканлар.

— Мен борай,— деди доктор. Унинг сўзларидан қандайдир қайғу сезилиб турарди.

— Доктор жаноблари, шошмай туринг. Онам ўзларига келсинлар. Сизга бирор нарса берармидилар.

Доктор қизнинг бошини силаркан:

— Менга ҳақ керак эмас, сен буни ўйлама,— деди.

— Доктор жаноблари, бир дамгина шошмай туринг,— деди қиз ёлвориб.— Онам ҳеч бўлмаса хизматингиз учун раҳмат айтарлар.

— Йўқ, қизим, онанг менинг маккор юзимни кўриши билан яна ҳушидан кетиб қолади.

Бу сўзларни эшитган соддадил қиз, жуда ҳам таажжубланди. У кўзларини катта очиб доктор Кишўрга узоқ тикилиб қолди, доктор эса қимир этмасдан юзи ёпиқ касалга тикилиб турар эди.

— Хўп, мен кетай,— деди доктор бирдан.

Қиз бу олижаноб одамнинг қораси тун қоронғилигида бутунлай ғойиб бўлиб кетмагунча, унинг орқасидан индамай қараб турди.

Доктор дорихонага қайтиб келди. У жуда мамнун ва шод кўринарди. Дҳарамдос уни узоқдан кўриб, таажжубда қолди:

Доктор дорихонага кириб:

— Дҳарамдос, ярани боғлаш учун бинт ҳозирла,— деди-да, ўзи чамадондан бир шиша дори олиб, стол устига қўйди.

Дҳарамдос ҳайрон бўлди, чунки дорихонада ярасини боғлашга муҳтож бўлган ҳеч кимса йўқ эди. «Кимга бинт керак бўлиб қолди экан?» деб ўйлаб қолди у.

— Жаноб доктор, бу ерда бирор ери яраланган ҳеч ким йўқ-ку, бинт кимга керак бўлади?

— Менинг ярамни эсингдан чиқардингми?

— Ҳа, ҳа! Э-э, пешонагиз! Кечирасиз, ҳақиқатда ҳам эсимдан чиқарибман. Нимага қўққисдан бу ярани боғлагингиз келиб қолганига тушунолмаи турибман!

— Шундай экан, Дҳарамдос, қулоқ сол, мен сенга бу яранинг тарихини айтиб берай.

Дҳарамдос докторнинг ярасига тикилиб қолди.

— Бундан ўн беш йил аввал менинг дорихонамда мана шу бугунгидай бир ҳодиса юз берган эди десам, балки ишонмасан,— деди доктор.— Худди шу бугунгига ўхшаб, ёшгина бир гадоё қиз ҳовлиқиб дорихонага кириб келди. У ҳам йиғлаб туриб: «Жаноб доктор, онам қаттиқ касаллар, беҳуш ётибдилар» деди. Ҳа, Дҳарамдос, гадоё қиз ёш эди. Унинг юзида гўзаллик ва ёшлик барқ уриб турар, кимнингдир қўпол қўли қиммат баҳо бир гавҳарни лойга улоқтиргандай эди. Юрагим қинидан чиқаёзди... Дҳарамдос, муҳтож одам ҳар бир нарсага чидаркан, лекин унинг номусига сал бўлса ҳам тажовуз қилсанг, бунга чидаёлмаскан. Қиз кўзларимда пайдо бўлган шаҳвоний ҳисни дарҳол сездим. У ғазабдан ўзини йўқотиб қўйди ва столда турган шишалардан бирини олиб, пешонамга қараб отди. Мана, сен кўриб турган яра ўша қиз отган шишанинг зарбидан пайдо бўлган.

Доктор бир оз жим қолди.

— Шундан кейин менинг ваҳшийлигим яна ҳам ошди,— деб яна сўзида давом этди доктор.— Мен полициячини чақириб, қизни полиция маҳкамасига юбордим. Бечора қизнинг биттаю битта онаси касал ётганидан унга ҳеч ким ёрдам бера олмасди. Бунинг устига мен ҳам жим турмадим. Қиз бир йил қамоққа ҳукм қилинди. Эҳ, Дҳарамдос, биласанми, бу қизнинг онаси касалдан, йўқ, йўқ, кўпроқ бахтсиз қизига куйиб, азоб ва уқубатда ўлгандан кейин менинг кўзларим мошдай очилди. Гуноҳларим устига яна бир гуноҳ қўшилди. Уф! Қизи қа-

моқда, онаси эса ўлар чоғида нуридийдаси, жаҳонда як-каю ягона қизини бир лаҳза бўлса ҳам кўра олмади. Ярани даволашни давом этдирсам ҳам, виждон азобидан ўзимни қаерга қўйишимни билмас эдим. Лекин, Дҳарамдос, ишонасанми, бу ярага қўйилган минглаб доридармонлардан озгина бўлса ҳам фойда кўрмадим. Иккита гуноҳсиз қалбнинг оҳи-зори ярага ништардек ботиб тургандан кейин, қандай қилиб тузаларди, дейсан? Дорилардан бирор наф кўрмаганимдан сўнг ярани ўз ҳолига қўйиб қўйдим. Бир кун келарки, жафокаш қалбларнинг оҳи-зори тинар деб ўйладим. Мана шу кундан бошлаб, камбағал, ожиз кишиларга бор кучим билан хизмат қиламан, деб қасам ичдим. Мен бугун худди ўша гадей қизни кўрдим. Мени чақиргани келган бу қиз унинг қизи бўлса керак. Мен бугун унинг оғриғини босдим, худога шукур, дардига малҳам қўйиб, ҳамдард бўлдим. Шу бугундан у мени чин қалбидан дуо қила бошлайди, бу эса менинг ярамга малҳам бўлади. Мен бунга фақат умид боғламай, чин қалбимдан ишонаман ҳам. Дҳарамдос, бу яра расмий яра эмас, балки қалб яраси эди, уни қизил, сариқ сувлар даволай олармиди... Сувни тезроқ қайнатсанг-чи, Дҳарамдос.

— Хўп, ҳозир,— деди Дҳарамдос ва тезда примус ёқа бошлади.



## ИЗОҲЛАР

«Анжумани Худдомул муслимин»— Ҳиндистон мусулмон арбоблари жамияти.

А н к л — Инглизчасига «амаки» демакдир.

А н н а — Майда чақа пул. Бир рупиянинг ўн олтидан бир қисми.

А т ҳ а н н и й — Саккиз анналик танга пул.

А ч а р — Зиравор ва сиркада ўлдирилган сабзавот.

А ч ч ҳ у т — Тоифага кирмай қолган, ҳаммоллик, юк ташувчилик ва шунга ўхшаш қора ишлар билан шуғулланувчи кишиларни Ҳиндистонда аччҳут, яъни таҳқирланган дейдилар. Улардан юқори тоифадаги кишилар ҳазар қиладилар.

Б а й с о к ҳ — Ҳинд календарининг биринчи оyi. Бизнинг апрель—май ойларига тўғри келади.

Б а н г а л а — Катта боғли ҳовли. Кўпинча шаҳар ташқарисида бўлади.

Б а н и я — Баққол, дўкондор, савдогар, судхўр.

Б а р а ҳ м а н — Ҳиндуларнинг энг юқори тоифаси. Ҳинду дини руҳонийси.

Б а р с о т — Емғирлар мавсуми.

Б а ҳ у — Қелин, отин, опа.

Б е г у м — Хоним, бека.

Б и л л а — Тамға. Миллий конгресс аъзолари одатда Конгресс тамғасини тақиб юрганлар.

Б и г ҳ — Ер ўлчови бирлиги. Чорак гектарга тўғри келади.

Б о б у — Жаноб, муҳтарам; кўпинча ўқимишли кишиларга ва идора хизматчиларига нисбатан ишлатилади.

Б о б о — Бобо; эркалатиб айтилган «отам» сўзига тўғри келади.

Б о й и — Бека, жаноба, хоним.

Б о ж р а — Ҳиндистон тариғининг бир тури.

Б р и ж — Карта ўйинига ўхшаш ўйин.

Б р э н д и — Коньяк, виски, ароқ.

Б ў р д — Комиссия, идора; департамент, министрлик.

Б ҳ а г в о н — Худо, тангри; машхўр, донгдор, муҳтарам.

Б ҳ а й и ё — Ака, акажон,

Б ҳ о б и й — Қеннойи, келин.

Б а ҳ о й и — Ака, ука, биродар, оғайни.

Б ҳ о р а т — Ҳиндий тилида Ҳиндистон демакдир.

Б ҳ о т — Қайнатилган гуруч.

Ваҳгуру — Сикҳлар худоси.

Гауришанкар — Ҳимолай тоғи чўққиларидан бири.  
Гужарот — Ҳиндистоннинг бир вилояти ва унда яшовчи халқ.  
Гурмуқҳи — Панжобий тили ёзуви.  
«Грин» — Бомбайдаги меҳмонхона.

Даванний — Икки анналик танга; саққиздан бир рупия.  
Дарлинг — Инглизчасига жоним, азизим, демакдир.  
Девар — Қайноға, қайини.  
Девий — Муҳтарам бека, ҳурматли хоним; луғавий маъноси: ҳурматли маъбуда.  
Девий — Маъбуда; жаноба, бека.  
Денгизчилариш ташлаши — Бунда 1946 йили бошланган Ҳиндистон ҳарбий-денгиз флотидаги денгизчиларнинг инглиз мустамлака тузумига қарши қўзғолони кўзда тутилади.  
Дўпатта — Аёллар ёпинчиғи, рўмол.  
Дҳеркот — Ҳиндистондаги бир қишлоқ номи.  
Дҳўбий — Қир юувчи; (Ҳиндистонда қир юувчиларнинг кўпчилиги эркақлардир).  
Дҳўтий — Эркақлар лозим ўрнига белидан тиззасигача ўрайдиган мата; лунги.

Жайн — Ҳиндупарастликка ўхшаш жайнпарастлик динидаги киши.  
«Жай Ҳинд» — Яшасин Ҳиндистон! (Ҳинд халқининг девизидир).  
Жий — Луғавий маъноси: жон, дил, юрак; мажозий: сўз кетидан келадиган қўшимча бўлиб, ҳурматни билдиради, яъни муҳтарам, азиз ва ҳоказо.  
Жотий — Деҳқончилик билан шуғулланувчи тоифа.  
Жҳўлий — Конгрессчилар осиб юрадиган сумка.

Заминдор — Катта ер эгаси, бой.

Исмаат Чигатой — Урду тилида ижод қилувчи машҳур ёзувчи аёл.

Конгресс — 1885 йили ташкил топган Ҳиндистон Миллий конгресси. Ҳозир конгресс Ҳиндистон республикасининг етакчи партияси.  
Конгрессчи — Ҳиндистон Миллий конгресси аъзоси, тарафдори.  
Корт — Теннис майдончаси.  
Кочҳа — Белбоғ.  
Крия карма — Ҳинду динидагиларнинг дафн маросими.  
Кўҳор — Замбил, тахтиравон кўтарувчи ҳаммоллар тоифаси.  
Кўҳоле — Ҳиндистондаги кичик дарё.

К ҳ а д д а р — Уйда тўқилган мато, бўз, қалами ва ҳоказо.  
К ҳ и р п и й — Кетмонча, белкурак.

Л а д д у — Юмалоқ ширин сомса.

Л а к ш м и й — Ҳинду ривоятда саодат ва ҳусн маъбудаси — ифбатлилик тимсоли.

Л и г а — Ҳиндистон мусулмонлари лигаси.

Л о л а — Жаноб, тақсир, савдогар ё банкир.

М а й д а р л и н г — Инглизчасига: жоним, азизим.

М а н д а п — Ибодатхона; шийпон.

М а н д и р — Ҳинду ибодатхонаси.

М а р а ҳ т и й — Жанубий Ҳиндистонда яшовчи халқ. Бу халқ азалдан жангарилиги билан машҳурдир.

М а с а ҳ р и — Ҳарир шоҳидан қилинган пашшахона.

М а с с у р и — Ҳиндистоннинг машҳур курорти.

М а ҳ о р о ж — Улуғ подшоҳ. Бараҳманларга ҳурмат юзасидан ҳам ишлатилади.

М а ҳ о ш я — Азиз, улуғ, қадрдон.

М е т р и к — Урта мактаб.

М е ҳ д и — Хинанинг бир тури. Ҳиндистонда аёллар кафтларига, оёқларига қўядилар. Эркаклар эса, соч-соқолини бўйдиладар.

М и л — Узунлик ўлчови.

М и л л и й к о н г р е с с — (Қаранг, конгресс!)

М и с с — Қизларнинг номи олдига қўшиб айтиладиган сўз (инглизча).

М и с с и с — Хотинларнинг номи олдига қўшиб айтиладиган сўз (инглизча).

М о г ҳ — Ҳинд календарининг ўн биринчи ойи (январь-февраль).

М у с л и м л и г — 1906 йилда ташкил топган мусулмонлар сиёсий ташкилоти.

М у с у л м о н д а р л и г а с и — (Қаранг, Муслим лиг)

М э м с о ҳ и б а — Соҳибнинг рафиқаси, бека.

Н а м б а р д о р — Қишлоқ оқсоқоли.

Н е т у — Ғариб, гадо, қашшоқ.

П а й с а — Чақа пул, бир рупиянинг  $\frac{1}{64}$  қисмига тўғри келади.

П а н д и т — Олим ҳинду, олим бараҳман, пандит.

П а о — Чорак сер; бир сер тахминан 900 грамм.

П о н — Барглари хуштаъм ва тахир ўсимлик. Бу баргларга ўчган оҳак ва хушбўй зираворлар ўраб чайналади.

П о р с и — Асли эронлик, Ҳиндистонга келиб қолган оташпарастлар.

П о я л — Оёққа тақиладиган безак.

П ў т е т ў к и н г — «Картошкалар шоҳи», яъни картошка билан йирик савдо қилувчи коммёрсант (инглизча).

П ҳ а н — кўзойнакли заҳарли илоннинг бўйнидаги қулоқлари; илоннинг ғазаби келганда ё ҳамла қилмоқчи бўлганида бошини ердан даст кўтариб, шу қулоқларини ёзиб, диккайтиради.

П ҳ о в а р а — Кетмонга ўхшаш асбоб.



**Расгулла** — Қатикдан қилинган ширин овқат.  
**Рожпут** — Ҳиндистоннинг марказидаги Рожпутана штати аҳолиси.  
**Рома** — «Ромаяна» деган қадимий ҳинд эпик достонининг қаҳрамони. Ҳиндистонда тангри Вишнунинг бир сифати ҳисобланади.  
**Ром, Ром!** — «Е худо», «Тавба, тавба!» деган ҳаяжонни билдиради. Ҳинду динидагиларнинг саломи.  
**Рупия** — Ҳиндистоннинг асосий пул бирлиги. (Ҳиндистон рупияси 84 тийинга тўғри келади).

**Самбалу** — Тропик мева.  
**Сарангй** — Гижжакка ўхшаган ҳинд миллий чолғу асбоби.  
**Саркор** — Жаноб, тақсир, хўжайин; ҳукумат, давлат.  
**Сарҳад** — Чегара. Сарҳад деб Чегара вилоятини ҳам айтадилар.  
**Сатяграҳ** — Луғавий маъноси: «ҳақиқатда маҳкам туриб олиш». Маҳотма Гандий томонидан уюштирилган кампания. Куч ишлатмай инглизларнинг ҳар қандай фармонларидан бўйин товлаш кампанияси.  
**Сатри акал** — Панжобчасига «Салом!» дегани.  
**Свадешни** — Чет эл молларига бойқот қилиб, маҳаллий саноатни қўллаб-қувватлаш ҳаракати.  
**Сетор** — Етти торли чолғу асбоби.  
**Сетҳ** — Йирик савдогар, банкир.  
**Сивил сервис** — Граждан хизмати (инглизча).  
**Сикҳ** — Сикҳ динидаги Панжоб аҳолиси.  
**Солан** Турли хушбўй кўкатлардан қилинган қайла.  
**Сорий** — Ҳинд аёллари бошидан-оёқ ўраб оладиган мато.  
**Соҳиб** — Жаноб, хўжайин (аксар европаликларни соҳиб дейдилар).  
**Таҳмад** — Белга ўраладиган мато; дхўтийнинг иккинчи тури.  
**Таҳсилдор** — Район маъмурияти бошлиғи, раиси; солиқ йиғувчи.  
**Таҳқирланганлар** (Аччхут) — Аввалги Ҳиндистон аҳолисининг энг мазлум табақаси; «Таҳқирланганлар» деб ўз тоифасидан ажралиб қолган ҳиндуларни айтадилар. Энг қуйи тоифа кишилари. ҳам улардан ва улар теккан нарсадан ҳазар қилади.  
**Тисморхон** — Луғавий маъноси: «ўттизини ўлдирган»; афсоналарга кўра, бир мартада ўттизта пашша ўлдирган ва «Ўттизини бир уришда ўлдирдим» деб мақтанганида, кишилар ўттиз душманни ўлдирбди, деб ўйлаб уни баҳодир ҳисоблай бошлаганлар); Ўзининг чечанлиги ва мақтанчоқлиги билан машҳур латифалар қаҳрамони.  
**«Тож»** — Бомбай шаҳридаги ҳашаматли меҳмонхонанинг номи.  
**Тонга** — Икки ғилдиракли арава.  
**Трери** — Тропик мева.  
**Туғилиш** (карма) — Ҳиндуларнинг диний эътиқодига кўра, одам ўлгандан кейин унинг руҳи бошқа бир одамга, махлуққа, ҳатто ўсимликка ўтади. Одам ўз ҳаётида тақдирини ўзгартиш-

га қодир эмас. Агар «ўз ҳаёти» да бахтсиз бўлса, демак, «илгариги ҳаёти» да гуноҳ қилган экан. Агар бахтли бўлса, руҳ унинг илгариги шаклланишида савоб иш қилган экан, дейлади.

Т ҳ а н е д о р — Полиция участкаси бошлиғи.  
Т ҳ о л и — Ликоп, лаганча.

У р д у — Ҳиндистон ва Покистонда кенг тарқалган адабий тиллардан бири. Ҳозирги вақтда Покистоннинг давлат тили.

«У ч б е з о р и» — Кришан Чандр бу ҳикоясини Ҳиндистонда инглиз империалистларининг мустамлака ҳукмронлигига қарши миллий-озодлик кураши авжига чиққан 1946 йил воқиялари асосида ёзган.

Ф а с о д — 1947 йил Ҳиндистоннинг икки мамлакатга, яъни Бҳорат (Ҳиндистон) ва Покистонга тақсим қилишда инглизлар қўли билан бошланган ҳинду-мусулмон қирғини.  
Фасодчи — шу қирғин иштирокчиси.

Х о н с о ҳ и б — Хўжайин, жаноб, молик.

Ч а в а н н и й — Тўрт анналик танга пул. I рупиянинг чорағи.

Ч а м м о р — Этикдўз, кўнчи; кўнчи ва этикдўзлар тоифаси. Бу тоифа қуйи тоифа ҳисобланади.

Ч а н а — Майда нўҳат, мош.

Ч и ф а т о й — Ҳозирги Ҳиндистоннинг машҳур ва атоқли расоми.

Ч о д р а — Юзга ташланадиган рўмол; чиммат, парда.

Ч ҳ а ж а н — Ҳинд миллий чолғу асбоби.

Ш е к - ҳ е н д — Қўл бериб кўришиш (инглизча).

Ш и р в о н и й — Узун ва кенг эркаклар авра-астар тўни.

«Ш о н т и н и к е т о н» — Буюк ҳинд классик ёзувчиси ва мутафаккири. Рабиндранат Тагор асос солган ўқув юрти. Сўзма-сўз: «Тинчлик ибодатхонаси».

Ш о ҳ ж а ҳ о н — (Заҳриддин Бобир авлоди) сеvimли хотини Мумтоз Маҳал ўлгандан кейин унга бағишлаб Агра шаҳрида ҳинд сангтарошлик санъатининг дурдонаси саналмиш Тож Маҳал мақбараси қурдирган.

Ш р и м а т и й — Хотин, аёл.

У р ҳ н и й — Аёллар ёпинғичи, чодра.

«Э й р И н д и а И н т е р н е й ш н а л» — «Ҳиндистон ҳалқаро ҳаво йўли» компаниясининг номи.

Ҳавдуюду — Инглизча: салом!

Ҳарижан — Энг қуйи тоифа.

Ҳартол — Лугавий маъноси: «дўконларни беркитиш»; ҳар қандай намоёншкорона иш ташлашни ҳам ҳартол дейдилар.

Ҳиндий — Ҳиндистонда кенг тарқалган тил. Ҳозир Ҳиндистоннинг давлат тили ҳисобланади.

Ҳиндустоний — Марказий ва Шимолий Ҳиндистон ҳамда Покистонда кенг тарқалган тил. Урду билан ҳиндий тили шу тилнинг икки адабий шакли ҳисобланади.

Ҳузур — Тақсир, ҳазратлари, жаноблари.

Ҳўлий — Баҳор байрами. Тангри Кришна ва унинг маъшуқаси подачи қиз Радҳа шарафига бағишланган байрам. Бу байрам ҳинд календари бўйича ўн иккинчи ой ҳисобланади, пҳалгун ойининг тўлин ой кечасида бўлади. Шу кеча одамлар баҳор келишини шодлик билан қутлайдилар ва бир-бирларининг устига турли рангли сув ва хушбўй ҳидли нарсалар сепадилар.

Қатлиом — Ҳиндистоннинг Бҳорат (Ҳиндистон) ва Покистонга ажралиши вақтида бошланиб кетган умумий қирғин.

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши. Буянова А. П. . . . . . 5

### ПРЕМ ЧАНД

Вафодор хотин. Урду тилидан *Наби Муҳамедов* таржимаси 13  
 Охирги совға. Урду тилидан *Тоҳир Иброҳимов* ва *А. П. Буянова* таржимаси . . . . . 22  
 Чиллак ўйин. Урду тилидан *Рустам Комилов* таржимаси . 37

### МУЛК РОЖ ОНАНД

Номи қайд қилинмаган одам Инглизчадан *Аркадий Яқубов*  
 ва *Муртазо Ҳайдаров* таржимаси . . . . . 49

### КРИШАН ЧАНДР

Тўлин ой кечаси. Урду тилидан *Наби Муҳамедов* таржима-  
 си . . . . . 59  
 Уч безори. Урду тилидан *Зийнатилла Ашурбоев* таржимаси 70  
 Хусн ва Ҳайвон. Урду тилидан *Наби Муҳамедов* таржимаси 85  
 Дустимнинг ўғли. Урду тилидан *Зийнатилла Ашурбоев* тар-  
 жимаси . . . . . 100  
 Болалик. Ҳиндий тилидан *Аркадий Яқубов* таржимаси . . . 109  
 Бир дублёр қиз. Урду тилидан *Зийнатилла Ашурбоев* тар-  
 жимаси . . . . . 118

### ХУЖА АҲМАД АББОС

Қарор. Урду тилидан *Тоҳир Иброҳимов* ва *А. П. Буянова*  
 таржимаси . . . . . 133  
 Ишқ дейсизми? Ҳиндий тилидан *Раҳмонберди Муҳаммад-  
 жонов* таржимаси . . . . . 147  
 Мен кимман? Ҳиндий тилидан *Наби Муҳамедов* таржимаси 175  
 Ётиб қолган хат. Инглизчадан *Ғаффор Абдурашидов* таржи-  
 маси . . . . . 187

Я Ш ПО Л

Шоҳнинг одиллиги. Ҳиндий тилидан <i>М. Нишонова Ж. Болтабоев</i> таржимаси . . . . .	201
Кул босган чўғлар. Ҳиндий тилидан <i>Эркин Носиров</i> таржимаси . . . . .	206

РАЗИЯ САЖЖОД ЗАҲИР

Ўнг ёнбош. Ҳиндий тилидан <i>Зийнатилла Ашурбоев</i> таржимаси . . . . .	219
--	-----

АЛИ АББОС ҲУСАИНИЙ

Гадо. Урду тилидан <i>Раҳмонберди Муҳаммаджонов</i> таржимаси . . . . .	231
Дала. Урду тилидан <i>Раҳмонберди Муҳаммаджонов</i> таржимаси . . . . .	238
Автор. Урду тилидан <i>Раҳмонберди Муҳаммаджонов</i> таржимаси . . . . .	248

МУҲАММАД БАШИР

Тайгар. Урду тилидан <i>Раҳмонберди Муҳаммаджонов</i> таржимаси . . . . .	257
---	-----

КУМОР КАШВАЛ

Фаришта. Ҳиндий тилидан <i>М. Юсуфхўжаев</i> ва <i>Мадан Ҳардат</i> таржимаси . . . . .	267
Гирдоб. Ҳиндий тилидан <i>М. Юсуфхўжаев</i> ва <i>Мадан Ҳардат</i> таржимаси . . . . .	277

ДҲУМ КИТТУ

Почта. Урду тилидан <i>Тоҳир Иброҳимов</i> ва <i>А. П. Буянова</i> таржимаси . . . . .	285
--	-----

ДЕШ ЧИТРҚОР

Қалб яраси. Ҳиндий тилидан <i>М. Юсуфхўжаев</i> ва <i>Мадан Ҳардат</i> таржимаси . . . . .	297
Изоҳлар . . . . .	302

*На узбекском языке*

## РАССКАЗЫ ИНДИЙСКИХ ПИСАТЕЛЕЙ

Гослитиздат—УзССР,  
Ташкент—1958

Редактор *Н. Мухамедов*

Рисом *А. Ошейко*

Рисом редактор *Г. Остапенко*

Техн. редактор *Т. Скиба*

Корректор *Э. Сиддиқов*

\* \* \*

Теришга берилди 14/VII-1958г. Босишга рухсат этилди 11 IX-1958г. Формат 4×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма л. 9,75. Шартли босма л. 15,99. Нашр. л. 17,7. Тиражи 15000. Р6164. УзССР Давлат ба ний адабиёт нашриёти. Тошкент, Гаъвий 30, Шартнома № 224 57.

\* \* \*

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздатининг 1-босмахонаси, Тошкент, Ҳамза 21,  
Заказ № 322. Баҳоси 10 с. 85 т.